

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ  
МАЛАКА ОШИРИШ ИНСТИТУТИ**

**ТАЗИЙҚ ВА ЗЎРАВОНЛИКДАН ЖАБРЛАНГАН ХОТИН-ҚИЗЛАР  
БИЛАН ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИНИ АМАЛГА  
ОШИРИШ ФАОЛИЯТИ НОМЛИ**

**ДАРСЛИК**

ТОШКЕНТ – 2023

**Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириш институти  
Илмий кенгашида маъқулланган**

**МАСЪУЛ МУҲАРРИР:**

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириш институт бошлиғи,  
техника фанлари номзоди, доцент полковник **О.Т.Ахмедов**

**Илмий муҳаррир:**

Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги Университети  
профессори, ю.ф.н., профессор И.Исмоилов

**Тақризчилар:**

Оила ва хотин-қизлар қўмитаси раиси ўринbosари  
Фалсафа фанлари доктори, профессор Н.М.Ахмедова

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириш институт  
Махсус касбий фанлар кафедраси доценти, ю.ф.н., Ж.С.Мухторов

Малака ошириш институти бошлигининг  
биринчи ўринbosари полковник У.Э.Расулов

**Муаллифлар:**

**I-боб** ИИВ Малака ошириш институти Махсус касбий фанлар кафедраси бошлиғи с.ф.д.,  
доцент Ф.Ф.Хатамов ва катта ўқитувчи Ж.О.Кенжав;

**II-боб** ИИВ Малака ошириш институт Юридик кафедраси доценти ю.ф.н. Х.А.Тураббаев;

**III- боб** Оила ва хотин-қизлар қўмитаси филология фанлари доктори С.Т. Боймираева;

**IV-V боб** ИИВ Малака ошириш институт Махсус касбий фанлар кафедраси катта  
ўқитувчилари Т.Х.Ғозибеков, М.Х.Ачилов;

**VI -боб** ИИВ Малака ошириш институти Махсус касбий фанлар кафедраси катта ўқитувчиси  
И.Б.Ахмедов ва Махсус касбий фанлар кафедраси ўқитувчиси Х.Х.Хасилов;

**VII-VIII боб.** ИИВ Малака ошириш институти Махсус касбий фанлар кафедраси катта  
ўқитувчиси З.М.Алиева ва ИИВ Тиббиёт бошқармаси ходими М.Т.Ҳабибуллаева;

**IX -боб.** ИИВ Малака ошириш институти Махсус касбий фанлар кафедраси катта  
ўқитувчиси Қ.А.Юлдашев ва Ўқув-услубий бўлим катта ўқитувчи-методист Г.К.Абдуллаева;

**X - боб.** Махсус касбий фанлар кафедраси катта ўқитувчиси Ф.Ш.Хидиров ва Юридик  
фанлари кафедраси катта ўқитувчиси О.С.Субанов.

Дарсликда Тазиيқ ва зўравонликдан жабрланган хотин-қизларни аниқлаш ва уларга соғлом  
турмуш тарзини тадбиқ этишда кенг жамоатчилик вакиллари билан ҳамкорлиқда  
хуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш тартиби ва фаолияти, шунингдек, маҳалла  
хуқуқ-тартибот маскани ва таянч пункти профилактика инспекторлари ва хотин-қизлар  
масалалари бўйича катта инспекторлар ҳамда маҳаллалардаги хотин-қизлар бўйича мутахассислар  
томонидан нотинч оиласар, илгари судланганлар, спиртли ичимлик ҳамда гиёҳвандликка ружу  
қўйган, иш билан банд бўлмаган, мунтазам равишда оиласа турли хуқуқбузарликлар содир  
этაётган шахслар билан маҳалла, кенг жамоатчилик, соғлиқни сақлаш, бандликка кўмаклашиш ва  
бошқа идоралар билан ҳамкорлиқда хуқуқбузарликларнинг келиб чиқиши сабаблари, уларга  
имконият берадиган омилларни барвакт аниқлашнинг илмий таҳлили ва ҳар бир муаммони  
маҳалла ҳамда шахс кесимида ўз вақтида ҳал этиш билан боғлиқ профилактик чора-тадбирлар,  
шунингдек зўравонлик билан боғлиқ хорижий тажрибалар ва уларни миллий қонунчилиқда  
қўллаш оид масалалар таҳлил қилинган.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ таълим муассасаларининг тингловчиларига, профилактика  
(катта) инспекторлари ҳамда хотин-қизлар билан ишлаш фаолияти йўналишидаги барча ички  
ишлар органлари ходимларига ва бошқа жамоатчилик институтларига мўлжалланган.

**ББК 67.99 (5У) 8я73**

## КИРИШ

Бугунги кунда шиддат билан ўзгараётган жамиятда тинчлик ва осойишталикни таъминлаш, инсон ҳуқук ва эркинликларига сўзсиз риоя этилишини, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан янада ривожлантириш, аҳоли фаровонлигини юксалтириш, аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш хотин-қизларни тазийқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш борасида бир қатор норматив ҳуқуқий хужжатлар қабул қилинган.

### **«Хотин-қизларимиз зўравонлик ва зулм объекти бўлмасин» “Ҳеч қандай зўравонлик жазосиз қолмаслиги керак”**



**Саида Мирзиёева**

Ўзбекистон Республикасининг “Хотин-қизларни тазийқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги 2019 йил 2 сентябрдаги ЎРҚ-561-сон Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Хотин-қизларни тазийқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2020 йил 4 январдаги 3-сон Қарори билан тазийқ ўтказган ва зўравонлик содир этган ёки содир этишга мойил бўлган шахсларнинг зўравонлик хулқатворини ўзgartириш бўйича тузатиш дастуридан ўтиши тартибини белгилаб берувчи норма қабул қилинган.

Мазкур меъёрий-ҳуқуқий хужжатлар талаблари асосида профилактик (катта) инспекторлари ва хотин-қизлар масаллари бўйича катта инспекторлар жойларда профилактик тадбирларни амалга оширишда аҳоли, фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан яқин ҳамкорликда амалга ошириш аҳолининг ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, фуқароларга қонунга ҳурмат муносабатини сингдириш, хотин-қизларга нисбатан турли тазийқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш ҳукуқбузарликларни аниқлаш ва уларнинг содир этишга имкон бераётган шарт-шароитларни, сабабларини аниқлаб маҳалланинг ўзида бартараф этиш механизми яратилган.

Ушбу дарслик маҳалла хуқуқ-тартибот маскани ва таянч пункти ходимлари томонидан нотинч оилалар, илгари судланганлар, спиртли ичимлик ва гиёхвандликка ружу кўйган, иш билан банд бўлмаган, хотин-қизларга нисбатан турли тазийқ ва зўравонлик содир этувчи шахслар билан маҳалла, кенг

жамоатчилик, соғлиқни сақлаш, бандликка кўмаклашиш бўлимлари ва бошқа идоралар билан ҳамкорликда хуқуқбузарликларнинг келиб чиқиши сабаблари, уларга имконият берадиган омилларни аниқлашнинг илмий таҳлили ва ҳар бир муаммони маҳалла ҳамда шахс кесимида ҳал этиш билан боғлиқ профилактик чора-тадбирларни амалга ошириш тартиби ёритилган.

Шунингдек, хотин-қизларни тазийқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш билан боғлиқ оилавий муносабатларни “фуқаробай” ўрганишни янада такомиллаштириш ва миллий урф-одатлар негизидан келиб чиқиб, кенг жамоатчилик, имом-хатиблар, отинойилар ва психологлар ҳамда бошқа соҳа мутахассислари, сектор ва маҳалла кесимида амалга оширилиши билан боғлиқ чора-тадбирлар келтирилган.

Бундан ташқари, дарсликда профилактика инспекторининг хотин-қизларга нисбатан содир этилган хуқуқбузарликларни расмийлаштириш ва суд идораларига маъмурий тартибда юбориш тартиби, тазийқ ҳамда зўравонликдан жабрланганларга ҳимоя ордерини расмийлаштириб бериш билан боғлиқ процессуал ҳужжатлар ўрин олган.

Дарсликнинг мақсади хотин-қизларни тазийқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш ва турли зўравонликларга ўз вақтида барҳам бериш билан боғлиқ тажрибалардан келиб чиқсан ҳолда таклиф ва хорижий тавсиялар бевосита уларнинг барвақт профилактикасини самарали ташкил этишга, шахсда зўравонлик ва виктимлик хусусиятларининг шаклланишини тақозо этувчи турли низоларнинг пайдо бўлиш сабаблари ва уларни ўз вақтида олдини олиш ҳамда жамиятда соғлом турмуш муҳитининг яратилишига хизмат қилишдан иборат.

Мазкур дарслик Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Оила ва хотин-қизларни тизимли қўллаб-қувватлашга доир ишларни янада жаддаллаштириш чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2022 йил 7 мартағи ПФ-87-сон Фармони талаблари асосида 2022 йилнинг апрель ойидан 2023 йилнинг май ойига қадар барча худудларда профилактика инспекторлари ва хотин-қизлар бўйича катта инспекторлар Вазирлик раҳбариятининг кўрсатмаси асосида Малака ошириш институтида малакали профессор-ўқитувчилар томонидан ўкув машғулотлари амалга оширилди ва жойлардаги Ички ишлар



органларида айниқса профилатика хизмати соҳасида ишлаган ходимлар тажрибаси ҳамда миллий қонунчилик нормалари, ривожланган давлатлар тажрибаси, қонунни қўллаш амалиёти профилактика хизмати ходимлари ва маҳалла фаоллари билан ўтказилган оғзаки сўров натижаларидан фойдаланилди.

Бу дарсликдан ИИВ таълим муассасаларининг тингловчилари, профессор-ўқитувчилари, маҳалла хуқуқ-тартибот маскани раҳбарлари ва профилактика инспекторлари, қолаверса амалиёт ходимлари хизмат фаолияти давомида фойдаланишлари мумкин.

## **МАЗКУР ДАРСЛИКНИНГ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ**

**1. Ўқув дарсликнинг мақсади** - Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Оила ва хотин-қизларни тизимли қўллаб қувватлашга доир ишларни янада жаддаллаштириш чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2022 йил 7 мартағи ПФ-87-сонли Фармони талаблари асосида хотин-қизларни тазийқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш борасидаги профилактик тадбирларни самарали амалга ошириш бўйича кенг тасаввур ва билим ҳосил қилиш.

**2. Ўқув дарсликнинг вазифалари** - Ўзбекистон Республикаси ИИВ таълим тизимида ва Ички ишлар органларининг хотин-қизлар йўналишида фаолият олиб бораётган барча хизматлари тегишли давлат идора вакиллари ва кенг жамоатчилик билан ҳамкорликда тазийқ ва зўравонликдан жабрланган шахсларни ҳимоя қилиш борасида тажрибаларини ортириш ва хотин-қизларга нисбатан содир этилаётган ҳуқуқбузарликларни барвақт олдини олиш ҳамда ҳуқуқбузарликлар профилактикасини сифатли амалга ошириш .

- хотин-қизларга нисбатан содир этилган оғир ва ўта оғир турдаги жиноятларни унинг оқибатларини олдини олиш ва юмшатишга асос бўлувчи омиллар тўғрисидаги билимларни шакллантириш; ҳар қандай ҳуқуқбузарликларни олдини олиш, унинг таъсир оқибатларини бартараф этишда фаол ва онгли равишда иштирок этиш мамлакатимиз ҳар бир фуқаросининг бурчи эканлигини англаш;

- талабаларда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасида эришилган ютуқлар, уларни таъминлаш манбалари, ўзига хос жиҳатлари, биз кимларни авлодлари эканлигимизни уларнинг онгига кенг сингдириш ҳамда билим ва миллий ур одатлар ва ананаларга амал қилиш ҳиссини шакиллантириш;

- мамлакатимиз тараққиётида эришилган ютуқлар мазмун-моҳиятини тушунтириш орқали талабаларда миллий ғуур ва ватанпарварлик туйғусини янада мустаҳкамлаш;

- мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда мавжуд муаммолар тўғрисида тасаввур ҳосил қилиш ва уларни ҳал этиш йўллари борасида талабаларни мустакил фикрлашга ўргатиш;

- хотин-қизларни тазийқ ва зўравонликдан ҳимоя қилишни

таъминлашнинг кўп омилли ҳамда мураккаб жараён эканлигини, унинг зиддиятли жиҳатларини англаш, рўй берадиган ижтимоий-иктисодий ҳодисаларни теран таҳлил қилиш ва баҳолаш қўникмаларини шакллантириш;

- мамлакатимизда рўй берадиган ўзгаришлар, янгилинишлар ва чуқур ижтимоий-иктисодий жараёнларга нисбатан талабаларда ўзларининг ҳар томонлама асосланган, объектив, реал нуқтаи-назарлари ҳамда қарашларининг тўғри асосда ишлаб чиқилишига йўналтириш;

- мамлакатимизда хотин-қизларни тазиик ва зўравонликдан ҳимоя қилиш борасида ҳосил қилинган билимларни амалиётда қўллаш борасида дастлабки ўқув-амалий қўникмаларни ҳосил қилиш ва ўқувчи ва талабаларни ҳамда амалиёт ходимларини ижтимоий ҳаётдаги фаоллигини ошириш.

## I- БОБ.

### **ТАЗИИҚ ВА ЗЎРАВОНЛИКДАН ЖАБРЛАНГАН ХОТИН-ҚИЗЛАР БИЛАН МАНЗИЛЛИ ИШЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ НАЗАРИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ**

#### **1.1. Профилактика инспекторларининг фуқароларни тазиик ва зўравонликдан ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асослари**

Мустақиллик йилларидағи ислоҳотлар натижасида ички ишлар органларининг фаолияти такомиллаштирилди, янги техник воситалар билан таъминланди, ҳар бир маҳаллада ички ишлар органлари таянч пунктлари ташкил этилиб, профилактика инспекторларининг бошқа соҳавий хизматлар ва жамоатчилик тузилмалари билан ҳамкорлиги янада яхшиланди. «Буларнинг барчаси «жиноят содир этилганидан кейин уни содир этган шахсни фош этиш» каби эски усулдан воз кечиб, «жиноят содир этишига мойил бўлган шахсларни аниқлаш, уларнинг жиноят содир этишига йўл қўймаслик, жиноят содир этилишига имкон бераётган сабаб ва шароитларни бартараф этиш» каби янгича усулга ўтишга имкон берди»<sup>1</sup>.

Амалга оширилаётган кенг қўламли ислоҳотлар жараёнида ички ишлар органлари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини яратиш, уни мустаҳкамлаш ҳамда тизимда ушбу қонун ҳужжатларига оғишмай амал қилиш руҳиятини қарор топтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бинобарин, қонун устувор бўлган давлатда нафақат фуқаролар, қолаверса, давлат ва нодавлат ташкилотлари, муассасалари ходимларидан ҳам қонунга сўзсиз итоат этиш талаб қилинади<sup>2</sup>. Шу ўринда айтиш керакки, ҳар қандай фаолиятнинг ҳуқуқий тартибга солинганлиги *биринчидан*, уни ташкил этиш тартибини мустаҳкамласа, *иккинчидан*, ваколатли субъектлар

<sup>1</sup> Мұхамедов Ў.Х. Замонавий ёндашув асосида профилактика инспектори фаолиятини ташкил этиш: Ўқув-услубий қўлланма. — Т., 2018. — Б. 33.

<sup>2</sup> Зиёдуллаев М.З. Ички ишлар органларининг таянч пунктларини бошқаришни такомиллаштириш: Монография. — Т., 2019. — Б. 93.


фаолиятининг асосий вазифаларини белгилаб, масъулиятини оширади<sup>3</sup>.

**Профилактика инспекторларининг фуқароларни тазиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш бўйича фаолиятининг ҳуқуқий асосларини, мазмунига кўра, икки гурухга:**

1) фуқароларни тазиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш бўйича ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатловчи, уларга маълум ҳаракатларни амалга оширишда таъқиқлар ўрнатувчи ва уларни бузганлик учун жавобгарликни кўзда тутувчи нормаларни ўз ичига олевчи;

2) ҳуқуқбузарликлар профилактикаси субъектларининг фуқароларни тазиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш бўйича фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий хужжатларга ажратиш мумкин.

Таҳлиллар ушбу биринчи гурухга мансуб ҳуқуқий асослар, асосан Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларини ўзида жамлаганини, иккинчи гурух хужжатлар эса ўз ичига Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Махкамасининг қарорлари ва ИИВнинг ички идоравий норматив-ҳуқуқий хужжатларини қамраб олганини кўрсатади.



**Ўзбекистон Республикаси Конституциясида 26-моддасда** Инсоннинг шаъни ва қадр-қиммати дахлсиздир. Ҳеч нарса уларни камситиш учун асос бўлиши мумкин эмас. Ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравоникка, бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки инсон қадр-қимматини камситувчи муомалага ёхуд жазога дучор этилиши мумкин эмас. Ҳеч кимда унинг розилигисиз тиббий ва илмий тажрибалар ўтказилиши мумкин эмас.

Шунингдек, Конституциясида оила ва никоҳ масаласи аниқ белгилаб қўйилган. Асосий қонунимизнинг **76-моддасида** “Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда у жамият ва давлат муҳофазасидадир. Никоҳ Ўзбекистон халқининг анъанавий оиласи қадриятларига, никоҳланувчиларнинг ихтиёрий розилигига ва тенг ҳуқуқлилигига асосланади. Давлат оиласининг тўлақонли ривожланиши учун ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий ва бошқа шарт-шароитлар яратади”, **77-моддасида** “Ота-оналар ва уларнинг ўрнини босувчи шахслар ўз фарзандларини вояга етгунига қадар боқиши, уларнинг тарбияси, таълим олиши, соғлом, тўлақонли ва ҳар томонлама камол топиши хусусида ғамхўрлик қилишга мажбурдирлар. Давлат ва жамият етим болаларни ҳамда ота-онасининг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиши, тарбиялашни, уларнинг таълим олишини, соғлом, тўлақонли ва ҳар томонлама камол топишини таъминлайди, шу мақсадда хайрия фаолиятини рағбатлантиради”, **65-моддасида** “Фарзандлар ота-оналарнинг насл-насабидан ва фуқаролик ҳолатидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар. Оналик ва болалик давлат

<sup>3</sup> Саитқулов Қ.А. Ички ишлар органлари профилактика хизматларининг фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлигини ташкил этиш: Ўқув-амалий қўлланма / Юрид. фан. д-ри, проф. И. Исмаиловнинг таҳририда. – Т., 2015. – Б. 6.

томонидан муҳофаза қилинади, **66-моддасида** “Вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳакида ғамхўрлик қилишга мажбурдирлар” деб белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг тегишли моддаларида фуқароларни тазиик ва зўравонлиқдан ҳимоя қилиш бўйича муҳим ҳуқуқий асослардан бири бўлиб, унда маъмурий ҳуқуқбузарлик ва унинг учун жавобгарлик, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритиш, уларни кўриб чиқишига ваколати бўлган органлар (мансабдор шахслар) ҳамда маъмурий жазо қўлланиш тўғрисидаги қарорларни ижро этиш масалалари ҳуқуқий тартибга солинган.

Кодекснинг **47-моддасида** болаларни тарбиялаш ва уларга таълим бериш борасидаги мажбуриятларни бажармаслик масалалари ҳуқуқий тартибга солинган бўлиб, унга кўра ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан вояга етмаган болаларни тарбиялаш ва уларга таълим бериш борасидаги мажбуриятларни бажармаслик, шу жумладан вояга етмаган болаларнинг маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этишига олиб келиши<sup>4</sup> маъмурий жавобгарликка тортилиши белгилаб қўйилган.

Бундан ташқари, Кодекснинг **52-моддаси** енгил тан жароҳати етказиш, **188-моддаси** вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилиш, **188<sup>1</sup>-моддаси** вояга етмаган шахсни маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этишига жалб қилиш, **188<sup>2</sup>-моддаси** вояга етмаган шахснинг кўнгил очиш (дам олиш) жойларида тунги вақтда бўлишига йўл қўйиш, **206<sup>2</sup>-моддаси** тазиик ўтказган ва (ёки) зўравонлик содир этган ёхуд уларни содир этишига мойил бўлган шахс томонидан ҳимоя ордери талабларини бажармаслик каби ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарликка тортиш тартиби ва шартлари белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг фуқароларни тазиик ва зўравонлиқдан ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асоси сифатидаги аҳамияти шундаки, унинг 2-моддасида: шахсни, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ва давлат манфаатларини, мулкни, табиий муҳитни, тинчликни, инсон хавфсизлигини жиноий тажовузлардан муҳофаза этиш; жиноятларнинг олдини олиш; фуқароларнинг Конституция ва қонунларга риоя этиш руҳида тарбиялаш мазкур Кодекснинг асосий вазифалари қилиб белгиланган. Қолаверса, унда жиноят учун жазонинг белгиланганлиги шахсларнинг, хусусан фуқароларни тазиик ва зўравонлик билан боғлиқ жиноий қилмишларни содир этишдан тўғридан-тўғри сақлаб туради.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси фуқароларни тазиик ва зўравонлик билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, хусусан уларнинг сабаблари ва имкон берадиган шарт-шароитларини аниқлаш ҳамда бартараф этишда муҳим ўрин тутади.

Жумладан, унинг жиноятларнинг олдини олиш чораларига бағищланган **36-бобида** жиноятнинг сабабларини ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш мажбурияти (296-м.), жиноятнинг

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси // – URL: <http://lex.uz>.

сабабларини ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни бартараф қилиш тўғрисида суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг тақдимномаси (297-м.), жиноятнинг сабабларини ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни бартараф қилиш тўғрисида суднинг хусусий ажрими

(298-м.), тақдимномани ва хусусий ажримларни бажариш мажбурияти (299-м.), фуқаро ижтимоий бурчини намунали бажарганлиги тўғрисида тақдимнома ва хусусий ажрим (300-м.) билан боғлиқ масалалар тартибга солинган<sup>5</sup>.

Шахсга нисбатан тазийқ ва зўравонлик билан боғлиқ қилмишлар содир этилганда жиноят ишларини юритишида суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд ушбу жиноятларнинг сабабларини ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни аниқлаши шарт эканлигини ҳисобга олганда, мазкур нормаларнинг аҳамияти яққол кўзга ташланади.

Фуқароларни тазийқ ва зўравонликдан ҳимоя қилишни кафолатловчи қонунлар ҳақида сўз боргандаги Узбекистон Республикасининг “Хотин-қизларни тазийқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунини айтиш мумкин. Мазкур қонун хотин-қизларни тазийқ ва зўравонликнинг барча шаклларидан ҳимоя қилиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш, бу соҳадаги ҳукуқбузарликлар турлари ва шаклларини аниқлаш ва уларнинг жавобгарлигини таъминлашга, тазийқ ва зўравонликдан жабрланувчининг ҳукуқларини ҳимоя қилишга, тазийқ ва зўравонликнинг олдини олиш мақсадида давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари фаолиятини ташкил этиш ва уларнинг вазифа ва ваколатлари, амалга оширилиши лозим бўлган профилактикchlора-табирларини белгилаб берилган<sup>6</sup>.

Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 23 апрелдаги “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида қонунининг қабул қилиниши кам таъминланган оиласардан бўлган ёшларга, шу жумладан уларга никоҳ тузишда ва тўй тадбирларини ўтказишида қўшимча моддий ёрдам кўрсатиш, хотин-қизларнинг ҳукуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга, уларнинг жамият ҳаётидаги, оиласа маънавий-ахлоқий муҳитни шакллантиришдаги, ёш авлодни тарбиялашдаги ролини оширишга қаратилган чора-тадбирларни кўриш, фуқаролар йигинларида фуқаролар йигини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссиялар, уларнинг вазифалари ва ваколатлари




<sup>5</sup> Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси // URL: <http://www.lex.uz>.

<sup>6</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Хотин-қизларни тазийқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуни (7.01.2008 й.) қонуни.

белгилаб берилган<sup>7</sup>.

Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги «Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонуни – фуқароларни оиласдаги зўравонлик билан боғлиқ хуқуқбузарликлар профилактиласининг хуқуқий асоси бўлиб, унинг муҳим хусусияти хуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги муносабатларни комплекс тартибга солишида намоён бўлади. Конунда хуқуқбузарликлар профилактиласининг асосий вазифалари, принциплари, турлари, хуқуқбузарликлар профилактиасини амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда муассасалар, уларнинг ваколатлари белгилаб берилган<sup>8</sup>.



Конун хуқуқбузарликлар профилактиасининг тўрт тури, яъни **умумий, маҳсус, якка тартибдаги** ва **виктимологик** профилактикаси, уларнинг чора-тадбирларини аниқ белгилаб берган, мазкур фаолиятнинг молиявий ва моддий-техник таъминоти ҳамда бошқа масалаларни хуқуқий жиҳатдан тартибга солган<sup>9</sup>.

Оиласдаги зўравонлик билан боғлиқ хуқуқбузарликлар профилактикаси доимий равишда кенг жамоатчиликнинг иштироқи ва ҳамкорлигига муҳтож жараён эканлигини инобатга олганда, Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 25 сентябрдаги «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги қонунининг ушбу соҳанинг хуқуқий асоси сифатидаги аҳамияти яққол кўзга ташланади. Конунда ижтимоий шериклик ва унинг субъектлари, асосий принциплари, соҳалари, асосий шакллари, ижтимоий шерикликни давлат томонидан қўллаб-куватлаш тартиби, ижтимоий шериклик субъектларининг хуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда ушбу соҳага доир бошқа масалалар хуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланган<sup>10</sup>. Конунга мувофиқ, ваколатли давлат органлари, хусусан, ички ишлар органлари аҳолини, шу жумладан ёшлиарни ижтимоий муҳофаза қилиш, қўллаб-куватлаш ва уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, хуқуқий билим, онг ва маданиятини юксалтириш ҳамда бошқа соҳаларда фуқаролик жамияти институтлари билан ижтимоий шериклик қиласди. Ушбу жараён биргаликда тадбирлар, маслаҳатлашув ва музокаралар ўтказиш, лойиҳа ва режалар ишлаб чиқиш ҳамда уларни амалга ошириш, ўзаро қўллаб-куватлаш ва ахборот алмасиш каби ижтимоий шериклик шакллари

<sup>7</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги ўзбекистон республикаси қонунига ўзgartиш ва қўшимчалар киритиш хақида қонуни (23.04.2013 й.).

<sup>8</sup> Ўзбекистон Республикасининг «Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги (14.05.2014 й.) қонуни // Ўзбекистон Республикасининг қонун хужжатлари тўплами. – 2014. – № 20. – 221-м.

<sup>9</sup> Зиёдуллаев М.З., Исаев С.А. Хуқуқбузарликлар профилактиасининг хуқуқий асосларини такомиллаштириш йўлида // Qalqon. – 2015. – № 1. – Б. 7.

<sup>10</sup> Ўзбекистон Республикасининг «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги (25.09.2014 й.) қонуни // Ўзбекистон Республикасининг қонун хужжатлари тўплами. – 2014. – № 19. – 209-м.

асосида таъминланади<sup>11</sup>.



Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябрдаги «Ички ишлар органлари түгрисида»ги қонуни ички ишлар органларининг фуқароларни тазийқ ва зўравонлик билан боғлиқ хуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича фаолиятининг муҳим хуқуқий асосларидан бири бўлиб, унда ички ишлар органларининг асосий вазифалари, фаолиятининг йўналиш ва принциплари, ички ишлар органларининг тизими

ва ҳуқуқий мақоми, ички ишлар органларида хизмат ўташ тартиби ва шартлари, ички ишлар органлари ходимларини ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя қилиш ҳамда бошқа масалалар ҳуқуқий тартибга солинган<sup>12</sup>. Қонуннинг ҳар бир нормаси мазмун-моҳиятига кўра оиласидаги зўравонлик билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар профилактикасига хизмат қилади.

Фуқароларни зўравонлик билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар профилактикасини ҳуқуқий тартибга соловчи юқоридаги қонунларнинг жамият ҳаётига самарали татбиқ этилиши улар ижросининг механизмини белгилаб берувчи қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қабул қилиниши ва амалиётга жорий этилишига бевосита боғлиқдир. Шу сабабли ҳам ўтган йиллар давомида мамлакатимизда мазкур қонунлар ижросига қаратилган Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукуматининг бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари қабул қилинди ҳамда амалиётга жорий этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси түгрисида”ги ПФ-4947-сон фармони билан қабул қилинган ҳамда жамият ҳаётининг барча соҳаларидағи тизимли ислоҳотларнинг “Йўл ҳаритаси”га айланган<sup>13</sup> 2017–2021 йилларга мўлжалланган “Ҳаракатлар стратегияси”да жиноятчиликка қарши кураш ва унинг олдини олиш борасидаги фаолиятни мувофиқлаштириш, жиноятчиликка қарши кураш бўйича ташкилий-амалий чораларни кучайтириш, аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, бу борада давлат идоралари ва фуқаролик жамияти институтларининг оммавий ахборот воситалари билан ўзаро самарали ҳамкорлигини ташкил этиш билан боғлиқ аниқ вазифалар белгиланиб, бу борада тизимли ишлар олиб борилди. Мазкур ҳужжатда нотинч оилалар фарзандлари, уюшмаган ёшлар, иш билан банд бўлмаган, “оммавий маданият” таъсирига тушиб қолган йигит ва қизларнинг хатти-ҳаракатларини назоратга олишда уларнинг ота-оналарининг масъулиятини

<sup>11</sup> Зиёдуллаев М.З. Ички ишлар органларининг таянч пунктларини бошқаришини такомиллаштириш: Монография. – Т., 2018. – Б. 112.

<sup>12</sup> Ўзбекистон Республикасининг «Ички ишлар органлари түгрисида»ги (16.09.2016 й.) қонуни // Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари тўплами. – 2016. – № 38. – 438-м.

<sup>13</sup> Мирзиёев Ш.М. Конституция – эркин ва фаровон ҳаётимиз, мамлакатимизни янада тараққий эттиришнинг мустаҳкам пойdevоридир // Халқ сўзи. – 2017. – 8 дек.

ошириш, кашандалик, алкоголли ичимликлар истеъмол қилиш ва бошқа иллатлар профилактикасига оид тадбирлар, семинарлар ўтказиш, буклет, плакат, кўргазмали қўлланмалар чоп этиш, кўрсатув ва эшиттиришлар ташкил қилиш<sup>14</sup> каби қатор вазифалар белгилаб белгиланиб, унинг ижроси таъминланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “**2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида**”ги ПФ-60-сон Фармонининг 69-бандида Хотин-қизларни қўллаб-куватлаш, уларнинг жамият ҳаётидаги фаол иштирокини таъминлаш борасида қўйидаги вазифалар белгилаб берилди:

- жамията хотин-қизларга тазийқ ва зўравонликка нисбатан муросасизлик муҳитини яратиш, хотин-қизларнинг хуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш;
- гендер тенгликни таъминлаш сиёсатини давом эттириш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларни қўллаб-куватлашга доир ислоҳотларни амалга ошириш;
- хотин-қизларнинг таълим ва касбий қўнималар олишлари, муносиб иш топишларига ҳар томонлама қўмаклашиш, тадбиркорлигини қўллаб-куватлаш, иқтидорли ёш хотин-қизларни аниқлаш ва уларнинг қобилиятларини тўғри йўналтириш;
- ҳудудларда, айниқса, қишлоқларда хотин-қизларга кўрсатиладиган тиббий-ижтимоий хизматлар сифатини, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини таъминлаш борасидаги ишлар самарадорлигини ошириш;
- турар жойга муҳтоҷ хотин-қизларни уй-жой билан таъминлаш, турмуш ва меҳнат шароитларини яхшилаш, даромадларини кўпайтириш борасида тизимли чора-тадбирларни белгилаш;
- оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган хотин-қизларга ижтимоий-хуқуқий, психологик ёрдам қўрсатиш, уларни манзилли қўллаб-куватлаш;
- «Аёллар дафтари» билан манзилли ишлаш, мутасадди ташкилотлар томонидан хотин-қизларнинг муаммолари ўз вақтида бартараф этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш<sup>15</sup>.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартағи **«Хуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши қурашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари**

<sup>14</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги 2017-2021 йилларга мўлжалланган “Харакатлар стратегияси тўғрисида”ги ПҚ-4749-сон Фармони. // URL: <http://www.lex.uz>.

<sup>15</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-сон Фармони.

**тўғрисида»ги ПҚ-2833-сон** қарорида хуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида мавжуд муаммолар очиқ ойдин кўрсатилиб, хуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича фаолиятни мувофиқлаштиришнинг таъсирchan тизимини яратиш, соҳага замонавий ташкилий-хуқуқий механизмларни жорий этишга қаратилган бир қатор муҳим чора-тадбирлар белгиланди.

Қарорнинг аҳамиятли жиҳатларидан бири унда хуқуқбузарликларнинг самарали профилактиказини амалга ошириш давлат органларининг устувор вазифаси эканлиги кўрсатилиб, бу борада улар фаолиятининг асосий йўналишлари белгиланди. Шунингдек, ушбу қарор билан Хуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича Республика идоралараро комиссияси ташкил этилди. Республикадаги барча даражадаги Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар Вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссиялар этиб қайта ташкил қилинди ҳамда мазкур идоралараро комиссияларнинг низомлари тасдиқланди<sup>16</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги **«Ички ишлар органларининг хуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2896-сон** қарорининг қабул қилиниши хуқуқбузарликларнинг барвакт профилактикаси ва уларнинг олдини олиш фаолиятини тубдан такомиллаштиришга хизмат қилди. Қарор билан хуқуқбузарликлар профилактикаси самарадорлигини ошириш бўйича ички ишлар органларининг энг муҳим вазифаси ҳисобланган асосий йўналишлари, профилактика инспекторларини лавозимга тайинлашнинг янги тартиби, уларнинг фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари олдида ҳисбот бериш тартиби, профилактика инспекторларини хизмат тураг жойи билан таъминлаш, ички ишлар органлари таянч пунктларининг моддий-техник базасини кучайтиришга доир бир қатор чора-тадбирлар белгилаб берилди, шунингдек «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Хуқуқбузарликлар профилактикаси бош бошқармаси тўғрисидаги ва Ички ишлар органлари таянч пункти тўғрисидаги низомлар тасдиқланди<sup>17</sup>.

Амалга оширилган ислоҳотлар натижасида хуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмаларининг республика, ўрта ва қуий поғоналарининг асосий вазифалари, функциялари ҳамда жавобгарлиги аниқ белгиланди ва чегараланди. Хуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолиятининг сифат жиҳатидан янги тартиби ўрнатилиши вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида хуқуқбузарликлар профилактикаси самарадорлигига хизмат қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 ноябрдаги

<sup>16</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2833-сон (14.03.2017 й.) қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами. – Т., 2017. – № 12. – 184-м.

<sup>17</sup> Ички ишлар органлари тизимидағи туб ислоҳотлар – халқ манфаатларига хизмат қилишни таъминлаш кафолати: Ўқув кўлланма / И. Исмаилов, Ў.Х. Мухамедов, М.З. Зиёдуллаев ва бошк. Генерал-лейтенант Б.А. Матлюбовнинг умумий таҳрири остида. – Т., 2017. – Б. 89.

“Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлашва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-27-сон Фармонида жамоат хавфсизлиги соҳасида содир этиладиган ҳукуқбузарликларнинг келиб чиқиш омиллари, сабаблари ва шарт-шароитлари юзасидан тизимли ва илмий таҳлилларни амалга оширади, уларни бартараф этишга қаратилган чора-тадбирлар самарадорлигини ошириш, нотинч оиласлар ҳамда оиласвий зўравонлик қурбонлари билан ижтимоий профилактика тадбирларини янгича ёндашув - “Хавфсиз хонадон” ва “Хавфсиз ҳовли” тизими асосида амалга ошириш механизмларини ишлаб чиқиш, шунингдек ички ишлар органларининг профилактика инспекторлари зиммасига юклатилган вазифалар мазкур ҳужжатда акс этган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 18 февралдаги “Хотин-қизларни қўллаб-куватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5325-сон Фармонида оила-никоҳ муносабатлари соҳасида амалиётни ўрганиш ва тажриба алмашиш борасида халқаро ва хорижий ташкилотлар, илмий-тадқиқот муассасалари билан ҳамкорликни амалга ошириш, давлат органлари, хотин-қизлар қўмиталари ва бошқа жамоат ташкилотлари билан биргаликда нотинч ва муаммоли оиласларни аниқлаш ва уларнинг манзилли рўйхатларини тузиш, маънавий-ахлоқий муҳитни соғломлаштириш, низоли ҳолатларнинг олдини олиш, оиласвий муносабатларни мустаҳкамлаш ва миллий менталитетга зид бўлган турли ёт хавф-хатарларга қарши туриш мақсадида улар билан тўғридан-тўғри алоқа ўрнатиш ва бошқа бир қатор вазифалалар белгилаб берилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг **2018 йил 2 июлаги “Ижтимоий реабилитация қилиш ва мослаштириш, шунингдек, оиласвий-маиший зўрлик ишлатишнинг олдини олиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3827-сон Қарори** асосида Зўрлик ишлатишдан жабр кўрган шахсларни реабилитация қилиш ва мослаштириш ҳамда ўз жонига қасд қилишининг олдини олиш республика маркази ташкил этилиб, унинг асосий вазифалари белгиланди.



Жумладан, ушбу марказ оғир ижтимоий аҳволда қолган, шу жумладан оиласвий муаммолар ва турмушида зўрлик ишлатилишига дуч келган шахсларга аноним тарзда шошилинч тиббий, руҳий, ижтимоий, педагогик, ҳукуқий ва бошқа ёрдам қўрсатиш, низоли вазиятларни, оиласвий-маиший зўрлик ишлатиш ҳолларини ва ўз жонига қасд қилишга мойил хулқ-  
14


авторни эрта бартараф этиш мақсадида давлат органлари, шу жумладан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, шунингдек, фуқаролик жамияти институтлари ва фуқаролар билан ўзаро самарали ҳамкорлик ўрнатиш, шунингдек ўз жонига қасд қилишга мойил бўлган ёки ўз жонига қасд қилган шахслар билан бирламчи ва изчил профилактика тадбирларини ўтказиш борасидаги вазифаларни амалга оширади. Ушбу қарорнинг муҳим жиҳатларидан бири шуки, республикамиизда илк маротаба зўрлик ишлатишдан жабр кўрган шахсларни реабилитация қилиш ва мослаштириш ҳамда ўз жонига қасд қилишнинг олдини олиш республика маркази ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг **2018 йил 27 июн**даги **“Ўзбекистон Республикасида оила институтини мустаҳкамлаш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”**ги ПҚ-3808-сон Қарори асосида қуйидагилар Ўзбекистон Республикасида оила институтини мустаҳкамлаш бўйича **асосий йўналишлар** белгиланди:

- ❖ оила институтини мустаҳкамлашнинг институционал ва ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, ижтимоий шерикликни кучайтириш;
- ❖ замонавий оилани мустаҳкамлаш ва ривожлантириш масалалари бўйича фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотлар олиб бориш;
- ❖ демографик ривожланишни рағбатлантириш ва оила фаровонлиги даражасини ошириш; оиланинг тарбиявий-таълим салоҳиятини мустаҳкамлаш, жамиятда анъанавий оилавий қадриятларни сақлаш, оилаларда маънавий-ахлоқий муҳитни яхшилаш;
- ❖ оилаларга таъсирчан методик, консультатив ва амалий ёрдам кўрсатишнинг самарали тизимини яратиш.

Ушбу қарорнинг муҳим жиҳатларидан бири шуки, у билан ҳуқуқбузарликлар, жиноятчилик, оиладаги можаро ва зўравонликлар, оилалар ажрашиши ҳамда уларнинг ижтимоий оқибатларини комплекс тадқиқ этиш асосида уларнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиши бўйича ишлар самарадорлиги янада кучайтирилди.


Ўзбекистон Республикаси Президентининг **2021 йил 18 апрел**даги **“Зўрлик ишлатишдан жабр кўрган хотин-қизларни реабилитация қилишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”**ги ПҚ-5116 сон қарори билан Зўрлик ишлатишдан жабр кўрган шахсларни реабилитация қилиш ва мослаштириш ҳамда ўз жонига қасд қилишнинг олдини олиш республика маркази негизида Маҳалла ва оилани қўллаб-куватлаш вазирлиги хузурида **Аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш республика маркази** қайта ташкил этилиб унинг вазифаси этиб қўйидаги белгиланган:



- жонига қасд қилишга мойиллиги бўлган хотин-қизларга аноним тарзда шошилинч тиббий, психологик, ижтимоий, педагогик, хукуқий ва бошқа ёрдам кўрсатиш;
- оғир ижтимоий аҳволда қолган, шу жумладан оиласвий муаммолар ва турмушида зўрлик ишлатилишига дуч келган хотин-қизлар хукуқларининг кафолатларини таъминлашга кўмаклашиш;
- давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтларининг хотин-қизларнинг ўз жонига қасд ва суиқасд қилиш ҳолатларини ўрганиш, бундай ҳолатларнинг олдини олиш, шунингдек, ўз жонига суиқасд қилган хотин-қизларни нормал ҳаётга қайтариш бўйича фаолиятига яқиндан кўмаклашиш;
- «Аёллар дафтари»га киритилган психологик ва хукуқий маслаҳатга муҳтоҷ хотин-қизларни (тазийқ ва зўравонлиқдан жабрланган, ижтимоий муаммолари мавжуд хотин-қизлар) ҳар томонлама қўллаб-куvvatлаш ва уларни «Аёллар дафтари»дан чиқариш чораларини кўриш;
- низоли вазиятларни, оиласвий-маиший зўрлик ишлатишни ва ўз жонига қасд қилишга мойил хулқ-атворни, уларнинг келиб чиқишига олиб келадиган сабаблар ва шарт-шароитларни таҳлил қилиш, умумлаштириш ва уларга барҳам бериш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;
- тазийқ ва зўравонлиқдан жабрланган ёки ўз жонига суиқасд қилган ёки қасд қилишга мойил бўлган хотин-қизлар билан профилактик тадбирларни ўтказиш;
- оғир ижтимоий аҳволда қолган, шу жумладан оиласвий муаммолар ва турмушида зўрлик ишлатилишига дуч келган хотин-қизларни касб-хунарга йўналтиришга кўмаклашиш; долзарб ижтимоий муаммоларни аниқлаш мақсадида жамоатчилик фикрини ўрганиш ва ижтимоий тадқиқотларни ташкил этиш.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг **2020 йил 2 январдаги “Хотин-қизларни тазийқ ва зўравонлиқдан ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 4-сон Қарори** билан ички ишлар органлари томонидан тазийқ ёки зўравонлиқдан жабрланган хотин-қизларга ҳимоя ордерини, шунингдек тазийқ ва зўравонлик содир этган ёки содир этишга мойил бўлган шахсларга ҳимоя ордерининг нусхасини бериш тартиби белгиланган. Мазкур қарор билан профилактика инспектори ички ишлар органлари навбатчилик қисмлари томонидан тақдим этилган мурожаатлар ва хабарларни **24 соат мобайнида** ўрганиб чиқади ҳамда ўрганиш давомида:

- жабрланувчи ва зўравонлик содир этган шахслар ҳамда бошқа шахслар билан ҳолат юзасидан сухбат ўтказади;
- жабрланувчи ва зўравонлик содир этган шахснинг турмуш тарзи, тазийқ ва зўравонлик содир этилишининг келиб чиқиши сабаблари ва шарт-



шароитларини ўрганади;

■ жабрланувчи ва зўравонлик содир этган шахсларни ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш чора-тадбирларини амалга оширади.

### **Ҳимоя ордери амал қилиш даврида профилактика инспекторлари:**

- тазийқ ва зўравонликнинг олдини олиш, уларнинг сабабларини ҳамда шарт-шароитларини аниқлаш ва бартараф этиш чораларини кўради;

- хотин-қизларга тазийқ ўtkазаётган ва уларга нисбатан зўравонлик содир этган шахслар билан мунтазам асосда профилактика ишларини олиб боради;

- ҳимоя ордери талабларининг ижроси устидан назорат қилади ҳамда унинг талабларини бузган зўравонлик содир этган шахсларни жавобгарликка тортиш юзасидан ўз ваколатлари доирасида чоралар кўради.

Мазкур қарорларнинг ушбу соҳадаги фаолиятнинг хуқуқий асоси сифатидаги аҳамияти: *биринчидан*, уларда белгиланган чора-тадбирлар тазийқ ва зўравонлик билан боғлиқ хукуқбузарликлар келиб чиқишининг олдини олишга; *иккинчидан*, оиласидаги зўравонлик билан боғлиқ хукуқбузарликлар содир этилишига олиб келадиган сабаблар, шарт-шароитлар ва омилларни бартараф қилишга; *учинчидан*, тазийқ ва зўравонликнинг профилактикасини самарали ташкил этиш, ушбу соҳадаги ҳамкорликни, бу борада жамоат ташкилотлари ва фуқароларни рағбатлантиришни такомиллаштиришга қаратилганида намоён бўлади.



**Профилактика хизмати фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳужжатлари таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, *биринчидан*, аҳолининг хуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш уларнинг асосий вазифаси ҳисобланади, *иккинчидан*, уларга мазкур йўналишдаги чора-тадбирларни амалга оширишга давлат органлари ва ташкилотлари, шунингдек**

фуқаролик жамияти институтларини жалб этиш ваколати берилган, *учинчидан*, аҳолининг хуқуқий маданияти ва онгини ошириш бўйича бундай чора-тадбирларнинг мукаммал ва таъсирчан ўtkазилиши учун улар тўлиқ масъулдир. Афсуски, амалиётда мазкур ваколатлардан ички ишлар органлари профилактика хизматлари оиласидаги зўравонлик билан боғлиқ хукуқбузарликларнинг барвақт профилактикасини таъминлашда тўлиқ ва самарали фойдаланмаяпти.

Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, ўтган йиллар давомида мамлакатимизда ички ишлар органлари хукуқбузарликлар профилактикаси фаолиятининг мустаҳкам хуқуқий асосларини яратиш мақсадида бир қатор қонунлар ва қонуности ҳужжатлари қабул қилинди ҳамда ушбу соҳадаги қонунчилик муайян даражада тизимлаштирилди. Бу эса ўз-ўзидан тазийқ ва

зўравонлик билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар фаолиятини самарали ҳуқуқий тартибга солишга ҳам хизмат қилмоқда. Келгусида бу борадаги ишларни тизимли ва изчил давом эттириш, ҳуқуқий асосларни бевосита тазийқ ва зўравонлик билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар профилактикасини ташкил этиш методикаси ва механизмларини белгиловчи маҳсус нормалар билан тўлдириш, ўйлаймизки, мазкур фаолият самарадорлигини оширишга ва уни янада такомиллаштиришга хизмат қилади.

## **1.2. Тазийқ ва зўравонликтан жабрланган хотин-қизлар тоифалари.**

Айборд ва жабрланувчи шахс ўртасидаги ўзига хос муносабатлар ҳуқуқбузарлик содир этилишининг омили сифатида криминологияда қадимдан алоҳида эътиборни ўзига жалб этиб келган. Криминологик адабиётларда жабрланувчини жиноятнинг юзага келишидаги асосий омил деб кўрсатиб, содир этилган жиноятдан жабр етказувчи шахс ва унинг жабрланувчиси ўртасидаги ўзига хос муносабат оқибати эканлигини таъкидлаган.



**Ўзбекистон Республикаси миллий қонуичилигида “ҳуқуқбузарликтан жабрланувчи” деб жисмоний, маънавий ёки мулкий зарар етказилганлиги оқибатида ҳуқуқбузарликтан жабрланган шахс” тушунилади.**



Оила-турмуш муносабатлари доирасида содир этиладиган хуқуқбузарликлар, шу жумладан жиноятлардан жабрланган шахсларнинг виктимологик аҳамиятга эга бўлган хусусиятлари ва қилмишларини тадқиқ қилиш, амалиётда виктимологик профилактика чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш нуқтаи назардан бугунги куннинг энг

долзарб вазифалардан биридир. Чунки, мазкур тадқиқотлар хуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ёки муассасанинг, хусусан ички ишлар органларининг шахсларнинг хуқуқбузарлик жабрланувчига айланиши хавфини камайтиришга қаратилган хуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикаси чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш имконини беради. Ҳуқуқий адабиётларда қайд этилганидек жабрланувчиларнинг криминологик тавсифи унинг жиноят содир этилишидан олдинги, жиноят содир этилишига сабаб бўлувчи, шунингдек, айнан жиноят таъсирида вужудга келган ҳамда жиноят содир этилишидан кейинги аҳволига қараб берилади. Бизнингча, жабрланувчига бериладиган бундай тавсиф қўпроқ виктимологик нуқтаи назардан аҳамиятга эга бўлиб, буни “**виктимологик тавсиф**” деб айтиш мумкин.

Виктимологик нуқтаи назардан айтганда, оиладаги зўравонлик билан боғлиқ ҳолда содир этилган хуқуқбузарликлардан, шу жумладан жиноятлардан жабрланганлар шахсининг тавсифи, уларнинг жиноят содир этилиш механизмида тутган роли, хусусиятлари, типологияси ҳаётда бундай тоифага киравчи шахсларга қаратилган виктимологик мазмундаги профилактик чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишга хизмат қиласди.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, оиладаги зўравонлик жабрланувчиларини асосан унинг ожиз бўлган аъзолари, яъни болалар, аёллар, қариялар ва ногиронлар ташкил этади. Оилада зўравонлик билан боғлиқ хуқуқбузарликлардан жабрланганларнинг **57,4% аёллар, 29,7 % вояга етмаганлар, 6,1% қариялар, 4,6% эркаклар ва 2,6% ногиронлар** ташкил этмоқда. Айрим тадқиқотларда шахсга нисбатан тан жароҳати етказишдан жабрланганларнинг **60%ни аёллар** ва болалар ташкил этиши аниқланган.

Айрим тадқиқотларга кўра (Россиялик олим А.Н.Фатаев тадқиқоти), оиладаги зўравонликдан **72% аёллар** (шунингдек никоҳсиз яшаётганлар ҳам), **3% эркаклар, 39% болалар, 17% қариндош уруғлар жабрланишиши** аниқланган. Зўравонлик – бу совуққонлик, криминал зўрлик содир этиш билан характерланади.

Оиладаги зўравонлик билан боғлиқ содир



етилган қасдан баданга турли даражада шикаст етказиш жиноятларининг **32,8%**да жабрланувчининг салбий ҳулқ-автори, **25,0%**да жабрланувчи билан айбдор ўртасида юзага келган келишмовчилик, **19,0%**да жабрланувчининг айбдорга ўз таъсирини ўтказишга ҳаракат қилғанлиги, **14,0%**да жабрланувчи билан айбдорнинг биргаликда спиртли ичимлик истеъмол қилғанлиги виктимологик омил сифатида намоён бўлган.

Тазиқ ва зўравонликдан жабрланган хотин-қизларнинг маълумот даражаси ўрганиб чиқилганда, уларнинг **2,2%** ҳатто бошланғич маълумотга ҳам эга бўлмаган, **8%** тўлиқсиз маълумотга, **60,9%** ўрта маълумотга, **21,2%** ўрта махсус, **1,5%** тўлиқсиз олий, **16%** эса олий маълумотга эга эканлиги аниқланди.

Шахсада маълумот даражасининг пастлиги зўравонлик жабрланувчиси бўлиш ва ўзига нисбатан содир этиладиган тажовузларга дучор бўлиш ҳолатини ортиради; **биринчидан**, ушбу маълумот даражаси паст шахслар ўзларининг агресив ҳарактерлари билан ўзини кўрсатишга ҳаракат қилиши, айниқса бўлмағур ҳатти-ҳаракатлар билан кимгадир жавоб реакциясини қайтаришга мойил бўлишади; **иккинчидан**, маълумот ва маданият даражасининг пастлиги қriminal ҳолатга тўғри баҳо беришга ҳамда уларнинг манфатларини ҳимоя қилишга тўсқинлик қиласди.

Олинган маълумотлар натижасида олинган маълумотларга асосланган холда таъкидлаш жоизки, оиладаги зўравонликнинг **виктимологик профилактикасини** самарали ташкил этиш, айниқса, ушбу зўравонлик жабрланувчиси бўлиши мумкин бўлган шахслар жабрланишининг олдини олишга қаратилган профилактик чора-тадбирларни амалга оширишни тақозо этади. Шунингдек, тазиқ ва зўравонликдан жабрланган хотин-қизларни ҳимоя қилишнинг ноюридик воситаларидан, яъни психолог, сексолог, педагог ва тиббиёт ходимлари ёрдамидан фойдаланиши кенг йўлга қўйиш лозим.

Тазиқ ва зўравонликдан жабрланган хотин-қизларнинг ижтимоий ҳолати ўрганилганида уларнинг **60,8% вақтинча ишсиз**, **25,6% ишчилар**, **12,0% хизматчилар**, **1,6% тадбиркорлар** эканлиги аниқланди. Оила аъзоларининг доимий меҳнат фаолияти билан шуғулланмаслиги ҳам оилавий муносабатларда, хусусан расмий иш фаолияти билан шуғулланмай доимий уйда бўлиш ҳолати ҳам шахсада виктимлик хусусиятларини шаклланишига олиб келади. Таъкидлаш керакки, жабрланувчилар ҳулқ-авторининг содир этилган жиноятлардаги ўрни ва таъсирини ўрганиш ҳам мотиви рашқ бўлган қилмишларнинг виктимологик профилактикаси чора-тадбирларини ишлаб чиқиша мухим



аҳамият касб этади.

Тадқиқот жараёнида суд архивидан ўрганилган жиноят ишларида жабрланувчиларнинг **69,4%** ҳуқуқбузар шахслар билан **эр-хотин** бўлиб бирга яшаган, **13,5%** никоҳдан ажрашган, **8,4%** қариндош-уруглар, **4,8%** ака-ука, **3,1%** ота-оналар ва фарзандлар, **1,3%** ўгай фарзанд ва ота-оналарни ташкил этди.

Оиладаги зўравонлик билан боғлиқ ҳолда содир этилаётган ҳуқуқбузарликлар, хусусан жиноятлардан жабрланганларнинг учдан икки қисмидан ортиғи жиноят содир этганлар билан эр-хотин бўлиб яшаётганлари, бевосида улар ўртасидаги муносабатда виктимликни келтириб чикувчи омилларнинг ҳам бисёрлигини кўрсатади.

Жабрланувчи шахсларнинг ёшига оид маълумотлар таҳлил қилинганида уларнинг 31,0%ни 18-25 ёшдаги, 27,7%ни 25-35 ёшдаги, 19,8%ни

35-45 ёшдаги, 14,3%ни 45-55 ёшдаги ҳамда 7,2% 55 ёшдан юқори бўлганлар ташкил этди. Кўриниб турибдики, оилада зўравонлик билан боғлиқ ҳолда содир этилаётган ҳуқуқбузарликлар, хусусан жиноятлар жабрланувчи бўлганларнинг ярмидан кўп қисмини 18-35 ёшдагилар ташкил этмоқда. Юқоридаги маълумотлар ёшларда, хусусан (расмдаги) ёшлардаги шахсларда виктимлик юқори эканлигини кўрсатмоқда. Айрим адабиётларда виктимлиги



шахслар асосан 36-45 ёшдагиларни (27,9%) ташкил этиши қайд этилган.

Юқоридаги ҳолатга яқин бўлган ҳолатни жабрланувчи шахсларнинг оиласидан ажрашганлик аҳволига оид маълумотлар таҳлил натижаларида ҳам кузатиш мумкин.

Маиший турмуш соҳасида, шунингдек аёлларга нисбатан содир этиладиган жиноятлар бўйича ўtkазилган тадқиқотлар ҳам юқоридаги ҳолатга яқин жараёнларни кузатиш мумкин. Айрим тадқиқотларда, умумий жиноятчилик таркибида аёлларнинг ҳаёти ва соғлиғига қарши содир этилган жиноятлар **25-26%** ташкил этиши аниқланган.

Шунингдек, бошқа бир тадқиқот ўрганилганда унда жабрланувчи аёлларнинг 42,5% ҳуқуқбузар билан биргаликда спиртли ичимлик истеъмол қилиши натижасида айборга қаршилик қила олмаганликлари, фақатгина 57,5% ҳолатда қаршилик қилганликлари аниқланган. Номусга тегиши жиноятидан жабрланганларнинг 40,2% айборга нотаниш, 2% қизи (ўгай қизи), 1,5% ўғли (ўгай ўғли), 0,8% ажрашганлар, 2,7% яқин қариндошлари, 22,8% танишлари, 30% танишиб қолган шахслар бўлган.



Хотин-қизларга нисбатан содир этиладиган зўравонлик билан боғлиқ хуқуқбузарликларнинг энг кўп кўринишларига уларни бирга яшашга, фоҳишлик қилишга мажбурлаш, номусига тегиш, зўравонлик қилиш ва спиртли ичимлик, гиёхвандлик моддалар истеъмол қилдириш, мунтазам хўрлаш ва руҳий таъсир кўрсатиш ҳамда бошқа йўллар билан ўлимга олиб бориш кабиларни ўз ичига олган.

Аёлларнинг юқори даражадаги виктимлиги уларнинг заифа эканлигидан эмас, балки жамиятда сақланиб қолган қадриятлар ҳамда оиласий муносабатлар жараёнидаги одатлардадир. Оиласида эркакларнинг барча муносабатларда етакчилик қилиши, ҳукмронлик муносабати ўрнатиши, яъни ўзининг мустақил қарор қабул қилиши каби ҳолатлар аёлларнинг зўравонлик жабрланувчи бўлиши эҳтимолини кучайтиради.

Оила-турмуш доирасидаги жиноятлардан жабрланувчи шахсларга оид хорижий мамлакатлардаги маълумотлар ўрганилганида

**Испанияда** ҳар беш кунда қасдан ўлдирилган шахсларнинг биттаси аёллар бўлиб, улар ўзининг турмуш ўртоғи томонидан ўлдирилганлиги; Францияда йилига 25 минг аёл эри томонидан жинсий зўравонлик жабрланувчига айланиши;



**Австралияда** аёлларнинг 18% оиласидаги зўравонлик жабрланувчига айланиши;

**Россияда** йилиги 36 минг аёллар оиласида зўравонлик оқибатида тан жароҳати олаётганлиги;

**Англияда** эри ёки бирга яшовчи эркак томонидан ҳафтада икки нафар аёлнинг ўлимига сабаб бўлувчи жисмоний зўравонликлар келиб чиқиши;

**Миср Араб Республикасида** 35% оиласида аёллар турмуш давомида камида бир маротаба эри томонидан қаттиқ жисмоний калтакланиши;

**Канадада** оиласидаги зўравонлик содир этган шасхлар томонидан йилига 1,6 млрд. АҚШ доллари миқдорида жарима тўланиши қайд этилган.

Шубҳасиз, бундай зўравонликлар жамиятдаги ахлоқ нормалариға зид бўлиб, ўзининг ижтимоий хавфлилиги билан ажралиб туради. Тадқиқотимизнинг кўрсатишича, айборлар зўрлик ишлатиб, қўрқитиб ёки жисмоний заифлигидан фойдаланиб жабрланувчига нисбатан турли даражада жиноий қилмишлар (жисмоний, руҳий, жинсий зўравонлик)ни содир этишган.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, бундай қилмишлар содир этилиши оиласдаги узоқ давомли низо ва келишмовчиликлар билан боғлиқ бўлиб, ҳуқуқбузарлик оқибатида нафақат муайян шахс жабрланади, балки у ерда тарбияланаётган фарзандлар ҳам маънавий-руҳий ҳам жисмоний жиҳатдан жабрланади. Бизнинг тадқиқотларимизда жабрланувчилар фақатгина 33% ҳолатда ҳуқуқбузар шахсларга қаршилик кўрсатган, уларнинг учдан икки қисм ҳуқуқбузарнинг ҳатти-харакатига нисбатан пассив муносабатда бўлишган.

Оила-турмуш доирасидаги жиноятлардан жабрланган шахсларга хос бўлган маълумотлар ўрганилганида, уларнинг 43,1% эр хотинига, 4,2% хотин эрига, 13,7% ака ёки ука, 1,8% опа ёки сингил, 15,7% никоҳсиз бирга яшаган хотини (жазмани)га, 5,3% никоҳсиз бирга яшаган эри (жазмани)га, 6,3% ота ёки онанинг фарзандига, 2,7% фарзанд ота ёки онасига, 7,3% бошқа қариндошларнинг бир-бирларига нисбатан содир этишганлиги маълум бўлди.

Қизиқарли томони шундаки, кўп ҳолларда оиласдаги зўравонлиқдан жабрланганлар ўзларига етказилган зарап (хаёти, соғлиғи, шаъни, қадр-қиммати) ҳақида ҳуқуқни муҳофаза қилиш, хусусан ички ишлар органлари ёки тиббиёт муассасаларига мурожаат қилишмайди. Бу кўпинча аёлларда кузатилади. Суд-тергов идораларидан олинган маълумотлар ўрганилганида, аёлларга нисбатан эри томонидан зўравонлик иштилган тақдирда ҳам бу ҳақидаги маълумотларни ошкор қиласликка, шундай ҳолатларни яширишга ёки тиббиёт муассасаларига мурожаат қилган тақдирида ҳам олган тан жароҳатини ўзининг эҳтиётсизги оқибатида олганлиги билан изоҳлашга ҳаракат қилишади. Бунинг асосий сабаби бўлиб, аёлларнинг оиласнинг бузилиб кетишидан қўрқиши ёки эрининг обрўсини тўқмасликка интилиши деб изоҳлаш мумкин.



Малака ошириш иниститутига маҳсус звания олиш учун ўқишига келган ходимлар ўртасида ўтказилган социологик сўровларда иштирок этганларнинг<sup>18</sup>: 25,6% оиласдаги зўравонликларнинг 20 фоизигача; 18,5% 20-40 фоизи; 22,5% 40-50 фоизи; 12,6% 50-70 фоизи; 18,1% 70-90 фоизи; 2,7% эса 90 фоиздан ортиги ҳақида хабар берилмайди ҳамда улар рўйхатга олинмайди деб жавоб беришган. **“Нима учун**

<sup>18</sup> Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириш иниститутига 2022 йил Октябр, ноябрь 2023 йил апрел ва май ойлари давомида маҳсус завния олиш учун келган ходимлар сўравномалари.


**оиладаги жиной зўравонлик жабрланувчилари бу ҳақда ички ишлар органларига хабар беришмайди?”** деган саволга уларнинг 63,1% оиланинг обрўсини сақлаш, 12,8% фарзандини отасиз қолидирмаслик ва оила ажралиб кетмаслиги, 9,8% эрининг, 14,3% ота-онасининг обрўсини сақлаш мақсадида шундай қарорга келишини кўрсатишган.

Табиийки, оила-турмуш доирасидаги жиноятларнинг аксарият қисмида жабрланувчилар ўзларини ҳимоя қилиш имконига эга эмаслар. Тўсатдан оиласда юзага келган низони бартараф этишда жабрланувчининг ожиз аҳволда эканлиги уни жабрланишига шароит яратади.

Ҳаётда кўпгина ҳолларда инсонлар ўзининг ижобий ҳулқ-атвори ёки фаол ҳатти-ҳаракатлари билан жиноятларнинг келиб чиқишига тўсқинлик қиласди. Айрим ҳолларда муайян тоифадаги шахслар ўзининг салбий ҳулқ-атвори, ахлоқсизлиги, маънавиятсизлигини намоён қилиб, хукуқбузарлик, хусусан оила-турмуш муносабатлари доирасида содир этиладиган жиноятларнинг жабрланувчисига айланади.

Таҳлиллар асосида шундай хулоса қилиш мумкини, оиласда зўравонлик содир этган шахслар асосан жабрланувчининг қилмишига жавоб қайтаришга ёки оиласда оила аъзоларидан ўзининг манфаатини устунроқ қўйишга интилиши натижасида жиной қилмиш содир этишган. Шахсга нисбатан тан жароҳати етказишга таъсир этувчи яна бир омил айбдорнинг ўз ҳатти-ҳаракати ва унинг оқибатини англаб етмаслигидир.

**Жабрланувчининг жиноят содир этилишига кўмаклашадиган ҳулқ-атворини қўйидаги гурухларга ажратиш мумкин:**



Ўтказилган тадқиқотлар ва чет эл тажрибаси шуни кўрсатадики, жиноят жабрланувчи бўлиши мумкин бўлган шахснинг ҳолати, унинг турмуш тарзи, хукуқбузарга нисбатан муносабати, хукуқбузарнинг онгига жиноят содир этиш истагининг пайдо бўлишига, жамиятга зид ҳаракатлар килишига, ҳатто жиноят содир этиш қуролини танлаб олишга имкон яратади. Қизиғи шундаки, оиласи зўравонлик билан боғлиқ хукуқбузарлардан жабрланган шахслар аслида айбдордан умуман шубҳа қилишмаган, чунки жабрланувчилар хукуқбузарнинг энг яқин кишилари бўлишган.

Мазкур тоифадаги жабрланган шахслар ўзларига нисбатан жабр-зулм ва жисмоний зўрлик ишлатилишига ўзларининг виктим ҳулқ-атворлари ҳам муайян даражада сабаб бўлганлигини кузатиш мукин. Мисол учун, 22%

ҳолатда жабрланувчи бевосита жиноят содир этишдан олдин ўзини тажовузкор хулқ-атворда намоён этган, жанжал кўтарган, айборни ва бошқа оила аъзоларини ҳакорат қилган, 61% жабрланувчи низо келиб чиққанда уни бартараф этишга ҳаракат қилган, фақатгина 17% ҳолатда жабрланувчининг жиноий тажовуз содир этилган пайтдаги хулқ-атвори виктим характерда бўлган.

Виктимологик чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш нуқтаи назардан, оиласидаги зўравонлик билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлардан жабрланган шахсларни таснифлаш муҳим аҳамиятга эга. Виктимологияяга оид адабиётларда оиласидаги зўравонликдан жабр кўрганларни турли хил асослар бўйича таснифлаш мумкинлиги таъкидланади.

Оила-турмуш доирасидаги жиноятлардан жабрланган шахслар ҳақида маълумотларни ўрганиш бўйича ўtkазилган социологик тадқиқотларда, сўровга жалб этилганлар профилактика инспекторлари 4,6 фоиз ҳолатларга қариялар ички ишлар органларига оиласидаги зўравонлиқдан жабрланганликлари бўйича мурожаат этишаётганлигини қайд этишган. Мутахассислар фикрига кўра, АҚШда ҳар йили 0,5–2,5 млн. кария зўрликдан жабр кўради. Бизнинг тадқиқотимиз давомида ўрганилган жиноий ишлар таҳлилига кўра, ўзини ҳимоя қилишга ожиз бўлган қарияларнинг зўравонлиқдан жабр кўриши 9,6%ни ташкил этади.

### **1.3. Тазиқ ва зўравонликдан жабрланган хотин-қизлар билан манзилли ишларни ташкил этиш фаолияти.**

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда профилактика инспекторлари ўзларига бириткирилган маъмурий худудларда носоғлом турмуш тарзи кечираётган оиласарни аниқлаб улар билан манзилли профилактика ишларини олиб боришлари лозим бўлади. Хусусан, маъмурий худудларда яшовчи оиласар ҳақида тезкор вазиятдан хабардор бўлиш, содир этилиши мукин бўлган низоларни барвақт профилактикасини таъминлаш, нотинч оиласардаги ижтимоий руҳий-муҳитни соғломлаштириш ҳамда кам таъминланган оиласарни аниқлаб уларни моддий қўллаб аҳволини яхшилаш борасидаги ишларни амалга оширилари талаб этилади.

Айниқса, носоғлом турмуш тарзида ҳаёт кечираётган оиласарни тоифаларга ажратиш ҳамда улар билан манзилли ишларни ташкил этиш ҳуқуқбузарликлар барвақт профилактикасида муҳим аҳамият касб этади.

Оила-турмуш доирасидаги ҳуқуқбузарликларни барвақт олдини олиш борасида оиласарни қўйидаги тоифаларга ажратиш ва улар билан манзилли профилактика ишларини олиб бориш лозим:



**турмуш тарзида ҳаёт кечираётган оилалар билан қўйидаги йўналишда ишлар ташкил этилади:**

✓ энг аввало шахс ҳуқуқлари ва эркинлигини таъминлаш, оилавий-маиший ҳаётда юзага келган низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, оилаларда маънавий-ахлоқий муҳитни мустаҳкамлаш;

✓ фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш борасида аҳоли ўртасида тарғибот-тушинтириш ишларини олиб бориш;

✓ оила-турмуш муносабатлари доирасида шахсга нисбатан содир этадиган ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари ва уларга имкон берадиган шартшароитларни аниқлаш, ўрганиш, бартараф этиш чораларини кўриш

✓ оилавий ажралишларнинг олдини олиш борасида ички ишлар органларининг соҳавий хизматлари, фуқаролик жамияти институтлари ва кенг жамоатчилик билан ўзаро ҳамкорлик қилиш;

✓ оила турмуш соҳасида ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган, бундай ҳуқуқбузарликни содир этган шахслар билан якка тартибда тарбиявий профилактик ишларни амалга ошириш;

✓ жамиятга зид турмуш тарзи кечиравчи шахслар ҳамда ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган оилаларни ўз вақтида аниқлайди;

✓ маъмурий ҳудудларда яшовчи ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган оилаларни ўз вақтида аниқлаб, уларга ижтимоий, ҳуқуқий ва маънавий жиҳатдан ёрдам кўрсатиш, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил шахслар билан тарбиявий аҳамиятга эга бўлган ишларни ташкил этиш;

✓ ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган нотинч оилаларни ўз вақтида аниқлаш, низо келиб чиқиш хавфи бўлган оилалар билан виктимологик профилактика ишларини ташкил этиш;

✓ маъмурий ҳудудда ғайриижтимоий хулқ-атворли, ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган, ҳуқуқбузарликлар содир этган шахсларни аниқлаш, уларнинг ҳисобини юритиш ва уларга тарбиявий таъсир кўрсатиш;

✓ ижтимоий мавқеи, физиологик ҳолати, хулқ-атвори, ҳаёт тарзи билан боғлиқ ҳолда ҳуқуқбузарликдан жабрланувчига айланиши хавфи мавжуд бўлган шахсларни аниқлаш ва уларга нисбатан виктимологик профилактик чора-тадбирларни қўллаш;

✓ нотинч оилаларда яшаётган шахсларнинг зўравонликлардан жабрланиш эҳтимолини камайтириш мақсадида тушунтириш ишларини олиб бориш.

**Кам таъминган оилалар билан қўйидаги профилактик тадбирлар амалга оширилади:**

✓ маъмурий ҳудуддаги оилаларни уйма-уй юриш орқали ўрганиш асосида кам таъминланган оилаларни аниқлаш ва уларни рўйхатини шакллантириш;

✓ оилалардаги мавжуд муаммоларни ўрганиш ва уларни аниқлашга қаратилган амалий ишларни ташкил этиш;

✓ аниқланган ва кам таъминланган оилалар билан манзилли ишларни ташкил этиш мақсадида маъмурий ҳудудга бириктирилган

ҳокимият идоралари билан уларга ёрдам кўрсатиш бўйича аниқ ишларни йўлга қўйиш;

✓ ҳудуддаги ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалардаги маънавий мухитни соғломлаштириш бўйича чора-тадбирларни кўриш;

✓ уйма-уй юриш ва ўрганиш асосида аниқланган маълумотларни таҳлил қилиш ва умумлаштириш.

✓ шахснинг оиласи шароитини, яқинлари ва атрофдагилар билан ўзаро алоқаларини ўрганиш;



✓ оиладаги мавжуд бўлган иқтисодий қийинчиликлар, яъни ота-она ва фарзандларнинг мактабга боришига хоҳиши бор, лекин болани мактабга юбориш учун кийим-кечак, ўқув қуроллари йўқлиги ёки эскилиги натижасида боланинг мактабга боришдан уялиши ва бошқа.

✓ ижтимоий ёрдам ва ҳимояга, жамият ва давлатнинг сиёсий, иқтисодий,

ижтимоий ҳаётида бошқалар билан бирга teng тўлиқ ва самарали иштирок этиш учун шарт-шароитлар яратилишига муҳтож барқарор жисмоний, ақлий, сенсор (сезги) ёки руҳий нуқсонлари бўлган шахс ҳисобланади.

✓ хонадонда, оилада мавжуд муаммолар аниқланаш ҳамда уларни иложи борича жойида ҳал қилиш чоралари кўриш;

✓ кам таъминланган ва ижтимоий кўмакка муҳтож бўлган оилаларга ижтимоий ва моддий жиҳатдан ёрдам кўрсатиш орқали уларнинг турмуш тарзи ва даромад манбаига эга бўлишлари учун амалий ёрдам кўрсатиш;

✓ оилалarda муайян даражада етишмовчилик ёки қийинчилик мавжуд бўлса, сабр билан оилада юзага келган муаммоларни бартараф этиш чораларини кўриш;

✓ оиладаги моддий етишмовчилик ва қийинчиликлар мавжуд бўлган оилалар ўрганилганида уларнинг аксарияти ишсиз доимий даромад манбаига эга бўлмаган шахсларни аниқлаб уларни иш билан таъминлаш чораларини кўриш;

### **Хуқуқбузарликлардан жабрланиш эҳтимоли мавжуд шахслар яшайдиган оилалар билан қўйидаги йўналишда ишлар ташкил этилади:**

✓ майший зўрликдан жабрланган шахсларнинг хуқуқ, эркинлик ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасида ҳимоя ордери бериш тизимини самарали ташкил этиш ва унинг назоратини таъминлаш;

✓ оила турмуш доирасида зўравонликка дучор бўлаётган шахслар ўртасида мақсади яширган ижтимоий сўровлар ўтказиш ҳамда ушбу қилмишларнинг латентлигини бартараф этишга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш;

✓ майший зўрликнинг сабаб ва шароитларини ўрганиш, таҳлил қилиш ва уларни барвақт олдини олиш бўйича таъсирчан тизим яратиш;



✓ миший зўрлиқдан жабрланганларни реабилитация қилиш ва мослаштириш марказлари ҳамда ишонч телефонлари фаолиятини самарали ташкил этиш;

✓ зўрлик ишлатишдан жабр кўрган шахсларга ўз вақтида ва манзилли ёрдам кўрсатиш ва уларни ҳимоя қилиш, ўз жонига қасд қилишга мойил хулқ-атвор пайдо бўлишига йўл қўймаслик ва унга эрта барҳам бериш мақсадида нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқаролик жамияти институтларининг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ўзаро ҳамкорлиги кучайтириш;

✓ оила-турмуш доирасида жиноятлар, уларнинг салбий оқибатлари ва келиб чиқишига олиб келаётган сабаб ва шарт-шароитларни ўрганиш ҳамда оммавий ахборот воситалари орқали аҳолини мунтазам хабардор этиб бориш;

✓ оиласидаги долзарб ижтимоий муаммоларни аниқлаш мақсадида вақти-вақти билан жамоатчилик фикрини ўрганиш, уларнинг асосида низоли вазиятларни, оиласий-миший зўрлик ишлатиш ва ўз жонига қасд қилишга мойил хулқ-атворни бартараф этишга доир дастурлар ва услубий тавсиялар ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш миший зўрлик ишлатиш ҳолатларини барвақт аниқлаш ҳамда унинг латентлигини олдини олишга хизмат қилади.

✓ оила содир этилган жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари ва уларга имкон берган шарт-шароитларни ўрганиш ва таҳлил қилиш;

✓ ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган нотинч оиласидарни ўз вақтида аниқлаш, низо келиб чиқиш хавфи бўлган оиласидар билан виктимологик профилактикани ташкил этиш;

✓ ҳуқуқбузарлик ёки жиноятлардан жабрланишга мойиллиги бўлган шахсларни аниқлаш ва уларнинг зўравонликлардан жабрланиш эҳтимолини камайтириш бўйича тегишли чоралар кўриш;

✓ маъмурий ҳудудда ғайриижтимоий хулқ-атворли, ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган, ҳуқуқбузарликлар содир этган шахсларни аниқлаш, уларнинг ҳисобини юритиш ва уларга тарбиявий таъсир кўрсатиш;

✓ ижтимоий мавқеъи, физиологик ҳолати, хулқ-атвори, ҳаёт тарзи билан боғлиқ ҳолда ҳуқуқбузарликдан жабрланувчига айланиши хавфи мавжуд бўлган шахсларни аниқлаш ва уларга нисбатан виктимологик профилактик чора-тадбирларни қўллаш;

✓ ҳуқуқбузарликларни содир этилишида жабрланувчиларнинг тутган ўрнини ҳамда жабрланишнинг сабаблари ва уларга имкон бер ган шарт-шароитларни аниқлаш ва бартарафэтиш;

✓ нотинч оиласидарда яшаётган шахсларнинг зўравонликлардан жабрланиш эҳтимолини камайтириш мақсадида тушунтириш ишларини олиб бориш;

✓ оиласидаги зўравонликлардан жабрланиш эҳтимоли юқори бўлган шахслар тоифаларини аниқлаш;

✓ ҳуқуқбузарликлардан жабрланганлар нингиндивидуал ва ижтимоий-психологик хусусиятларидан келиб чиқсан ҳолда профилактика тадбирларни ишлаб чиқиш.



## Спиртли ичимликка ружу қўйган шахслар яшайдиган оилалар билан қўйидаги йўналишда ишлар ташкил этилади:

- ✓ спиртли ичимликка ружу қўйган шахслар яшайдилан оилаларни аниқлаш ва уларнинг рўйхатларини шакллантириб боришлари лозим бўлади;
- ✓ спиртли ичимликка ружу қўйган шахсларни мажбурий даволаш муассасаларига юбориш ишларини ташкил этиш;
- ✓ спиртли ичимликка ружу қўйган шахсларни иш билан бандлигини таъминлаш чораларини кўриш керак;
- ✓ жамоатчиликни спиртли ичимликка ружу қўйган шахслар яшайдилан оилалардаги муҳитни ижобий томонга ўзгартериш бўйича тарбиявий ишларга жалб этиш лозим;
- ✓ оиласий-маиший низоларни келтириб чиқарувчи асосий омиллардан бири бу – шахснинг спиртли ичимликка ружу қўйишидир. Спиртли ичимлик истеъмол қилиш натижасида шахс ўз хатти-ҳаракатининг оқибатини англаб етмаслиги натижасида жамиятга, атрофдагиларга бефарқлик ва ҳурматсизлик билан муносабатда бўлишини инобатга олиб, ушбу иллатни келтириб чиқарувчи сабаб ва шароитларини ўрганишлари керак;
- ✓ спиртли ичимликни оила-турмуш доирасидаги низоларни келтириб чиқарувчи энг фаол криминоген омил эканлигини ўрганиш шарт.

## Оила-турмуш доирасидаги ҳукуқбузарликларнинг барвақт профилактикасини ташкил этиш бўйича қўйидаги йўналишлардаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

1) бириктирилган ҳудуддаги ҳар бир оилани айланиб чиқиши, нотинч оилаларни аниқлаш, уларни ҳисобини юритиши, оила-турмуш доирасида низолар содир этилишига йўл қўймаслик мақсадида ҳукуқбузарликларнинг умумий, маҳсус, якка тартибдаги ва виктимологик профилактик чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиши ва уни амалга ошириш;

2) оиласий жанжаллар оқибатида юзага келган эр-хотин, ака-ука, опа-сингил, ота-она ва фарзанд, қайнона-келин, қариндош-уруглар ўртасида содир этилган низолар туфайли бузилган муносабатларни тиклаш борасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан амалий чора-тадбирларни амалга ошириш;

3) ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган, нотинч ва кам таъминланган оилаларни аниқлаш, уларни рўйхатини шакллантириш ҳамда уларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш юзасидан ҳокимият, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, хотин-қизлар, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш қўмитаси билан ҳамкорликдачора-тадбирларни амалга ошириш;

4) оилада миллий қадрият ва урф-одатларга зид, ахлоқ-одоб доирасидаги ножӯя ҳатти-ҳаракатларга йўл қўяётган, ғайриижтимоий ҳулқ-



авторли, тарбиявий таъсир чораларига мухтож бўлган, оилада ҳуқуқбузарлик содир этувчи шахслар аниқлаб улар билан тарбиявий профилактик ишларни ташкил этиш;

5) Ички ишлар органлари профилактика хизматининг жамоатчилик билан ўзаро ахборот алмашув ва амалий ҳамкорлиги самарадорлигини оширишга қаратилган профилактик ишларни тўғри амалга ошириш;

6) оилавий-маиший сабабларга кўра содир этилган ҳуқуқбузарликлар, шу жумладан аёллар, вояга етмаганлар ва ёшлар томонидан содир этилган ҳуқуқбузарликлар муҳокамасини ташкил этиш ва ўтказиш, мазкур ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиш сабаблари ва уларга имкон берувчи шарт-шароитларни бартараф этиш чораларини кўриш;

7) маъмурий ҳудудда содир этилган оиладаги зўравонлик билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар ва уларга имкон бераётган сабаб ва шароитларни аниқлаш, ўрганиш, таҳлил қилиш ва келгусида ушбу турдаги ҳуқуқбузарликларни бартараф этиш юзасидан чора-тадбирлар ишлаб чиқиш;

8) профилактика инспекторлари ўзига жавобгар бўлган ҳудуддаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш комиссияси, хотин-қизлар масаласи бўйича мутахассис билан ҳамкорликда эрталабки йўриқномаларда оила-турмуш доирасидаги ҳуқуқбузарликлар профилактикасини ташкил этишга қаратилган режаларни ишлаб чиқиш;

9) спиртли ичимликларга ружу қўйган ва гиёхвандлик касаллигига мубтало бўлган шахсларни аниқлаб, зарур ҳолларда уларни белгиланган

Хулоса қилиб айтганда, ички ишлар органлари тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар профилактика хизматлари олдига фуқаролик жамияти институтлари, жамоат тузилмалари ва кенг жамоатчилик билан биргаликда ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш бўйича ҳамкорликнинг янгидан янги усул-шаклларини ишлаб чиқишига мажбур этмоқда. Чунки, барча ички ишлар органлари соҳавий хизматлари ўртасидаги ҳамкорликларда ҳам ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича асосий маълумотлар жамоатчиликдан келиб тушади.

Шундай экан, ҳар бир ҳуқуқбузарликлар содир этилишини олдини

олиш борасида кенг жамаатчиликнинг берган маълумоти мухим ҳисобланиб, бу борада тезкорлик билан ҳаракат қилиш ва оғир, ўта оғир турдаги жиноятларни олдини олиш чора-тадбирларнини кенг жамаатчилик вакиллари иштиркида кўриш лозимлиги ушбу дарсликда кўрсатилмоқда.



Хар бир ҳолат юзасидан тасирли чора кўрилмас экан албатта ушбу ҳолат юзасидан ўз салбий таъсирини кўрсатади, бу учун тажрибали ходимларда ва ёши катталарда сўраб ўрганиб бориш лозим бўлади.

#### **1.4. Майший турмуш соҳасида зўравонлик билан боғлиқ ҳолда содир этиладиган ҳуқуқбузарликлар профилактикасини ташкил этиш тартиби.**

Майший турмуш соҳасида зўравонлик ва унинг билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларнинг келиб чиқиши ёки содир бўлишини тақозо этувчи омилларни аниқлаш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишнинг ҳуқуқий асосларини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги, “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги, Ўзбекистон Республикасининг “Хотин-қизларни тазиик ва зўравонлиқдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги 2019 йил 2 сентябрь кунидаги 561-сон Конуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Хотин-қизларни тазиик ва зўравонлиқдан ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 4 январь кунидаги 3-сон қарори, “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси”, “Одам савдосига қарши курашиш”, “Терроризм ва экстремизмга қарши курашиш тўғрисида”ги қонунлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, жиноят процессуал кодекси, жиноят кодекси, маъмурий-жавобгарлик тўғрисидаги кодекс, оила кодекси ҳамда Ички ишлар вазирлигининг буйруқлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ташкил этади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг **2021 йилнинг 29 ноябрдаги ПФ-27-сонли фармони** билан биргалиқда Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт Стратегияси ва унда белгиланган вазифалар ички ишлар органлари тизимини янада такомиллаштириш ҳамда янги босқичларга олиб чиқишида, жиноятчиликни янги қирралари билан курашишда замонавий тажрибаларни амалиётга тадбиқ этиш мақсадида қабул қилинган фармон ва қарорлар, концепция ҳамда унда белгиланган вазифалар ҳам ҳуқуқий асос ҳисобланади.

Диалектик детерминизмнинг бир ҳалқаси бўлган сабабий боғланишнинг қоидаларига<sup>19</sup> асосланган ҳолда майший турмуш соҳасидаги зўравонлик ва унинг билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларни тақозо этувчи омиллар Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси профессорлари томонидан ўрганилган. Уларнинг тадқиқотига кўра, ушбу қоидалар қўйидагиларга бўлинган:

**биринчидан**, оиладаги зўравонлик ва унинг билан боғлиқ ҳуқуқбузар-

<sup>19</sup> Ҳуқуқбузарликларнинг сабаб ва шароитларини аниқлаш, таҳлил қилиш ва бартараф этиш: Ўқув қўлланма / И. Исаилов, Д. М. Миразов, Ж. С. Мухторов ва бошк.; проф. Ў. Ҳ. Мухамедовнинг умумий таҳрири остида. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси – 2017 .

ликларни тақозо этувчи омиллар жамиятда объектив мавжуд, яъни улар ижтимоий ҳаётдаги, шу жумладан, майший турмуш соҳасида содир этиладиган зўравонлик ҳодиса, воқеа ва жараёнлардан иборат эканлигини;

**иккинчидан**, майший турмуш соҳасида зўравонлик ва унинг билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар оила аъзоси (аъзолари)нинг ҳамда бошқа аъзоси (аъзолари)га нисбатан содир этилган ижтимоий хавфли қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлиги) шаклида намоён бўлганлиги учун ҳам уни тақозо этган омиллар ҳам ижтимоий-психологик хусусиятга эгалигини;

**учинчидан**, майший турмуш соҳаси билан боғлиқ бўлган барча воқеалар, ҳодисалар ва жараёнлар ундаги зўравонлик ҳамда унинг билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларга бевосита ёки билвосита таъсир қилса, ҳуқуқбузарликлар ва уларнинг оқибатлари ҳам, «бумеранг» сифати ушбу ҳодиса, воқеа ва жараёнларга акс таъсир кўрсатишини;

**тўртинчидан**, майший турмуш соҳасида зўравонлик оқибатида содир этилган ҳуқуқбузарликлар билан у ёки бу даражада боғлиқ бўлган ҳодиса, воқеа ва жараёнлар, асосий ёки асосий бўлмаган, биринчи ёки иккинчи даражали, ташқи ва ички омиллар сифатида намоён бўлишини;

**бешинчидан**, майший турмуш соҳасидаги зўравонлик ва унинг билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларни тақозо этган омиллар улар билан сабабий, яъни генетик боғланишга эга эканлиги келтирилган. Лекин, профилактик чоратадбирларни ўз вақтида ишлаб чиқиш ва барвақт профилактикани амалга ошириш нуқтаи назардан, майший турмуш жараёнида зўравонлик оқибатида содир этилган ҳуқуқбузарлик билан айнан маълум бир вақт бўйича ёки минтақавий, кузатувчи ҳамда бошқа кўринишларда боғлиқ бўлган воқеа, ҳодиса ва жараёнлар ҳам ўрганилиши кераклигини;

**олтинчидан**, майший турмуш соҳасидаги зўравонлик ва унинг билан боғлиқ ҳуқуқбузарликни тақозо этувчи ҳар бир омил ўз сабабига эгалигини, ҳар бир оқибат эса янги оқибатни келтириб чиқаришини; (*Шундай экан, бир вақтда сабаб сифатида намоён бўлган бир омил бир неча омилларни, яъни оқибатларни келтириб чиқариши, бир оқибатнинг эса бир нечта сабаби бўлиши мумкинлиги исботланган*).

**еттингчидан**, майший турмуш соҳасидаги зўравонлик ва унинг билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларни тақозо этувчи омиллар айрим ҳолда сабаб ва бошқа бир ҳолатда эса шароит сифатида намоён бўлади. Сабаб ва шароит алоқада бўлгандағина оқибат келиб чиқади. Сабаб, шароит ва оқибат ўртасидаги сабабий боғланиш майший турмуш соҳасида зўравонлик ва унинг билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар ҳамда уларни тақозо этувчи омиллар ўртасидаги сабабий боғлиқлик (генетик боғлиқлик) борлигини таъкидлашган.

**Майший турмуш соҳасида зўравонлик ва унинг билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларни тақозо этувчи омиллар шартли равишда қуйидаги гурӯхларга ажратилади:**

- ✓ оиласидаги носоғлом маънавий-руҳий муҳит;
- ✓ оиласидаги маънавий-ахлоқий тарбиянинг заифлиги ёки сустлиги;
- ✓ оила аъзоси (аъзолари)да мавжуд бўлган ғайриижтимоий хулқатвор;

- ✓ оиладаги моддий етишмовчилик ва қийинчилеклар;
- ✓ оила аъзоси (аъзолари)нинг спиртли ичимликка ружу қўйиши;
- ✓ оиладаги асоссиз (меъёрдан ортиқ) рашқ, эркак ва аёлнинг хиёнати;
- ✓ эрта турмуш қуриш, ёш оиладаги муносабатларга ноўрин аралашув.

Маиший турмуш жараённида носоғлом маънавий-руҳий мухит кўйидагиларни ўз ичига олади:

**Биринчидан**, маиший турмуш соҳасида зўравонлик ва унинг билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар, энг аввало оиладаги носоғлом ижтимоий-руҳий мухитнинг мавжудлиги билан боғлиқлигини кўрсатади.

Яна бир олимларнинг таъкидлашича, оиладаги мухитга хос бўлган шартшароитлар орасида оиласда шахс шаклланадиган мухит алоҳида аҳамият касб этади.



**Россиялик олим Ю.М.Антоняннинг фикрича**, маиший турмуш соҳасида зўравонликнинг асосий сабабларидан бири ота-онанинг фарзандга меҳр қўймаганлиги, уларнинг тарбиясига эътиборсизлигидир деб таъкидлаган.

Шахснинг болаликда меҳр-муруватдан маҳрум қилиниши унинг руҳиятида безовталиқ, қўрқинч, нафрат каби ҳиссиётларни шакллантиради. Бу ҳиссиётлар онгиз равишда қайд этиб борилади ва муросасиз хулқ-атворнинг энг ашаддий қўриниши оиласда зўравонликнинг пайдо бўлишига олиб келади<sup>20</sup>.

Оиласда маънавий-ахлоқий мухит носоғлом бўлиб, эр-хотин ва бошқа оила аъзолари ўртасида меҳр-оқибат, бир-бирини менсимаслик, қўполлик, ҳурматсизлик мавжуд бўлса, бундай оилаларда низолар тез-тез келиб чиқади.

Ҳар қандай воқеа-ҳодисанинг, шу жумладан, жиноятларнинг содир этилишида криминоген омилларнинг таъсир этиши муайян оқибатнинг келиб чиқишига сабаб бўлади.

**Професор И.Исмаиловнинг таъкидлашича** илмий гояларда оиласида носоғлом вазият оила аъзолари ўртасида ғайриижтимоий носоғлом муносабатларнинг ва шахс салбий маънавий шаклланишининг асосий манбаи ҳисобланади<sup>21</sup>.

Шунингдек, оиласда меҳр ва муносабатлар етарли даражада бўлмаса ёки шаклланмаган бўлса, унда турли муаммолар ва низолар вужудга келишини таъкидлаб ўтган.

Маълумки, маиший турмуш муносабатлари ҳар доим ҳам бир маромда бўлавермайди. Уй-рўзғор юмушларини бажаришда эр-хотин ва оила аъзоларининг бурчи, ота-онанинг фарзандлар олдидағи мажбурияти ҳамда фарзандларнинг катталар олдидағи бурчларини адо этиш жараённида маиший



<sup>20</sup>Антонян Ю.М. Причины преступного поведения. – М., 1992. – С. 114.

<sup>21</sup>Исмаилов И. Уюшган жиноий тузилмалар фаолиятининг олдини олишни назарий ва ташкилий-хуқуқий таъминлаш: Юрид. фан. док-ри. дисс... – Т., 2006. – Б. 160.

турмуш соҳасидаги муносабатлар мухим ўрин тутади.

Айрим ҳолларда уларнинг фикр ва қарашларидағи зиддиятлар, қарама-қаршиликлар, келишмовчилик ва англашилмовчилик ҳамда шахслараро низолар тарзида намоён бўлиб, оилада турли кўринишдаги низоларни келтириб чиқаради. Зоро, оилада ёки жамиятда тарбия масаласида хатога йўл қўймаслик учун аввало, ҳар қайси хонадондаги маънавий, тарбиявий шароит ўзаро ҳурмат, ахлоқ-одоб, инсоний муносабатларга таянган ҳолда шакланиши ўз самарасини беради.

Бу борада, Юртбошимиз Шавкат Мирзиёев ўз асарлар тўпламида оила муқаддаслигини, оила жамият кўрки эканлигини ва бу ҳақда ҳар бир оила ва шахс кесимида жамият муқаррарлигини таъминлаш ҳар бир раҳбарнинг кундалик қоидасига айланиши кераклигини ўз йиғилишларида таъкидлаб келмоқдалар.

Маиший турмуш доирасида ҳукуқбузарлик содир этган шахсларнинг аксариятини ахлоқсиз, маънавияти паст, салбий ҳулқ-атворга эга бўлган шахслар ташкил этади. Чунки, айборнинг муайян хатти-ҳаракати ёки салбий ҳулқи жамиятда турли низо келиб чиқишига сабаб бўлади.

Мисол учун, 1976 й.т. фуқаро Ю.Ж. 2019 йил 11 декабрь куни уйида спиртли ичимлик истеъмол қилиб, хотини М.ни ҳар хил уятли сўзлар билан ҳақорат қилиши натижасида, улар ўртасида келишмовчиликлар келиб чиқиб, турмуш ўртоғига нисбатан тан-жароҳати етказган.

Юқоридаги мутхиш ҳолат ўрганилганда, улар ўртасида мунтазам равишда турли низолар, ҳақорат, қўполлик ва хўрлаш, таҳқирлаш, камситиш, қийнаш билан боғлиқ ҳукуқбузарликлар содир этилсада, турмуш ўртоғи томонидан фарзандларининг келажагини ўйлаб, юқоридаги ҳолатлар юзасидан яқинларига, маҳаллага ҳамда ички ишлар органларига мурожаат қилмаган.

Бунинг натижасида, фуқаро Ю.Ж. ўзининг салбий хатти-ҳаракатларини йиллар давом тақрорлаб келган ва маст ҳолатда уйида бўлган жияни О.М. ҳамда қизи Г.Ж. ва ўғли З.Ж.ларнинг олдида турмуш ўртоғи М.ни уриб, турли даражадаги тан-жароҳати етказгани камлик қилганидек, Ўзбекистон Республикаси жиноят кодексининг 110-моддаси тартибидаги жиноятни содир этган<sup>22</sup>.

Ҳукуқшунос У.Ш.Холиқулов ўз тадқиқотида, жиноятлар ўзининг ижтимоий хавфлилигининг юқорилиги ва асосан уларни содир этаётган субъектларнинг ижтимоий хавфлилиги юқорилигидан, унинг ахлоқий қашшоқлиги, беҳаёлиги, шафқатсизлиги билан белгиланади<sup>23</sup> дея изоҳлаган.

Зўрлик ишлатишга кўп ҳолларда маиший турмуш соҳасидаги турли низолар сабаб бўлиб, бу уларнинг бир-бирига нисбатан тан-жароҳат етказиш, ҳақорат қилиш, қийнаш, хавф остида қолдиришга баъзида эса қасдан одам ўлдиришгача сабаб бўладиган хатти-ҳаракатлар содир этишга олиб келиши мумкинлиги исботланган.

<sup>22</sup> Сурхондарё вилояти жиноят ишлари бўйича суди архиви материаллари. 26/09-сонли жиноят иши.

<sup>23</sup> Холиқулов У.Ш. Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунчилиги бўйича вояга етмаганларга жазо тайинлаш муаммолари: юрид. фан. номз. дисс.-я. –Т., 2006. – Б. 50.

Ушбу қилмишларнинг содир этилишига олиб келувчи асосий омил бу жамиятда носоғлом мұхитнинг шаклланғанлиги оқибатидир. Оиладаги мұхитнинг таъсири болалар тарбиясининг бузилишига, уларнинг катталарга тақлид қилишига замин яратади.

**Ал-Бухорий хазратлари ўз ҳадисларида** шундай улуғ ибора, яньни оила ва маҳаллада “Охиста муомалада бўлиш, баланд ҳам эмас, паст овозда ҳам эмас, балки охиста ўрта меъёрда гаплашиш лозимлиги” ҳақида келтириб ўтган.

Шунингдек, болага ҳеч қачон дўқ-пўписа қилмасликни, охиста ширин овоз билан «яхши эмас» деган биргина чиройли ибора орқали тарбия ўйтларини сингдирғанлар, ҳеч қачон зўравонлик орқали ўз мақсадларига эришмаганлар. Мисол учун, мумтоз ёзувчи Абдулла Қодирийнинг **«Ўтган кунлар»** асаридаги қаҳрамонларнинг ўзаро муомала ва мулоқотлари, уларнинг ҳатто кичик фарзандларини ҳам «сиз»лаб гапириши, оиладаги низоли вазиятларни ҳам ҳеч бир уруш-жанжалсиз ўта нозиклик билан ҳал қилиниши тарбиянинг мураккаб ва серқирра томонларини, маънавиятимизнинг нақадар юқори эканлиги кўрсатиб берилганлигини кўриш мумкин.

**Президентимиз Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганларидек**, илм йўқ жойда қолоқлик, жоҳиллик, ёмонлик ва албатта, тўғри йўлдан адашиш бўлади<sup>24</sup>. Бугунги қунда шиддат билан ўзгариб бораётган ҳаёт олдимизга қўяётган бири биридан мураккаб ва мұхим масалаларни ҳал қилиш ҳақида ўйлар эканмиз, уларнинг ечими айнан таълимтарбия билан, ёшларнинг дунёқарашини замонавий билим, юксак маънавият ва маърифат асосида шакллантириш билан боғлиқ эканига яна бир бор ишонч ҳосил қиласиз ва бунда оиланинг роли катталигини, оила турмуш борасидаги жиноятлар, оилавий ажримлар келажак авлодга катта таъсир қўрсатишини таъкидлайдилар.



Бу борада олиб борилаётган мұхим ишларга қарамасдан, ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий соҳалардаги янгиланишлар жараёнида маънавий-маърифий ислоҳотларнинг самарадорлигига тўсиқ бўлаётган бир қатор тизимли муаммолар сақланиб қолмоқда. Шулардан бири бўлган оиладаги тинчликни сақлаш олий энг улуғ неъмат эканлигини, барча ички ишлар органлари ходимлари халқ манфаати учун хизмат қилишлиги лозимлигини Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт Стратегиясида ҳам устувор вазифа қилиб, белгилаб бердилар.

Шарқ донишманлари таъкидлаганидек, **энг катта бойлик бу акл - заковат ва илм, энг катта мерос бу яхши тарбия демакдир**, дейилган. Шу

<sup>24</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартағи "Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-6196-сон Фармони.

сабаб, ҳар бир инсон ҳаётда адашмаслик учун ҳаёт сабоқлари билан бирга замонавий билимларни ўзлаштириб бориб, чинакам маърифат ва юксак маданият соҳиби бўлиши учун мунтазам равишда ўз устида ишлиши ва юқори чўққиларга эришишни мақсад қилиши лозим.

### **Оиладаги носоғлом муҳит таъсири қўйидагиларда намоён бўлади:**

- оилада турли низо ва келишмовчиликларнинг келиб чиқиши фарзандлар тарбиясига салбий таъсир этишига;
- инсон ҳаёти ва ижодида бир қатор камчиликларнинг юзага келишига;
- шахсда салбий хусусиятларнинг шаклланишига;
- оила аъзолари ва қариндош уруғлар ўртасидаги ижтимоий муносабатларнинг бузилиши ёки ёмонлашишига;
- оилаларнинг барбод бўлишига олиб келиши мумкин.

**Психолог И.Э.Клотниекс** оилавий жанжаллар низолар ва салбий эмоционал реакцияларни келтириб чиқаради ва оиладаги психологик муҳитни бузади,<sup>25</sup> деб таъкидлайди, оиладаги низолар инсоннинг онгига салбий таъсир кўрсатиб, у ердаги муҳит ва тарбиянинг бузилишига олиб келади.

Оиладаги нотўғри тарбия эса шахсни маънавий шаклланишининг асосий манбаларидан бири ҳисобланади. Бундай оилаларда ота-она билан фарзанд ўртасидаги муносабатларнинг яхши эмаслиги кўпинча турли низо ва хуқуқбузарлик аломатлари шакилланишига замин яратади<sup>26</sup>. Бунинг учун умумий, маҳсус, якка ва виктимологик профилактик тадбирларни доимий равишида амалга ошириш имкониятларидан самарали фойдаланиш талаб этилади.

Ҳар бир оилада боланинг онги асосан, 5-7 ёшда ривожланишини инобатга оладиган бўлсак, айнан ана шу даврда унинг қалбida меҳр-мурувват шаклланиши, оиладаги муҳит таъсирида унинг маданияти, маънавиятининг илк куртаклари намоён бўла бошланишини унутмаслик керак.

Шундай экан, ҳар бир ота-она ўз фарзандини яхши баркамол инсон бўлиб этишиши учун энг аввало, унинг тарбиясига алоҳида эътибор қартиши лозим.

**Буюк олим А. Авлоний таъкидлаганидек:** “*Тарбия ё ҳаёт, ё мамот, ё најсот, ё ҳалокат, ё садоқат, ё фалокат масаласидур*”<sup>27</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев мазкур масала юзасидан ўз муносабатини билдириб шундай дейди: “Биз бир ҳақиқатни ҳеч қачон унутмаслигимиз лозим: ота-она, жамият эътиборидан четдан қолган бола оиласа қувонч ва фойда ўрнига, факат ташвиш келтиради.

Шу боис, бола тарбияси, ёшлар билан ишлаш биз учун энг муҳим ва долзарб вазифа бўлиб қолиши шарт”<sup>28</sup>.

<sup>25</sup> Клотниекс И.Э. Психология в семье. – М., 1991. – С 30-31.

<sup>26</sup> Хуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти психологияси: Дарслик / И. Исмаилов, Ў.Х. Мухамедов, М. З. Зиёдуллаев, Е. Фарғиев ва бошқ.; масъул мухаррир Ш. Т. Икрамов. – Т., 2015. – Б. 236.

<sup>27</sup> Абдулла Авлоний. Танланган асарлар. 2-жилд. – Т., 2006. – Б. 38.

<sup>28</sup> Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб ҳалқимиз билан бирга курамиз. – Т., 2017. – Б. 135.

Юқоридагилардан шундай хулоса келиб чиқадики, оиласда тарбия масаласида йўл қўйилган хато ва камчиликлар тузатиб бўлмас салбий оқибатларни келтириб чиқариши ва бу ўз навбатида, жамиятга ҳам салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Халқимизда бир яхши ан-ана бор Яхшидан ном ва боғ қолади ёмондан эса доф қолади деб бежиз айтмаган.

Шундай экан вақт келди хар бир инсон ўзидан улуғ боболаримизнинг ҳаётларини ўрганган ҳолда бир чиройли фарзан ва ўзимиздан яхши тассурот қолдирса шуни ўзи бизга катта омад ва қувонч охиратда савоб олиб келади.

## II БОБ.


### Оилавий зўравонликка қарши қурашиш тартиби ва уни келиб чиқиш сабаблари ва уларни олдини олиш фаолияти.

#### 2.1. Оилавий зўравонлик тушунчаси, унинг келиб чиқиш сабаблари.

Оила – муқаддас даргоҳ. Биргина шу «муқаддас» сўзи оилага бўлган муносабатимизни тўла англатади. Зотан, миллатнинг эртанги кунига дастлаб оиласда пойdevor қўйилади, унда ҳаётнинг давомийлигини таъминловчи авлод шаклланади. Юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг туб моҳиятида инсон ва унинг манфаатлари устувор экан, қўзланган мақсадга эришишда ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланган оиланинг ўрни - бекиёсdir.

Оиласда зўравонлик тушунчаси ўзбек тилига ҳуқуқий ислоҳот сифатида энди кириб келаётган янги атама ҳисобланади.

**Оиладаги зўравонлик бу** эр-хотин ёки бошқа яқин муносабатдаги кишилардан бирининг иккинчисига нисбатан жисмоний, руҳий, жинсий ёки молиявий зўравонлик кўрсатишидир. Одатда бу турдаги зўравонлик остида бир томон оиладаги бошқа аъзоларининг ҳаёти устидан назоратни ушлаб туришга бўлган интилиши ётади. Оилавий зўравонлик қурбони кўпчилик ҳолларда аёл киши ёки ёш болалар бўлади, аммо эркаклар ҳамда қариялар орасида ҳам жабрланувчилар йўқ эмас.



Бу муаммо ўз кўламига кўра глобал муаммо. У турмуш даражаси ва демократизация форматидан қатъи назар, дунёning барча мамлакатларида кузатилади. Аёллардан нафратланувчи эркакларни фақат қашшоқ ёки бадавлат, олий маълумотли ёки маълумоти йўқ, европалик ё осиёлик деб ажратиб бўлмайди. Бундайларнинг алоҳида бир миллати ё эътиқоди бўлмайди.

Оилавий зўравонликларнинг кенг тарқалган айrim кўринишлари қуйидаги ҳолларда, хусусан, эрнинг хотинини уриши, руҳий камситиш, унинг насл-насабини, оилавий шароити ёки ота-онаси ёхуд қариндошлари

қилган ишлари туфайли айблаб, ҳақоратлаши, эрнинг хотинини жинсий зўрлаши, жинсий камситиши, молиявий жиҳатдан чеклаш, аёлининг ўқишига ёки ишлашига қаршилик кўрсатишида намоён бўлади.

Ушбу дарсликни шакиллантириш жараёнида оиладаги зўравонликнинг турлари бўйича олимларнинг фикрлари ўрганилди, уларнинг тадқиқотларидан қўйидаги гурухларга ажратиб таҳлил қилдик.

**Биринчи гуруҳ олимлари** оиладаги зўравонлик асосан жисмоний куч ишлатиш орқали содир этилишини ва уларга хос хусусиятларни тадқиқ қилишга ҳаракат қилишган. Зўравонликни бошқа шахсга нисбатан қасддан жисмоний зўрлик ишлатиб, шахснинг соғлиғи ёки ҳаётига зарар етказишга қаратилган жисмоний дахлсизлигини бузишда намоён бўлади. Лекин, бундай ҳолатда жабрланувчига руҳий таъсир кўрсатиши ҳам инкор қилмайди. Жисмоний зўравонликни уриш, тепиш, соғлиққа зарар етказиш, қамаб қўйиш орқали таъсир кўрсатишидир.

Бизнингча, жисмоний зўравонликда жабрланувчига жисмоний зарар етказиш орқали унга нисбатан турли даражада шикаст етказиши ҳам инобатга олиш лозим.

Зўравонлик шахснинг соғлиғи, ҳаёти ва бошқа конституциявий хукуқ ва эркинликларига зарар етказиш ёки зарар етказиш билан қўрқитиб ижтимоий хавфли, ғайри қонуний таъсир кўрсатишидир. Жисмоний зарар етказиш билан таҳдид қилиш – бу жабрланувчи (ёки жабрланувчиларни) жисмоний зўравонлик ишлатиш билан қўрқитишидир. Оиладаги зўравонлик кўпинча жисмоний куч ишлатиш орқали ҳаёт ёки соғлиқ учун хавфли бўлган ҳолда содир этилади. Жисмоний зўравонликда куч ишлатиш, қалтаклаш, баданга нисбатан турли даражада шикаст етказиш ҳолатлари намоён бўлади.

Оиладаги зўравонликнинг куч ишлатиш шакли жабрланувчига қасддан оила аъзолари, яқин дўстлари ва бошқа шахслар томонидан уриш, қалтаклаш, унинг озодлигини чеклаш, яшаш жойида соғлом турмуш тарзи ва овқатланишидан маҳрум қилиш ҳамда руҳий саломатлигининг бузулиши ва қадр-қимматига зарар етказилишида намоён бўлади.

Табиийки, жисмоний зўравонлик баъзи ҳолларда жабрланувчини қўрқитиш ёки таҳдид қилиш билан биргаликда турли даражадаги тан жароҳати етказиш ҳаттоки қасддан одам ўлдиришгача ҳам бориши мумкин. Мисол учун, шахснинг шаъни ва қадр-қимматини камситувчи сўзлар билан ҳақоратлаш натижасида келиб чиқсан низолар оқибатида оғир турдаги жиноятларнинг келиб чиқиши кузатилади.

Жисмоний зўрлик жабрланувчига турли даражада тан жароҳатлари етказиш, уриш, жисмоний куч ишлатиш, жабрланувчининг қариндошларини, яқинларини ўлдириш, номусига тегиш ва х.к. кўринишларда содир этилади.

Оилада зўравонлик деганда тўғридан-тўғри жисмоний ёки психик таъсир кўрсатиш ва бундай таъсир этиш орқали таҳдид қилишидир. Бизнингча, бундай зўравонликларнинг мотиви рашк эканлиги ва у бирданига



вужудга келиши билан хатарлидир. Кўпинча, тўсатдан пайдо бўлган кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида шахснинг баданига оғир шикаст етказиш ёки одам ўлдириш жиноятлари содир этилган. Тўсатдан вужудга келган қасднинг бир қўриниши сифатида аффект ҳолатидаги қасдни ўзига хос хусусиятларини ҳам кўрсатиш мумкин.

**Олимларнинг фикрига қўра улар руҳий зўравонлик асосан қўйидаги қўринишларда бўлади:**

- а) шахснинг шаъни ва қадр-қимматини камситиш; б) шахснинг руҳиятга таъсир этиш;
- в) ҳақорат ёки туҳмат қилиш;
- г) доимий танқид қилиш, қўрқитиш;
- д) қариндош уруғлар орасида шарманда қилиш ва х.к.




Умуман олганда, оиласада зўравонликнинг содир этилишида кўпинча жисмоний ва руҳий зўравонлик биргаликда содир этилиб, шахсни камситиш, тазиқ ўтказиш, ҳақорат ёки туҳмат қилиш орқали унинг соғлиғига нисбатан жисмоний шикаст етказиш билан содир этилади. Башарти, азоб ва уқибатлар учун ўч олиш, жазолаш бирдан-бир мақсад бўлиб, оилавий-маиший муносабатларда

жабрланувчи билан айборд ўртасидаги муносабат салбий бўлган бўлса, айбордорда ўч олиш ниятининг пайдо бўлиши ёки жабрланувчининг ахлоқа зид хулқ-атвори айборда кучли руҳий бузулишни вужудга келтириши мумкин.

Оиладаги руҳий зўравонлик (тазиқ)ка юқорида берилган таърифлардан келиб чиқиб унинг қўйидаги белгилари мавжуд дейиш мумкин: а) руҳий тазиқ ҳар доим инсонга қарши қаратилган бўлади; б) руҳий тазиқ инсонга, унинг ихтиёрига зид равишда содир этилади; в) руҳий тазиқ ўзганинг руҳиятини эзиш, қийнаш орқали унинг соғлиғига жиддий салбий таъсир кўрсатади.

Олимларнинг фикрига қўра, майший зўравонлик жабрдийдаларини ҳам, оила аъзоларига нисбатан куч ишлатадиган шахсларни ҳам маълумоти ёки ижтимоий мақоми бўйича ажратиб бўлмайди. Майший зўравонлик ҳолати юқори иқтисодий мақомга эга бўлган оилаларда ҳам, кам таъминланган оилаларда ҳам бирдай намоён бўлади. Қолаверса, моддий таъминоти юқори бўлган оила аъзоларининг бу вазиятдан чиқиш учун ёрдам сўраши нисбатан мураккаброқ экани аниқланган ва улар йиллар давомида зўравонликка чидаб келади.

**Оилавий-маиший зўравонлик** – оиланинг бир аъзосига нисбатан бошқа бир аъзоси ёки аъзоларининг мунтазам давом этиб келувчи, такрорланиб турувчи зўравонлигидир ва у асосан оила ичидаги рўй беради. **Жисмоний, руҳий, жинсий ва иқтисодий зўравонлик** каби қўринишларда намоён бўлиши мумкин.



**Маиший зўравонлик** - бир инсон ўз умр йўлдошини тотал назорат остига олиб, ўзаро муносабатларда тўлиқ ҳукмронлик қилишга уриниши. Бу жисмоний ва ахлоқий устидан қулиш ҳолатларида ёки молиявий ҳолатини сустеъмол қилишда намоён бўлиши мумкин. Жисмоний зўравонлик жисмоний жароҳатларга олиб келади ва баъзи ҳолатларда хаёт учун хавф туғдиради.

Аёлга қўл кўтарилади, калтакланади, жисмоний зўравонлик ишлатилади.

**Ахлоқий зўравонлик** - ўз "ўлжаси" устидан ҳукмронлик ўрнатишнинг самарали усули. Бу қўпинча ташқаридаги одамлар учун кўринмайди.

Аёл таҳқирланади, танқид қилинади, унга, фарзандларига, қариндошларига зиён етказиш билан таҳдид солинади, доим назоратда бўлади, барча тадбирларда кузатилади, баъзан шахсий буюмларигача йўқ қилинади.

**Молиявий ҳолатини сустеъмол қилиш** - бу зўравонга ўз "ўлжаси" устидан назорат ўрнатиш учун молиявий воситалардан фойдаланиш имконини берувчи маиший зўравонлик тури.

Мустакил даромад топишни тақиқлаш (ишлашга рухсат бермаслик), амалга оширилган харидлар ҳақида тўлиқ ҳисбот бериш, болаларни таъминлаш учун алимент тўламаслик, озиқ-овқат маҳсулотлари ва кийим-кечаклар учун пул бермаслик.

Афсуски, Ўзбекистон ҳам бундан мустасно эмас. Бизнинг мамлакатимизда **маиший ёки "уй зўравонлиги"**га қўпинча бир оила муаммоси сифатида қаралган. Одамлар бундай муаммоларни уйдан ташқарига олиб чиқмасликка ҳаракат қилишади. Аксарият ҳолатларда зўравонлик қурбони шармандлик ва турли гап-сўзлардан қўрқиб, жим юришга мажбур бўлади. Бундай вазиятда қолган аёлларнинг индамаслигига бир неча сабаб бўлади. Кимлардир молиявий ёрдамсиз қолишдан қўрқса, бошқалари фарзандлари ва ўз ҳаёти учун хавфсирайди. Зўравонлик қурбони бўлган аёл ҳар томонлама қийин ҳолатда қолади. Айниқса, ҳатто энг яқин инсонлари ҳам бу муаммони ҳал қилишдан ўзини олиб қочганда.

**Охир-оқибат бу доимий қўрқув, депрессия, ўз жонига қасд қилиш кабилар билан тугайди.**

**Болалар хавф остида.** Болалар - маиший зўравонлиқда алоҳида мавзу. Улар зўравонликнинг тўғридан-тўғри қурбони бўлиши билан бирга, онага нисбатан қўлланаётган хатти-ҳаракатларнинг маълум қисмини ўзлаштириши хавфи ҳам бор. Бундай оиласда боланинг реалликни қабул қилиши бузилади, зеро у учун ҳақорат ва калтаклар аста-секин нормал ҳолатга айланиб боради.



Катта бўлгач унинг ўзи ҳам ана шундай зўравонлик хатти-ҳаракатларини қўллаши мумкин ёки шунчаки бундай "юк"ни кўтара олмайди ва бу кўпинча ўз жонига қасд қилиш билан тугайди.

Масалан, *2023 йил июнь ойида Самарқанд шаҳрида яшовчи М.М. исимили шахс турмуши ўртоги чет элга кетиши ва у ерда ишилаши турмуши ўртогига ёқмаганилиги сабабли, ўзаро телефон орқали уришиши натижасида ўз 10.12. ёшдаги (икк анфар қиз ва бир нафар ўғил боласини) фарзандларини оишона пичоги билан уриб ўлдирган холатини телефонга олиб ташлаган ва ўзини ҳаётига ҳам қаст қилмоқчи бўлиб шифохонага тушган<sup>29</sup>.*

### **Оилавий зўравонликлар асосан:**

кундалик ҳаётда оила аъзолари (эр билан хотин, қайнона ёки қайнопа ва келин, акаука, опа-сингиллар) ўртасидаги келишмовчилик оқибатида вужудга келадиган низоли вазиятларни юқори фоизи деб оладиган бўлсак, ундан оиласда бир шахснинг иккинчи бир шахсга нисбатан жисмоний куч ишлатиши, шахсга зўрлик билан руҳий таъсири кўрсатиш, оиласда ўз хукмронлиги ва таъсирини ўтказишга қаратилган хатти-ҳаракатлар, жинсий зўравонлик қилиш, қийнаш орқали руҳий азоб бериш, қўрқитиш ва зулм қилиш ҳар бир худудларда ўз фоизига ва кўрсаткичига эга бўлади.



Масалан, *Тошкент вилоятида яшовчи Ю.Ю. исимили шахс вояга етмаган 13-ёшдаги қизини номусига тегиб келаётган ҳолатлари, биз каби ходимларни янада ишилашган ва кенг жамоатчиликни хушёрликка чорлашга дават этади.* Албатта юртимизни янада равноқ топишини истаган ҳар бир шах, фуқаро ўз азиз ватанимизни турли хил иллат ва хатарлардан ҳимоя қилишда аволлом бор ўз оиласиз қадри ва қўни қўшнилар билан бўлган воқия ва ҳодисалардан хабардор бўлишимиз кераклигини, уларга ҳам ҳуқуқий маслаҳат беришни билмаган тақдирда бу ҳолда дархол ичики ишлар идораларига хабар бериш асосий вазифаларимиздан бири эканлигини унутмаслигимиз керак.


Оилавий зўравонликни ҳеч қандай шароитда оқлаб бўлмайди, чунки у инсоннинг асосий ҳуқуқларига дахл қиласди. Зўравонлик фақат жисмоний куч ишлатиш билан эмас, руҳий, ахлоқий, иқтисодий ва майший босим кўринишларида намоён бўлиши мумкин. **Ҳақоратлаш, мажбурлаш, зўрлаш, иқтисодий чекловлар қўйиш, мунтазам руҳий қийноққа солиш каби ҳолатлар ҳам зўравонлик сифатида баҳоланади.**

Хуроса ўрнида таъкидлаш жоизки, руҳий зўравонлик кўп ҳолларда қўрқитиш (тазийқ ўтказиш, қийнаш, жабр-зулм қилиш, қўрқитиш, ўзига қарам қилиш) шаклида содир этилади. Руҳий зўравонлик шахснинг «ихтиёрига зид» ҳаракатларни амалга ошириш ёки «тазийқ ўтказиш» мақсадларида содир этилиши мумкин. Оиладаги зўравонликларнинг кўп

<sup>29</sup> Ўзбекистон Республикаси ИИВ Тергов департаментидан 2023 йил май ойида олинган маълумот.


қисми руҳий (психологик) зўравонликни ташкил этади.

**Ҳар бир оилавий зўравонликнинг ўзига яраша сабаблари бор.** Аммо, уларга олиб келувчи омиллар қатор умумийликка эга. Судлар томонидан оилавий низолар билан боғлиқ ишларни қўришда, қўпинча эркакнинг аёлга, ота-онанинг фарзандга нисбатан зўравонлиги, зўравонликнинг бир шахсга нисбатан кўпчилик бўлиб содир этилиши, учинчи шахсларнинг аралашувчи, жабрланган шахснинг муаммо билан ёлғиз қолиши ва хуқуқий, психологик, тиббий ёрдам бериш механизмининг заифлигига дуч келиб, натижада оилавий ажримларга олиб келади.



Бунга асосан менталитетга хос хусусиятлар, оилавий сир, зўравонлик оиласдан ташқарига чиқмаслиги муаммога барҳам беришда қийинчилик туғдиради.

Қайнона, қайнота ва бошқа қариндошларнинг оиласдан келинга зулм қилиши, унинг сўзсиз бўйсунишини, ҳеч қандай имтиёзлар талаб қилмаслигини исташи ёки ота-онанинг фарзандга, келинларнинг бетоб қайнона ёки қайнотага босим ўтказиши каби ҳолатлар оилани барбод бўлишига олиб келади.



Халқ орасида кўп қўлланувчи **«Урадими, демак, севади»** деган тушунчага умуман ўрин бўлмаслиги керак. Психологларнинг фикрича, бир марта қўл кўтардими, бу ҳолат яна такрорланиш эҳтимоли юқори. Зўравонликка имкон бериш керак эмас. Калтак ва ҳақоратлардан азият чекаётган аёл «сабр қил!», деган сўзларни атрофдагилардан эшигади.

Оилавий зўравонлик билан боғлиқ занжир қандай узилиши мумкин?

Хукуқни билган инсон ўзининг қонун ҳимоясида эканини яхши хис этади ва ундан вақтида фойдалана олади. Зўравонликка тоқат қилманг. Йўқ денг ва чора кўринг. Зеро, инсон ҳаёти, шаъни, қадр-қиммати ҳар нарсадан устун. Акс ҳолда, аёлларимиз дуч келаётган азоб-уқубат, камситилиш, хўрлик, таҳқир занжирлари ҳеч қачон узилмайди.

**Оилавий зўравонлик сабаблари нимада?** Ҳар бир оилавий зўравонликнинг ўзига яраша сабаблари бор. Аммо уларга олиб келувчи омиллар қатор умумийликка эга. Ўзбекистон шароитида оилавий зўравонликни характерловчи қуйидаги асосий хусусиятлар фарқланади: зўравоннинг жисмонан кучлилиги (қўпинча эркакнинг аёлга, ота-онанинг фарзандга нисбатан зўравонлиги), зўравонликнинг бир шахсга нисбатан кўпчилик бўлиб содир этилиши (учинчи шахсларнинг аралашуви),

жабрланган шахснинг муаммо билан ёлғиз қолиши (хуқуқий саводсизлик, ижтимоий ёлғизлик) ва жабрланган шахсга ҳуқуқий, психологик, тиббий ёрдам бериш механизмининг заифлиги.

Оилавий зўравонликка барҳам бериш қийинлигининг сабабларини мушоҳада қилгандা, менталитетга хос хусусиятларни эътибордан қочирмаслик лозим. Ўзбек оилаларида шахсий ҳаёт, оилавий сир – муқаддас ва ҳалқимиз бу маънода анча консерватив ҳисобланади, яъни кўпчилик ҳолатларда оиладаги зўравонлик оиладан ташқарига чиқмайди.

Ўзбек оилалари одатда кўп аъзолик, яъни нафақат эр ва хотин, балки уларнинг қариндошлари ҳам муносабатлар занжирида муҳим роль ўйнайди. Қайнона, қайнота ва бошқа қариндошларнинг оиладаги келинга зулм қилиши, унинг сўзсиз бўйсунишини, ҳеч қандай имтиёзлар талаб қилмаслигини исташи ёки ота-онанинг фарзандга, келинларнинг бетоб қайнона ёки қайнотага босим ўтказиши каби ҳолатлар кузатилади. Афсуски, ана шу вазиятлар аксар ҳолларда жавбрланувчининг ўз жонига қасд қилишига ёки охирги, критик нуқтага етиб боргунча зулмга бардош бериб, жиддий тан жароҳатлари, руҳий зарбалар олишига, соғлигини тикланмас даражада йўқотишига сабаб бўлади.

Ачинарлиси **жабрланувчининг ўзи мурожаат қилмайди** ёки ишни жавобгарни жазолашгача олиб бормай, даъвосини қайтариб олади. Жазоланмаган жиноятлар эса такрорланиши сир эмас.

Биринчидан, Ўзбекистонда эркак оила бошлиғи ва асосий боқувчиси, деган эскича қараш анча ривожланган. Иккинчидан, аксарият аёллар етарли маълумотга эга эмас ва ўз ҳақ-хуқуқларини билмайди. Яна бир омил, бу – хотин-қизлар орасида ишсизлик даражасининг юқорилиги. Уларни турмуш ўртоқлари, яъни эр моддий таъминлайди. Шунинг учун эр ва қайнона тазиикига чидашга маҳкумдирлар.

Айтиш лозимки, аёллар томонидан эркакларга нисбатан зўравонлик ҳолатлари ҳам мавжуд. Улар кўпинча эркакларни жиноятга ундейдилар. Масалан, эркакларни ўzlари учун қимматбаҳо уй-жой, машина, тилла буюмлар ҳарид қилишга мажбурлашади.

*Жаҳон соглиқни сақлаши ташкилоти маълумотларига кўра, дунёдаги ҳар учинчи аёлга ҳаёти давомида ўз умр йўлдоши томонидан жисмоний тазиик ўтказилади. Турмуши қурган аёлларнинг 30 фоизи ҳамроҳи томонидан зўравонлик ҳолатларига дуч келганлари ҳақида маълум қиласди. Аёллар ўлимининг 38 фоизи уларнинг турмуши ўртоги томонидан амалга оширилади ва зўравонликка дуч келган аёлларнинг 42 фоизигина муаммо ҳақида очик сўзлайди.*



## **2.2. Зўравонликка қарши кураш ва ундан ҳимоя қилиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш фаолияти**

Жамиятдаги ҳар қандай иллатга қарши курашни оиласдан бошласаккина уни илдизи билан қуритиш мумкин. Ҳуқуқбузарлик, жиноятчилик, коррупция каби иллатларга қарши кураш қанчалик кенг кўлам қасб этмасин, натижа мақтанарли эмас. Аслида ҳар бир инсон оиласда уларга қарши иммунитет билан тарбия топса – олам гулистон, ўз-ўзидан барҳам топиб кетади. Хўш, бунинг учун нима қилиш зарур? Ишни нимадан бошлаган маъқул?

Оиласдаги зўравонлик оқибатида инсоннинг конституция билан кафолатланган ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатлари, хусусан ҳаёти, соғлиги, эркинлиги, жинсий дахлсизлиги, шаъни, ор-номуси, қадр-қиммати ҳамда қонун билан қўриқланадиган бошқа ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларига таҳдид ва тажовуз қилувчи ҳуқуқбузарликлар содир этилади.

**Маиший зўравонликка қарши қандай курашиш мумкин?** Бунга қарши ёлғиз курашиб бўлмайди. Кўрқиб яшовчи, руҳий жиҳатдан эзилган зўравонлик қурбони аниқ ва "шафқатсиз" қарорлар қабул қилиш ҳолатида бўлмайди. Бу ерда нафақат яқинларнинг, балки давлат томонидан ҳам қўллаб-куватлаш керак бўлади. Зеро зўравонлик, энг аввало, шахсга қарши жиноят, шахсий эркинлик ҳуқуқларининг бузилишидир.

Бутун дунёда бу каби жиноятлар профилактикаси бўйича катта тажриба, маҳсус қонунчилик меъёрлари ва бундай кишиларни реабилитация қилишга доир стандартлар мавжуд. Ўзбекистонда ҳам бу нормалар ривожланмоқда.

Айнан, Конституциямизда фуқароларнинг бир қатор асосий ҳуқуқ ва мажбуриятлари, хусусан ҳеч кимнинг қийноққа солиниши, зўравонликка, шафқатсиз ёки инсон қадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги тазиикقا дучор этилиши мумкин эмаслиги, хотин-қизлар ва эркаклар тенг ҳуқуқлилиги, фуқаролар Конституция ва қонунларга риоя этишга, бошқа кишиларнинг ҳуқуқлари эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилишга мажбурилиги белгилаб берилди, бу талабларга ҳамма риоя қилиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг **2018 йил 2 июлдаги “Ижтимоий реабилитация қилиш ва мослаштириш, шунингдек, оиласий-маиший зўрлик ишлатишнинг олдини олиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”**ги ПҚ-3827-сон қарорига мувофиқ, Республика реабилитация ва шахслар адаптацияси марказида зўравонлиқдан азият чеккан кишиларга ёрдам кўрсатилади. Профилактика ишлари билан эса Бош прокуратура, ИИВ, Таълим вазирлиги ва Хотин-қизлар қўмитаси шуғулланади.

Бугунги кунда хотин-қизларга нисбатан зўравонлик қилиш, куч ишлатиш қонунларимизда ҳам тақиқлангани, аёлларимизнинг эркинлиги, ҳуқуқлари улар билан ҳимоялангани хусусида сўз юритди. Хусусан,

юртимиизда “Хотин-қизларни тазийқ ва зўравонлиқдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунининг кучга киргани ва Ҳимоя ордери институти жорий қилиниши оилада тазийиққа учраган аёллар учун айни муддао бўлди. Мамлакатимиизда бундай зўравонлик тушунчаси биринчи марта қонун доирасида белгиланади. Қонун ҳимоя механизмлари, тақиқловлар, чора-тадбирлар, процессуал кафолат кабиларни татбиқ қилишга йўналтирилади.

Қонунга мувофиқ хотин-қизларни тазийқ ва зўравонлиқдан ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари, Ҳукумат ва давлат ташкилотларининг соҳадаги ваколатлари ва хотин-қизларга нисбатан тазийқ ва зўравонлик ҳолатларининг олдини олиш, уларни аниқлаш ҳамда уларга чек қўйишнинг умумий чора-тадбирлари белгилаб берилди.

**Қонунга асосан хотин-қизларга нисбатан тазийқ ва зўравонлиknинг ҳолатлари содир этилганда қўйидаги якка тартибдаги чора-тадбиралар кўрилади:**

- профилактика сухбатини ўтказиш;
- ҳимоя ордерини бериш;
- тазийқ ва зўравонлиқдан жабрланувчиларга ёрдам кўрсатиш бўйича маҳсус марказларга жойлаштириш;
- зўравонлик хулқ-авторини ўзgartириш бўйича тузатиш дастурларидан ўтиш.

Мазкур Қонунга асосан ва хотин-қизларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатлари тазийқ ва зўравонлиқдан ишончли ҳимоя қилинишини таъминлаш борасидаги ишлар самарадорлигини ошириш мақсадида **Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 4 январдаги З-сон қарори** билан «Тазийқ ва зўравонлиқдан жабрланган хотин-қизларга ҳимоя ордерини бериш, ижросини таъминлаш ва мониторинг олиб бориш тўғрисида низом» талаби асосида амалга оширилди.

Низомга кўра ҳимоя ордери **24 соат** ичидаги зўравонликка учраган фуқарога ички ишлар органларининг таянч пункти профилактика (катта) инспектори томонидан берилади. Жабр кўрган аёл ёки бу ҳақида хабардор бўлган учинчи шахс (қўшни, қариндош ва бошқалар) яшаш худудидаги ҳукуқ-тартибот органларига ариза билан мурожаат қиласди.

### ХОТИН-ҚИЗЛАРНИ ТАЗИЙҚ ВА ЗЎРАВОНЛИКДАН ҲИМОЯ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУН

2019 йил 2 сентябрь

**ТАЗИЙҚ ВА ЗЎРАВОНЛИКДАН ЖАБРЛАНУВЧИ  
ҚҮЙИДАГИ ҲУҚУҚЛАРГА ЭГА:**

- тегишли органларга ёхуд судга мурожаат этиш
- белуп ҳукукий маслаҳат олиш
- ижтимоий, психологик, тиббий ва бошқа ёрдам олиш.

Жабрланувчи етказилган моддий ҳамда мъянавий зарарни қоплаш тўғрисида ариза билан судга мурожаат этганида давлат божи тўлашдан озод қилинади.

Ваколатли органлар тазийқ ва зўравонликдан жабрланган шахсни ҳимоя механизми, кўрсатиладиган ёрдам ва хизматлар тўғрисидаги ахборот билан танишишириши лозим.

Тазийқ ва зўравонликдан жабрланувчиларга ички ишлар органлари томонидан **ҳимоя ордери** берилади.

**ҲИМОЯ  
ОРДЕРИ**

тазийқ ва зўравонлик факти ёки уларни содир этиш хавфи аникланган пайтдан эътиборан

**24 СОАТ** ичидаги  
**30 КУН** муддатгача берилиши лозим.

**Ҳимоя ордери** – тазийқ ва зўравонликдан жабрланувчига давлат ҳимоясини тақдим этувчи, тазийқ ўтказаётган ёки зўравонлик содир этган шахсга таъсир кўрсатиш чоралари қўлланилишига сабаб бўладиган ҳужокатdir.


Тазийқ ўтказган ва зўравонлик содир этган ёхуд уларни содир этишга мойил бўлган шахсга **ҳимоя ордерининг нусхаси** топширилади.

Тазийқ ёки зўравонлик тақроран содир этилишининг олдини олиш мақсадида зўравонлик содир этган шахс **хулк-атворини** ўзgartириш бўйича тузатиш дастуридан ўтиши керак.

Профилактика инспекторлари жабрдийданинг яшаш шароитини ўрганиб чиқиб, 24 соат муддатда ордер бериш масаласи ҳал қилинади. Ҳимоя ордери ўттиз кун муддатгача берилади ва ушбу ордер расмийлаштирилган пайтдан эътиборан кучга киради. **30 кунлик** муддат учун бериладиган ҳужжат 3 нусхада бўлади, яъни аризачи, зўравонлик содир қилган шахс ва профилактика инспекторида сақланади. 30 кун муддатда жабр кўрган аёлга зўравонлик содир қилган шахс томонидан яна тан жароҳати етказса, фуқарога нисбатан жиноят иши очилади. Хавф-хатар ҳали бартараф қилинмагани аниқланса, ҳимоя ордери муддати узайтирилиши мумкин.

Ҳозирда Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 11 апрелаги «Хотин-қизлар ва болалар ҳукуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш тизими янада такомиллаштирилиши муносабати билан ўзбекистон республикасининг айrim қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги **ЎРҚ-829-сон** Қонуни ижрога қаратилди.

Хусусан, хотин-қизлар ва болаларнинг хуқуқларига дахл қилувчи жиной қилмишлар учун мутаносиб санкциялар белгиланмаган, хотин-қизларни шилқимлик ва зўравонликтан ҳимоя қилишнинг хуқуқий кафолатлари мавжуд эмаслиги, тазийқ ва зўравонликтан жабрланган шахсга давлат ҳимоясини тақдим этувчи ордернинг амал қилиш муддати (ўттиз кун) хотин-қизларнинг хуқуқлари ҳамда қонуний манфаатлари етарли даражада ҳимоя қилинишини таъминлаш имконини бермаганлиги, алиментларни тўламаганлик учун жазо сифатида жарима солиниши янада кўпроқ молиявий қийинчиликларни келтириб чиқарилаётганлиги боис ушбу Қонун билан Ўзбекистон Республикаси қонунларига хотин-қизларни ижтимоий-иктисодий соҳада ўз хуқуқлари ва манфаатларини амалга оширишида қўллаб-куватлаш масалаларини тартибга солувчи қонунчиликни халқаро стандартлар асосида такомиллаштиришни назарда тутувчи, шунингдек болалар масалалари бўйича комиссиялар фаолиятининг хуқуқий асосларини мустаҳкамлаб кўювчи бир қатор ўзгартишлар киритилди.



Мазкур қонун билан «**23<sup>1</sup>-модда Ҳимоя ордерининг амал қилиш муддатини узайтириш**» ҳақидаги модда билан тўлдирилди.

Бу модда бир қатор тартибларни, жумладан, тазийқ ва зўравонлик ёки уларни содир этиш хавфи бартараф этилмаган тақдирда, тегишли худудда тазийқ ва зўравонликнинг якка тартибдаги профилактикасини амалга ошириш учун масъул бўлган ички ишлар органининг мансабдор шахси томонидан тазийқ ва

зўравонликтан жабрланувчининг аризасига кўра, бир иш куни ичida ҳимоя ордерининг амал қилиш муддатини узайтириш бўйича материаллар тайёрланади ҳамда ҳимоя ордерининг амал қилиш муддатини узайтириш тўғрисидаги илтимоснома расмийлаштирилган ҳолда жабрланувчининг яшаш жойидаги жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судига юборилади.

Ҳимоя ордерининг амал қилиш муддатини узайтириш тўғрисидаги илтимоснома материаллар келиб тушган пайтдан эътиборан йигирма тўрт соат ичida ёпиқ суд мажлисида жабрланувчи ҳамда тазийқ ўтказган ва (ёки) зўравонлик содир этган ёхуд уларни содир этишга мойил бўлган шахс ҳозирлигига кўриб чиқилади.

Илтимосномани судда кўрища адвокат иштирок этиши мумкин.

Жабрланувчининг ҳамда тазийқ ўтказган ва (ёки) зўравонлик содир этган ёхуд уларни содир этишга мойил бўлган шахснинг суд мажлисига келиши ички ишлар органи ходими кузатуви остида амалга оширилади.

Тазийқ ўтказган ва (ёки) зўравонлик содир этган ёхуд уларни содир этишга мойил бўлган шахснинг суд мажлисида узрсиз сабабларга кўра ҳозир бўлмаганлиги ишни кўриб чиқишига монелик қилмайди. Агар суд мазкур шахснинг судда ҳозир бўлишини шарт деб топса, суд уни мажбуран олиб келиш тўғрисида ажрим чиқариши мумкин.

Судья иш материаллари билан танишиб чиққанидан кейин ҳимоя ордерининг амал қилиш муддатини узайтириш тўғрисида ёки ҳимоя ордерининг амал қилиш муддатини узайтириш тўғрисидаги илтимосномани қаноатлантиришни рад этиш ҳақида қарор чиқаради.

### **Ҳимоя ордерининг амал қилиш муддатини узайтириш тўғрисидаги қарорда қўйидагилар кўрсатилади:**

❖ ҳимоя ордерининг амал қилиш муддатини узайтириш тўғрисидаги қарор қабул қилинган вақт ва жой ҳақидаги маълумотлар, қарорни қабул қилган суднинг номи, судьянинг, тарафларнинг, ишда иштирок этувчи бошқа шахсларнинг фамилияси, исми ва отасининг исми;

❖ тазийқ ва зўравонликдан жабрланувчининг ҳамда тазийқ ўтказган ва (ёки) зўравонлик содир этган шахснинг фамилияси, исми ва отасининг исми, туғилган санаси ва жойи, машғулотининг тури ҳамда яшаш жойи;

❖ ҳимоя ордерининг амал қилиш муддатини узайтириш тўғрисидаги қарорни қабул қилиш учун асос бўлиб хизмат қилган ҳолатлар;

❖ тазийқ ўтказган ва (ёки) зўравонлик содир этган ёхуд уларни содир этишга мойил бўлган шахсга нисбатан қўлланилган, ушбу Қонуннинг 26-моддасида назарда тутилган чекловларнинг рўйхати.

Суднинг ҳимоя ордерининг амал қилиш муддатини узайтириш тўғрисидаги қарори ўқиб эшилтирилган пайтдан эътиборан кучга киради ва ички ишлар органлари томонидан дарҳол ижро этилади.

Судья тазийқ ўтказган ва (ёки) зўравонлик содир этган ёхуд уларни содир этишга мойил бўлган шахсга қарор устидан шикоят қилиш тартиби ва муддатини, шунингдек ҳимоя ордери талабларини ҳамда уларни бажармаслик оқибатларини тушунтиради.

Қарорнинг кўчирма нусхаси тазийқ ва зўравонликнинг якка тартибдаги профилактикасини амалга ошириш учун масъул бўлган ички ишлар органининг мансабдор шахсига, тазийқ ва зўравонликдан жабрланувчига, шунингдек тазийқ ўтказган ва (ёки) зўравонлик содир этган ёхуд уларни содир этишга мойил бўлган шахсга дарҳол топширилади.

Агар улар суд мажлисига келмаган бўлса, қарорнинг кўчирма нусхаси бир сутка ичida почта орқали тарафларга юборилади.

Суднинг ҳимоя ордерининг амал қилиш муддатини узайтириш тўғрисидаги ёки ҳимоя ордерининг амал қилиш муддатини узайтириш тўғрисидаги илтимосномани қаноатлантиришни рад этиш ҳақидаги қарори устидан тазийқ ва зўравонликдан жабрланувчи, тазийқ ўтказган ва (ёки) зўравонлик содир этган ёхуд уларни содир этишга мойил бўлган шахс, агар ишда иштирок этган бўлса, уларнинг адвокати, қонуний вакили томонидан **72 соат** ичida апелляция тартибида шикоят қилиниши мумкин.

Ҳимоя ордерининг амал қилиш муддатини узайтириш тўғрисидаги қарор устидан шикоят қилиниши унинг ижро этилишини тўхтатиб турмайди.

*Маълумот учун: мавжуд маълумотларга кўра, бугунги кунда 197ta “Зўрлик ишлатишдан жабр кўрган шахсларни реабилитация қилиши ва мослаштириши ҳамда ўз жонига қасд қилишининг олдини олии Марказлари” ишламоқда.*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг **2021** йил

**6 октябрдаги 625-сонли «Зўрлик ишлатишдан жабр кўрган хотин-қизларни реабилитация қилиш ва мослаштириш ҳамда ўз жонига қасд қилишининг олдини олиш борасидаги ишларни такомиллаштиришга доир қўшимча чоратадбирлар тўғрисида»ги қарори хуққий асос ҳисобланади.**

**Оила кодексига мувофиқ** эр ва хотин оиласида тенг ҳукуқлардан фойдаланадилар ва улар тенг мажбуриятларга эгадирлар, эр ва хотиннинг ҳар бири машғулот тури, касб ва туриш ҳамда яшаш жойини танлашда эрклидир.

Ушбу Кодексининг 26-моддасига кўра қимматбаҳо буюмлар ва зебу-зийнатлардан бошқа шахсий фойдаланишдаги буюмлар (кийим-бош, пойабзал ва бошқа шу кабилар), гарчи никоҳ давомида эр ва хотиннинг умумий маблағи ҳисобига олинган бўлса ҳам, улардан фойдаланиб келган эр ва хотиннинг хусусий мулки ҳисобланади.



Шу ўринда бу каби содир этилган қилмишлар учун уларнинг турига ва оғирлаштирувчи ҳолатларга қараб Жиноят кодекси биринчи бўлмининг (шахсга қарши жиноятлар) бир қанча моддаларида жиноий жавобгарлик белгиланган.




Масалан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида қасддан одам ўлдирганлик учун (97-модда) ўн йилдан йигирма беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш ёки умрбод озодликдан маҳрум қилиш, ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш учун (103-модда) уч йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан жазоланади.

Шунингдек, оилавий зўравонлик ҳолатлари аниқланганда фуқаролар томонидан содир этилиши эҳтимоли кўп учрайдиган қасддан баданга оғир (104-модда), ўртача оғир (105-модда) ёки енгил (109-модда) шикаст етказиш, қийнаш (110-модда), ўлдириш ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш (112-модда), жиноий равишда ҳомила тушириш (аборт) (114-модда), хавф остида қолдириш (117-модда), номусга тегиши (118-модда), аёлни жинсий алоқа қилишга мажбур этиши (121-модда), вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсларни, ота-онани моддий таъминлашдан бўйин товлаш (122-123-моддалар), никоҳ ёши тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш (125<sup>1</sup>-модда), тиланчилик қилиш (127<sup>1</sup>-модда), аёлни эрга тегишига мажбур қилиш ёки унинг эрга тегишига тўқсиялик қилиш (136-модда) каби қилмиш содир этган шахс Жиноят кодексининг тегишли моддасига асосан жавобгарликка тортилади.

Қонунлар албатта керак, аммо маърифат йўқ жойда улар ишламайди.

Зўравонлик иллат экани ҳақида жамоатчилик мунтазам бонг уриши, нашрлар тўхтовсиз ёзиши, ТВ доим кўрсатиши зарур”.

**Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда** зўравонликка нисбатан, яъни тухмат, ҳақорат қилиш, Соғлигини бузилишига олиб келмаган енгил тан-жарохати, фуқарога маънавий ёки моддий зарар етказиши мумкин бўлган маълумотларни ошкор этиш, шахсий ҳаёт дахлсизлигини бузиш, вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсларни моддий таъминлашдан бўйин товлаш, ота-онани моддий таъминлашдан бўйин товлаш, енгил тан жарохати етказиш ҳамда майда безорилик содир этганлик учун энг кам иш ҳақининг бир бараваридан олтмиш бараваригача микдорда маъмурий жарималар солишга ва ўн беш сутка муддатга маъмурий қамоққа олиш жазолари кўзда тутилган.



Ҳар қандай зўравонликка жавобгарлик жиноятнинг ўзига мутаносиб бўлиши қонунчилигимиизда қатъий белгиланган. Жиноят кодексида ҳам зўравонликка нисбатан, яъни қасддан баданга соғлихини бузилишига олиб келган енгил шикаст етказиш, қасддан баданга ўртacha оғир шикаст етказиш, қасддан баданга оғир шикаст етказиш, ўлдириш ёки зўрлик ишлатиш билан кўрқитиш, қийнаш ва жабрланувчига доимий равиша руҳий босим ўтказиб, уни ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш учун энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма беш бараваридан юз бараваригача микдорда жарима, икки юз қирқ соатдан тўрт юз саксон соатгача мажбурий жамоат ишлари, бир йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари, бир йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ва бир йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланиши мумкин.

### 2.3. Оилавий зўравонликни олдини олишда Ички ишлар органлари ҳамда ўзини-ўзини бошқариш органалари томонидан ҳамкорликда амалга оширилаётган чора-тадбирлар.



БМТ Бош Ассамблеясининг 1999 йил 17 декабрдаги резолюцияси билан **25 ноябрь – Халқаро аёлларга нисбатан зўравонликка барҳам бериш куни**,


сифатида белгиланган. 2014 йилда БМТ Бош котиби хотин-қизларга нисбатан зўравонликларни бартараф этишга қаратилган “UNiTE” номли ташаббусини очик деб эълон қилди. Шу муносабат билан ҳар йили дунё миқёсида **25 ноябрдан 10 декабргача “Зўравонликка қарши 16 кун”** остида турли тадбирлар ўтказилади.

Маълумки, Ўзбекистонда фуқароларни зўравонлиқдан ҳимоялаш, ҳар қандай зўравонликка муносиб жазо тайинлаш миллий қонунчилигимизда қатъий белгилаб қўйилган. Яъни, кўча-кўйда бегона инсонни ҳақоратлаш ёки унга тан жароҳати етказиш қандай жавобгарликка тортилса, **оиласдаги шахсга нисбатан** зўравонлик ҳам ана шундай жазоланади. Бундай вазиятда зўравонлиқдан жабр кўрган аёлларни реабилитация қилиш институтларининг фаолияти муҳим аҳамиятга эга.

Эътиборлиси, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги томонидан ҳам зўравонликка қарши курашиш, хотин-қизларнинг ҳукуқларини ҳимоя қилиш, зўравонлиқдан жабр кўрган аёлларни реабилитация қилиш институтлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш, бу борада илғор хорижий тажрибани ўрганиш ва миллий амалиётга жорий этиш бўйича кенг қўламли ишлар олиб борилмоқда.

Жумладан, 2021 йил айнан шу санага бағишлиб Олий Мажлис Сенатининг Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси ҳамда ҳалқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда **“Дунёнинг тўқ сариқ ранг тузи: жамғариш, жавоб бериш, олдини олиш, жамлаш!”** шиори остида **“Зўравонликка қарши 16 кун”** кампанияси очилиш маросими онлайн конференция шаклида ташкил этилди. Конференцияда хотин-қизларга нисбатан ҳар қандай зўравонликларнинг олдини олиш, уларнинг ҳукуқларини ҳимоя қилишда аёлларнинг муаммолари ҳақида ўз вақтида хабар топиш ва тегишли идоралар билан ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш муҳим эканлиги алоҳида таъкидланди. Мазкур тадбир “Зўравонликка қарши 16 кун” кампанияси 10 декабрга қадар давом этди.

«Гендер зўравонликка қарши 16 кунлик фаол ҳаракатлар» кампанияси эълон қилинди. Ҳар йили **25 ноябрдан** юртимизда Ўзбекистонда «Гендер зўравонликка қарши 16 кунлик фаол ҳаракатлар» кампанияси бошланади. Компания бошланишини эълон қилган Сенат раиси Танзила Нарбаева зўравонликка қарши курашда «узоқ ва машаққатли ишлар» турганини ва унда «ҳар биримизнинг иштирокимиз муҳим» эканлигини таъкидлади.





«Мамлакатимизда аёлларга нисбатан зўравонликнинг олдини олиш, зўравонлик курбонларини реабилитация қилиш бўйича қатор аниқ чора-тадбирлар амалга оширилди.

Жумладан, 8 та норматив-хуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди, шундан 2 таси қонунлардир. Шу билан бирга жамиятимизда хотин-қизларга нисбатан зўравонлик ҳолатлари учраб турибди, бундай ҳолатларни энди яшириб бўлмайди. Аммо баъзи опа-сингилларимиз ўзлари билан содир бўлган зўравонлик ҳолатларини ошкор қилмасликни афзал кўришларини ҳам яхши биламиз.

БМТ маълумотларига кўра, 15 ёшдан ошган ҳар учинчи аёл ҳаёти давомида камиди бир марта бўлса ҳам жисмоний ёки жинсий зўравонликка учрамоқда.

2021 йилнинг май ойида Президентнинг «Зўрлик ишлатишдан жабр кўрган хотин-қизларни реабилитация қилишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори қабул қилиниб, у зўравонликка учраган аёлларга ёрдам кўрсатиш тизимини яратиш, оиласвий-маиший зўравонликнинг олдини олиш ва унинг салбий оқибатларига барҳам беришга қаратилган эди.

Маҳалла ва оилани қўллаб — қувватлаш вазирлиги хузурида 29 та аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш маркази ташкил этилди. Шу вақтгача реабилитация марказлари нодавлат нотижорат ташкилоти сифатида фаолият юритиб келган бўлса, эндиликда уларнинг фаолияти тўлиқ Давлат бюджети хисобидан молиялаштирилиши белгиланди.

Тазиик ва зўравонликдан жабр кўрган, ўз жонига суиқасд қилган ёки шунга мойиллиги бўлган хотин-қизлар билан ўзаро алоқа ўрнатиш ва тезкор руҳий, психотерапевтик, хуқуқий ёрдам кўрсатиш, маслаҳат бериш ва ахборот тақдим этиш мақсадида **«1146» Ишонч телефони «AZIZ-AYOL.UZ»** ягона интерактив миллий платформаси билан мувофиқлаштирилди.

Худди шундай тадбирлар Республикамизнинг турли худудларида

Ушбу глобал компания жаҳоннинг 187 та мамлакатида ўтказилади.

2021 йил 22 ноябрда ташкил этилган тадбирда Сенат раиси Танзила Нарбаева «Гендер зўравонлик географик, ижтимоий ёки иқтисодий чегараларнинг билмаслигини кўриб турибмиз. Ривожланган мамлакатларда ҳам бу муаммога барҳам бериш жиддий чоралар кўришни талаб қиласди», — дейди Сенат раиси Танзила Нарбаева тадбирда.

хамда олис ва чекка вилоят худудларида кенг қамровли тарзда Ички ишлар органлари ХПБ Хотин-қизлар масалалари бўйича катта инспекторлари томонидан олиб борилмоқда.

Мутахассисларга «Нима учун оиласидаги зўравонлик жабрланувчилари бу ҳақда ички ишлар органларига хабар беришмайди?» деган савол билан мурожаат қилинганда, зўравонлик қурбонларининг 63,1 фоизи ўз оиласининг



обўйини сақлаш мақсадида ҳуқуқлари поймол бўлишига жим қараб туришганини айтишган. Оиласидаги зўравонлик билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар жабрини асосан аёллар кўради. Бу кўплаб аёлларнинг ҳуқуқлари топталишига, турмуш тарзидан қониқмай, ҳатто ўз жонига қасд қилиш даражасигача боришига, вояга етмаган фарзандларнинг она меҳридан эрта мосуво бўлишига сабаб бўлмоқда. Ҳар қанча давлатинг, обрў-mansabning юқори бўлмасин, оилангла тотувлик бўлмаса, еган луқманг ҳам, бир бурда нонинг ҳам татимайди. Энди униб-ўсиб, балоғат ёшига етаётган фарзанд кун ора оиласидаги низоларга гувоҳ бўлаверса, нотинч муҳитда вояга етса, ўқиб-ўрганиб ўз келажаги ҳақида қайғуриш каби асосий мақсадидан ҳам чалғиб қолиши ҳеч гап эмас.

Маъмурий ҳудудларда яшовчи ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган оиласидарни ўз вақтида аниқлаб, уларга ижтимоий, ҳуқуқий ва маънавий жиҳатдан ёрдам кўрсатиш, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил шахсларни ўз вақтида аниқлаб, улар билан манзилли профилактика ишларини ташкил этиш, ҳар бир содир этилган ҳуқуқбузарликнинг сабаб ва шароитларини чукур ўрганиш ва таҳлил қилиш майший зўравонликнинг олдини олиш борасидаги муҳим қадам хисобланади.

**Индамай юрманг!** Зўравонликка қарши курашда ҳуқуқий механизмлар таъсири бўлса, яхши, албатта. Бироқ зўравонлик қурбонлари асосан

"индамаслар" эканини ҳам унутмаслик керак. Шундай экан, уларни зўравонлик фактини тан олиш, зўравонликдан нормал ҳаётгача бўлган қадамларга ўргатиш керак. Бунда энг асосий звено одамлар ва атроф-муҳит бўлади. Халқ орасида кўп қўлланувчи "урадими, демак - севади" деган тушунчага умуман ўрин бўлмаслиги керак. Психологларнинг фикрича, бир марта кўл кўтардими, бу ҳолат яна такрорланиш эҳтимоли юқори. Зўравонликка имкон бериш керак эмас. Калтак ва ҳақоратлардан азият чекаётган аёл "Сабр қил!" эмас, "Биз сенга ёрдам берамиз!" деган гапни эшитгиси келади. Ҳатто баъзи сабабларга кўра ёрдамдан воз кечаётган аёл ҳам ёрдамга муҳтож бўлади. Яқинларингиз, таниш аёллар, дугоналарингиз ёки болаларда калтакланиш изларини кўрсангиз, индамай юрманг!



Ўзбекистон Республикаси 1995-йилда

**“Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисида” ги Конвенцияни ратификация қилган.** Шундан бери Ўзбекистон БМТ қошидаги Инсон ҳуқуқлари қўмитасига ушбу Конвенцияда кўтарилиган масалаларни амалга ошириш юзасидан уч марта хисобот берган. Ҳар уч ҳисобот юзасидан ҳам

“Инсон ҳуқуқлари қўмитаси” Ўзбекистонда аёлларнинг нотенглиkkка юз тутиши, патриархал стреотипнинг мавжудлиги ҳамда кўплаб аёллар оилада зўравонлик қурбони бўлишини таъкидлаб, ҳукуматдан буларга қарши чоралар кўришини сўраган.

Оилавий можароларни ҳал қилишга маҳалла вакилларининг жалб қилиниши яхши амалиёт, чунки оиладаги ички муаммолар, дастлаб, маҳалла вакиллари орасида муҳокама қилинса ва томонларга тўғри ва етарли насиҳат қилинса, муаммо кучайишининг олдини олиниши ва натижада зўравонликка чек қўйилиши мумкин. Аммо амалиётда бу тизим кутилганидек самарали ишляяпди деб бўлмайди. Кўп ҳолатларда **маҳалла оқсоқоллари** масалага юзаки ёндошиб муаммони ҳал қилиш ёки жабрланувчини ҳимоя қилиш ўрнига, барча айбни жабрланувчига юклайди. Ўзбекистоннинг аёллар камситилишига қарши халқаро Конвенцияга қўшилгани ва мустақиллик йилларида аёлларга давлат даражасида юксак эҳтиром кўрсатилганлиги жуда қуонарли ҳолат албатта. Аммо оиладаги зўравонлик ҳолатларининг олдини олиш, уларни тутатиш ҳамда жабрланувчиларинг зарур ҳуқуқий ҳимоя билан таъминлаб, айборларга муносиб жазо бериш масаласида ҳал қилинадиган ишлар кўп.

Ҳозирги кунда оилаларда юзага келаётган зўравонликлардан жабр кўраётганларнинг аксарияти аёлларни ташкил қилиб келмоқда, шу сабабли зўравонлик қурбонлари бўлган аёллар мурожаат қилиши мумкин бўлган ишонч телефонлари ва бўлимлари ташкил этилган.

Оиладаги зўравонликларга асососан аёллар жабр кўраётганларни ва муаммонинг ечими, одатда, эркаклар қўлида эканлиги ўқтирилиши лозим. Бундан ташқари, зўравонликка учраётган аёлларга қандай қилиб ўзларини ҳимоя қилиш йўллари, бундай ҳолатларда кимга ва қачон мурожаат қилиш,

қаердан ёрдам олиши мумкинлиги тўғрисида керакли маълумотлар берилиши керак.

Бунинг учун Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси ишонч телефони ишга тушган. «Ишонч телефон»лари зўравонлик қурбонига айланган аёллар ва қизларга оғир вазиятдан чиқишлирага ёрдам бериб, руҳий, хуқуқий ҳамда тиббий кўмак беради. Энг асосийси, бунда аёлнинг ҳоҳишига кўра, унинг шахси ва мурожаати сир сақланади.

Аёлларга нисбатан зўравонлик муаммоси ҳар қандай жамият учун инсон хуқуқини поймол қилиш билан боғлиқ булган жуда жиддий муаммо саналади.

Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра, бутун дунёда ҳар учинчи аёл (35%) ҳаёти давомида у ёки бу турдаги зўравонликка дуч келар экан. Бу бутун жаҳонда мавжуд бўлган ўта долзарб муаммолигини исботловчи статистик маълумотлардир. Зўравонлик иллати ҳақида узоқ вақт мамлакатимизда ҳеч нима дейилмади ва бугун бу тўғрисида очиқ гапирилмоқда. Кундалик ҳаётимизда аёллар қанчалик бу турдаги муаммо билан тўқнашмоқда? Афсуски, бу борадаги саволга жавоблар қувонарли эмас.

Бугун эса ушбу муаммо билан курашишнинг хуқуқий асосини яратиш мақсадида “Маиший зўравонликнинг олдини олиш ҳақидаги” Қонун лойиҳаси устида иш олиб борилмоқда. Одатда бизда аёллар бундай ҳолатга дуч келган тақдирда, ҳатто яқинларига ҳам айтишмайди, қўрқишиади ёки истиҳола қилишиади. Аммо буни ўзгартириш вақти келди.

Бунинг учун Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси 1146 - ягона телефон рақамларини ишга туширди. «Ишонч телефон»лари зўравонлик қурбонига айланган аёллар ва қизларимизга оғир вазиятдан чиқишлирага ёрдам бериб, руҳий, хуқуқий ҳамда тиббий кўмак беради. Ва энг асосийси, бунда аёлнинг ҳоҳишига кўра, унинг шахси ва мурожаати сир сақланади. Зарур ҳолларда, жабрдийда аёллар республикамизнинг барча ҳудудларида ташкил этилаётган Ижтимоий мослашув марказларига (шелтерларга) жойлаштирилади.

Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра, бутун дунёда ҳар учинчи аёл (35%) ҳаёти давомида у ёки бу турдаги зўравонликка дуч келар экан. Бу бутун жаҳонда мавжуд бўлган ўта долзарб муаммолигини исботловчи статистик маълумотдир.

Зўравонлик иллати ҳақида узоқ вақт мамлакатимизда ҳеч нима дейилмади ва бугун бу тўғрисида очиқ гапирилмоқда.

**“Кундалик ҳаётимизда аёллар қанчалик бу турдаги муаммо билан тўқнашмоқда? Афсуски, бу борадаги саволга жавоблар қувонарли эмас,** – дея фикрида давом этади Т.Норбоева. – Бугун эса ушбу муаммо билан курашишнинг хуқуқий асосини



яратиши мақсадида “Маиший зўравонликнинг олдини олиш ҳақидаги” Қонун лойихаси устида иш олиб борилмоқда. Одатда бизда аёллар бундай ҳолатга дуч келган тақдирда, ҳатто яқинлариға ҳам айтишмайди, қўрқишиди ёки истиҳола қилишиди. “Оилавий зўравонликни ҳеч қандай шароитда оқлаб бўлмайди, чунки у инсоннинг асосий хуқуқларига (ҳаёти, соғлиги, шаъни, қадр-қиммати, эркинлиги) дахл қиласди. Зўравонлик фақат жисмоний куч ишлатиш билан эмас, руҳий, ахлоқий, иқтисодий ва майший босим кўринишларида намоён бўлиши ва оиланинг ҳар қандай аъзосига нисбатан қўлланиши мумкин. Ҳақоратлаш, мажбурлаш, зўрлаш, иқтисодий чекловлар қўйиш, мунгизам руҳий қийноққа солиш каби ҳолатлар ҳам зўравонлик сифатида баҳоланади. Қонун фуқароларни зўравонликнинг ҳар қандай туридан ҳимоялайди”.

### **III-БОБ**

#### **Профилактика инспекторининг тазийқ ва зўравонликдан жабрланган шахсларга ҳимоя ордерини бериш ва унинг ижросини таъминлаш фаолияти**

##### **3.1. Профилактика инспекторининг тазийқ ва зўравонликдан жабрланган шахсларга ҳимоя ордерини бериш фаолияти**

Профилактика инспектори тазийқ ва зўравонликдан жабрланган шахсларга ҳимоя ордерини бериш учун масъул ҳисобланади: аввалом бор ҳимоя ордери қўйидати ҳолатлар қайд этилган тақдирда бериш мумкин бўлади. Жумладан,

- тазийқ ва зўравонлик қурбонининг мурожаати;
- жисмоний ёки юридик шахсларнинг хабарлари, шу жумладан, оммавий ахборот воситалари ва (ёки) ижтимоий тармоқлар орқали тарқалган хабарлар;
- тазийқ ёки зўравонлик содир этиш ёхуд уларни содир этишга уриниш ҳолатларининг ваколатли органлар ва ташкилотлар ходимлари томонидан бевосита аниқланиши;
- давлат органларидан ва бошқа ташкилотлардан олинган материаллар.

Хотин-қизларни тазийқ ва зўравонликдан ҳимоя қилишини амалга оширувчи ваколатли органлар ва ташкилотлар жабрланган хотин-қизлар бўйича маълумотга эга бўлгач хабарномани дарҳол ички ишлар органларига тақдим этади.

Хабарнома қонун ҳужжатларига мувофиқ ички ишлар органлари навбатчилик қисмидаги дафтарда қайд этилади.

Тазийқ ва зўравонлик тўғрисида ҳабар берган шахслар ва тазийқ ва зўравонликдан жабрланган хотин-қизлар тўғрисидаги шахсга доир маълумотлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қўриқланади.

Ички ишлар органларининг навбатчилик қисмида белгиланган тартибда қайд этилган мурожаатлар ва хабарлар дарҳол профилактика инспекторига тақдим этилади.

Профилактика инспектори ички ишлар органлари навбатчилик қисмлари томонидан тақдим этилган мурожаатлар ва хабарларни **24 соат мобайнида** ўрганиб чиқади ҳамда ўрганиш давомида:

■ жабрланувчи ва зўравонлик содир этган шахслар ҳамда бошқа шахслар билан ҳолат юзасидан суҳбат ўтказади;

■ жабрланувчи ва зўравонлик содир этган шахснинг турмуш тарзи, тазийқ ва зўравонлик содир этилишининг келиб чиқиши сабаблари ва шартшароитларини ўрганади;

■ жабрланувчи ва зўравонлик содир этган шахсларни ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш чора-тадбирларини амалга оширади.

**Профилактика инспектори мурожаат ва хабарларни ўрганиш якуни бўйича:**

➤ тазийқ ва зўравонлик ҳолатлари аниқланган тақдирда — ҳимоя ордерини расмийлаштиради;

➤ зўравонлик содир этган шахсларга ҳимоя ордери берилганлиги тўғрисида жабрланувчининг розилиги билан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини, шунингдек, бошқа тазийқ ва зўравонликдан ҳимоя қилишни амалга оширувчи ваколатли органлар ҳамда ташкилотларни хабардор қиласди;

➤ тазийқ ва зўравонлик ҳолатлари аниқланмаган тақдирда қонун ҳужжатларига мувофиқ тегишли чораларни белгилайди ҳамда бу ҳақда фуқаролар йигини раиси, котиби, хотин-қизлар билан ишлаш ва оиласарда маънавий-ахлоқий қадриятларни мустаҳкамлаш бўйича мутахассис иштирокида далолатнома расмийлаштиради;

➤ Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексида назарда тутилган жиноят белгилари аниқланган тақдирда — ҳимоя ордерини бериш тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш билан бир вақтда иш материалларини жиноий жавобгарлик масаласини ҳал қилиш учун тегишли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органга юборади.

➤ Ўн саккиз ёшга тўлмаган жабрланувчиларнинг ҳимоя ордерини бериш тўғрисидаги аризаси уларнинг қонуний вакили ёки васийлик ва ҳомийлик органининг вакили иштирокида кўриб чиқиласди.

➤ Шахс ҳимоя ордерини олишни ва уни имзолашни рад этганда, профилактика инспектори холислар иштирокида далолатнома тузади ҳамда уни ушбу хатти-ҳаракатни давом эттирган тақдирда қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортилиши тўғрисида расмий огохлантиради ва бу ҳақда жабрланувчини хабардор қиласди.



Ҳимоя ордери расмийлаштирилганда барча ёзувлар кўк (ҳаворанг) сиёҳли ручкада, тушунарли қилиб ёзилади.

### **Ҳимоя ордери уч қисмдан иборат бўлиб:**

- ☒ биринчи қисми (асли) тўлдирилгандан сўнг жабрланувчиларга берилади;
- ☒ иккинчи қисми (нусхаси) зўравонлик содир этган шахсларга берилади;
- ☒ учинчи қисми профилактика инспекторида қолади.

Ҳимоя ордери **ўттиз кун муддатгача берилади** ва ушбу ордер расмийлаштирилган пайтдан эътиборан кучга киради.

Профилактика инспектори ҳимоя ордери берилганидан сўнг уч кун муддатда бу ҳақда тегишли туман (шаҳар) ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси, туман (шаҳар) ички ишлар бошқармаси (бўлими) бошлигининг хукуқбузарликлар профилактикаси масалалари бўйича ўринбосарини хабардор қиласди.

Туман (шаҳар) ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси, туман (шаҳар) ички ишлар бошқармаси (бўлими) бошлигининг хукуқбузарликлар профилактикаси масалалари бўйича ўринбосари ҳимоя ордерини расмийлаштириш учун тўпланган материалларни ўрганиб, тарафлар фикрини эшитган ҳолда профилактика инспекторининг ҳимоя ордерини бериш тўғрисидаги қарорини бекор қилишга ҳақли.

## **3.2. Профилактика инспекторининг ҳимоя ордерида назарда тутилган чекловларнинг ижросини таъминлаш фаолияти**

### **Ҳимоя ордерида қўйидаги чекловлар назарда тутилиши мумкин:**

- ☒ тазиик ўтказишни ва зўравонлик содир этишни тақиқлаш;
- ☒ тазиик ўтказган ёки зўравонлик содир этган шахснинг тазиик ва зўравонлиқдан жабрланувчилар билан алоқасини тақиқлаш (иш жойларида ва таълим муассасаларида тазиик ва зўравонлиқдан жабрланувчининг тазиик ўтказган ва зўравонлик содир этган шахс билан билвосита алоқасига йўл қўйилади);
- ☒ тазиик ўтказилган ва зўравонлик содир этилган тақдирда тазиик ва зўравонлиқдан жабрланувчининг ҳамда тазиик ўтказган ва зўравонлик содир этган шахснинг бир хонада бўлишини тақиқлаш;
- ☒ тазиик ўтказган ва зўравонлик содир этган шахснинг зиммасига тазиик ва зўравонлиқдан жабрланувчини даволаш, унга маслаҳат бериш, уни тазиик ва зўравонлиқдан жабрланувчиларга ёрдам кўрсатиш бўйича маҳсус марказга жойлаштириш учун харажатларнинг, етказилган моддий зарарнинг ўрнини қоплаш, шунингдек, маънавий зиённи компенсация қилиш мажбуриятини юклаш;
- ☒ тазиик ўтказган ва зўравонлик содир этган шахснинг қуролни (бундан хизмат қуроли мустасно) сақлаш ва олиб юриш хукуқини ҳимоя ордерининг амал қилиши ёки унда кўрсатилган муддат даврида чеклаш ёхуд тақиқлаш, шунингдек, қурол сотиб олиш учун рухсатнома олишга доир

хуқуқини тақиқлаш.

Химоя ордерида қонун ҳужжатларида белгиланмаган бошқа чекловларни назарда тутиш тақиқланади.

Тазийк ўтказган ва зўравонлик содир этган шахсдан қурол ва унинг ўқдориларини олиб қўйиш ҳамда сақлаш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Профилактика инспектори химоя ордерини расмийлаштиришда хотин-қизларга нисбатан ўтказилган тазийк ва зўравонлик ҳолатидан келиб чиқкан ҳолда зўравонлик содир этган шахсга химоя ордерида назарда тутилган чекловларнинг битта ёки бир нечтасини бир вақтнинг ўзида қўллаши мумкин.

#### **Химоя ордери амал қилиш даврида:**

а) профилактика инспекторлари:

тазийк ва зўравонликнинг олдини олиш, шу жумладан уларнинг сабабларини ҳамда шарт-шароитларини аниқлаш ва бартараф этиш чораларини кўради;

хотин-қизларга тазийк ўтказаётган ва уларга нисбатан зўравонлик содир этган шахслар билан мунтазам асосда профилактика ишларини олиб боради;

химоя ордери талабларининг ижроси устидан назорат қиласи ҳамда унинг талабларини бузган зўравонлик содир этган шахсларни жавобгарликка тортиш юзасидан ўз ваколатлари доирасида чоралар кўради;

б) меҳнат органлари:

хотин-қизларга нисбатан иш жойида тазийк ва зўравонлик ўтказилган ҳолларда, бундай ҳолларга йўл қўймасликка қаратилган, шунингдек, хотин-қизлар билан ўзаро муносабатлар маданиятини ошириш бўйича ташкилотларда профилактика тадбирларини ўтказади;

химоя ордери талабларига риоя этмаслик ҳолатлари аниқлаган тақдирда бу ҳақда профилактика инспекторига хабар беради;

в) таълимни давлат томонидан бошқариш органлари ҳамда таълим муассасалари:

таълим муассасаларида таҳсил олувчилар орасидан хотин-қизларга нисбатан тазийк ўтказиш ва зўравонлик содир этишга мойил шахслар аниқланганда уларнинг хулқ-авторини тузатиш, шунингдек, тазийк ва зўравонликдан жабрланганларини ижтимоий реабилитация қилиш ҳамда мослаштириш чора-тадбирларни амалга оширади;

тазийк ва зўравонликдан жабрланганларнинг таълим муассасаларида бўш вақтни мазмунли ўтказишини таъминлаш мақсадида тадбирлар ташкил этади;

химоя ордери талабларига риоя этмаслик ҳолатлари аниқланган тақдирда бу ҳақда профилактика инспекторига хабар беради;

г) давлат соғлиқни сақлаш тизимини бошқариш органлари ва соғлиқни сақлаш муассасалари:

тазийк ва зўравонликдан жабрланувчиларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш чора-тадбирларини амалга оширади;

ҳимоя ордери талабларига риоя этмаслик ҳолатлари аниқланган тақдирда бу ҳақда профилактика инспекторига хабар беради;

д) Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг худудий бўлинмалари:

хотин-қизларга нисбатан тазийқ ва зўравонлик ҳолатларига олиб келадиган сабаблар ҳамда шарт-шароитларни аниқлаш ва бартараф этиш юзасидан амалий чоралар кўради;

жабрланувчини ижтимоий реабилитация қилиш ҳамда бузилган ҳуқуқларини тиклаш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга оширади;

хотин-қизларга нисбатан тазийқ ўтказганлиги ва зўравонлик содир этганлиги учун профилактик ҳисобда турадиган шахслар билан низоли вазиятларни профилактика қилиш, тазийқ ва зўравонликнинг олдини олиш чораларини кўради;

ҳимоя ордери талабларига риоя этмаслик ҳолатлари аниқланган тақдирда бу ҳақда профилактика инспекторига хабар беради;



е) фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари:

хотин-қизларни тазийқ ва зўравонлиқдан ҳимоя қилишга доир тадбирларни амалга оширишда давлат органларига кўмаклашади;

хотин-қизларга тазийқ ўтказаётган ва уларга нисбатан зўравонлик содир этган шахслар билан олиб бориладиган профилактика ишларида қатнашади;

ҳимоя ордерининг амал қилиш муддати мобайнида тегишли худудда истиқомат қилувчи зўравонлики содир этган шахс, шунингдек, жабрланувчи билан келгусида бундай ҳолларнинг олдини олиш мақсадида маҳалла фаоллари иштирокида сухбатлар ўтказади;

бу ҳақда профилактика инспекторига хабар беради.

Зўравонлик содир этган шахслар томонидан ҳимоя ордери талабларига риоя этмаслик ҳолатлари аниқланган тақдирда профилактика инспектори томонидан ўз ваколати доирасида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда чора-тадбирлар амалга оширилади.

Ҳимоя ордери амал қилиши даврида хавф бартараф этилмаган бўлса, ҳимоя ордерининг амал қилиш муддати жабрланувчининг аризасига кўра кўпи билан ўттиз кунгача узайтирилиши мумкин.

### **Профилактика инспектори беш иш куни мобайнида:**

ҳимоя ордерининг амал қилиш муддатини узайтириш тўғрисида жабрланувчининг аризасини, шу жумладан, хавф бартараф этилган ёки этилмаганлигини ўрганади;

ҳимоя ордерининг амал қилиш муддатини узайтириш юзасидан

тўпланган маълумотларни ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлими бошлиғига киритади.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлими бошлиғи икки иш куни мобайнида тегишли хужжатларни ўрганган ҳолда ҳимоя ордерининг амал қилиш муддатини узайтиради ёки узайтиришни рад этиш тўғрисида асосланган қарор қабул қиласи.

Ҳимоя ордерининг амал қилиш муддати узайтирилган тақдирда бу ҳақда амалдаги бланкага белги қўйилиб, жабрланувчи ва зўравонлик содир этган шахслар таништирилади ҳамда зўравонлик содир этган шахслар зўравонлик хулқ-авторини ўзгартириш бўйича тузатиш дастуридан ўтиши тўғрисида огоҳлантирилади.

Ҳимоя ордерининг амал қилиш муддати узайтирилган даврда зўравонлик содир этган шахсларга қўшимча чекловлар ёки профилактик чора-тадбирлар белгиланиши мумкин.

**Ўн саккиз ёшга тўлмаган жабрланувчиларнинг** ҳимоя ордерини узайтириш тўғрисидаги аризаси уларнинг қонуний вакили ёки васийлик ва ҳомийлик органининг вакили иштирокида кўриб чиқиласи.

## Химоя ордерининг амал қилиши қўйидаги ҳолатларда тугатилади:

### Тазийк ва зўравонликдан жабрланган хотин-қизлар учун химоя ордери

Серия АА № 0000000

20 йил «\_\_»  
(берилган сана)

Тазийк ўтказган ёки зўравонлик содир этган ёки содир этишга мойил бўлган шахслар  
ҳакидаги маълумотлар:

(Ф.И.О., тутилган санаси ва жойи, ўқиш, иш ва яшаш жойи)

Тазийк ўтказган ёки зўравонлик содир этган ёки содир этишга мойил бўлган шахса  
белгиланган чекловлар:

тазийк ўтказни ва зўравонлик содир этишини тақиқлаш (1) □ тазийк ўтказган ёки зўравонлик содир этган шахснинг тазийк ва зўравонликдан жабрланганлар билан алокасини тақиқлаш (2) □ тазийк ўтказланган ва зўравонлик содир этилан тақдирида тазийк ва зўравонликдан жабрланганинг хамда тазийк ўтказган ва зўравонлик содир этган шахснинг бир хонада бирга бўлишини тақиқлаш (3) □ тазийк ўтказган ёки зўравонлик содир этган шахснинг зиммасига тазийк ва зўравонликдан жабрланганинг даволаш, унга маслаҳат бериш, уни тазийк ва зўравонликдан жабрланганинг ёрдам кўрсатувчи маҳсус марказга жойлантириш учун харажатларнинг, етказилган моддий зарарнинг ўринини коплаш, шунингдек, мавзаний зиёнини компенсацияни килиши маъжбутигини юклаш (4) □ тазийк ўтказган ва зўравонлик содир этиган шахснинг курорни (бундан хизмат курорли мустасно) саклаш ва олиб юриши хукуксин химоя ордерининг амал килиши ёки унда кўрсатилган муддат даврида чеклаш ёхуд тақиқлаш, шунингдек, курол сотиги олиши учун рухсатнома олишига доир хукуксини тақиқлаш (5) □ зўравонлик хулк-авторини ўзgartirish бўйича тузатиш дастуридан ўтиши шартларни юзасидан белгиланган маъжбутият (6) □

Химоя ордеришнинг амал килиши муддати: 20 йил «\_\_» дан 20 йил «\_\_» гача.  
Химоя ордеришнинг амал килиши муддати 20 йил «\_\_» дан 20 йил «\_\_» гача.  
узайтирилганлиги:

ШАКЛ-1  
Жабрланган шахснинг конуний ёки  
василик, хомийлик органи вакили

(Ф.И.О., тутилган санаси ва жойи, ўқиш,  
иш ва яшаш жойи)

имзо

Чекловлар билан танишдим:  
(1)  имзо  
(2)  имзо  
(3)  имзо  
(4)  имзо  
(5)  имзо  
(6)  имзо

20 йил «\_\_»  
(танишган сана)

Тазийк ўтказган ёки зўравонлик содир этган ёки содир этишга мойил бўлган  
шахс учун химоя ордери нусхаси

Серия АА № 0000000

20 йил «\_\_»  
(берилган сана)

(берилган жой)

Тазийк ўтказилган ёки зўравонликдан жабрланган хотин-қизлар ҳакидаги  
маълумотлар:

(Ф.И.О., тутилган санаси ва жойи, ўқиш, иш ва яшаш жойи)

Химоя ордерида белгиланган чекловлар ва белгиланган мажбурият:  
тазийк ўтказни ва зўравонлик содир этишини тақиқлаш (1) □ тазийк ўтказган ёки зўравонлик содир этган шахснинг тазийк ва зўравонликдан жабрланганилар билан алокасини тақиқлаш (2) □ тазийк ўтказланган ва зўравонлик содир этилан тақдирида тазийк ва зўравонликдан жабрланганинг хамда тазийк ўтказган ва зўравонлик содир этган шахснинг бир хонада бирга бўлишини тақиқлаш (3) □ тазийк ўтказган ёки зўравонлик содир этган шахснинг зиммасига тазийк ва зўравонликдан жабрланганинг даволаш, унга маслаҳат бериш, уни тазийк ва зўравонликдан жабрланганиларга ёрдам кўрсатувчи маҳсус марказга жойлантириш учун харажатларнинг, етказилган моддий зарарнинг ўринини коплаш, шунингдек, мавзаний зиёнини компенсацияни килиши маъжбутигини юклаш (4) □ тазийк ўтказган ва зўравонлик содир этиган шахснинг курорни (бундан хизмат-штат курори мустасно) саклаш ва олиб юриши хукуксин химоя ордерининг амал килиши ёки унда кўрсатилган муддат даврида чеклаш ёхуд тақиқлаш, шунингдек, курол сотиги олиши учун рухсатнома олишига доир хукуксини тақиқлаш (5) □ зўравонлик хулк-авторини ўзgartirish бўйича тузатиш дастуридан ўтиши шартларни юзасидан белгиланган маъжбутият (6) □

Химоя ордеришнинг амал килиши муддати: 20 йил «\_\_» дан 20 йил «\_\_» гача.  
Химоя ордеришнинг амал килиши муддати 20 йил «\_\_» дан 20 йил «\_\_» гача.  
узайтирилганлиги:

Жабрланган шахснинг конуний ёки  
василик, хомийлик органи вакили

(Ф.И.О., тутилган санаси ва жойи, ўқиш,  
иш ва яшаш жойи)

имзо

Чекловлар билан танишдим:  
(1)  имзо  
(2)  имзо  
(3)  имзо  
(4)  имзо  
(5)  имзо  
(6)  имзо

20 йил «\_\_»  
(танишган сана)

Химоя ордери берилгандан шахс ҳакидаги маълумотлар:

Серия АА № 0000000

(Ф.И.О., тутилган санаси ва жойи, ўқиш, иш ва яшаш жойи)

Химоя ордерини олдим: \_\_\_\_\_ (жабрланувчининг Ф.И.О., имзои химоя ордерини олган йил, ой ва сана)

Химоя ордери берилгандан шахсга ушбу ордерда белгиланган талабларни тушунтириш:  
Мен \_\_\_\_\_ химоя ордерида кайи этилан чекловлар тазийк ўтказган ёки зўравонлик содир  
этган ёки содир этишга мойил бўлган шахс томонидан бажарилмаган холларда зудлик билан мансабдор шахсни  
хабардор килиш тартиби билан танишдим.

(жабрланувчининг имзои)

Серия АА № 0000000

Химоя ордери нусхаси берилгандан шахс ҳакидаги маълумотлар:

(Ф.И.О., тутилган санаси ва жойи, ўқиш, иш ва яшаш жойи)

Химоя ордерини олдим: \_\_\_\_\_

(Тазийк ўтказган ёки зўравонлик содир этишга мойил бўлган шахснинг танишганлиги  
юзасидан имзо, йил, ой ва сана)

Химоя ордери берилгандан шахсга ушбу ордерда белгиланган талабларга риво  
этмасликнинг оқибатларини тушунтириш

Мен \_\_\_\_\_ химоя ордеришаги чекловлар ва уни бажармаслик оқибатлари билан танишдим.

(Тазийк ўтказган ёки зўравонлик содир этишга мойил бўлган шахс имзои)

Чекловлар билан танишдим:

(1)  имзо  
(2)  имзо  
(3)  имзо  
(4)  имзо  
(5)  имзо  
(6)  имзо

20 йил «\_\_»  
(танишган сана)

Чекловлар билан танишдим:

(1)  имзо  
(2)  имзо  
(3)  имзо  
(4)  имзо  
(5)  имзо  
(6)  имзо

20 йил «\_\_»  
(танишган сана)

- жабрланувчи химоя ордерини тугатиши сўраб мурожаат қилганда;
- химоя ордерида белгиланган муддат (узайтирилган муддат) тугаганда;
- жабрланувчи ёки зўравонлик содир этган шахсдан бири суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилганда;

- содир этган жинояти учун жабрланувчи ёки зўравонлик содир этган шахсларнинг бирига нисбатан қамоқ эҳтиёт чораси қўлланганда;
- жабрланувчилар ёки зўравонлик содир этган шахсларнинг бири содир этган жинояти учун озодликдан маҳрум этилганда;
- жабрланувчилар ёки зўравонлик содир этган шахсларнинг бири мажбурий даволанишга юборилганда;
- жабрланувчи ва зўравонлик содир этган шахслардан бири вафот этганда.

Ҳимоя ордерининг амал қилиш муддати тугаганлиги тўғрисида шу куннинг ўзида жабрланувчи ва зўравонлик содир этган шахслар хабардор қилинади.

#### **IV-БОБ.**

#### **Хотин-қизларнинг ўз жонига қасд қилиш ва ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказишнинг олдини олиш ва улар орасида соғлом турмуш тарзини тадбиқ этиш профилактикасини ташкил этиш**

#### **4.1. Хотин-қизларни ўз жонига қасд қилиш ва ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказишнинг сабаблари ва унга имкон берган шарот-шароитлар таҳлили**

Ҳозирги вақтда дунё мамлакатларининг учдан икки қисмидан кўпроғи 1979 йилда БМТнинг аёлларга нисбатан камситишларнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги конвенциясининг иштирокчилари ҳисобланади<sup>30</sup>. Аёллар ҳуқуқлари инсон ҳуқуқларининг ажралмас қисми сифатида тан олинган<sup>31</sup>. Аёллар ҳуқуқларини таъминлаш Барқарор ривожланиш дастури кун тартибида 17 мақсаддан биридир<sup>32</sup>. Хусусан, Барқарор ривожланишнинг 5-мақсадида «Гендер тенгликка эришиш ва барча аёллар ва қизларнинг имкониятларини кенгайтириш» деб ёзилган. Аёллар ҳуқуқларини таъминлаш масалалари дунёning деярли барча давлатлари конституцияларида, ўзларининг қонун ҳужжатларида ўз аксини топган ва бу мақсад миллий давлат дастурлари ва ривожланиш стратегияларида муҳим ўрин тутади.

Бироқ дунёдаги бирон бир мамлакатда аёл ҳуқуқлари етарли даражада амалга оширилмайди. Белгиланган тенглик ва ушбу тамойилнинг амалда

---

<sup>30</sup> Вена декларацияси ва ҳаракатлар платформаси, 1993 й

<sup>31</sup> БМТ БА қарори 70/1 "Бизнинг дунёмизни ўзгатириш: 2030 йилгача барқарор ривожланиш кун тартиби" (A / RES / 70/1)

<sup>32</sup> Хотин-қизлар ҳуқуқларини халқаро ҳимоя қилиш. Муаллифнинг автореферати. дис. юридик фанлар. номз. - Петрозаводск, 2001. - С. 5

бажарилиши ўртасидаги тафовут сақланиб қолмоқда<sup>33</sup>. Кўпгина давлатларнинг қонунчилиги ҳануз халқаро стандартларга жавоб бермайди. Бу мониторинг механизмларини янада такомиллаштиришни тақозо этади.

Аёлларга нисбатан ҳар қандай зўравонлик барча жамиятларда, жумладан, Исломда ҳам қораланади. Аёлларга нисбатан куч ишлатиш тажовуз ҳисобланади. Уларга нисбатан ҳеч қандай куч, зўравонлик, уриш, калтаклашни ишлатиб бўлмайди. Насиҳат қилиш, у кор қилмаса, секин туртиб огохлантириш, у ҳам кор қилмаса, ётоқларида тарк қилиш кўзда тутилган. Шунга қарамай тазийикقا учраётган, ўзига нисбатан содир қилинаётган шафқатсизлик ва зўрлашларга чидай олмасдан, бирдан бир чора ўлим деган хулоса келаётганлар йўқ эмас албатта.

Айрим статистик маълумотлар суиқасднинг энг юқори кўрсаткичлари сўнгти йилларда ривожланган мамлакатларда қайд этилганини кўрсатмоқда. Масалан, ҳар 100 минг кишига — Литвада 68,1 та ҳолат, Беларусда 63, Россияда 58, АҚШда 52, Шри Ланкада 44, Украинада 40 та ҳолат тўғри келади.

Ўзбекистонда ҳар йили 700 дан ортиқ эркак ва 600 га яқин аёл ўз жонига қасд қилмоқда. Суицид бўйича йилига ҳар 100 минг кишига 5,2 та ҳолат тўғри келмоқда. 2022 йилнинг ўтган даврида эркаклар ва аёллар ўртасидаги суиқасд кўрсаткичлари таҳлил қилинганда, эркаклар билан боғлиқ ҳолат 57,3 фоизни, аёллар билан боғлиқ ҳолат 42,7 фоизни ташкил этди», — деди Элмира Боситхонова<sup>34</sup>.

Инсонни ўз жонига қасд қилишига кўпинча турли таҳдидлар, раҳмсиз муомала, шаън ва қадр-қимматнинг мунтазам равишда камситилиши ва бошқа шунга ўхшаш зўравонликлар сабаб бўлади. Айборнинг жабрланувчига нисбатан содир этган ушбу қилмишлари учун жиноят қонунчилигига жавобгарлик белгиланган.



Ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш жиноятининг олдини олишда аввало унинг содир этилиши сабаблари ва унга имкон берадиган шарт-шароитларини аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш чораларини кўриш муҳим аҳамият касб этади. Шу боисдан бу борада бугунги кунда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар олдида ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш жиноятини сабабларини аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш каби мураккаб вазифалар турганлигини ҳис этиш мумкинки, аммо уларни бошқа давлат органлари, жамоат тузилмаларининг ёрдамисиз амалга ошириш мумкин эмас.

<sup>33</sup> Чеботарева А.С. Аёллар ҳуқуқларини халқаро ҳимоя қилиш. Муаллифнинг автореферати. дис.юридик фанлар.номз. - Москва, 1994. - С. 5.

<sup>34</sup> Ўзбекистонда ҳар йили 600 га яқин аёл ўз жонига қасд қилмоқда — Хотин-қизлар қўмитаси.<https://www.gazeta.uz/uz/2019/07/12/suiqasd/>

Бутун жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра ўз жонига суиқасд қилишининг 800 та сабаблари мавжуд эканлиги аниқланган, улардан энг кўп учрайдиганлари<sup>35</sup>:

36 фоизи - номаълум сабабларга кўра;

19 фоизи - жазодан қўрқиш;

18 фоизи - руҳий кечинмалар;

18 фоизи - турмуш, уй ташвишлари;

6 фоизи - эҳтиросларга берилиш;

3 фоизи - пул, мол-мулк йўқотиши.

Шулардан келиб чиқкан ҳолда аёлларнинг ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиши жиноятигининг асосий сабабларини аниқлаш лозимлигидан келиб чиқиб, буларга қуидагиларни келтириб ўтиши лозим:

Олинган тадқиқот материаллар таҳлил этилганда қуидаги келтирилган сабаблар энг кўп учрайдиган сабаблар сифатида қаралади.

Ишқий муносабатларнинг якун топиши. Муносабатларнинг бундай тўғаши кўп ҳолларда аёлларни руҳан жароҳатлайди.

Суюкли инсон (оила аъзоси)нинг вафотидан ҳам инсон азият чекади ва ўзини ўзи ўлдириш даражасигача олиб бориши мумкин.

Бундан ташқари, кучли эмоционал зўриқиши, турмуш ўртоғининг босими, кўримсизлик, мулоқатнинг етишмаслиги, ишончсизлик, ажримлар, даволаб бўлмайдиган касалликлар, нуқсонлар билан боғлиқ ўз жонига қасд қилишлар ҳам учрайди.

### **Ўсмирларда ижтимоий муаммоларнинг келиб чиқиши сабаблари:**

- оиласидаги носоғлом мухит;
- ўз ўзини нотўғри англаши;
- ўзига нисбатан бўлган баҳосининг ўта паст ёки ўта юқорилиги;
- носоғлом жинсий ривожланиш;
- ижтимоий ролларни нотўғри англаш ва б.

Аёлларда суицидал хулқ-атворнинг ўзгача кўринишини кузатамиз. Аёллар орасидаги ўзини ўлдиришга уриниш болаларнига нисбатан кўп учрайди, бунда уларнинг оз қисмигина ўз мақсадига эришади. Ўсмирларда амалга оширилиб якунланган суицилар, барча суицидал ҳаракатларнинг 1%дан ошмайди. Бу ёш даврда суицидал хулқ-атвор намойишкорона, шунингдек қўрқитишиш характеристига эга.

Хотин-қизларнинг ўз жонига қасд қилиш ва ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказишини олдини олиш ва унинг профилактикаси масалаларига тўхтали ўтарканмиз, хукуқбузарликлар ва бошқа ғайриижтимоий, салбий ҳодисаларга нисбатан қўлланилган “жиноятчиликнинг олдини олиш”, “профилактика қилиш”, “огоҳлантириш”, “тўхтатиши”, “барҳам бериш” каби атамалар нафақат маҳсус адабиётларда, балки ҳар хил норматив ҳужжатларда, шунингдек вақтли матбуотда ҳам кўп учрайди.

Жиноятлар профилактикаси ёки жиноятларнинг олдини олиш – давлат органлари (шу жумладан, хукуқни муҳофаза қилиш органлари), жамоат

<sup>35</sup> Причины самоубийств. <http://wiki-org.ru>

бирлашмалари, ташкилотлар, муассасалар ва фуқароларнинг жиноятлар содир этилишига имконият яратувчи шарт-шароит ва сабабларни нейтраллаштириш ёки уларга барҳам беришга қаратилган, ўз мазмунига кўра ҳар хил чора-тадбирларни (таъсир кўрсатиш чора-тадбирларини) қамраб олувчи, объектив ташқи омилларга ва муайян жисмоний шахсларга йўналтирилган фаолиятидир.

Профилактика фаолиятининг мазмунига кўра, унинг икки тури: умумижтимоий ва маҳсус криминологик профилактика фарқланади.

Умумижтимоий профилактика ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари ва шарт-шароитларини аниқлаш, уларни бартараф этиш ёки нейтраллаштиришга, бошқа ғайрижтимоий қилмишларга қарши курашишга, фуқаролар ва мансабдор шахсларни қонунга ҳурмат руҳида тарбиялашга, ижтимоий ахлоқ қоидаларини бузувчиларни қайта тарбиялашга қаратилган ижтимоий-сиёсий, ташкилий, ҳуқуқий ва тарбиявий тадбирларни қамраб олади.

Маҳсус криминологик профилактика, кўпгина олимларнинг фикрича, жиноятлар содир этилишига имконият яратувчи шартшароит ва сабабларни бартараф этиш ёки нейтраллаштиришга бевосита қаратилган тадбирларни ўз ичига олади.

Профилактиканинг бу икки туридан адабиётларда охиргиси – маҳсус криминологик профилактиканга муфассалроқ тавсиф берилган. Маҳсус криминологик профилактикан таснифлаш замирида ҳар хил мезонлар ётади.

Жиноятчиликка ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг турлари ўзига хос аҳамиятга эга бўлиб, жиноятлар ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси умумий, маҳсус, якка тартибдаги ва виктимологик профилактиканга ажратилади. Аксарият илмийназарий адабиётларда ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикаси деганда, профилактика субъектларининг ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларнинг содир этилиш сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш бўйича фаолияти тушунилиши таъкидланган<sup>36</sup>.

2014 йил 14 май куни қабул қилинган “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонуннинг 22-моддасида “Ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси” тушунчасига “Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда муассасаларнинг ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш бўйича фаолияти ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикасидир”, деб таъриф берилган.

Ушбу таърифда ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикасига умумий тавсиф берилган, холос. Унда умумий профилактиканинг мақсад ва

<sup>36</sup> Криминология. Умумий қисм: ИИВ олий таълим муассасалари учун дарслик / И.Исмаилов, Қ.Р.Абдурасулова, И.Ю.Фазилов. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015. – Б.192; Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси психологияси. Дарслик / Ё.А.Фарфиев, М.З.Зиёдуллаев ва бошқалар. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015. – Б.7.

вазифалари, унга хос бўлган индивидуал хусусиятлар ва афзаликлар аниқ ўз ифодасини топмаган. Қайд этиш жоизки, ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг ҳар бир тури, хусусан умумий профилактика ўзига хос жиҳатларга: мақсад ва вазифаларга, объектига, субъектига, профилактик чора-тадбирлар тизимиға, уларни ўтказиш асослари ва тартибиға, шунингдек, муайян афзаликларга эга. Шу боис, ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг маълум бир турини амалга ошириш орқали эришиш мумкин бўлган натижаларга профилактиканинг бошқа тури билан эришиб бўлмайди.

Назария ва амалиётда “ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикаси” тушунчаси қўлланилиб келинаётганлигига унча кўп вақт бўлмаганлиги боис, ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикасининг мақсади ҳақидаги фикрлар кам кузатилади. Бироқ мақсадсиз ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикасининг вазифалари ва чора-тадбирлар тизимини ишлаб чиқиб бўлмайди.

Ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш жиноятининг умумий профилактикасининг мақсади, ҳуқуқбузарликлар профилактикасиға кенг жамоатчиликни жалб этиш, ушбу жиноятлар профилактикасиға доир қонунчиликни такомиллаштириш, аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш жиноятни содир этилиши сабабларини ва уларга имкон берадиган шартшароитларни аниқлаш, ҳисобини юритиш, таҳлил қилиш ва бартараф этиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиши ҳамда амалга ошириш, кам куч ва вақт сарфлаб аҳолига профилактик таъсир кўрсатган ҳолда уларда қонунга итоаткорлик хулқатворини шакллантириш ва ушбу жиноятлар учун жавобгарликнинг муқаррарлиги ҳиссини уйғотиш, шунингдек фуқароларни суициднинг ижтимоий хавфи ҳақида огоҳ этиш ҳамда улардан ҳимояланишнинг усуллари ва воситалари тўғрисида хабардор қилиш орқали уларнинг жабрланувчига айланиши хавфини камайтиришдан иборатdir.

Илмий адабиётларда ушбу жиноятлар умумий профилактикасининг вазифалари ўрнига унинг чора-тадбирларига нисбатан кўпроқ эътибор қаратилган. Бироқ назаримида, мақсад вазифаларнинг, вазифалар функцияларнинг, функциялар эса чора-тадбирларнинг ишлаб чиқилишида асос бўлиб хизмат қилиши лозим. Ва ниҳоят, чора-тадбирларни амалга оширишнинг ҳуқуқий тартиби ишлаб чиқилади. Ўйлаймизки, мазкур мантиққа асосланиб ишлаб чиқилган ҳар қандан фаолият ўзининг самарали механизмига эга бўлади.

**Ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш жиноятининг умумий профилактикасининг юқорида шакллантирилган мақсадига асосланиб, унинг вазифаларини қўйидагича белгилаш мақсадга мувофиқdir:**

1) ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш жиноят профилактикасиға доир дастурларни ишлаб чиқиши ва рағбатлантириш чора-тадбирларини амалга ошириш орқали кенг жамоатчиликни ушбу жиноятлар профилактикасиға жалб этиш;

2) ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш жиноят профилактикасиға оид қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиши, мавжудларига ўзгариш ва

кўшимчалар киритиш;

3) аҳолининг хуқуқий онги ва маданиятини юксалтиришга йўналтирилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

4) Ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш жиноятигининг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, ҳисобини юритиш, таҳлил қилиш ва бартараф этиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш;

5) ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш жиноятигининг профилактикаси субъектлари фаолиятини назорат қилиш, мувофиқлаштириш ва услубий таъминлаш;

6) турли шаклдаги маданий ва маърифий тадбирларни уюштириш орқали аҳолидаги мавжуд ижобий хулқ-атворни ривожлантириш;

7) аҳолида турли шаклдаги хавф ва тажовузлардан ҳимояланишга доир билим ва кўникмаларни шакллантириш;

8) жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш;

9) аҳоли бандлигини таъминлаш ва ижтимоий ҳимоясини амалга ошириш;

10) аҳолининг маънан ва ахлоқан юксалишини таъминлашга йўналтирилган маънавий-ахлоқий чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

Ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш жиноятигининг профилактикаси обьектлари ҳақида сўз юритилганида шуни таъкидлаш ўринлики, айни пайтда ушбу обьектлар нималардан иборат эканлиги бўйича аниқ назарийхуқуқий ёндашувнинг мавжуд эмаслиги кузатилади.

Ҳозирги вактда адабиётларда ҳам, ижтимоий субъектларнинг амалий фаолиятида ҳам профилактиканинг икки тури: умумий ва индивидуал профилактика кенг тарқалган.

Умумий профилактика фаолияти давлат ва жамоат ташкилотларининг жиноятчилик сабабларини, ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш жиноятига имконият яратувчи шарт-шароитларини, шунингдек жиноий натижага эришишни енгиллаштирувчи ҳолатларни аниқлаш, ўрганиш ва бартараф этиш фаолиятини ўз ичига олади.

Шундай қилиб, умумий профилактика чора-тадбирларига ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-маданий, мағкуравий, ташкилий, хуқуқий, техниковий ва бошқа чора-тадбирлар киради.

Жиноятлар ва хуқуқбузарликлар виктимологик профилактикасини тадқиқ қилган хуқуқшунос олимлар И.Исмаилов ва Қ.А.Сайтқуловлар эса, виктимологик профилактик чора-тадбирлар:

- а) хуқуқбузарликдан жабрланиш эҳтимоли мавжуд бўлган;
- б) ғайриижтимоий хулқ-атворли;
- в) хуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган;
- г) хуқуқбузарлик содир этган шахсларга нисбатан амалга оширилади деб ҳисоблайдилар<sup>37</sup>.

<sup>37</sup> И.Исмаилов, Қ.А.Сайтқулов. Хуқуқбузарликлар виктимологик профилактикаси чора-

Ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш жиноят профилактикасининг тури сифатида, виктимологик профилактика ўрганилади. Яъни, виктимологик профилактика учта асосий: маҳсус ва умумий ва якка тартибнинг ўзаро боғлиқлигини ўрганиш даражасида олиб борилади<sup>38</sup>.

Олимларнинг жиноятлар профилактикаси обьектларига нисбатан ушбу талқинлари фақат шахс билан чекланган бўлиб, жамоат тартиби, фуқаролар хавфсизлиги, уларнинг ҳаёти каби масалалар унинг эътиборидан четда қолган.

Баъзи адабиётларда эса ҳукуқбузарликлар профилактикаси амалиёт талабларидан келиб чиқкан ҳолда ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш жиноят профилактикаси обьектлари сифатида, намаён бўлади. Жумладан,

- **бир томондан**, шахсада жамиятга зид йўналишни шакллантирувчи, воқеа ва жараёнларни;

- **иккинчи томондан** ушбу жиноятларнинг сабаб ва шароитлари, криминоген вазиятлар ҳамда бошқа детерминантларни тушуниш лозимлиги фикри илгари сурилиб, жиноятлар умумий профилактикаси обьекти тариқасида жамиятда жиноятларнинг бўлишини тақозо қилувчи ва уни озиқлантирувчи ижтимоий муносабатлар, асосан салбий хусусиятга эга бўлган ҳодиса, воқеа ва жараёнлар қамраб олиниши эътироф этилади.

Шу тариқа, олимлар ўртасида ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш жиноят умумий профилактикаси обьектларига нисбатан тор ва кенг маънодаги қарашлар шаклланган. Бироқ улар ўртасида яқдил фикрнинг мавжуд эмаслиги назарияда жиноятлар умумий профилактикасининг таъсирчанлигини оширишга хизмат қилувчи қоидаларнинг шаклланишига ва амалиётда жиноятлар умумий профилактикасини аниқ манзилли ташкил этилишига ўзининг сезиларли даражадаги салбий таъсирини кўрсатиб келмоқда.

Ушбу хусусиятларни инобатга олган ҳолда профилактик таъсир кўрсатиш обьектларининг хусусиятига кўра ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш жиноят умумий профилактикасини қўйидаги икки турга ажратиш тавсия этилади:

1) шахсларни жиноят содир этишдан тийишга йўналтирилган “жиноятларнинг криминологик умумий профилактикаси”;

2) шахсларни жиноятлардан жабрланишининг олдини олишга йўналтирилган “жиноятларнинг виктимологик умумий профилактикаси”.

“Ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш жиноятининг криминологик умумий профилактикаси – бу, кам куч ва вақт сарфлаб, кенг жамоатчиликка профилактик таъсир кўрсатган ҳолда, уларда қонунга итоаткорлик ва жиноят содир этишдан тийилишга оид хулқ-атворни шакллантириш ҳамда жиноят

---

тадбирлари // Ўзбекистон Республикасининг “Ҳукуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонуни ижросини таъминлашнинг асосий йўналишлари: Республика илмий-амалий конференция материаллари (2015 йил 12 март). – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015. – Б.56.

<sup>38</sup> С.Ниёзова. Шахсга қарши зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятларнинг виктимологик профилактикаси. Монография. //Т.:ТДЮУ. 2017.– Б.34.

учун жавобгарликнинг муқаррарлиги ҳиссини уйғотишга йўналтирилган фаолиятдир”.

“Ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш жиноятининг виктимологик умумий профилактикаси – бу, хуқуқ-тартиботни сақлаш ҳамда мустаҳкамлаш, кенг жамоатчиликни суициднинг ижтимоий хавфи, содир этиш вақти, жойи, усул ва воситалари, ундан жабрланаётган шахслар тоифалари ва виктимлик ҳолатлари ҳақида огоҳ этиш ҳамда суициддан ҳимояланишнинг усуллари ва воситалари тўғрисида хабардор қилиш орқали уларнинг жабрланувчига айланиши хавфини камайтиришга йўналтирилган фаолият”.

Шу ўринда, виктимологик профилактика хуқуқбузарликлар профилактикасининг бир тури-ку, у қандай қилиб умумий профилактиканинг йўналиши бўлиши мумкин? деган ҳақли саволнинг туғилиши табиий. Аммо масалага моҳияттан ёндашилса, виктимологик профилактика хуқуқбузарликлар профилактикасининг тури бўлолмаслиги, у аслида хуқуқбузарликлар профилактикасининг йўналиши бўлиши мумкинлиги ойдинлашади.

**Бунга қўйидаги зиддиятли саволларнинг ечимини излаш орқали ишонч ҳосил қилиш мумкин:**

1. Ўзини ўзи ўлдириш ҳолатидан жабрланишнинг олдини олиш мақсадида таълим муассасаси, меҳнат жамоаси ёки маҳаллада тарғиботташвиқот ишларини олиб бориш хуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикасими ёки умумий профилактик фаолиятни амалга ошириш.

2. Ёки муайян худудда яшаётган олдин суицид қурбонлари бўлган шахсларга нисбатан индивидуал равишда виктимологик мазмундаги суҳбатларни ўтказиш хуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикасини якка тартибда амалга ошириш механизмни кўриш мумкин.

Ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш жиноятининг умумий профилактикасининг юқорида келтирилган йўналишлар бўйича ташкил этилиши ва амалга оширилиши ўз навбатида, режалаштириладиган умумий профилактик тадбирдан кўзланадиган мақсад, вазифалар ҳамда обьектларни аниқ белгилаш, куч ва воситаларни тўғри ва манзилли йўналтириш, профилактик тадбирларнинг таъсирчанлигини ошириш ҳамда кутилган натижага эришишга катта хизмат қиласи.

Ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш жиноятининг умумий профилактикаси чоратадбирларидан бири – суицидни олдини олишга доир давлат дастурлари ва бошқа дастурлар ишлаб чиқилишининг республика, вилоят, шаҳар, туман, маҳалла доирасида амалга оширилиши ҳамда дастурларда бир неча йўналишларда вазифаларнинг белгилаб олиниши умумий профилактикага комплекс ёндашувни ўзида ифодалайди.

Ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш жиноятининг содир этилиш сабаблари ва уларга имкон берадиган шарт-шароитларни бартараф этишни талаб қилиш кучига эгалиги. Ушбу хусусият қонуннинг хуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси чора-тадбирлари ёритилган 23-моддасида белгиланган. Мазкур тартибга кўра, “хуқуқбузарликларнинг

содир этилиши сабабларини ва уларга имкон берәётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон берәётган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида тақдимномалар киритиш” профилактик чора-тадбири тақдимнома юборилган органга ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон берәётган шартшароитларни бартараф этиш мажбуриятини юклайди. Мазкур мажбуриятни бажармаган субъектларнинг ҳаракатсизлиги амалдаги маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 196-моддасида назарда тутилган (Ҳуқуқбузарликни содир этиш сабабларини ҳамда уни содир этишга олиб келувчи шарт-шароитларни бартараф этиш юзасидан милициянинг ёзма тақдимномаларини бажариш чораларини кўрмаслик) жавобгарликка сабаб бўлади.

Ҳар бир чора-тадбирнинг самарадорлиги ва муваффақияти бевосита уни ўтказиш асослари ва тартибининг аниқ ҳамда мукаммал белгиланганлиги билан боғлиқ бўлганидек, ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш жиноят умумий профилактикаси чора-тадбирлари ҳам худди шундай асос ва тартибга эга бўлмоғи лозим.

Ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш жиноят умумий профилактикаси чоратадбирларининг илмий-амалий таҳлили уларни барчаси ҳам ўтказиш асослари ва тартибига эга эмаслигини намоён этади.

Мисол учун, суицидга қарши курашиш ва унинг профилактикасига доир давлат, ҳудудий, соҳавий ёки соҳавий ҳудудий дастурларни ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва амалга оширишнинг асослари ва тартибини илмий ёки ҳуқуқий манбаларда кузатиш қийин. Айнан шунинг учун ҳам, суициднинг умумий профилактикасининг мазкур чора-тадбирини амалиётда амалга оширишда муайян муаммо ва қийинчиликлар мавжуд.

Шундай қилиб, жиноятлар профилактикасини таснифлашда турли муаллифлар ҳар хил мезонларга, кимdir – субъектнинг ўзига хос хусусиятларига, кимdir – профилактикани амалга ошириш усусларининг ўзига хос хусусиятларига, кимdir – профилактика чора-тадбирларини ҳуқуқ нормалари билан тартибга солишга, яна кимdir (улар кўпчиликни ташкил этади) – профилактика чоратадбирларининг хусусиятига асосланади.

Профилактика чора-тадбирларини таснифлаш доим изчил ва муайян мезонга кўра амалга оширилади. Шу боис энг аввало таснифлаш мезонларини таҳлил қилиш лозим.

Ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш жиноятининг маҳсус профилактик фаолияти фақат суициднинг профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасалар томонидан мавсумий ёки криминоген вазиятдан келиб чиқсан ҳолда соҳавий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талаблари асосида амалга оширилади.

Ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш жиноятининг маҳсус профилактикаси республикада, минтақада ёки шаҳар-туман миқёсида ёхуд алоҳида кичик ҳудуд ва объектда ушбу жиноятларнинг профилактикаси, уларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон берган шарт-шароитларни бартараф этишга, айрим тоифадаги шахсларни аниқлаш ва

уларга профилактик таъсир кўрсатиш мақсадида амалга оширилади.

Ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиши жиноят профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ва муассасалар ушбу жиноятларнинг махсус профилактикасини амалга ошириш учун асосий фаолият йўналишлари бўйича ва “Хукуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонун талаби ва уларга берилган ваколатлар доирасида ушбу жиноятларнинг сабаблари ва уларга имкон берган шартшароитларни аниқлаш, бартараф этиш ҳамда айrim тоифадаги шахсларни аниқлаш ва уларга профилактик таъсир кўрсатишга қаратилган чора-тадбирларни ўз ичига олган махсус режалар ишлаб чиқади, тасдиқлайди ва амалга оширади.

Махсус режаларни ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва амалга ошириш тартиби Ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиши жиноятининг махсус профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ва муассасаларнинг юкори турувчи органи томонидан белгиланади.

Ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиши жиноятининг махсус профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ва муассасалар махсус режаларни ушбу жиноятлар профилактикаси тизимиға кирувчи бошқа субъектлар билан ҳамкорликда ишлаб чиқиши ва амалга ошириши, шунингдек бу жараёнга фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари вакилларини жалб этиши мумкин.

Ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиши жиноятининг махсус профилактик тадбирлари тасдиқланган режа ва дастур, шунингдек ушбу жиноятлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ва муассасаларнинг ички буйруклари асосида ўтказилади.

Ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиши жиноятининг махсус профилактикаси муайян худудда муайян даврда ушбу жиноятларнинг, шахслар тоифалари кўпайганда соҳавий норматив-хукуқий ҳужжатлар билан тасдиқланган махсус тадбирларнинг намунавий режалари асосида амалга оширилади.

Мисол учун, бу тадбирлар режасида суициднинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш, айrim тоифадаги шахсларни аниқлаш ва уларга профилактик таъсир кўрсатишга қаратилган профилактик чора-тадбирлар ҳам ўз ифодасини топади.

Махсус тадбирларнинг ишлаб чиқилиши деганда, соҳавий норматив-хукуқий ҳужжатлар билан тасдиқланган махсус тадбирларнинг намунавий режалари ишлаб чиқилиши, мазкур махсус тадбирларнинг мавсумий ёки бошқа асослар юзага келганда ўтказилиши, куч ва воситалар ҳамда вазифаларнинг тақсимланиши кабиларнинг белгиланиши тушунилади.

Махсус тадбирларни амалга ошириш деганда эса, ишлаб чиқилган намунавий режа асосида ишни ташкил этиш ва белгилangan вазифалар ижросини таъминлаш назарда тутилади.

Ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиши жиноятининг махсус профилактикаси деганда, жиноятлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасаларнинг айrim турдаги жиноятлар

профилактикасиға, бу турдаги жиноятларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон берәтгән шарт-шароитларни бартараф этишга, айрим тоифадаги шахсларни аниқлаш ва уларга профилактик таъсир кўрсатишга қаратилган махсус тадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишга доир фаолияти тушунилади.

### **Жиноятларнинг махсус профилактикасини амалга ошириш учун қўйидагилар асос бўлади:**

– Ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш жиноятининг, шахслар тоифаларининг кўпайиши;

– жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига, шахс, жамият ва давлат манфаатларига тажовуз қилувчи хатарлар ва таҳдидларнинг юзага келиши.

### **Айрим тоифадаги шахслар ўртасида жиноятлар махсус профилактикаси:**

1) илгари судланган шахслар ўртасида жиноятларнинг махсус профилактикаси чора-тадбирлари;

2) алкоголни суистеъмол қилувчи ёки гиёхвандлик воситаларини, психотроп моддаларни ва ақл-ирода фаолиятига таъсир этувчи бошқа моддаларни истеъмол қилувчи шахслар ўртасида жиноятларнинг махсус профилактикаси чора-тадбирлари;

3) вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси;

4) аёллар ва болалар ўртасидаги суицидлар профилактикаси;

5) бошқа тоифадаги шахслар ўртасида жиноятларнинг махсус профилактикаси.

Илгари судланган шахслар ўртасида жиноятларнинг махсус профилактикаси чора-тадбирлари.

Жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган ва озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазога ҳукм қилинган шахслар ўртасида суицидларнинг содир этилиши сабабларини ҳамда шарт-шароитларини аниқлаш, бартараф этиш жиноятларнинг якка тартибдаги профилактикаси турида ҳам амалга оширилади. Бироқ улар ўртасидаги фарқ шундаки, суицидларнинг махсус профилактикасида бу масалага комплекс ёндашилади ва профилактик чора-тадбирлар муайян худуд миқёсида амалга оширилади. Сицидларнинг якка тартибдаги профилактикасида эса жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган ва озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазога ҳукм қилинган ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш жиноятни содир этган шахс билан индивидуал профилактик ишлар ташкил этилади.



Жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган ва озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазога ҳукм қилинган ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш жиноятни содир этган шахслар ўртасида жиноятлар профилактикаси

бўйича махсус тадбирлар айнан ушбу тоифадаги шахсларнинг тузилиши (ижтимоий демографик, маънавий-руҳий ва жиноий-хуқуқий белгилари) ва ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқсан ҳолда ишлаб чиқилади.

Озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазони ўтаётган шахсларни ижтимоий реабилитация қилишга ва ижтимоий мослаштиришга тайёрлаш бўйича махсус тадбирлар жазони ижро этиш тизимида ишлаб чиқилади ва жазони ижро этиш муассасалари томонидан соҳавий норматив-хуқуқий ҳужжатлар асосида амалга оширилади. Бу борада жазони ижро этиш муассасалари маҳкум озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаб бўлишига қисқа давр қолганида у озодликка чиқсандан кейин қайси фаолият тури билан шуғулланиши, оиласига, иш жойига, умуман жамиятга мослашиши ҳамда ҳаётда ўз йўлини топиши учун хуқуқий ва психологик ёрдамлар кўрсатади.

Жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган шахсларни ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш бўйича чоратадбирлар ички ишлар идоралари, судлар, меҳнат ва аҳолини ижтимоий-хуқуқий ҳимоя қилиш ва соғлиқни сақлаш муассасалари ҳамда маҳаллий давлат ҳокимликлари томонидан ташкил этилади ва амалга оширилади.

Жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган шахсларни ижтимоий реабилитация қилиш – унинг ишини ёки ўқишини қайта тиклаш, яшаш жойига доимий рўйхатга қўйиш, психологик ёрдам бериш орқали ғайриижтимоий хулқ-атворга чек қўйиб, ижобий хулқатворни шакллантириш, жиноят қонунчилигига белгиланган муддат ўтиши билан судланганлик ҳолатини олиб ташлаш кабиларни ташкил этади.

Ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш жиноятини индивидуал профилактикасининг мақсади – Ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш жиноятининг жиноятларнинг муайян сабабларини бартараф этиш ва ушбу жиноятларига барҳам беришдан иборатdir.

### **Индивидуал профилактика фаолияти ўзаро боғланган бир неча босқичдан ташкил топади:**

- хулқ-атвори, кайфияти ва қараашлари улар жиноят содир этиши мумкинлигидан далолат берувчи шахсларни аниқлаш;
- ушбу шахсларни ва уларга салбий таъсир кўрсатувчи манбаларни ўрганиш;
- бундай шахслар жиноят содир эта олмаслиги учун мумкин қадар ижобий мухитни вужудга келтириш;
- салбий таъсир манбаларини бартараф этиш;
- жиноят содир этишга мойил шахсларга тарбиявий таъсир кўрсатиш (зарур ҳолда
  - мажбурий тарзда);
  - мазкур шахсларнинг хулқ-атвори ва турмуш тарзини назорат қилиш;
  - олиб борилаётган иш натижаларини вақти-вақти билан текшириб туриш.

Бизнингча, ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш жиноятининг олдини олиш, уни камайтиришга нисбатан давлат сиёсатининг концептуал

асосларини ишлаб чиқиш зарур.

Биз мамлакатимизда кузатилган салбий иллатларни сабаб ва унга имкон бераётган шарт-шароитларни ўрганиб, бутун республика аёлларини қамраб олган ҳолда муҳим концептуал асосларини ташкил этадиган Дастур лойиҳасини ишлаб чиқиш лозимлигини мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Мазкур Дастур лойиҳасини тайёрлашда куйидаги масалаларга эътибор қаратиш лозим:

**Биринчидан**, Ўзбекистон Республикаси Олий судида мавжуд сўнги 5 йилликда (2015-2020 йиллар давомида) республика кесимида Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 103-моддасида назарда тутилган “Ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш” жиноятидан жабрланган аёлларга оид статистик маълумотлар билан танишиш, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида мавжуд сўнги 5 йилликда (2015-2020 йиллар давомида) вилоятлар кесимида терговга қадар текширув босқичида аёлларнинг ўзини ўзи ўлдириши ҳолати баҳтсиз ҳодиса (ЖПК 83-моддаси) асосида тугатилган терговга қадар текширув ҳужжатларига оид статистик маълумотлар билан танишиш ва аёлларнинг ўзини ўзи ўлдирганлиги (суицид) сабабларини ўрганиш ва таҳил қилиш ҳамда суициднинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш;

**Иккинчидан**, статистик маълумотларга асосланган ҳолда умумийликдан хусусийликка методини қўллаб, энг қўп суицид содир этилган худуд (маҳалла, хонадон, оила)ларни аниқлаш ва туман (шаҳар)лар ҳокимлари, уларнинг ёшлар ҳамда хотин-қизлар масалалари бўйича маъсуллар, маҳаллалар фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича кенгашларнинг ижро аппаратлари ходимлари, маҳаллалар раислари,



**“Қайноналар кенгаши”** жамоат тузилмаси, хотин-қизлар билан ишлаш ва оиласарда маънавийахлоқий қадриятларни мустаҳкамлаш бўйича мутахассислар, ёшлар билан ишлайдиган мктахассислар, умумтаълим мактаблари, касбхунар колледжлари директорлари ва уларнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосарлари, профилактика инспекторлари ва малакали психологларини жалб этган ҳолда

умумтаълим мактаблари, касб-хунар колледж, техникумларда интерактив усулларда давра сухбатлари ўтказиш, шунингдек хонадонларда (суицид қўпроқ жамиятда нофаол, ишсиз, уй бекалари, ўсмир ёшдаги қизлар, келинлар, оналар томонидан содир этилиши эҳтимоли мавжуд) маҳсус (индивидуал) сухбат ўтказиш;

**Учинчидан**, суицидга монелиги мавжуд ёхуд суицид қилиши мумкин бўлган шахслар ҳақида маълумотга эга фуқаролардан мурожаатларни қабул қиласиган интерактив портал ([www.baxtbering.uz](http://www.baxtbering.uz)) яратиш шунингдек, ижтимоий тармоқларда ҳам расмий саҳифалар очиш ва мунтазам равиша

янгилиб бориш; Бунда тажрибали психолог ва мутахассислар томонидан фуқароларга тўғри ва самарали маслаҳат ҳамда йўл-йўриқлар кўрсатиши;

**Тўртингчидан**, махсус сұхбат ва давра сұхбатларининг амалий натижасида Ҳуқуқий маслаҳатхона фаолиятини ташкил этиш; Мазкур маслаҳатхона маҳаллалардаги хотин-қизлар; нотинч, носоз, муносабатлар мувозанати бузилган оиласлар; ёлғиз аёллар (турмуш қурмаган ёхуд турмуш ўртоғи узоқ сафардагилар) ва оналар; авлодида суицид кузатилган оиласларнинг муаммоларини аниқлаш, оиласлардаги муҳитни соғломлаштириш (реабилитация) ишларига ҳар томонлама, хусусан ижтимоий ва ҳуқуқий жиҳатдан яқиндан кўмаклашади. Маслаҳатхонага психолог, шифокор, юрист, дин уломаси ва бошқаларга ибратли таъсир ўтказа оладиган фаол фуқароларни жалб этиш;

**Бешинчидан**, мазкур масалада халқаро тажрибани чуқур ўрганиш ва барча учун тушунарли ҳамда содда тилда ёзилган оммабоп услубий тавсиялар ва буклетлар тайёрлаш ва чоп этиш. Шунингдек, кам таъминланган оиласларга бепул тарқатиш ҳамда ўрганилган муаммолар асосида видеороликлар тайёрлаш ва Ўзбекистон телерадиоканалларида намойиш этиш.

**Олтинчидан**, Мазкур жиноятнинг диспозицияси қуйидаги тартиби тўлдирилиши: “Шахсни қўрқитиши, унга раҳмсиз муомала қилиш ёки унинг шаъни ва қадр-қимматини муттасил равишда камситиши натижасида уни ўзини ўзи ўлдириш даражасига ёки ўзини ўзи ўлдиришига уриниш даражасига етказиш” дея, яъни, суиқасд деган сўзлар уриниш деган сўзга алмаштириш лозим.

Хулоса қиладиган бўлсак, юқорида белгиланган чора-тадбирларни комплекс (турли соҳа вакилларини фаол жалб қилган ҳолда) амалга ошириш натижасида Ўзбекистон Республикасида аёллар ва ёшлар муаммолари ўрганилади ва зудлик билан ҳал этиш чоралари кўрилади; аёллар ва вояга етмаган ёшлар томонидан ўзини ўзи ўлдириш даражаси кўрсаткичи кескин пасаяди; тушкунликка тушган аёлларда ўзига ишонч, ҳаётга қизиқиши уйғонади; аёллар ижтимоий фойдали ишларга, спортга, тадбиркорлик ва касаначиликка жалб этилади.

#### **4.2. Хотин-қизларнинг ўз жонига қасд қилиш ва ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказишни олдини олишда ҳамкорлик қулувчи субъектлар**

Жамоат тартиби ва хавфсизлиги, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини таъминлашдаги ҳамкорлик – ушбу фаолият билан шуғулланувчи субъектларнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ, ўзаро келишилган ҳолда фаолиятнинг шакл ва усусларидан, хизмат ваколатларидан самарали фойдаланиши бўлиб<sup>39</sup>, бунда икки ёки ундан ортиқ хизмат, яъни

<sup>39</sup> Афанасьев В.А. Организация работы участкового инспектора милиции. – М., 1990. – С.

бошқарувнинг бир-бирига бўйсунмаган алоҳида иштирокчилари ўз ҳаракатларини мувофиқлашириб бажарадилар<sup>40</sup>. Профессор З.С. Зарипов таъкидлаганидек, ўзаро ҳамкорликдан кўзланган мақсад – бошқарув тизими олдида турган умумий вазифаларни ҳал этишда куч ва воситаларни тўғри тақсимлаш, биргаликда ҳаракат қилишдан иборатдир<sup>41</sup>.

Маълумки, ҳеч бир давлат органи бошқа тузилмалар билан ҳамкорлик қилмай туриб, фақат ички имкониятлари доирасида фаолиятининг самарадорлигини таъминлай олмайди<sup>42</sup>. Шу жумладан, айнан хотин-қизларнинг ўз жонига қасд қилиш ва ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказишни олдини олишда ҳам давлат органлари ва жамоатчилик тузилмалари ўзаро ҳамкорлик қилиш орқали самарали натижага эришади.

Бироқ бу борада, давлатимиз раҳбари Ш.М.Мирзиёев ўринли таъкидлаганларидек<sup>43</sup>, жамоат хавфсизлигини таъминлаш тизимида ҳукуқтартиботни таъминлаш ва ушбу йўналишда ўзаро мақсадли ҳамкорликни ташкил этишда жойлардаги давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ҳамда жамоатчилик тузилмалари иштирокининг самараси пастлигига, ҳукуқбузарликларнинг, биринчи навбатда, ижтимоий-маиший тусдаги жиноятларнинг олдини олиш, уларга чек қўйиш, содир этилганларини фош этишда фуқаролик позициясининг сустлигига намоён бўлаётган қатор камчиликлар мавжуд.

Шу боис ҳам, хотин-қизларнинг ўз жонига қасд қилиш ва ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказишни олдини олишда давлат органлари ва жамоат бирлашмаларининг ўзаро ҳамкорликдаги фаолияти муҳим аҳамият касб этади.

Хотин-қизларнинг ўз жонига қасд қилиш ва ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказишни олдини олиш учун аввало оиласидаги турли хилдаги зўравонликни аниқлаш ҳамда ушбу иллатларни бартараф этиш чораларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш лозим саналади.

**Ушбу вазифаларни бажаришда давлат органлари ва жамоатчилик бирлашмалари ўзаро ҳамкорликдаги фаолиятида қуйидаги чоратадбирларга алоҳида эътибор қаратишлари лозим саналади:**

**Биринчидан**, фуқароларга зўравонлик фактлари ҳақида ёки ўзига нисбатан таҳдид ва тажовузлар содир этиш ҳолатлари юзага келганда ҳукуқни

**Иккинчидан**, муҳофаза қилувчи органларга хабар бериш;

38.

<sup>40</sup> Пулатов Ю.С., Исмаилов И., Қурбонов А. Ички ишлар органларида бошқарув асослари: Дарслар. – Т.: ЎзР ИИВ Академияси, 2005. – Б. 104.

<sup>41</sup> Зарипов З.С. Профилактическая функция следственных подразделений органов внутренних дел. – Т., 1980. – С. 57.

<sup>42</sup> Бобохонов А.А. Жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлашда ҳукуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ўзаро ҳамкорлиги // Жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлашнинг долзарб масалалари: республика илмий-амалий конференция материаллари. – Т.: ЎзР ИИВ Академияси, 2015. – Б. 11.

<sup>43</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори, 24.12.2018 йилдаги ПҚ-4075-сон. <https://lex.uz/docs/4124831>

**Учинчидан**, низоли ҳолатлар ҳамда фуқароларнинг ғайриижтимоий хулқ-автори ва хатти-харакатларига нисбатан лоқайд бўлмаслик;

**Тўртинчидан**, соғлиқни сақлаш муассасаларига мурожаат қилиш ва биринчи тиббий ёрдам олишни таъминлаш;

**Бешинчидан**, зўравонлиқдан жабрланган шахсларни вақтинча хавфсиз жойда (реабилитация қилиш ва мослаштириш марказларида ёки ота-она ёхуд бошқа қариндош-уруглар олдида) бўлишлари учун уларга қисқа рақамли “1146”-ишонч телефонига мурожаат этиш мумкинлиги ва мавжуд муаммога тегишли ечим олиши ҳақида тушунтириш;

**Олтинчидан**, оиласадаги низоли вазиятларни ижобий ҳал қилиш, оила аъзолари ўртасида бузилган ижтимоий муносабатларни тиклаш ва бошқа оиласавий масалалар юзасидан психологияк ёки ҳуқуқий маслаҳат олиш;

**Еттинчидан**, зўравонлик содир этган шахснинг хулқ-авторини жамоатчилик ўртасида мухокама қилиш, унга нисбатан таъсир чораларини кўллаш мақсадида тегишли ваколатла органларга мурожаат қилишни доимий равища ўргатиб бориш лозим.

**Зўравонлик билан боғлиқ ҳолатларлар виктимологик профилактикаси самарадорлигини ошириш учун эса қўйидаги йўналишларга асосий ургуни беради:**

- ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган нотинч оиласаларни ўз вақтида аниқлаш, низо келиб чиқиш хавфи бўлган оиласалар билан профилактика ишини ташкил этиш;
- ҳуқуқбузарлик ёки жиноятлардан жабрланишга мойиллиги бўлган шахсларни аниқлаш ва уларнинг зўравонликлардан жабрланиш эҳтимолини камайтириш бўйича тегишли чоралар кўриш;
- маъмурий ҳудудда ғайриижтимоий хулқ-авторли, ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган, ҳуқуқбузарликлар содир этган шахсларни аниқлаш, уларнинг ҳисобини юритиш ва уларга тарбия вий таъсир кўрсатиш;
- ижтимоий мавқеи, физиологик ҳолати, хулқ-автори, ҳаёт тарзи билан боғлиқ ҳолда ҳуқуқбузардан жабрланувчига айланиши хавфи мавжуд бўлган шахсларни аниқлаш ва уларга нисбатан виктимологик профилактик чора-тадбирларни қўллаш;
- ҳуқуқбузарликларнинг содир этилишида жабрланувчиларнинг тутган ўрнини ҳамда жабрланишнинг сабаблари ва уларга имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш ва бартараф этиш;
- нотинч оиласаларда яшаётган шахсларнинг зўравонликлардан жабрланиш эҳтимолини камайтириш мақсадида тушунтириш ишларини олиб бориш;
- оиласадаги зўравонликлардан жабрланиш эҳтимоли юқори бўлган шахслар тоифаларини аниқлаш;
- ҳуқуқбузарликлардан жабрланганларнинг индивидуал ва ижтимоийпсихологик хусусиятларидан келиб чиқсан ҳолда профилактика тадбирларни ишлаб чиқиш;
- оиласадаги зўравонлик билан билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларнинг

олдини олишга доир дастурлар ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этиш;

➤ оиладаги зиддият ва низоларни аниқлаш, таҳлил қилиш ҳамда мавжуд куч ва воситалардан фойдаланган ҳолда уларни ҳал этиш чоратадбирларини амалга ошириш;

➤ ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари ва содир этилишига имкон берадиган шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш;

➤ зўравонлик ҳолатлари, уларни содир этган шахсларни ва ундан жабрланганларнинг профилактик ҳисобини юритиш ҳамда бундай маълумотларнинг таҳлилини амалга ошириш.

Хулоса қилиб айтганда, хотин-қизларнинг ўз жонига қасд қилиш ва ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказишни олдини олишда давлат органлари ва жамоатчилик ташкилотларининг ўзаро ҳамкорликда жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, тазиқ ва зўравонликка доир муросасизлик муҳитини яратиш бўйича сайд-харакатларни доимий равишида изчил амалга ошириш, содир этилаётган зўравонликнинг мутлақо камайтириш имконини беради.

#### **4.3-савол. Хотин-қизлар ўртасида «Соғлом турмуш тарзини кенг ёритиш ва оммавий спортни янада ривожлантириш тартиби.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 октябрдаги «Соғлом турмуш тарзини кенг ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора тадбирлари тўгрисида»ги ПФ6099-сонли Фармони “**Соғлом турмуш тарзи – бу кундалик турмушни биологик ва ижтимоий қонунлар асосида ташкил этиб, саломатликни сақлаш ва мустаҳкамлашга қаратилган турмуш тарзидир**”.

#### **Оиласарда соғлом турмуш тарзини мустаҳкамлаш масалалари бўйича ҳуқуқий асослар.**

##### **Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 63-моддаси.**

Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга.

Никоҳ томонларнинг ихтиёрий розилиги ва teng ҳуқуқлилигига асосланади.

Истиқлол йилларида ёшларга оила қуриш нақадар муҳим ва масъулиятли иш эканлигини англашиб, соғлом оилани шакллантириш, оиласа юксак маънавий аҳлоқий муҳитни қарор топшдириш учун зарур шарт-шароит яратиш ёш келин күёвларни оиласа тайёрлаш, оила манфаатларини ҳимоялаш, соғлом фарзанд ўтказиш, тарбиялаш ва вояга етказиш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Дарҳақиқат оила қуриш хар бир инсон ҳётида муҳим ҳодиса экан, бу масала шахсий, ҳусусий доирадан чиқиб, ижтимоий аҳамият касб этиши ҳақида жамоатчилик орасида тарғибот тушунтириш ишларини олиббориши муҳим аҳамиятга эга.

Агар оила баркамол, ота-оналар манавиятли, қадриятларимизга эътиборли бўлса, бундай оилада ёмон фарзанд тарбияланмайди.

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 октябрдаги «Соғлом турмуш тарзини кенг ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора тадбирлари тўғрисида»ги ПФ6099-сонли Фармони**

Жаҳонда COVID-19 коронавирус пандемиясининг юзага келиши дунё мамлакатлари қатори Ўзбекистонда ҳам аҳолининг соғлифи, жисмонан саломатлиги, соғлом ҳаёт кечириш даражаси заиф эканлигини кўрсатди.

Барчамиз бундан жиддий хулоса қилган ҳолда заарли одатлардан воз кечиб, оммавий спорт билан доимий шуғулланиш, тўғри овқатланиш тамойилларига риоя қилиш, хусусан таркибида туз, қанд ва ёғ миқдори кўп бўлган ҳамда хамирли таом ва шириналларни, нон маҳсулотларини меъёридан ортиқ истеъмол қиласликни, бир сўз билан айтганда, соғлом турмуш тарзини кундалик ҳаётимизга айлантиришимиз зарур эканлиги белгиланган.

Жисмоний тарбия ва оммавий спорт билан мунтазам шуғулланиш ҳамда соғлом турмуш тарзи бўйича ҳаётий кўнімларни шакллантириш орқали ҳар бир фуқарода касалликка қарши кучли иммун тизими пайдо бўлишини таъминлаш, заарли одатлардан воз кечиш, тўғри овқатланиш тамойилларига амал қилиш, тиклаш ва реабилитация ишлари ҳамда оммавий жисмоний фаоллик тадбирларини тизимли ва самарали ташкил қилиш, бу борада тегишли инфратузилма ва бошқа зарур шарт-шароитларни яратилди:

Қўйидагилар Соғлом турмуш тарзини ҳаётга кенг татбиқ этиш ва оммавий спортни янада ривожлантиришнинг асосий йўналишлари этиб белгиланган:

ҳар бир оила, маҳалла ва туман (шаҳар)да, мактабгача, умумий ўрта, ўрта маҳсус, профессионал ва олий таълим муассасаларида ҳамда бошқа ташкилотларда жисмоний тарбия ва оммавий спорт билан шуғулланишга шарт-шароитлар яратиш;

оммавий спортни ривожлантириш бўйича оилалар, синфлар, меҳнат жамоалари ва ҳудудлар ўртасида спорт мусобақаларини мунтазам равища ўтказиш;

аҳоли турли гурухларининг соғлом овқатланишга бўлган эҳтиёжларини қондиришни таъминлайдиган шарт-шароитлар яратиш, таркибида туз, қанд ва ёғ миқдори кўп бўлган ҳамда хамирли таом ва шириналларни, нон маҳсулотларини истеъмол қилишни қисқартириш, заарли одатлардан, хусусан, алкоголь ва тамаки маҳсулотларини истеъмол қилишдан воз кечиш йўли билан касалликка чалиниш, ортиқча вазн ҳолатлари (семизлик) ва бевақт вафот этишни камайтириш;

аҳоли ўртасида соғлом овқатланиш маданиятини кенг тарғиб қилиш, шу жумладан, тартибсиз ва кечки уйқу олдидан овқатланиш одатларидан воз кечиш;

санитария-гигиена қоидаларига риоя этилишини оилалар, маҳаллалар, мактабгача таълим ва умумтаълим муассасалари даражасида соғлом турмуш тарзининг ажралмас қисми сифатида тарғиб қилиш;

мактабгача таълим, умумтаълим, ўрта махсус, профессионал ва олий таълим муассасаларида, корхона, ташкилот ва бошқа турдаги барча муассасаларда жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиш учун замонавий моддий-техника базасини шакллантириш.

Республикада аҳоли ўртасида оммавий спортни ривожлантириш ва соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишда — юриш, югуриш, мини-футбол, велоспорт, бадминтон, стритбол, «Workout» (маҳалла ва кўча фитнеси) спортнинг устувор турлари этиб белгиланди.

Юриш, югуриш, мини-футбол, велоспорт, бадминтон, стритбол ва «Workout» спорт турларини оммавийлаштириш ва ривожлантириш дастурларини амалга ошириш учун Давлат бюджетидан дастурлар тўлиқ бажарилгунга қадар ҳар йили 104 миллиард сўмдан;

Жисмоний имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган шахсларни жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишга жалб қилишга қаратилган дастурларни молиялаштириш учун Давлат бюджетидан 2021 йилдан бошлаб дастурлар тўлиқ бажарилгунга қадар ҳар йили 10 миллиард сўмдан маблағлар ажратилди.

Ушбу тажрибадан келиб чиқиб, 2022 йилдан бошлаб Нукус, Бухоро, Нурафшон, Самарқанд, Термиз, Хива, Шаҳрисабз ва Кўқон шаҳарларида ҳамда 2023 йилдан бошлаб республиканинг барча йирик шаҳарларида пиёда ва велосипедда юриш учун «Саломатлик йўлаклари» ташкил этилди.

аҳоли сони ва уй-жойларнинг жойлашувини инобатга олган ҳолда, шунингдек, ташкилот ва идораларнинг тегишли ҳудудларида велосипед турар жойлари ва замонавий спорт (шу жумладан, Workout) майдончаларини ташкил этилди;

маҳаллалар, қишлоқлар, туманлар ва шаҳарларни боғловчи автомобиль йўллари, пиёда ҳамда велосипед юриши учун мўлжалланган «Саломатлик йўлаклари»ни курилди;

автомобиль ҳаракати юқори бўлган ва катта йўл кесишмаларида аҳолига қулай ўтиш жойларини барпо этилди.

ҳар чорақда ҳар бир туман (шаҳар)да «Соғлом турмуш тарзи ривожланган маҳалла» танловини ташкил этиш вазифаси юкланди;

бир ой муддатда танловни ўтказиш тартиби ва баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиб, тасдиқласин. Бунда, маҳалла аҳолиси доимий равища жисмоний тарбия машғулотларига жалб этилиши, соғлом овқатланиш ва соғлом турмуш тарзига риоя этилиши, маҳаллада зарур спорт инфратузилмаси мавжудлиги, ўтказилган мусобақалар сони, маҳалла аҳолисининг касалланиш даражаси пасайиб бориши қўрсаткичлари назарда тутилди;

«Маҳалла» хайрия жамоат фонди маблағлари ҳисобидан танловда биринчи ўринни эгаллаган маҳаллага 10 миллион сўм, иккинчи ўрин учун 5 миллион сўм ва учинчи ўринга 3 миллион сўм миқдорида пул мукофоти билан рағбатлантирилишини таъминланди.

Соғлиқни сақлаш вазирлигига қуйидаги вазифалар берилган:

бир ой муддатда Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини

ривожлантириш маркази билан биргаликда қишлоқ врачлик пунктлари ва оиласвий поликлиникаларнинг врач ва ўрта тиббий ходимларини диетология бўйича тайёрлаш, шу жумладан амалий кўникмаларини шакллантириш бўйича қисқа муддатли курсларни ташкил этиш;

2021 йил 1 марта қадар Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги билан биргаликда ортиқча вазнга эга бўлган шахслар учун ўртача кунлик овқатланиш меъёри ва рациони ҳамда жисмоний машқлар комплексини ишлаб чиқсин ва уни аҳоли орасида доимий тарғиб қилиб бориш;

мактабгача таълим ташкилотларининг тиббиёт ходимлари ҳамда туман (шаҳар) кўп тармоқли марказий поликлиникаларидан умумтаълим мактабларига бириктирилган тиббиёт ходимлари томонидан тарбияланувчилар ва ўқувчилар соғлиғи ва жисмоний камолоти доимий равишида назоратга олинини, уларнинг санитария-гигиена қоидаларига риоя қилишини, бадантарбия машқлари ўтказишини ва мунтазам равишида спорт билан шуғулланишини, соғлом турмуш тарзи тарғиб қилинишини, даволаш-профилактика тадбирлари ўтказилишини, овқатланиш режими ва сифатига риоя этилишини;

мазкур Фармон талабларидан келиб чиқиб, таркибида туз, қанд ва ёғ микдори меъёридан ортиқ бўлган ҳамда хамирли таом ва ширинликлар, нон маҳсулотлари истеъмолини камайтириш бўйича оилалар ўртасида тарғибот ишларини олиб боришни;

Инновацион ривожланиш вазирлиги 2021 йилдан бошлаб ҳар йили:

жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги фундаментал, амалий ва инновацион лойиҳалар учун 10 миллиард сўмдан кам бўлмаган микдорда грант маблағлари ажратиш;

жисмоний тарбия ва спорт соҳасида илмий салоҳиятга эга бўлган кадрлар улушкини ошириш мақсадида Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги тизимидағи олий таълим муассасаларига таянч докторантурга ва докторантурга учун камида 10 та ўрин ажратилишини таъминлаш.

Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги Фанлар академияси ва Ўзбекистон Полвонлар миллий маркази билан биргаликда 2021 йил 1 сентябрга қадар республика ҳудудларида экспедиция ташкил қилган ҳолда миллий спорт турлари ҳамда ҳалқ ўйинлари тарихини ўрганиш асосида «Ўзбекистон Республикаси миллий спорт турлари ва ҳалқ ўйинлари энциклопедияси»ни тайёрласин ва чоп этиш.

Белгилансинки, «Ўзбекистон Республикаси миллий спорт турлари ва ҳалқ ўйинлари энциклопедияси»ни тайёрлаш ва чоп этиш билан боғлиқ харажатлар Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармаси маблағлари ҳисобидан қоплаш.

мазкур Фармоннинг бажарилиши устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш мақсадида барча давлат ва хусусий телеканаллар, ижтимоий тармоқларда ҳамда блогерлар иштирокида танқидий муҳокамалар ташкил қилиш ва ёритиш тавсия этиб бориш вазифалар белгиланган.

Бўлажак она ўз вақтида шифокор текширувларидан ўтиши ва аниқланган касалликлар бўйича даволаниши ҳомиладорлик даврида

кузатиладиган баъзи асоратларнинг олдини олиш муҳим аҳамиятга эгадир. Соғлом оилада соғлом эр-хотиндан соғлом фарзандлар дунёга келади.

Қонуний никоҳ орқали вужудга келган оталик ва оналикдан жамият, давлат манфаат топади, улар олдига баркамол ва соғлом авлод яратишдек маъсулиятли вазифани қўя олади. Юртимизда никоҳ муносабатларини мустаҳкамлаш, оилавий ҳаётда рўй берадиган салбий ҳодисаларнинг олдини олиш оилада соғлом муҳитни шакллантириш, баркамол авлодни тарбиялаш борасида амалга оширилаётган ишлардан кўзланган мақсад ҳам соғлом ва мустаҳкам оила барпо этишдир. Зеро ватан оиладан бошланади. Оила мустаҳкам экан, ватанимиз гуллаб-яшнайверади. Фарзандларимиз соғлом ва баркамол экан, келажагимиз порлоқ бўлади.

### V-БОБ.

## ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИНИНГ ТАЗИЙҚ ВА ЗЎРАВОНЛИКНИНГ УМУМИЙ ВА МАХСУС ПРОФИЛАКТИКАСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ФАОЛИЯТИ

### 5.1. Ички ишлар органларининг тазийқ ва зўравонликнинг умумий профилактикасини ташкил этиш фаолияти

Ички ишлар органларининг таянч пункти профилактика инспекторлари ўзига бириклирлган маъмурий худудларда тазийқ ва зўравонлик билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларнинг сабаб ва шароитларини аниқлаш, ўрганиш, таҳлил қилиш ҳамда уларнинг профилактикасини ташкил этиш, шунингдек уларни бартараф этиш бўйича зарур чора-тадбирларни амалга оширади. Мазкур фаолиятнинг асосий мақсади – биринчидан, оила аъзоси (аъзолари)да зўравонликасосий манбаи бўлган ғайри ижтимоий хулқ-атворнинг ва уни содир этишга бўлган мойилликни шакллантирувчи омилларни аниқлаш ва бартараф этиш бўйича барвақт профилактик чора-тадбирларни амалга ошириш, иккинчидан, ҳуқуқбузарик содир этган шахсларга нисбатан қонун хужжатларида белгиланган таъсир чораларини кўришдан иборат.

Профилактика (катта) инспекторлари ушбу йўналишдаги фаолиятни самарали ташкил қилиш бўйича маъмурий худуддаги ҳар бир оилани ўрганиб чиқиши ҳамда нотинч бўлган оилаларни аниқлаб, улар билан профилактик ишларни олиб бориш ва уларга ижтимоий жиҳатдан ёрдам кўрсатиши, шунингдек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан биргалиқда уларнинг майший ва бошқа муаммоли масалаларини ҳал этишга кўмаклашиши лозим<sup>44</sup>.

Ички ишлар органларининг тазийқ ва зўравонликнинг олдини олиш, бундай зўравонликнинг сабаблари ва содир этилишига имкон берадиган шарт-шароитларни аниқлаш ва бартараф этиш бўйича фаолияти майший зўравонликнинг олдини олишнинг умумий чораларига киради.

<sup>44</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 18 апрелдаги ПҚ-2896-сонли Карори. /Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2017 й., 17-сон, 288-модда.

## **Ички ишлар органларининг тазиик ва зўравонликнинг олдини олишга қаратилган умумий чора-тадбирларига:**

- оиласдаги зўравонликнинг олдини олиш соҳасидаги давлат дастурлари ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда жорий этиш;
- ахоли ўртасидаги ҳуқуқий тарғибот;
- оиласдаги зўравонликнинг сабаблари ва содир этилишига имкон берадиган шарт-шароитларни аниқлаш ва бартараф этиш тўғрисида тақдимномалар киритиш орқали амалга оширилади.

Ички ишлар органларининг таянч пункти профилактика инспекторлари томонидан тазиик ва зўравонликнинг умумий тартибдаги профилактикаси фаолиятини ташкил этишининг асосий мақсади - маъмурий ҳудудларда яшовчи оиласлар ҳақида тезкор вазиятдан хабардор бўлиш, оиласда содир этилиши мумкин бўлган низоларни барвақт профилактикасини таъминлаш, нотинч оиласлардаги ижтимоий руҳий-муҳитни соғломлаштириш ҳамда ахоли ўртасида ҳуқуқий тарғибот ва ташвиқот ишларини амалга оширишдан иборатдир.

Ички ишлар органлари тазиик ва зўравонликнинг профилактикаси бўйича ваколатли субъектлар билан ҳамкорликда оиласлардаги ҳуқуқбузарликларнинг сабаб шароитлари ва уларга имкон берадиган омилларни ўз вақтида аниқлаш, уларни бартараф ҳамда келгусида уларнинг содир этилишига йўқ қўймасликка қаратилган фаолияти дастлабки профилактика ҳисобланади.



**Дастлабки профилактика** шахсда жамиятга зид қарашлар шаклланиши, унинг ахлоқ ва ҳуқуқ нормаларига зид қилмиш содир этишининг олдини олишга қаратилган тарбиявий профилактик чора-тадбирларни амалга ошириш жараёнидир<sup>45</sup>.

Ички ишлар органлари томонидан ушбу ўйналишда профилактика фаолиятини ташкил этилиши *биринчидан*, жамиятга зид турмуш тарзи кечирувчи шахслар ҳамда ижтимоий жиҳатдан хавфли ахволда бўлган оиласларни ўз вақтида аниқлашга, *иккинчидан*, шахсдаги файриижтимоий ҳулқ-атворни ижобий томонга ўзгартиришга ҳамда ҳуқуқбузарликларни барвақт профилактика қилишга, *учинчидан*, фуқароларни жиноятлардан, шу жумладан оиласдаги зўравонликлардан жабрланишини олдини олишга, *тўртинчидан*, оиласдаги низоларни бартараф этиш ва уларни олдини олишга қаратилган кенг қамровли ижтимоий-ҳуқуқий чораларни амалга оширишга имкон беради. Юқоридаги профилактиканинг

<sup>45</sup>Исмаилов И. ва бошқалар. Вояга етмаганлар назоратсизлиги ва ҳуқуқбузарлигининг олдини олиш: Ўкув-амалий қўлланма. / Масъул мухаррир И.Исмаилов. –Т.: Республика болалар ижтимоий мослашув маркази, 2011. –Б. 179.

мақсади, ҳуқуқбузарликларни олдини олиш, уларни содир этилишига йўл қўймаслик ҳамда профилактика қилишга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

Юридик адабиётларда мазкур фаолият «олдини олиш», «йўл қўймаслик», «профилактика қилиш» каби атамаларда намоён бўлади<sup>46</sup>.

«Жиноятчиликка қарши кураш» юқорида келтирилган бошқа атамаларга нисбатан кенгроқ тушунча бўлиб, у давлат, жамоатчилик томонидан жамият манфаатларини жиноий тажовузлардан муҳофаза қилишга қаратилган барча чора-тадбирларни қамраб олади.

Жиноятларни профилактика қилиш жиноятчиликнинг олдини олиш фаолиятининг таркибий қисми ҳисобланиб, у жиноятчилик сабабларини ва унга имкон берувчи шарт-шароитларни, уларнинг айрим гурухлари ва жиноятчилик турларини изчил аниқлаш ва бартараф этилишини назарда тутади<sup>47</sup>. Шундай қилиб, ушбу фаолиятни ташкил этишдан мақсад, энг аввало, ҳуқуқбузарликларни барвакт профилактика қилиш, уларни заарсизлантириш, ҳуқуқбузарлик содир этилиши мумкин бўлган шахсларга таъсир кўрсатиш ҳамда фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига қарши қаратилган турли тажовузларни олдини олишдан иборатdir.

**Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси** – ҳуқуқ-тартиботни сақлаш ҳамда мустаҳкамлаш, ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, уларга барҳам бериш, шунингдек ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш мақсадида қўлланиладиган ҳуқуқбузарликлар умумий, маҳсус, якка тартибдаги ва виктимологик профилактикасининг ҳуқуқий, ижтимоий, ташкилий ва бошқа чора-тадбирлари тизими<sup>48</sup>. Юқоридаги профилактик чора-тадбирларни тўғри ташкил этилиши жиноятларнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади.

Жиноятларнинг олдини олиш шуниси билан афзалки, бу фаолиятга жиноят содир этган шахснинг жазоланиши муқаррарлигини таъминлаш учун сарфланадиган анча кам харажат қилиниши билан бир вактда, инсонни, айниқса ёшларни жамиятда ўз ўрнини топишга, ҳаётда атрофидаги яқин кишилари, бошқа инсонлар ва жамият учун фойдали бўлган фаолият билан шуғулланишга ундейди ҳамда уни амалга оширишда кўмаклашади<sup>49</sup>.

Жиноятларни олдини олиш тўғри ташкил этилса, мамлакатимизда жиноятчиликнинг аҳволини тубдан ўзгартира олмаса ҳам, унга қарши амалий кураш муайян жиноятлар ривожланишидаги салбий омилларга амалда қаршилик кўрсатиш мумкин<sup>50</sup>.

<sup>46</sup>Долгова А.И. Криминология. –М.: Норма, 2006. –С. 284.

<sup>47</sup>Ўразалиев М.Қ. Оилада вояга етмаганларга қарши содир этиладиган жинсий жиноятларнинг олдини олиш: юрид. фан. номз. дисс-я. –Т., 2008. –Б. 90.

<sup>48</sup> Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги 2014 йил 14 майдаги қонуни // URL: <http://www.lex.uz>.

<sup>49</sup>Исмаилов И. Уюшган жиноий тузилмалар фаолиятининг олдини олишни назарий ва ташкилий-ҳуқуқий таъминлаш: Юрид. фан. док-ри. дисс... –Т., 2006. –Б. 199.

<sup>50</sup>Ахмедова Г.Ў. Уюшган гурухлар кичик тадбиркорлик соҳасида содир этиладиган жиноятларнинг олдтини олиш: юрид. фан. номз. дисс-я. –Т., 2006. –Б. 101.

Профилактика хизмати томонидан ҳудуддаги ҳар бир жиноятнинг сабаб ва шароитларини ўз вақтида аниқлаш, уларни бартараф этиш, кучсизлантириш, таъсирини йуқотиш ҳамда уларга тўсиқлар қўйиш бўйича манфаатдор профилактика субъектлари ва ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликда аниқ чора-тадбирларни амалга ошириш лозим.<sup>51</sup>

**Профилактика (катта) инспекторлари тазийиқ ва зўравонликнинг умумий профилактикаси бўйича қуйидагиларни амалга ошириши лозим:**

1) Маъмурий ҳудуддаги ҳар бир оила ҳақида барча маълумотларга эга бўлиш; аҳоли ҳаётининг ижтимоий-иктисодий шароитларини ўрганиш; носоғлом турмуш тарзи кечирувчи шахслар яшайдиган оилаларни аниқлаб улар билан ишларни ташкил этиш; оила турмуш доирасида содир этилган ҳуқуқбузарликлар ва уларга имкон берадиган сабаб ва шароитларни аниқлаш ва уларни бартараф этишга қаратилган ишларни ташкил этиш;

2) Профилактик сухбатларни самарали ташкил этишга эътибор қаратиш яъни, оилада оила аъзолари яъни, эр-хотин, ака-ука, опа-сингил, қайнона-келин, қариндош-уруғлар ўртасида ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил шахсларни аниқлаб уларга ҳуқуқий ва психологик таъсир кўрсатиш; фарзандининг тарбиясига салбий таъсир кўрсатаётган, уларга шафқатсиз муносабатда бўлаётган ота-оналарни аниқлаш уларга нисбатан таъсирчан чораларни қўллаш; фуқароларга оиладаги низоларнинг шахс ҳаёти ва тақдирига салбий таъсири ва уларнинг оқибатларини тушунтириш;

3) Ҳуқуқий тарғибот ва тушунтирув ишларини олиб борища фуқароларга қонунларнинг мазмун-моҳиятини тушунтириш; қонунни бузишнинг оқибатларидан уларни хабардор қилиш; ҳуқуқий билим савияси юқори бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқий онги ва савиясини ошириш; фуқароларни қонунчиликка қатъий риоя этиш руҳида тарбиялаш;

4) Оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш бўйича яраштириш комиссиянинг фаолиятини самарали ташкил этиш; нотинч оилаларни яраштириш; оиладаги низолар туйайли бузилган муносабатларни тиклаш чораларини қўриш; оила-турмуш доирасида ҳуқуқбузарлик содир этаётган шахсларга чора қўриш; низоли оилалардаги муаммоларни ҳал этиш; фарзандининг тарбияси билан шуғулланмайдиган ота-оналарнинг ҳулқатворини муҳокама қилиш; тўй-марака ва бошқа тадбирларни ортиқча дабдабасиз ўтказиш бўйича тушунтириш ишларини олиб бориша оиладаги зўравонликнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади.

Умуман олганда, ҳалқ билан тизимли манзилли мулоқотни, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан яқин ҳамкорликни ўрнатиш, аҳолининг энг муҳим муаммоларини ҳал этишга ҳар томонлама кўмаклашиш<sup>52</sup> ҳар бир

<sup>51</sup> Мухторов Ж.С. Ички ишлар идоралари профилактика хизматлари фаолиятининг ташкилий ҳуқуқий асослари: Ўқув қўлланма / Масъул муҳаррир юрид. фан. доктори И.Исмаилов –Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2008. –Б. 32.

<sup>52</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ички ишлар органлари фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2017 йил 12 апрелдаги ПҚ-2883-сонли Қарори. /Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами,

профилактика инспекторининг асосий вазифаларидан бири бўлмоғи лозим.

Хуқуқбузарлик профилактикаси самарадорлигини ошириш бўйича профилактика инспекторлари фаолиятини қўйидаги йўналишларда ташкил этиш мақсадга мувофиқдир:

1) фуқароларнинг хуқуқий онги ва маданиятини юксалтиришга қаратилган мавзуларда хуқуқий тарғибот ва ташвиқот ўтказиш;

2) оила турмуш соҳасидаги хуқуқбузарликларнинг сабаблари ва уларга имкон берадиган шарт-шароитларни аниқлаш, таҳлил қилиш ва уларни бартараф этиш юзасидан чора-тадбирларни амалга ошириш;

3) профилактика инспекторларининг оила турмуш соҳасидаги хуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ва муассасалар билан ўзаро ҳамкорлигини ташкил этиш;

4) шахснинг ҳаёти ва соғлиғи учун юзага келган хатарларни бартараф этиш, зудлик билан чора кўришни талаб этувчи ҳаётий вазиятлар юзага келганида тегишли хизматлар томонидан амалга ошириладиган кечиктириб бўлмас психологик, ижтимоий, хуқуқий, ташкилий ва бошқа чора-тадбирларни амалга ошириш;

5) фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, уларнинг хузуридаги оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш бўйича яраштириш комиссиянинг, хотин-қизлар масалалари бўйича мутахассислар билан ҳамкорликда оилавий низоларнинг сабаб ва шароитларини аниқлаш ва уларни бартараф этиш бўйича манзилли ишларни ташкил этиш ҳамда аниқланган ҳолатлар бўйича зарурий чораларни кўриш;

6) оммавий ахборот воситаларида оиладаги зўравонликнинг ижтимоий салбий оқибатлари ва унинг билан боғлиқ ҳолда содир этилаётган жиноятлар ҳақида тарғибот-тушунтириш ишларини олиб бориш;

7) оиладаги зўравонлик ва унинг ижтимоий салбий оқибатларини акс эттирган мавзуларда видеофильм ва телекўрсатувларни намойиш этиб бориш амалиётини жорий этиш лозим.

Таббийки, сиртдан қараганда ҳамма оилаларда тинчлик, ҳамма нарса маромида ва бинойидек бўлиб туюлади, аммо шундай оилалар мавжудки уларда мунтазам низоли ҳолатлар бўлиб туради.

Тадқиқ этилаётган хуқуқбузарлик профилактикасида оммавий ахборот воситалари имкониятларидан ҳам самарали фойдаланиш орқали жамият ҳаётида муракқаб бўлган оила ҳаёти ва ундаги мавжуд муаммоларни ижобий ҳал қилишгахизмат қилиши мумкин. Мисол учун, тўй маросимларини ўтказишида ортиқча дабдабозликка йўл қўймаслик, фарзанд тарбиясига маъсулият билан қараш, ота-онага ҳурмат билан муносабатда бўлиш юзасидан аҳолига тушунтиришлар бериш ушбу турдаги хуқуқбузарликлар профилактикасида муҳим ўрин эгаллайди.

## **5.2. Ички ишлар органларининг тазийқ ва зўравонликнинг махсус профилактикасини ташкил этиш фаолияти**

Хукуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасаларнинг тазийқ ва зўравонликнинг профилактикасига, бу турдаги хукуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон берадиган шарт-шароитларни бартараф этишга, оила турмуш доирасида хукуқбузарлик содир этувчи шахсларни аниқлаш ва уларга профилактик таъсир кўрсатишга қаратилган махсус тадбирларни ишлаб чиқиши ҳамда амалга оширишга доир фаолияти хукуқбузарликларнинг махсус профилактикасидир.

**Тазийқ ва зўравонликнинг махсус профилактикасини амалга ошириш учун қуйидагилар асос бўлади:**

оила турмуш доирасида хукуқбузарликлар ёки ушбу турдаги хукуқбузарликни содир этувчи шахслар тоифаларининг кўпайиши;


жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига, шахснинг ҳаёти, соғлиғи, шаъни ва қадр-қиммати ва бошқа қонуний манфаатларига тажовуз қилувчи хатарлар ва таҳдидларнинг юзага келиши.

Тазийқ ва зўравонликнинг профилактикаси икки йўналишда биринчиси, хукуқбузарлик содир этган ёки содир этишга мойил, ғайриижтимоий хулқ-атворли, носоғлом турмуш-тарзи кечиравчи шахслар тоифасини камайтиришга йўналтирилган профилактика; иккинчиси, оиласидаги зўравонликлардан жабрланган ва жабрланиш эҳтимоли юқори бўлган шахслар тоифасини камайтириб, хукуқбузарликлар профилактикасига қаратилган профилактик ишлар ташкил этилади.

Хукуқбузарликларнинг махсус профилактикасини ишлаб чиқиши ва амалга оширишда хукуқбузарликлар профилактикаси субъектлари фаолиятини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш, ушбу фаолият устидан доимий назорат, таҳлил иши ҳамда режалаштиришнинг ўз вақтида амалга оширилиши мухим аҳамиятга эга<sup>53</sup>.

Жиноятларнинг сабаблари ва содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш ва заарсизлантиришга қаратилган сиёсий, ижтимоий-иктисодий, ҳукуқий, маънавий-марифий ва бошқа профилактик чора-тадбирларни амалга ошириш лозим<sup>54</sup>.

Бугунги кунда ҳукуқни қўллаш амалиётида, профилактиканинг ана шундай туридан кедиб чиқиб, оила турмуш соҳасида хукуқбузарликлар содир этувчи шахслар кўпайганда маъмурий худудларда «Турмуш», «Ғамхўрлик» каби махсус профилактик тадбирлар амалга оширилмоқда.



<sup>53</sup> Хўжсақулов С.Б. Ички ишлар органларининг хукуқбузарликлар профилактикаси фаолияти // Ўқув кўлланма. – Т., 2017. – Б. 45.

<sup>54</sup> Мухторов Ж.С. Ички ишлар идоралари профилактика хизматлари томонидан жиноятларнинг олдини олишни таъминлаш: афтореф. дисс. юрид. фан. ном. – Т., 2009. – Б. 16.

Таъкидлаш керакки, хуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси доирасида маъмурий ҳудудда яшовчи спиртли ичимликка ружу қўйган шахсларн ўз вақтида аниқлаб, уларни мажбурий даволашга юбориш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, спиртли ичимлик таъсирида келиб чиқадиган хуқуқбузарликлар профилактикасининг энг самарали профилактикаси ҳисобланади.

Тиббий йўсингдаги мажбурлов чоралари ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсга нисбатан қўлланилгандан сўнг, суд даволаш билан бирга янги ижтимоий хавфли қилмиш содир этилишининг олдини олишни ҳам кўзлаб кўяди<sup>55</sup>. Профилактиканинг ушбу тури оила турмуш муносабатлари доирасидаги хуқуқбузарликларнинг барвақт профилактикасини амалга оширишда муҳим аҳамият касб этади. Барвақт профилактикани ташкил этиш криминоген оиласалар ҳақидаги ахборотларни ўз вақтида олининишини ва керакли профилактик чора-тадбирлар ишлаб чиқишни талаб қиласди<sup>56</sup>.

**Тадқиқ этилаётган хуқуқбузарликнинг махсус профилактикаси бўйича қўйидаги йўналишларда профилактика инспекторлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш лозим:**

1) илгари судланган шахсларнинг оилавий аҳволи ҳамда турмуш тарзини ўз вақтида ўрганиш ва керакли профилактиканинг турини қўллаш;

2) оила турмуш доирасида мунтазам равишда алкоголь ёки гиёҳвандлик воситаларни истеъмол қилувчи шахсларни аниқлаш ва уларни ўрганиб мажбурий даволаш муассаларига юбориш;

3) оила турмуш доирасида мунтазам равишда хуқуқбузарликлар содир этувчи ва унга мойил бўлган шахсларни аниқлаш ва тегишли чоралар қўриш;

4) тарбияси оғир, хуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва хуқуқбузарликлар профилактикасини ташкил этиш.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, оила турмуш доирасида содир этилган хуқуқбузарликларнинг махсус профилактикасига нарколог ва психологларни жалб этиш зарур. Чунки, наркологлар ҳисобида турувчи шахсларнинг оиласида қўпинча низо ёки келишмовчиликлар бўлиб туради. Шу боисдан, оиладаги бундай вазиятлар юзасидан ушбу тоифадаги шахслар ҳақида оила аъзолари томонидан ички ишлар органларига ёрдам сўраб мурожаат этиши сабабли уларнинг кўпчилиги мажбурий даволаш муассасаларига юборилган.

Бу ишларни амалга оширишда соғлиқни сақлаш идоралари, жамоат ташкилотлари, маҳаллий давлат ҳокимияти идоралари ўзаро ҳамкорликдаги фаолияти ташкил этилса, кўзланган натижаларга эришиш мумкин<sup>57</sup>.

Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги «Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонунининг айrim

<sup>55</sup>Файзулаева Т.Х. Тиббий йўсингдаги мажбурлов чораларини тайинлаш муаммолари: юрид. фан. номз. дисс-я. –Т., 2009. –Б.42. (178)

<sup>56</sup>Зокирова А.Г. Рашқ мативи билан содир этиладиган жиноятларга қарши кураш муаммолари. – Т., 2004. –Б. 169.

<sup>57</sup> Муродов А. Ш.Оиладаги жиноий зўравонликни олдини олиш: Ўқув-амалий кўлланма / Масъул муҳаррир проф. И.Исмаилов. – Т. 2014. – Б. 57.

турдаги жиноятларнинг махсус профилактикаси бўйича амалга оширилиши лозим бўлган профилактик чоралар белгиланган бўлиб, унда оила турмуш муносабатлари доирасидаги ҳукуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон берадиган шарт-шароитлар профилактикаси кўрсатилмаган.

### **5.3. Ички ишлар органларининг тазиқ ва зўравонликнинг якка тартибдаги профилактик чора-тадбирлари**

Тазиқ ва зўравонликни олдини олишнинг якка тартибдаги чора-тадбирлари – ҳукуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасаларнинг ғайриижтимоий хулқ-атворга эга бўлган, оиласда зўравонлик содир этишга мойил бўлган ёки содир этган шахсларни аниқлаш ҳамда уларга профилактик таъсир кўрсатиш билан боғлиқ фаолиятдир.

Тазиқ ва зўравонликни олдини олишнинг якка тартибдаги чора-тадбирлари муайян шахснинг хислатлари, унинг ижтимоий муҳитига хос житҳатлар, ижтимоий-маиший шарт-шароити ва турмуш тарзи, ғайриижтимоий хулқ-атвори, ҳмаиший зўравонлик содир этишга мойиллиги, шунингдек у оила-турмуш доирасида содир этган ҳукуқбузарликларнинг ижтимоий хавфлилик даражасини ифодаловчи бошқа омиллар билан белгиланади.

Шахснинг ғайриижтимоий хулқ-атвори, унинг ҳукуқбузарлик содир этишга мойиллиги ёхуд у ҳукуқбузарлик содир этганлигидан далолат берувчи ишончли маълумотларнинг мавжудлиги майший зўравонликнинг олдини олишнинг якка тартибдаги чора-тадбирларини қўллаш учун асос бўлади.

Ички ишлар органлари томонидан тазиқ ва зўравонликни олдини олишнинг якка тартибдаги тартибдаги профилактикаси шахс ижтимоий муҳитининг ўзига хос хусусиятлари, турмуш тарзи, ғайриижтимоий хулқ-атвори, ҳукуқбузарлик содир этишга мойиллиги ҳамда содир этилган ҳукуқбузарликнинг ижтимоий хавфлилик даражасини тавсифловчи бошқа омиллар ҳисобга олинган ҳолда белгиланади.



Жиноятларни якка тартибда олдини олиш муайян жиноят сабабларини ва уни содир қилишга кўмаклашган шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф қилиш, жиноят содир этишга мойил шахсларни аниқлаш ва улар билан зарур тарбиявий профилактик чора-тадбирларни ўтказиш бўйича амалга ошириладиган махсус криминологик даражадаги жиноятларни олдини олишдан иборат фаолият деб қайд штиб, ушбу жараённи “огоҳлантириш”, “бартараф қилиш”, “тўхтатиш” (тўсқинлик

қилиш) каби босқичларда амалга оширилиши мумкин<sup>58</sup>.

Якка профилактика жиноятларни олдини олишнинг ижтимоий даражасига, миқёсига (ҳажмига), худудий миқёсига, таъсир қилиш обьектига, мазмунига қараб таснифлаб, жиноятчиликнинг миқёсига қараб ўз навбатида умумий, маҳсус ва индивидуал чораларга бўлинади<sup>59</sup>.

Ҳукуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси муҳим аҳамият касб этиб, одамнинг яшаши учун қулай шарт-шароитларни яратиш, шахснинг муайян жиноят содир этилишига олиб келиши мумкин бўлган хусусиятларни ўрганиш билан жиноятлар содир этилишининг олдини олишга қаратилади<sup>60</sup>. Тазийқ ва зўравонликни олдини олишнинг якка тартибдаги профилактикасида муайян шахс томонидан ғайриижтиой қилмиш ёки жиноят содир этилишини олдини олиш, уни заарсизлантиришга қаратилган фаолият ташкил этилади.

Шундай қилиб, муайян шахс томонидан жиноят содир этилишигига йўл қўймасликка қарши қаратилган огоҳлантириш фаолиятининг дастлабки босқичи профилактикадир.

Якка тартибдаги профилактика шахсада ижтимоий салбий қарашлар ва салбий хулқнинг шаклланишини бартараф қилишга, агар шундай хулқ шаклланиб қолган бўлса ундаги ижтимоий хусусиятларни ўзгартириш ва шу йўл билан жиноят содир этиши мумкинлигини олдини олиш, уни тўхтатишига қаратилган чоралар киради. Шундай қилиб, муайян шахсга қаратилган якка тартибда таъсир қилиш кенг маънода маълум бир фаолиятни ташкил этади. Ушбу фаолият маҳсус субъектлар томонидан амалга оширилади.

Бизнингча, ички ишлар органларининг тазийқ ва зўравонликнинг профилактикаси деганда - ушбу турдаги ҳукуқбузарликларни содир этган ёки содир этишга мойил бўлган шахсларни аниқлаш, уларни хулқ-авторини, ҳукуқбузарлик содир этишига олиб келган сабаб ва шароитларни ўрганиш орқали уларга таъсир этиш чораларини қўллашдан иборат бўлган фаолиятдеб таъриф бериш мумкин.

**Профилактика инспекторларининг тазийқ ва зўравонликнинг якка тартибдаги профилактикаси бўйича фаолиятининг мазмунига қўйидагиларни киритиш мумкин:**

а) ўзининг қарашлари, хулқ-автори билан жиноят содир этишга мойил бўлган шахсларни аниқлаш ва улар билан ишларни ташкил этиш;

б) шундай шахсларни аниқлаш ва уларга салбий таъсир қўрсатувчи манбааларни аниқлаш;

в) уларга зарарли таъсир этувчи манбааларни кучсизлантириш ва



<sup>58</sup>Зарипов З., Исмаилов И. Кирминология. Дарслик.–Т., 1996. –Б. 178-179.

<sup>59</sup>Усмоналиев М., Каракетов Й. Криминология. Дарслик. –Т., 2001. –Б., 259.

<sup>60</sup>Ўразалиев М.К. Оилада вояга етмаганларга нисбатан зўрлик ишлатиб содир содир этиладиган жинсий жиноятларни олдини олиш: диссертация. –Т., 2011. – Б. 92.

бартараф этиш;

г) ҳуқуқбузарлик содир этган ҳамда содир этишга мойил шахсларга тарбиявий-профилактик таъсир кўрсатиш.

Профилактика инспектори ўзига нисбатан якка тартибда профилактика иши олиб борилаётган шахсларнинг ижтимоий-демографик маълумотлари, маънавий-рухий ва биофизиологик хусусиятларини ўрганиши натижалари асосида якка тартибдаги индивидуал профилактик чора-тадбирларни ишлаб чиқиши лозим. Чунки, оила турмуш соҳасидаги ҳуқуқбузарликларни, шу жумладан, жиноятларни аниқлаш, ўрганиш, таҳлил ва муҳокама қилиш, ҳуқуқбузарлар билан жабрланувчини яраштириш бўйича тадбирларни амалга оширишни талаб этади<sup>61</sup>.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, тазиқ ва зўравонлик оқибатида келиб чиқсан оиласидаги низоларни ҳал қилиш учун фуқаролар профилактика инспекторларига асосан қуйидаги мазмундаги аризалар билан мурожаат этишмоқда:

1. Оилада қайнона-келин ўртасида содир этилган низоли вазиятлар;
2. Эри ёки оила аъзоларининг спиртли ичимликка ружу қўйганлиги;
3. Эрининг калтаклаши ёки шафқатсиз муносабатда бўлаётганлиги;
4. Қариндош уруғларнинг оиласига аралашуви (кўпинча ёш келинларга онасининг таъсири) оқибатида келиб чиқаётган низолар хусусида;
5. Мол-мулкни бўлиш ёки мерос талашиш масаласида;
6. Эрининг хиёнаткорлиги ёки хотинини хиёнатда айблаётганлиги;
7. Фарзандининг тарбиясига салбий таъсир кўрсатаётган ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларнинг салбий ҳулқ-атвори ҳақида.

Профилактика инспекторлари ушбу низоли характердаги ариза ва шикоятларни қонуний ҳал қилишлари билан бирга *биринчидан*, оиласий низоларни тинч йўл билан ҳал этишга, *иккинчидан*, оила турмуш доирасида содир этилиши мумкин бўлган қилмишларни олдини олишга, учунчидан, низолар оқибатида ҳуқуқбузар ва жабрланувчи шахсларнинг ўртасидаги муносатбатларнинг бузулишини олдини олишга эришиш мумкин.



Таъкидлаш керакки, **оила турмуш доирасидаги низоларни** кўриб чиқища профилактика инспекторларидан юксак касбий маҳорат ва психологик билимлар талаб этилади. Айниқса, бундай жиноятларнинг олдини олиш ва уларни фош этиш учун мутахассис маҳсус тайёргарликка эга бўлиши лозим<sup>62</sup>. Чунки, ҳар бир ҳолат замирида оила, инсон тақдири, қариндош-уруғчилик, эр-

<sup>61</sup>Исмаилов И. Уюшган жиноий гурухлар шаклланиши ва фаолиятининг олдини олишда ҳамкорликни ташкил этиш // Ўқув қўлланма. –Т., 2007. –Б. 48.

<sup>62</sup>Пулатов Ю.С., Асямов С.В. Психологический тренинг сотрудников органов внутренних дел. –Т.: 2002. –С. 18.

хотиннинг ўзаро муносабатлари ётади. Агар бундай вазиятларда оиладаги низоларни бартараф этиш, эр ёки хотинни муросага келтиришга юзаки ёндошилса оиланинг барбод бўлиши табиий ҳол. Шу боис, оилада содир этилган ҳуқуқбузарликларни синчковлик билан муҳокама қилиш, унинг сабабларини атрофлича ўрганиб чиқиш, уларни муросага келтириш борасида холисона қарор қабул қилиш масаласи профилактика инспекторларига катта маъсулият юклайди.

Якка тартибдаги профилактиканинг аҳамияти шундаки, оилада низоли вазиятларни келтириб чиқарувчи шахсларнинг ғайриижтимоий ҳулқ-атворини ижобий томонга ўзgartириш, уларга тарбиявий таъсир кўрсатиш орқали уларни ахлоқан тузатиш, назорат қилиш уларда ижтимоий ҳаётга мос ҳулқ-атвор ва турмуш-тарзини ижобий томонга шакллантиришдан иборат.

Профилактика инспекторлари томонидан тазиик ва зўравонликнинг олдини олишда самарали натижа берувчи профилактиканинг яна бир тури профилактика сухбатини ташкил этишдир.

Профилактика сухбати муайян шахснинг жамиятда қабул қилинган ҳулқ-атвор нормалари ва қоидаларига риоя этишга ишонтиришдан, ғайриижтимоий ҳулқ-атворнинг ижтимоий ва ҳуқуқий оқибатларини ҳамда ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун қонунда белгиланган жавобгарликни тушунтиришдан иборат.

**Профилактика сухбати давомида** шахсга хос хусусиятлар, унинг турмуш тарзи, у яшаб турган ижтимоий-маиший шароит, шунингдек унинг ғайриижтимоий ҳулқ-атворининг ёки у содир этган оиладаги зўравонликнинг сабаблари ва шарт-шароитлари аниқланади.

Агарда, илгари ўтказилган профилактика сухбати ижобий натижа бермаган ва шахс ғайриижтимоий ҳулқ-атворини тузатмаган ёки оиладаги зўравонлик содир этишга мойилликни кўрсатишка давом этган ҳолларда унга нисбатан расмий огоҳлантириш қўлланилади.

**Расмий огоҳлантириш** шахсга унинг ғайриижтимоий ҳулқ-атворини давом эттиришига йўл қўйиб бўлмаслиги тўғрисида ёзма равища маълум қилишдан, шунингдек майший зўравонлик содир этишга мойил шахсни ҳуқуқбузарликлар содир этганлик учун жавобгарликка тортилиши ҳақида огоҳлантиришдан иборат.

Тазиик ва зўравонликнинг содир этилиши ёки уни содир этиш билан кўрқитиши расмий огоҳлантириш берилиши учун асос ҳисобланади.

Профилактика инспектори томонидан тазиик ва зўравонликнинг олдини олишда ҳуқуқбузар шахсга нисбатан расмий огоҳлантириш берилади ҳамда ушбу шахсга имзо қўйдирилиб, унга ёзма равища маълум қилинади. Шахс берилган расмий огоҳлантиришни имзолашдан бош тортган тақдирда ушбу хужжатга бу ҳақда ёзиб қўйилади.



Тазиик ва зўравонлик содир этган шахсни расмий огоҳлантиришда унга аниқ муддат кўрсатилади. Расмий огоҳлантириш олган шахс унда кўрсатилган барча талабларни бажариши шарт, акс ҳолда мазкур шахсга нисбатан қонун ҳужжатларига мувофиқ маъмурий жазо чораси қўлланилади.

Профилактика инспекторлари тазиик ва зўравонликнинг якка тартибдаги профилактикасини амалга оширишда ушбу турдаги ҳуқуқбузарликларнинг келиб чиқиши сабаблари ва уларнинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни аниқлашда қуйидаги маълумотлардан фойдаланишлари самарали натижаларни бериши мумкин:

- фуқаролар йигинлари хузуридаги яраштириш комиссиялари маълумотлари;
- ички ишлар органлари томонидан ташкил этилган профилактик тадбирларда аниқланган маълумотлардан;
- соғлиқни сақлаш муассасаларидан келиб тушган маълумотлар;
- вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияларида аниқланган маълумотлар;
- маъмурий ҳуқуқбузарликка оид ишларни юритишида аниқланган маълумотлар;
- ички ишлар органларининг таянч пунктига хизматга келган ички ишлар органларининг соҳавий хизматлари маълумотларидан;
- қўшнилар, қариндош-уруглар ва жамоатчиликдан олинган маълумотлар.

Профилактика инспекторларининг оила турмуш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар якка профилактикасининг аҳамияти биринчидан, шахснинг рухиятига ижобий таъсир кўрсатиш орқали ундаги ғайриижтимоий ҳулқатвор ва тасаввурни ижобий томонга ўзгартиришга, иккинчидан, оиласда оила аъзолари ўртасидаги ижтимоий муносабатларни ўрганиш орқали бузилган муносабатларни тиклашга, учинчидан, оиласда эр-хотинлар ўртасида зўравонлик (бирга яшовчилар) мавжуд бўлса уни аниқлаш ва уларга психологик таъсир кўрсатиш, тўртинчидан, оиласда носоғлом мухитни шакллантирувчи ва уни озиқлантирувчи омилларни аниқлаш ва уларни бартараф этишга, бешинчидан, оиласдаги низо ёки жанжалларни ўз вақтида олдини олишга, олтинчидан, спиртли ичимлик ва гиёхвандлик воситалариниистеъмол қилишгаружу қўйган шахсларнимажбурий даволаш муассасаларига юборишга, еттичидан, оиласда оила аъзолари ўртасида узоқ давом этган адоват ёки қасд қилиш ҳолатларини аниқлаб, уларнинг ҳулқатворини психологик жиҳатдан ижобий томонга ўзгартиришга хизмат қиласди.

#### **5.4. Ички ишлар органларининг тазиик ва зўравонликнинг виктимологик профилактик чора-тадбирлари**

Тазиик ва зўравонликнинг виктимологик профилактикасида шахснинг маъмурий ёки жиноий қилмишлардан жабрланиши ёхуд ижтимоий-ҳуқуқий муносабатларни комплекс тарзда ўрганишга ҳамда ҳуқуқбузарликлардан

шахснинг жабрланиш эҳтимолини максимал даражада камайтиришга қаратилган фаолият тушунилади.

Тазийқ ва зўравонликка дучор бўладиган шахсларга оилада доимий равишда биргалиқда яшовчи оила аъзолари ва бошқа шахслар киради.

Оила аъзолари ўртасида вужудга келадиган оилавий-маиший муносабатлар доирасида жисмоний, руҳий, жинсий зўравонлик содир этиб, шахснинг қонуний манфаатларига зарар етказилган тақдирда, у майший зўравонликдан жабрланган деб топилади.

Таъкидлаш керакки, сўнгги пайтларда ички ишлар органлари томонидан содир этилаётган жиноятларнинг виктимологик таҳлилига таянган ҳолда жойларда қиктимологик профилактика чора-тадбирларини ташкил этишга алоҳида аҳамият қаратилмоқда.

Мазкур профилактик чора-тадбирларда виктимоген омилларни аниқлаш, бартараф этиш, заарсизлантириш ва уларнинг таъсирини камайтириш, виктимлик даражаси юқори бўлган шахсларни аниқлаш, улардаги виктимлик даражасини пасайтириш ва уларнинг жиноий тажовузлар курбони бўлиш хавфини камайтиришга қаратилган комплекс чора-тадбирларамалга оширилмоқда. Мазкур виктимологик профилактикада хуқуқбузарликлар содир этишга мойил шахс эмас, балки ундан жабрланиши мумкин бўлган тоифадаги шахсларга улардаги бундай мойилликни шакллантирувчи омилларни бартараф этишга қаратилади.

Таъкидлаш жоизки, виктимологияда умумижтимоий олдини олиш жамиятнинг барча бўғинлари (оила, таълим, тибиёт муассасалари, ўзини-ўзи бошқариш органлари)нинг фаол иштироки орқали амалга оширилса, маҳсус олдини олишда бевосита ички ишлар органлари, прокуратура, адлия, суд органлари томонидан амалга оширилади.



Виктимологик профилактика жабрланувчига йўналтирилган ҳолда умумий ва якка тартибда амалга оширилади<sup>63</sup>. Умуман олганда, оиласурмуш муносабатлари доирасида зўравонлик ишлатиб содир этиладиган жиноятлар ичida вояга етмаганлар ва аёлларнинг зўравонликдан жабрланиш эҳтимоли юқорилигини инобатга олиш лозим.

Хуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикаси чора-тадбирлари, биринчи навбатда, ахолига айниқса хуқуқбузарликлардан жабрланиш эҳтимоли юқори бўлган шахсларга улар иштирокида вужудга келадиган низоларни ҳал этиш, жисмоний ва руҳийхавфсизликни таъминлаш, қонунда назарда тутилган ўзини ўзи мудофаа қилиш усууллари ва воситаларини ўргатиш орали амалга

<sup>63</sup> Алауханов Е.О., Зарипов З.С. профилактика преступлений: учебник. – Алматы: «Нур-пресс», 2008. – С. 99.

оширалади<sup>64</sup>. Виктимологик профилактика нүқтаи назаридан виктим ҳолатларнинг юзага келишини ўрганиш ва уларни аҳолига ўргатиш ҳам муҳим аҳамиятга эгадир.

Виктимологик профилактика – виктомоген факторларнинг вужудга келишига йўл қўймаслик, уларни бартараф қилиш ёки нейтраллаштириш чораларини қўллаш, жиноятнинг потенциал қурбонларини аниқлаш ва уларни ҳимоя қилиш имкониятларини ошириш йўли билан айрим турдаги жиноятларнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади<sup>65</sup>.

Профилактика инспектори виктимологик профилактик чоратадбирларни амалга ошириш жараёнида оиласдаги зўравонликлардан жабрланиш эҳтимоли юқори бўлган шахсларни ўз вақтида аниқлаб, уларнинг хулқ-атвори, оиласдаги урни, жилавий муносабатлар жараёнида ўзини тутиши, ҳуқуқбузарлик содир этилишида жабрланувчининг роли ҳамда бошқа сабаб ва шароитларни аниқлаб, уларни бартараф этиш чоратадбирларини ишлаб чиқиши лозим.

Профилактика инспекторлари маъмурий ҳудудда аҳолининг ижтимоий заиф қатламлари билан манзилли профилактик тадбирлар ўз вақтида олиб бормаса, ушбу йўналишдаги ишлар ўз ҳолига ташлаб қўйилса оиласидаги зўравонлик билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши кўпайиши мумкин. Мисол учун, баъзи ҳудудларда оиласидаги низолар барвақт эмас, балки унинг салбий оқибати келиб чиққанидан кейингина маҳаллада муҳокама қилинади. Бунинг натижасида, оила-турмуш доирасида оғир ва ўта оғир жиноятлар, шу жумладан, қотиллик жинояти содир этилиши давом этмоқда, қасдан баданга тан жароҳати етказиш, безорилик жиноятларининг аксарият ҳудудларда ошиб кетишига йўл қўйилмоқда.

Ички ишлар органлари инсон ҳуқуқ, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг бузилиш сабаблари ва шарт-шароитларини аниқлаш ҳамда ўз вақтида бартараф этиш борасидаги фаолияти самарали ташкил этилишини таъминлаш<sup>66</sup> борасидаги ишларни тўғри ташкил этиши биринчидан, инсон ҳуқуқ ва эркинлигини таъминлаш, уларни бузилишини олдини олишга, иккинчидан, инсон ҳуқуқлари бузилиши натижасида келиб чиқиши мумкин бўлган низоларнинг олдини олишга, учинчидан оиласда зўрлик ишлатиб содир этиладиган ҳукуқбузарликлар профилактикасини самарали ташкил этишга хизмат қиласди.

## **Хуқуқбузарликнинг виктимологик профилактикаси**

<sup>64</sup>Исмаилов И. Хукуқбузарликлар профилактикасида инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг таъминланиши // Хукуқшунослик истиқболлари: Илмий мақолалар тўплами. Нашрга тайёрловчилар Ш.О.Мамадалиев, И.Ю.Фазилов, А.А.Аманов. –Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, –2015. –Б. 27.

<sup>65</sup> Юридик атамаларнинг изоҳли луфати: 1-жилд. –Т., 2007. –Б. 187.

<sup>66</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ички ишлар органлари фаолиятини янада такомиллаштиришга доираташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2017 йил 12 апрелдаги ПҚ-2883-сонли Қарори. /Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й. 15-сон, 247-модда.

**самарадорлигини ошириш учун қуийдаги профилактика тадбирларни амалга ошириш лозим:**

1) ижтимоий жиҳатдан хавфли ахволда бўлган нотинч оиласарни ўз вақтида аниқлаш, низо келиб чиқиш хавфи бўлган оиласар билан виктимологик профилактикани ташкил этиш;

2) хуқуқбузарлик ёки жиноятлардан жабрланишга майиллиги бўлган шахсларни аниқлаш ва уларнинг зўравонликлардан жабрланиш эҳтимолини камайтириш бўйича тегишли чораларкўриш;

3) маъмурий худудда ғайриижтимоий хулқ-атворли, хуқуқбузарликлар содир этишга майил бўлган, хуқуқбузарликлар содир этган шахсларни аниқлаш, уларнинг ҳисобини юритиш ва уларга тарбиявий таъсир кўрсатиш;

4) ижтимоий мавқеи, физиологик ҳолати, хулқ-атвори, ҳаёт тарзи билан боғлиқ ҳолда хуқуқбузарликдан жабрланувчига айланиши хавфи мавжуд бўлган шахсларни аниқлаш ва уларга нисбатан виктимологик профилактик чора-тадбирларни қўллаш;

5) хуқуқбузарликларни содир этилишида жабрланувчиларнинг тутган ўрнини ҳамда жабрланишнинг сабаблари ва уларга имкон бер ган шартшароитларни аниқлаш ва бартарафэтиш;

6) нотинч оиласарда яшаётган шахсларнинг зўравонликлардан жабрланиш эҳтимолини камайтириш мақсадида тушунтириш ишларини олиб бориш;

7) оиласадаги зўравонликлардан жабрланиш эҳтимоли юқори бўлган шахслар тоифаларини аниқлаш;

8) хуқуқбузарликлардан жабрланганлар нингиндинидуал ва ижтимоий-психологик хусусиятларидан келиб чиқсан ҳолда профилактика тадбирларни ишлаб чиқиш.

## **VI-БОБ.**

### **ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИНИНГ ТАЗИЙҚ ВА ЗЎРАВОНЛИКНИНГ ПРОФИЛАКТИКАСИДА ЖАМОАТ ТУЗИЛМАЛАРИ БИЛАН ҲАМКОРЛИКНИ ТАШКИЛ ЭТИШ**

#### **6.1. Ички ишлар органларининг тазиик ва зўравонликнинг профилактикасида жамоат тузилмалари билан ҳамкорлигининг аҳамияти.**

Маиший ва оила турмуш доирасидаги хуқуқбузарликларни олдини олиш, уларни келтириб чиқарувчи сабаб шароитлар ҳамда омилларни аниқлаш, келгусида содир этилишига йўл қўймаслик чораларини амалга ошириш, нотинч оиласардаги ижтимоий-рухий муҳитни соғломлаштириш борасида жамоат тузилмаларининг фаолияти муҳим аҳамият касб этади. Айниқса, низоли вазиятлар, шу жумладан оиласий-маиший зўрлик ишлатиш сабабларини, ўз жонига қасд қилиш кайфиятини қўзгатадиган омилларни

ўрганиш ҳамда уларни бартараф этиш чораларини кўриш<sup>67</sup> борасида ички ишлар органлари билан манзилли профилактика ишларини ташкил этиш натижасида оилалардаги ғайриижтимоий низоли ҳолатларнинг барвақт профилактикасини таъминлашга эришилмоқда.

Илмий тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, салбий ҳодисаларнинг барчаси, жумладан, жиноятчилик ҳам маънавий-маърифий қашшоқлик шароитида вужудга келади. Демак, ҳукуқбузарликларни барвақт профилактика қилиш, унга қарши курашиш, конун устуворлигини таъминлаш кенг кўламли ижтимоий-иктисодий ислоҳотлар амалга оширилаётган ҳозирги шароитда нафақат ҳукуқни муҳофаза қилувчи органларнинг, балки ҳар бир фуқаронинг, давлат ва жамоат ташкилотларининг энг муҳим вазифасидан бирига айланиши керак.

Мамлакатимизда фуқаролик жамияти институтларининг ролини ошириш, фуқаролар манфаатларини ҳимоя қилиш, муҳим ижтимоий-иктисодий аҳамиятга молик дастурларни амалда бажариш борасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг самарадорлигини оширишни таъминлайдиган зарур мёърий-ҳукуқий база ва ҳукуқий кафолатлар яратилган. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш институти мавжуд бўлган мамлакатда шахс манфаати, давлат манфаати, шу билан бирга маҳаллий манфаатлар эътироф этилади ва кафолатланади<sup>68</sup>.

Ўзбекистонда фуқаролик жамияти қуришнинг асосий вазифалардан



бири этиб, фуқаролик жамияти барпо этиш, юксак даражада уюшган, тартибли муносабатлар тизимига таянган ҳолда ўзини ўзи бошқариш механизmlари яратилган. Бу механизmlарни жамоат ташкилотлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлар ташкил этади. Шуниси эътиборлики, дунёning камдан-кам мамлакатида учрайдиган бундай ноёб ижтимоий тузилма ўзининг демократлиги ва изчил бошқарувга асосланганлиги билан ажralиб туради. Яъни, бу органлар жойларда бир қатор ижтимоий ҳимоя, иктисодий масалалар, маданий-маърифий соҳа, атроф-муҳит ҳимоясига оид давлат зиммасида бўлган қўплаб масалаларни ишонарли адо этиб келмоқда.

Бугунги кунда фуқаролар ўзини-ўзи бошқариш органларининг ижтимоий соҳадаги ваколатлари манзилли ижтимоий ҳимояни амалга ошириш, кўмакка муҳтоҷ оилаларга моддий ёрдам бериш, ногиронларни

<sup>67</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ижтимоий реабилитация қилиш ва мослаштириш, шунингдек, оилавий-маиший зўрлик ишлатишнинг олдини олиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3827-сонли Қарори.

<sup>68</sup>Маликова Г.Р. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш институтининг конституциявий (ҳукуқий) асосларини такомиллаштириш муаммолари: Юрид. фан. док. илм. дарож. дисс. –Т., 2008 –Б. 18.

ижтимоий ҳимоя қилиш ўзининг ижобий натижаларини бермоқда<sup>69</sup>. Ҳақиқатдан ҳам ушбу йўналишда олиб борилаётган ишлар ўзининг кенг кўламлилиги ва мазмун-моҳияти билан диққатга сазовордир. Айниқса, оиласурмуш муносабатлари доирасида содир этиладиган хукуқбузарликлар профилактикасида фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларининг ўрни бекиёсdir. Хусусан, улар ўзларига бириктирилган маъмурий ҳудудларда оиласада содир этиладиган хукуқбузарликлар профилактикаси бўйича нотинч оиласарни аниқлаш, мавжуд низоларни ҳал этиш, салбий хулқ-атворга эга бўлган шахслар билан тарбиявий профилактик ишларни амалга ошириш, хукуқбузарликларнинг сабаб шароитларини ўрганиб тегишли профилактик чораларни кўриш хукуқига эгадир.

Профилактика хизматлари ўзларига бириктирилган маъмурий ҳудудда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликда вояга етмаганлар назоратсизлигини олдини олиш, носоғлом оиласарни аниқлаш ва улар билан тарбиявий профилактик ишларни амалга ошириш, жиноятларнинг сабаб шароитларини аниқлаш ҳамда уларни бартараф этишга доир тадбирларни амалга оширилиши<sup>70</sup> муҳим аҳамият касб этишини таъкидлайди.

Хукуқбузарликлар ўз ўзидан содир этилмайди. Асосий масала хукуқбузарликнинг оқибати билан курашиш эмас балки барвақт олдини олиш, сабабларини ўз вақтида бартараф этишдан иборатдир<sup>71</sup>. Мазкур масала юзасидан Президент Шавкат Мирзиёев таъбири билан айтганда, ҳар бир маҳаллани жиноятчиликдан холи ҳудудга айлантириш, яъни “нима учун менинг маҳалламда жиноят содир этилиши керак” деган ғояни фуқаролар онгига сингдириш бугунги кундаги ислоҳотларнинг асосий моҳиятини ўзида ифода этади.



Уроқиёб Ҷ. Ҳукуқбузарликлар профилактикаси. Гинчлик, барқарорлик ва хавфсизлик учун. Ҳукуқ ва бурч. № 1 (145) / 2018. –Б. 14.

Профилактика (катта) инспекторлари ўзининг хизмат ҳудудида жамоат тузилмалари билан биргаликда низоли нотинч бўлган оиласидарни ҳамда оиласида мунтазам ҳуқуқбузарлик содир этувчи шахсларни ўз вақтида аниқлаб уларга нисбатан жамоатчилик билан биргаликда тегишли қонуний чоралар кўриши муҳим аҳамият касб этади. Тахлиллар шуни кўрсатмоқдаки, амалиётда кўпинча оила-турмуш доирасида ҳуқуқбузарликлар содир этилгандан сўнг бу ҳақида профилактика инспектори ёки жамоатчилик вакиллари хабар топади. Зоро, профилактика инспектори маъмурий ҳудудда яшовчи низоли нотинч оиласидар, оиласида мунтазам ҳуқуқбузарлик содир этувчи шахслар ҳақида зарур бўлган маълумотларга эга бўлиши керак.

## **6.2. Ичкى ишлар органларининг тазийқ ва зўравонликнинг профилактикасида жамоат тузилмалари билан ҳамкорликни ташкил этиш фаолияти**

Бугунги кунда профилактика инспекторлари таянч пунктлари негизида қўйидаги жамоат тузилмалари билан ҳуқуқбузарликлар профилактикасини таъминлаш бўйича ҳамкорлик қиласди:



**Профилактика инспекторининг жамоат тузилмалари билан тазийқ ва зўравонликнинг профилактикаси бўйича ўзаро ҳамкорлиги қўйидагиларда намоён бўлади:**

- а) ишларни биргаликда режалаштириш ва унинг натижасини таҳлил қилиш;
- б) ҳуқуқбузарлик ёки жиноят содир этишга мойил бўлган шахслар ҳақида ўзаро ахборот алмашиш;
- в) нотинч оиласидарни аниқлаш, у ердаги муҳитни яхшилаш, ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларни жамоатчилик билан муҳокама қилиш;
- г) ҳуқуқбузарликларнинг сабаб ва шароитларини аниқлаш, таҳлил қилиш, уларни бартараф этиш ҳамда уларнинг олдини олишга доир чоратадбирларни биргаликда амалга ошириш.

Маълумки, Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 22 апрелдаги “Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисид”ги қонуни

талаблари асосида фуқаролар йиғини хотин-қизларнинг хуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг жамият ҳаётида, оилада маънавий-ахлоқий муҳитни шакллантириш, ёш авлодни тарбиялашдаги ролини оширишга қаратилган чора-тадбирларни кўради.<sup>72</sup>

Шунингдек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари хуқуқбузарликлар профилактикасига доир давлат дастурлари, худудий ва бошқа дастурларни, хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ижроси юзасидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш, вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва хуқуқбузарликлар профилактикаси ҳамда уларнинг хуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича хуқуқни муҳофаза қилувчи органларига кўмаклашиш, яраштириш комиссияси ва бошқа комиссияларни тузиш, хуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ҳамда унда иштирок этувчи бошқа органлар ва муассасалар билан ўзаро ҳамкорлик қилиш қаби қатор вазифаларни амалга оширади<sup>73</sup>.

Бундан ташқари, профилактика инспектори фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ўзаро ҳамкорликда ноқобил оилаларни ўз вақтида аниқлаш, оилада оила аъзолари ўртасида бузилган муносабатларни тиклаш, хуқуқбузарлик содир этган шахслар хулқ-атворини жамоатчилик иштирокида муҳокама қилиш, фарзанд тарбияси билан шуғулланмайдиган ота-оналарни аниқлаш, улар билан тарбиявий аҳамиятга эга бўлган профилактик сұхбатлар олиб бориш, вояга етмаганлар назоратсиз қолишининг олдини олишга доир жамоатчилик ишларини ташкил этиш, ота-онасининг қарамогисиз қолган болаларни тегишли давлат муассасаларига жойлаштириш, оилавий жанжалкашларни аниқлаш ва улар билан профилактик ишларни ташкил этиш, илгари судланган шахсларни назорат қилиш, жиноятларнинг сабаб ва шароитларини аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш юзасидан зарур чора-тадбирларни амалга оширади.

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, бугунги кунда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларининг ҳалқимизга хос ноёб усули бўлган маҳалла ва жамоатчилик назорати имкониятларидан унумли фойдаланилмаяпти. Бизнинг ҳалқимизда ор-номус, андиша, ҳаё ва ибо деган тушунчалар ниҳоятда қучли. Бу эса, уйдаги можароларни ариза ёзид судга чопишига йўл бермайди. Оиладаги келишмовчиликлар нари борса маҳалла доирасида, кўпни кўрган кексалар ва фаоллар ёрдамида ҳеч кимга овоза қилмай, ортиқча расмиятчиликка йўл қўймасдан ҳал ижобий этиш ота-боболаримизнинг амал қилиб келган азалий



<sup>72</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги 2013 йил 22 апрелдаги қонуни // URL: <http://www.lex.uz>.

<sup>73</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги 2014 йил 14майдаги қонуни // URL: <http://www.lex.uz>.

одатларидан саналади. Ҳозиргача, дунёда бундай ижобий таъсирчан чораларга эга бўлган жамият мавжуд эмас.

Шу боисдан, ҳуқуқбузарликлар профилактикасида жамоатчилик имкониятларини ишга солиш уларнинг назоратини кучайтириш лозим. Жамоатчилик назоратини кучайтириш жамиятда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари бузилишининг олдини олишга ҳамда уларнинг ўз вақтида ва тўлиқ амалга ошишини таъминлашга хизмат қиласди.<sup>74</sup>

**Профилактика инспекторлари фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликда тазиик ва зўравонликнинг профилактикаси борасида қўйидаги чора-тадбирларни амалга ошириши лозим:**

1) оила турмуш доирасидаги ҳуқуқбузарликларнинг сабаб ва шароитлари келтириб чиқарувчи сабаб ва шароитларни аниқлаш ва бартараф этиш;

2) оилада, айниқса ёш оилаларда эр-хотин ва уларнинг ота-оналари ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлаш, эрта никоҳ ва ажрашишларнинг олдини олиш бўйича тушунтириш ва профилактик ишларни олиб бориш;

3) ҳудуддаги нотинч ва муаммоли оилаларни ўз вақтида аниқлаш, уларни рўйхатини юритиш ҳамда ушбу оилалардаги ижтимоий-маънавий мухитни соғломлаштириш, низоли ҳолатларнинг олдини олиш ва оилавий муносабатларни яхшилаш чораларини қўриш;

4) оила-турмуш доирасида содир этилган ҳуқуқбузарликларни ва низоли оилаларни яраттириш комиссиясида қўриб чиқиш ҳамда оиладаги келишмовчилик ва зиддиятларни бартараф этиш;

5) ҳудуддаги кам таъминланган оилаларни аниқлаш ва уларга моддий ва маънавий жиҳатдан ёрдам қўрсатиш;

6) фарзанд тарбиясига салбий таъсир қўрсатувчи ота-оналар ва уларнинг ўрнини босувчи шахсларни аниқлайди ва уларни профилактик ҳисобга олиш чораларини қўриш ва бошк.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 февралдаги “Хотин-қизларни қўллаб-куватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5325-сон Фармони билан фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси лавозими штат бирликлари Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси тузилмаси таркибига ўтказилди ва молиялаштириш тартиби сақланган ҳолда, **2018 йилнинг 1 апрелидан Хотин-қизлар билан ишлаш ва оилаларда маънавий-ахлоқий қадриятларни мустаҳкамлаш бўйича мутахассис лавозими жорий этилди.**

Хотин-қизлар билан ишлаш ва оилаларда маънавий-ахлоқий



<sup>74</sup>Фозилов У.Э. Фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг ҳуқуқий муаммолари: Юрид. фан. ном. дисс. автореф. –Т., 2009. –Б. 16.

қадриятларни мустаҳкамлаш бўйича мутахассислар томонидан миллий қадрият ва анъаналарни мустаҳкамлаш ва уларни тарғиб этиш, вояга етмаганларга, айниқса ёш оилаларга ўзбекона миллий қадриятларни ўргатиш борасидаги чора-тадбирларни амалга ошириш лозим. Негаки, таҳлил қилинганида оилавий ажримларнинг аксарияти ёш оилаларнинг ажрашиб кетишида ва оилалардаги низоларнинг келиб чиқишида катталарга нисбатан беписандлик, хурматсизлик каби омиллар сабаб бўлмоқда.

Ўзбекона хусусиятларимизни ҳуқуқий нормалар орқали кафолатлаш ва ўз навбатида, ҳуқуқий қадриятлар таркибида шакллантириш қонунларимизнинг қадрияни оширади, фуқароларимиз томонидан уларга нисбатан муносабатида ёндошишни тақозо этади.<sup>75</sup>

Миллий қадриятларни тиклаш, миллий манавиятни юксалтириш, айниқса шарқона одоб-ахлоқ анъаналарига асосланган эътиборни кучайтириш бугунги куннинг асосий талабларидан биридир<sup>76</sup>. Дарҳақиат, оилаларда миллий қадриятлар, шарқона одоб-ахлоқ, ҳуқуқий қадриятлар ҳамда ўзбекона маънавиятимиздан ёшларнинг бехабарлиги, катталарнинг ушбу ўгитларни ёшларга ўргатмасликлари натижасида оилаларда келиб чиқаётган низоларда айрим тоифадаги ёшларнинг катталарга нисбатан андиша, хурмат, ор-номус каби фазилатлари йўқлигини қўришимиз мумкин.

**Жамиятдаги шундай муаммоларни бартараф этиш юзасидан хотин-қизлар билан ишлаш ва оилаларда маънавий-ахлоқий қадриятларни мустаҳкамлаш бўйича мутахассисларга қуидаги вазифаларни амалга оширишлари талаб этилади:**

❖ замонавий оилани ривожлантириш, оиланинг ички муносабатлари, оиласида шахслараро муносабатларни тартибга солиш, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, оилавий ажрашишларнинг олдини олиш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгилаш;

❖ умуминсоний ва миллий оилавий қадриятлар, ота-она ва фарзандлари ўртасидаги муносабатларни таҳлил қилиш асосида замонавий намунали оиланинг мезонларини белгилаш;

❖ давлат органлари, хотин-қизлар қўмиталари ва бошқа жамоат ташкилотлари билан биргаликда нотинч ва муаммоли оилаларни аниқлаш, уларнинг манзилли рўйхатларини тузиш, маънавий-ахлоқий мухитни соғломлаштириш, низоли ҳолатларнинг олдини олиш, оилавий муносабатларни мустаҳкамлаш ва миллий менталитетга зид бўлган турли ёт хавф-хатарларга қарши туриш мақсадида улар билан тўғридан-тўғри алоқа ўрнатиш ва бошқалар<sup>77</sup>.

Профилактика инспекторлари хотин-қизлар билан ишлаш бўйича

<sup>75</sup> Якубов Ш.М. Ўзбекистон ҳуқуқий тизимида қадрият ва тамойилларнинг шаклланиши: Юрид. фан. ном. дисс. автореф. –Т., 2008. –Б. 16.

<sup>76</sup> Тўхтасинов Т. Оиласида ота-она ҳамда болаларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари. Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари. №3. (75) – 2017. –Б. 55.

<sup>77</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 февралдаги “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5325-сон Фармони.

мутахассислар билан ҳамкорликда оилалар, айниқса ёш оилаларда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, ибратли миллий-диний анъаналар ҳамда урф-одатларни сақлаб қолиш ва ривожлантириш, маънавий ва жисмоний жиҳатдан соғлом авлодни тарбиялаш, ҳалқимизнинг ўзига хос маданий-маърифий, миллий диний анъаналари, урф-одат ва расм-русларини ўрганиб чиқиш ва жамоатчилик орасида кенг тарғиб этиш каби вазифаларни амалга оширишлари бугунги кундаги долзарб вазифалардан биридир.

Эндилиқда, профилактика инспекторлари оила турмуш муносабатлари доирасидаги ҳуқуқбузарликлар профилактикасини самарали ташкил этишда хотин-қизлар билан ишлаш ва оилаларда маънавий-ахлоқий қадриятларни мустаҳкамлаш бўйича мутахассислар билан бир қатор вазифаларни амалга оширишлари талаб этилади. Хусусан, профилактика инспекторлари мутахассислар билан ҳамкорлик қилишда, энг аввало, уларнинг олдига аниқ вазифа ва топширқларни белгилаб бериши, уларнинг ишини назорат қилишда кўмаклашиши зарур. Бунинг учун, оила аъзолари оиланинг бошқа аъзосига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлганҳолатларни бартараф этиш юзасидан шарт-шароит яратиш; муайян низоларни ҳал қилиш; оиланинг ижобий имкониятларидан фойдаланиш; оила институтидаги қарама-қаршиликларга чек қўйиш лозим<sup>78</sup>.

Профилактика инспекторлари хотин-қизлар билан ишлаш ва оилаларда маънавий-ахлоқий қадриятларни мустаҳкамлаш бўйича мутахассислар билан ҳамкорлик қўйидаги кўринишларда намоён бўлади: *биринчидан*, оилаларда маънавий-ахлоқий қадриятларни мустаҳкамлаш бўйича профилактик ишларни амалга ошириш; *иккинчидан*, оиласда соғлом маънавий-руҳий мухитни шакллантириш ҳамда ёш авлодни тарбиялаш борасидаги ишларни ташкил этиш; *учинчидан*, хотин-қизлар орасида ўз жонига қасд қилиш ҳолатларининг олдини олишга қаратилган ишларни ташкил этиш ҳамда оиладаги ажralишларни олдини олиш борасида ўзига бириктирилган худудда тарбиявий-профилактик тушунтириш ишларини олиб бориш; *тўртинчидан*, миллий қадриятларимизга зид, ножўя ҳатти-харакатларга йўл кўяётган шахсларни, айниқса аёлларни аниқлаш ва уларга нисбатан тегишли чора-тадбирларни кўришда фуқаролар йиғинларига фаол кўмаклашиш; *бешинчидан*, хотин-қизлар манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни ижтимоий хаётда оиласда, маънавий-ахлоқий фазилатларни шакллантириш, ёш авлодни тарбиялаш ишидаги мавкеини оширишга қаратилган кенг қамровли ишларни амалга ошириш; *олтинчидан*, ёшларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш уларни «коммавий маданият»нинг салбий иллатлари таъсиридан ҳимоя қилиш ва бошқалар.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 19 июндаги “Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 380-сонли қарори талаблари асосида фуқаролар йиғини раиси — оилавий

<sup>78</sup>Базарова Д.Б. Оиласда содир этиладиган жиноятлар ва уларни олдини олиш муаммолари. / Ўкув қўлланма. –Т., 2012. –Б., 75.

қадриятларни мустаҳкамлаш комиссияси, фуқаролар йиғини раисининг оила, хотин-қизлар ва ижтимоий-маънавий масалалар бўйича ўринбосари — хотин-қизлар билан ишлаш бўйича комиссия, фуқаролар йиғини раисининг ободонлаштириш, томорқа ва тадбиркорлик масалалари бўйича ўринбосари — ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва жамоатчилик назорати бўйича ҳамда экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш бўйича комиссияларнинг фаолиятини ташкил қиласди ва мувофиқлаштиради.

Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш орга нлари хузурида ташкил этилган яраштириш комиссиялари бевосита оила турмуш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш, оилавий низоларни тинч йўл билан ҳал этиш ва уларни бартараф этиш борасида ижобий ишларни амалга ошироқда. Зоро, яраштириш комиссиясининг мақсади фуқароларнинг оилада ва маҳаллаларда тинч-осойишта, ҳамжиҳатликда яшашига кўмаклашиш, оилавий низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, ёш авлодни соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини миллий ва маънавий қадриятларимизга таянган ҳолда кенг тарғиб этиш орқали маънавий муҳит барқарорлигини таъминлашга кўмаклашишдан иборатдир<sup>79</sup>.

**Яраштириш комиссиясининг асосий мажбуриятларидан бири** – бу маҳалла ва оилалардаги маънавий муҳит барқарорлигининг бузилиши, фуқаролар қадр-қимматининг камситилиши, ҳуқуқ ва эркинликларининг поймол этилишига йўл қўймаслик ҳисобланади.

Таъкидлаш жоизки, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари хузуридаги яраштириш комиссиялари томонидан профилактика инспекторлари билан оиладаги низоларни бартараф этиш борасидаги ҳамкорликнинг самарали ташкил этилганлиги бугунги кунда ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Ушбу ҳамкорлик натижасида, ўтган йиллар мобайнида минглаб оилавий можаролар, ажралишлар, низоли ҳолатлар, жанжаллар кўриб чиқилиб, уларни муҳокама қилиш натижасида оилалардаги нотинчликларга барҳам берилган.

Оилаларда ана шундай муаммоли ҳолатларнинг мавжудлиги оилаларнинг барбод бўлишига, болаларнинг тирик етим қолишиларига, жамиятда ҳуқуқбузарликларнинг кўпайишига, оиладани нотинч вазият оқибатида шахснинг ҳаётига қарши қаратилган турли жиноятларнинг келиб чиқаётганлиги ачинарлли ҳолдир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев



<sup>79</sup>Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 7 октябрдаги “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида 274-сонли қарори.

таъкидлаганидек: «*Яна бир нохуши ҳолатни бугун афсус билан айтмоқчиман, оилаларда носоғлом муносабатлар, қайнона-келин, эр-хотин ўртасидаги жанжаллар, хотин-қизларимиз орасида ўз жонига қасд қилиши ҳолатлари борлиги шахсан мени қаттиқ изтиробга солмоқда*<sup>80</sup>». Зоро, оилалардаги ижтимоий-маънавий муҳитни барқарорлаштириш, ота-оналарда фарзандлар олдидаги, фарзандларда ота-оналар ва жамият олдидаги бурч ва масъулият туйғусини кучайтириш бугунги кундаги долзарб масалалардан бири ҳисобланади<sup>81</sup>.

Бугунги кунда фуқаролар оилавий можароларни ҳал қилиш учун судга эмас балки маҳаллага мурожаат этиши лозим. Чунки, маҳалла ўзининг таъсиран кучига эга бўлиб, миллий қадрият, урф-одат ва анъаналаримиз айнан маҳаллада эътироф этилади.

Айтиш лозимки, ноёб ва бетакрор бўлган маҳалла тизими ўзининг таъсири ва аҳамияти билан оилаларда соғлом муҳитни шакллантиришга, ёшларни оила қуришга, уларни тарбиялашга, оилада турли салбий иллатларнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бугунги кунда профилактика инспекторларининг жамоат тизилмалари билан самарали ҳамкорлигини ташкил этишга бир қатор омиллар салбий таъсири қўрсатмоқда. Улар қўйидагилар: *биринчидан*, ҳозирги вақтда жамоат тузулмаларининг таркибига аъзо бўлганларнинг барчаси ҳам ўзларининг мақсад, вазифа ва фаолият йўналишларини тўлиқ тушунмасликлари; *иккинчидан*, кўп ҳолларда, жамоат тузилмалари жамоатчилик орасида тарғибот-ташвиқот ва тушунтириш ишларини етарли даражада ташкил этилмаслиги; *учинчидан*, жиноятнинг олдини олишга жалб этилган ички ишлар идоралари хизматлари ўртасида ва уларнинг жамоат тузилмалари билан мунтазам тизимли ахборот алмашинувини таъминлаш; *тўртинчидан*, профилактик фаолиятнинг барча субъектларига маҳсус дастур асосида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, ҳудудда жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш, жиноятларни иссиқ изидан очища ҳамкорлик қилиш усуслари, шакллари ва уни амалга ошириш механизмларини ўргатиш бўйича семинар-тренингларни кўпроқ ташкил этиш.

**Юқорида санаб ўтилган муаммо ва камчиликларни ҳал этиш учун қўйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш тақозо этилади:**

1) оилавий жанжаллар оқибатида бузилган муносабатларни тиклаш борасида жамоатчилик аъзолари билан ҳамкорликни кучайтириш, низоли оилаларда мавжуд бўлган муаммоларнинг ечимини топиш, оилаларда миллий қадриятлар ва урф-одатлар таъсири кучайтириш борасида профилактик тушунтириш ишларини олиб бориши.

2) ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиш сабабларини аниқлаш, уларни

<sup>80</sup>Мирзиёев Ш.М. Ватанимиз тақдири ва келажаги йўлида янада ҳамжиҳат бўлиб, қатъият билан ҳаракат қиласлий. // Ҳалқ сўзи. –Т., 2017 йил. 16 июнь.

<sup>81</sup>Турсунова О.А. Оила фаровонлиги – миллат ва давлат фаровонлигининг асосидир // Хусусий айблов ва ярашув институтларини такомиллаштириш чоралари: Республика илмий-амалий конференция материаллари. –Т., 2015. –Б. 197.

тезкор бартараф этиш ва заарсизлантиришга қаратилган ижтимоий-иқтисодий, хуқуқий, маънавий-маърифий ва бошқа профилактик чоратадбирларни кучайтириш.

3) жиноятларнинг олдини олишда ички ишлар органлари билан бир вақтда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари манфаатдорлигини ва масъулиятини ошириш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш ҳамда улар ўртасидаги расмиятчиликка барҳам бериш.

4) профилактика инспекторлари хуқуқбузарликлар профилактиказида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликни самарали ташкил этишга қаратилган аниқ режасига эга бўлиши лозим.

5) профилактика хизматларининг жиноятчилик ва хуқуқбузарликлар профилактиказини таъминлашда жамоатчиликнинг иштироки ва ҳамкорлиги тўғрисида ягона норматив хуқуқий хужжатни ишлаб чиқиш.

6) хуқуқбузарликларнинг профилактикази, айниқса уларни барвақт профилактиказини таъминлаш борасида жамоатчилик фикрини ўрганиш ва таҳлил қилиш асосида хизмат фаолиятида фойдаланиш ва ҳ.к.

## **VII-БОБ. ОИЛАДАГИ ЗЎРАВОНЛИК ВА УНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШ САБАБЛАРИ**

### **7.1. Оилавий зўравонлик тушунчаси, унинг келиб чиқиши сабаблари.**

Оила – муқаддас даргоҳ. Биргина шу «муқаддас» сўзи оилага бўлган муносабатимизни тўла англатади. Зотан, миллатнинг эртанги кунига дастлаб оилада пойdevor қўйилади, унда ҳаётнинг давомийлигини таъминловчи авлод шаклланади. Юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг туб моҳиятида инсон ва унинг манфаатлари устувор экан, кўзланган мақсадга эришишда ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланган оиланинг ўрни - бекиёсdir.

Оилада зўравонлик тушунчаси ўзбек тилига хуқукий ислоҳот сифатида энди кириб келаётган янги атама ҳисобланади.



**Оиладаги зўравонлик бу** эрхотин ёки бошқа яқин муносабатдаги кишилардан бирининг иккинчисига нисбатан жисмоний, руҳий, жинсий ёки молиявий зўравонлик кўрсатишидир. Одатда бу турдаги зўравонлик остида бир томон оиладаги бошқа аъзоларининг ҳаёти устидан назоратни ушлаб туришга бўлган интилиши ётади. Оилавий зўравонлик қурбони кўпчилик ҳолларда аёл киши ёки ёш болалар бўлади, аммо

эркаклар ҳамда қариялар орасида ҳам жабрланувчилар йўқ эмас.

Бу муаммо ўз кўламига кўра глобал муаммо. У турмуш даражаси ва демократизация форматидан қатъи назар, дунёнинг барча мамлакатларида кузатилади. Аёллардан нафратланувчи эркакларни фақат қашшоқ ёки бадавлат, олий маълумотли ёки маълумоти йўқ, европалик ё осиёлик деб ажратиб бўлмайди. Бундайларнинг алоҳида бир миллати ё эътиқоди бўлмайди.

Оилавий зўравонликларнинг кенг тарқалган айрим кўринишлари қуидаги ҳолларда, хусусан, эрнинг хотинини уриши, руҳий камситиш, унинг насл-насабини, оилавий шароити ёки ота-онаси ёхуд қариндошлари қилган ишлари туфайли айблаб, ҳақоратлаши, эрнинг хотинини жинсий зўрлаши, жинсий камситиши, молиявий жиҳатдан чеклаш, аёлининг ўқишига ёки ишлашига қаршилик кўрсатишида намоён бўлади.

Тадқиқотимиз жараёнида оиладаги зўравонликнинг турлари бўйича олимларнинг фикрларини қуидаги групкаларга ажратиб таҳлил қилдик.



*Биринчи груп олимлари оиладаги зўравонлик асосан жисмоний куч ишлатиш орқали содир этилишини ва уларга хос хусусиятларни тадқиқ қилишга ҳаракат қилишган. Зўравонликни бошқа шахсга нисбатан қасддан жисмоний зўрлик ишлатиб, шахснинг соғлиғи ёки ҳаётига зарар етказишига қаратилган жисмоний дахлсизлигини бузишда намоён бўлади. Лекин, бундай ҳолатда жабрланувчига руҳий таъсир кўрсатишини ҳам инкор қилмайди. Жисмоний зўравонликни уриш, тепиш, соғлиққа зарар етказиш, қамаб қўйиш орқали таъсир кўрсатишидир.*

Бизнингча, жисмоний зўравонликда жабрланувчига жисмоний зарар етказиш орқали унга нисбатан турли даражада шикаст етказишини ҳам инобатга олиш лозим.

Зўравонлик шахснинг соғлиғи, ҳаёти ва бошқа конституциявий хуқуқ ва эркинликларига зарар етказиш ёки зарар етказиш билан кўрқитиб ижтимоий хавфли, ғайри қонуний таъсир кўрсатишидир. Жисмоний зарар етказиш билан таҳдид қилиш – бу жабрланувчи (ёки жабрланувчиларни) жисмоний зўравонлик ишлатиш билан қўрқитишидир. Оиладаги зўравонлик кўпинча жисмоний куч ишлатиш орқали ҳаёт ёки соғлиқ учун хавфли бўлган ҳолда содир этилади. Жисмоний зўравонликда куч ишлатиш, калтаклаш, баданга нисбатан турли даражада шикаст етказиш ҳолатлари намоён бўлади.

Оиладаги зўравонликнинг куч ишлатиш шакли жабрланувчига қасддан

оила аъзолари, яқин дўстлари ва бошқа шахслар томонидан уриш, калтаклаш, унинг озодлигини чеклаш, яшаш жойида соғлом турмуш тарзи ва овқатланишидан маҳрум қилиш ҳамда руҳий саломатлигининг бузулиши ва қадр-қимматига заарар етказилишида намоён бўлади.

Табиийки, жисмоний зўравонлик баъзи ҳолларда жабрланувчини кўркитиш ёки таҳдид қилиш билан биргаликда турли даражадаги тан жароҳати етказиш ҳаттоқи қасддан одам ўлдиришгача ҳам бориши мумкин. Мисол учун, шахснинг шаъни ва қадр-қимматини камситувчи сўзлар билан ҳақоратлаш натижасида келиб чиқсан низолар оқибатида оғир турдаги жиноятларнинг келиб чиқиши кузатилади.

Жисмоний зўрлик жабрланувчига турли даражада тан жароҳатлари етказиш, уриш, жисмоний куч ишлатиш, жабрланувчининг қариндошларини, яқинларини ўлдириш, номусига тегиши ва х.к. кўринишларда содир этилади.

Оилада зўравонлик деганда тўғридан-тўғри жисмоний ёки психик таъсир кўрсатиш ва бундай таъсир этиши орқали таҳдид қилишдир. Бизнингча, бундай зўравонликларнинг мотиви рашқ эканлиги ва у бирданига вужудга келиши билан хатарлидир. Кўпинча, тўсатдан пайдо бўлган кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида шахснинг баданига оғир шикаст етказиш ёки одам ўлдириш жиноятлари содир этилган. Тўсатдан вужудга келган қасднинг бир кўриниши сифатида аффект ҳолатидаги қасдни ўзига хос хусусиятларини ҳам кўрсатиш мумкин.

**Тадқиқотларимиз шуни кўрсатмоқдаки, руҳий зўравонлик асосан қуидаги кўринишларда бўлади:**

Умуман олганда, оилада зўравонликнинг содир этилишида кўпинча жисмоний ва руҳий зўравонлик биргаликда содир этилиб, шахсни камситиш, тазиик ўтказиш, ҳақорат ёки тухмат қилиш орқали унинг соғлиғига нисбатан жисмоний шикаст етказиш билан содир этилади. Башарти, азоб ва уқибатлар учун ўч олиш, жазолаш бирдан-бир мақсад бўлиб, оилавий-маиший муносабатларда жабрланувчи билан айбордor ўртасидаги муносабат салбий бўлган бўлса, айбордорда ўч олиш ниятининг пайдо бўлиши ёки жабрланувчининг ахлоққа зид хулқ-атвори айбордорда кучли руҳий бузулишни вужудга келтириши мумкин.

**Оиладаги руҳий зўравонлик (тазиик)ка юқорида берилган таърифлардан келиб чиқиб унинг қуидаги белгилари мавжуд дейиши мумкин:**



Тадқиқотларнинг кўрсатишича, майший зўравонлик жабрдийдаларини ҳам, оила аъзоларига нисбатан куч ишлатадиган шахсларни ҳам маълумоти ёки ижтимоий мақоми бўйича ажратиб бўлмайди. Майший зўравонлик ҳолати юқори иқтисодий мақомга эга бўлган оилаларда ҳам, кам таъминланган оилаларда ҳам бирдай намоён бўлади. Қолаверса, моддий таъминоти юқори бўлган оила аъзоларининг бу вазиятдан чиқиш учун ёрдам сўраши нисбатан мураккаброқ экани аниқланган ва улар йиллар давомида зўравонликка чидаб келади.

**Оилавий-майший зўравонлик** – оиланинг бир аъзосига нисбатан бошқа бир аъзоси ёки аъзоларининг мунтазам давом этиб келувчи, такрорланиб турувчи зўравонлигидир ва у асосан оила ичидаги рўй беради. **Жисмоний, руҳий, жинсий ва иқтисодий зўравонлик** каби кўринишларда намоён бўлиши мумкин.

**Майший зўравонлик нима?** Майший зўравонлик - бир инсон ўз умр йўлдошини тотал назорат остига олиб, ўзаро муносабатларда тўлиқ ҳукмронлик қилишга уриниши. Бу жисмоний ва ахлоқий устидан кулиш ҳолатларида ёки молиявий ҳолатини сунистеъмол қилишда намоён бўлиши мумкин. Жисмоний зўравонлик жисмоний жароҳатларга олиб келади ва баъзи ҳолатларда ҳаёт учун хавф туғдиради.

Аёлга қўл кўтарилади, калтакланади, жисмоний зўравонлик ишлатилади.

**Ахлоқий зўравонлик** - ўз "ўлжаси" устидан ҳукмронлик ўрнатишнинг самарали усули. Бу қўпинча ташқаридаги одамлар учун кўринмайди.

Аёл таҳқирланади, танқид қилинади, унга, фарзандларига, қариндошларига зиён етказиш билан таҳдид солинади, доим назоратда бўлади, барча тадбирларда кузатилади, баъзан шахсий буюмларигача йўқ қилинади.

**Молиявий ҳолатини сунистеъмол қилиш** - бу зўравонга ўз "ўлжаси" устидан назорат ўрнатиш учун молиявий воситалардан фойдаланиш имконини берувчи майший зўравонлик тури. Мустақил даромад топишни тақиқлаш (ишлашга рухсат бермаслик), амалга оширилган харидлар ҳақида тўлиқ ҳисобот бериш, болаларни таъминлаш учун алимент тўламаслик, озиқовқат маҳсулотлари ва кийим-кечаклар учун пул бермаслик.

Афсуски, Ўзбекистон ҳам бундан мустасно эмас. Бизнинг мамлакатимизда **майший ёки "уй зўравонлиги"**га қўпинча бир оила муаммоси сифатида қаралган. Одамлар бундай муаммоларни уйдан ташқарига олиб чиқмасликка харакат қилишади. Аксарият ҳолатларда зўравонлик қурбони шармандлик ва турли гап-сўзлардан қўрқиб, жим юришга мажбур бўлади. Бундай вазиятда қолган аёлларнинг индамаслигига бир неча сабаб бўлади. Кимлардир молиявий ёрдамсиз қолишдан қўрқса, бошқалари фарзандлари ва ўз ҳаёти учун хавфсирайди. Зўравонлик қурбони бўлган аёл ҳар томонлама қийин ҳолатда қолади. Айниқса, ҳатто энг яқин инсонлари ҳам бу муаммони ҳал қилишдан ўзини олиб қочганда. **Охироқибат бу доимий қўркув, депрессия, ўз жонига қасд қилиш кабилар билан тугайди.**

**Болалар хавф остида.** Болалар - миший зўравонлика алоҳида мавзу. Улар зўравонликнинг тўғридан-тўғри курбони бўлиши билан бирга, онага нисбатан қўлланаётган хатти-ҳаракатларнинг маълум қисмини ўзлаштириши хавфи ҳам бор. Бундай оиласда боланинг реалликни қабул қилиши бузилади, зеро у учун ҳақорат ва калтаклар аста-секин нормал ҳолатга айланиб боради. Катта бўлгач унинг ўзи ҳам ана шундай зўравонлик хатти-ҳаракатларини қўллаши мумкин ёки шунчаки бундай "юк"ни кўтара олмайди ва бу кўпинча ўз жонига қасд қилиш билан тугайди.



**Оиласий зўравонликлар асосан:** кундалик ҳаётда оила аъзолари (эр билан хотин, қайнона ёки қайнопа ва келин, ака-ука, опа-сингиллар) ўртасидаги келишмовчилик оқибатида вужудга келадиган низоли вазиятларни юқори фоизи деб оладиган бўлсак, ундан оиласда бир шахснинг иккинчи бир шахсга нисбатан жисмоний куч ишлатиши, шахсга зўрлик билан руҳий таъсири кўрсатиш, оиласда ўз хукмронлиги ва таъсирини ўтказишга қаратилган хатти-ҳаракатлар, жинсий зўравонлик қилиш, қийнаш орқали руҳий азоб бериш, кўрқитиш ва зулм қилиш ҳар бир худудларда ўз фоизига ва кўрсаткичига эга бўлади.

Оиласий зўравонликни ҳеч қандай шароитда оқлаб бўлмайди, чунки у инсоннинг асосий ҳуқуқларига дахл қиласди. Зўравонлик факат жисмоний куч ишлатиш билан эмас, руҳий, ахлоқий, иқтисодий ва миший босим кўринишларида намоён бўлиши мумкин. **Ҳақоратлаш, мажбурлаш, зўрлаш, иқтисодий чекловлар қўйиши, мунтазам руҳий қийноққа солиш қаби ҳолатлар ҳам зўравонлик сифатида баҳоланади.**

Хуроса ўрнида таъкидлаш жоизки, руҳий зўравонлик кўп ҳолларда кўрқитиш (тазиқ ўтказиш, қийнаш, жабр-зулм қилиш, кўрқитиш, ўзига қарам қилиш) шаклида содир этилади. Руҳий зўравонлик шахснинг «ихтиёрига зид» ҳаракатларни амалга ошириш ёки «тазиқ ўтказиш» мақсадларида содир этилиши мумкин. Оиласдаги зўравонликларнинг кўп қисми руҳий\* (психологик) зўравонликни ташкил этади.

**Ҳар бир оиласий зўравонликнинг ўзига яраша сабаблари бор.** Аммо уларга олиб келувчи омиллар қатор умумийликка эга. Судлар томонидан оиласий низолар билан боғлиқ ишларни кўришда, кўпинча эркакнинг аёлга, ота-онанинг фарзандга нисбатан зўравонлиги, зўравонликнинг бир шахсга нисбатан кўпчилик бўлиб содир этилиши, учинчи шахсларнинг аралашувчи,

\*Изоҳ: Оиласда содир этиладиган зўравонликлар оқибатида шахс руҳиятига (психик) таъсири кўрсатиш, кўрқитиб бўйсундириш, мажбурлаш, хўрлаш, жабр-зулм қилиш, зўравонлик қилиш, сирини фош этишини айтиб кўрқитиш, уйдан ҳайдаб юборишига ҳаракат қилиш, болаларни калтаклаб аламини улардан олиш, ожиз ахволда қолдириш ёхуд ўзига бўйсундириш шаклларида намоён бўлади.

жабрланган шахснинг муаммо билан ёлғиз қолиши ва хуқуқий, психологик, тиббий ёрдам бериш механизмининг заифлигига дуч келиб, натижада оилавий ажримларга олиб келади.

Бунга асосан менталитетга хос хусусиятлар, оилавий сир, зўравонлик оиладан ташқарига чиқмаслиги муаммога барҳам беришда қийинчилик туғдиради.

Қайнона, қайнота ва бошқа қариндошларнинг оиладаги келинга зулм қилиши, унинг сўзсиз бўйсунишини, ҳеч қандай имтиёзлар талаб қилмаслигини исташи ёки ота-онанинг фарзандга, келинларнинг бетоб қайнона ёки қайнотага босим ўтказиши каби ҳолатлар оилани барбод бўлишига олиб келади.

Халқ орасида кўп қўлланувчи «Урадими, демак, севади» деган тушунчага умуман ўрин бўлмаслиги керак. Психологларнинг фикрича, бир марта кўл кўтардими, бу ҳолат яна тақорланиш эҳтимоли юқори. Зўравонликка имкон бериш керак эмас. Калтак ва ҳақоратлардан азият чекаётган аёл «сабр қил!», деган сўзларни атрофдагилардан эшитади.

### **Оилавий зўравонлик билан боғлиқ занжир қандай узилиши мумкин?**

Хуқуқни билган инсон ўзининг қонун ҳимоясида эканини яхши ҳис этади ва ундан вақтида фойдалана олади. Зўравонликка тоқат қилманг. Йўқ денг ва чора кўринг. Зеро, инсон ҳаёти, шаъни, қадр-қиммати ҳар нарсадан устун. Акс ҳолда, аёлларимиз дуч келаётган азоб-уқубат, камситилиш, хўрлик, таҳқир занжирлари ҳеч қачон узилмайди.

**Оилавий зўравонлик сабаблари нимада?** Ҳар бир оилавий зўравонликнинг ўзига яраша сабаблари бор. Аммо уларга олиб келувчи омиллар қатор умумийликка эга. Ўзбекистон шароитида оилавий зўравонликни характерловчи қуидаги асосий хусусиятлар фарқланади: зўравоннинг жисмонан кучлилиги (кўпинча эркакнинг аёлга, ота-онанинг фарзандга нисбатан зўравонлиги), зўравонликнинг бир шахсга нисбатан кўпчилик бўлиб содир этилиши (учинчи шахсларнинг аралашуви), жабрланган шахснинг муаммо билан ёлғиз қолиши (хуқуқий саводсизлик, ижтимоий ёлғизлик) ва жабрланган шахсга хуқуқий, психологик, тиббий ёрдам бериш механизмининг заифлиги.

Оилавий зўравонликка барҳам бериш қийинлигининг сабабларини мушоҳада қилганда, менталитетга хос хусусиятларни эътибордан қочирмаслик лозим. Ўзбек оилаларида шахсий ҳаёт, оилавий сир – муқаддас ва халқимиз бу маънода анча консерватив ҳисобланади, яъни кўпчилик ҳолатларда оиладаги зўравонлик оиладан ташқарига чиқмайди.

Ўзбек оилалари одатда кўп аъзолик, яъни нафақат эр ва хотин, балки уларнинг қариндошлари ҳам муносабатлар занжирида муҳим роль ўйнайди. Қайнона, қайнота ва бошқа қариндошларнинг оиладаги келинга зулм қилиши, унинг сўзсиз бўйсунишини, ҳеч қандай имтиёзлар талаб қилмаслигини исташи ёки ота-онанинг фарзандга, келинларнинг бетоб қайнона ёки қайнотага босим ўтказиши каби ҳолатлар кузатилади. Афсуски, ана шу вазиятлар аксар ҳолларда жавбрланувчининг ўз жонига қасд

қилишига ёки охирги, критик нүқтага етиб боргунча зулмга бардош бериб, жиддий тан жароҳатлари, руҳий зарбалар олишига, соғлигини тикланмас даражада йўқотишига сабаб бўлади.

Ачинарлиси кўпинча жабрланувчининг ўзи мурожаат қилмайди ёки ишни жавобгарни жазолашгача олиб бормай, даъвосини қайтариб олади.

Жазоланмаган жиноятлар эса такрорланиши сир эмас. “Биринчидан, Ўзбекистонда эркак оила бошлиғи ва асосий бокувчиси, деган эскича қарашиб анча ривожланган. Иккинчидан, аксарият аёллар етарли маълумотга эга эмас ва ўз ҳақ-ҳуқуқларини билмайди. Яна бир олмил, бу – хотин-қизлар орасида ишсизлик даражасининг юқорилиги. Уларни турмуш ўртоқлари, яъни эр моддий таъминлайди. Шунинг учун эр ва қайнона тазиқига чидашга маҳкумдирлар.



Айтиш лозимки, аёллар томонидан эркакларга нисбатан зўравонлик ҳолатлари ҳам мавжуд. Улар кўпинча эркакларни жиноятга ундейдилар. Масалан, эркакларни ўзлари учун қимматбаҳо уйжой, машина, тилла буюмлар ҳарид қилишга мажбурашади...

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, дунёдаги ҳар учинчи аёлга ҳаёти давомида ўз умр ўйлдоши томонидан жисмоний тазийк ўтказилади. Турмуш қурган аёлларнинг 30 фоизи ҳамроҳи томонидан зўравонлик ҳолатларига дуч келганлари ҳақида маълум қиласи. Аёллар ўлимининг

38 фоизи уларнинг турмуш ўртоғи томонидан амалга оширилади ва зўравонликка дуч келган аёлларнинг 42 фоизигина муаммо ҳақида очиқ сўзлайди.

## **7.2. Зўравонликка қарши кураш ва ундан ҳимоя қилиш билан боғлиқ норматив ҳуқуқий хужжатлар.**

Жамиятдаги ҳар қандай иллатга қарши курашни оиладан бошласаккина уни илдизи билан қуритиш мумкин. Ҳуқуқбузарлик, жиноятчилик, коррупция каби иллатларга қарши кураш қанчалик кенг кўлам касб этмасин, натижа мақтанарли эмас. Аслида ҳар бир инсон оилада уларга қарши иммунитет билан тарбия топса – олам гулистон, ўз-ўзидан барҳам топиб кетади. Хўш, бунинг учун нима қилиш зарур? Ишни нимадан бошлаган маъқул?

Оиладаги зўравонлик оқибатида инсоннинг конституция билан кафолатланган ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатлари, хусусан ҳаёти, соғлиғи, эркинлиги, жинсий дахлсизлиги, шаъни, ор-номуси, қадр-қиммати

ҳамда қонун билан қўриқланадиган бошқа ҳуқук ҳамда қонуний манфаатларига таҳдид ва тажовуз қилувчи ҳуқуқбузарликлар содир этилади.

**Маиший зўравонликка қарши қандай курашиш мумкинми?** Бунга қарши ёлғиз қурашиб бўлмайди. Кўркиб яшовчи, руҳий жиҳатдан эзилган зўравонлик қурбони аниқ ва "шафқатсиз" қарорлар қабул қилиш ҳолатида бўлмайди. Бу ерда нафақат яқинларнинг, балки давлат томонидан ҳам кўллаб-кувватлаш керак бўлади. Зеро зўравонлик, энг аввало, шахсга қарши жиноят, шахсий эркинлик ҳуқуқларининг бузилишидир.



Бутун дунёда бу каби жиноятлар профилактикаси бўйича катта тажриба, маҳсус қонунчилик меъёрлари ва бундай кишиларни реабилитация қилишга доир стандартлар мавжуд. Ўзбекистонда ҳам бу нормалар ривожланмоқда.

Айнан, Конституциямизда фуқароларнинг бир қатор асосий ҳуқук ва мажбуриятлари, хусусан ҳеч кимнинг қийноққа солиниши, зўравонликка, шафқатсиз ёки инсон қадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги тазиикқа дучор этилиши мумкин эмаслиги, хотин-қизлар ва эркаклар тенг ҳуқуқлилиги, фуқаролар Конституция ва қонунларга риоя этишга, бошқа кишиларнинг ҳуқуқлари эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилишга мажбурилиги белгилаб берилди, бу талабларга ҳамма риоя қилиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг **2018 йил 2 июлдаги** “Ижтимоий реабилитация қилиш ва мослаштириш, шунингдек, оилавий-маиший зўрлик ишлатишнинг олдини олиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги **ПҚ-3827-сон қарорига** мувофиқ, Республика реабилитация ва шахслар адаптацияси марказида зўравонликдан азият чеккан кишиларга ёрдам кўрсатилади. Профилактика ишлари билан эса Бош прокуратура, ИИВ, Таълим вазирлиги ва Хотин-қизлар қўмитаси шуғулланади.

Бугунги кунда хотин-қизларга нисбатан зўравонлик қилиш, куч ишлатиш қонунларимизда ҳам тақиқлангани, аёлларимизнинг эркинлиги, ҳуқуқлари улар билан ҳимоялангани хусусида сўз юритди. Хусусан, юртимизда “Хотин-қизларни тазиик ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунининг кучга киргани ва **Ҳимоя ордери институти** жорий қилиниши оиласда тазиикқа учраган аёллар учун айни муддао бўлди. Мамлакатимизда бундай зўравонлик тушунчаси биринчи марта қонун доирасида белгиланади. Қонун ҳимоя механизmlари, тақиқловлар, чора-тадбирлар, процессуал кафолат кабиларни татбиқ қилишга йўналтирилади.

Қонунга мувофиқ хотин-қизларни тазиик ва зўравонликдан ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари, Ҳукумат ва давлат ташкилотларининг соҳадаги ваколатлари ва хотин-қизларга нисбатан

тазийқ ва зўравонлик ҳолатларининг олдини олиш, уларни аниқлаш ҳамда уларга чек қўйишнинг умумий чора-тадбирлари белгилаб берилди.

**Қонунга асосан хотин-қизларга нисбатан тазийқ ва зўравонликнинг ҳолатлари содир этилганда қўйидаги якка тартибдаги чора-тадбиралар кўрилади:**

- профилактика суҳбатини ўтказиш;
- ҳимоя ордерини бериш;
- тазийқ ва зўравонликдан жабрланувчиларга ёрдам кўрсатиш бўйича маҳсус марказларга жойлаштириш;
- зўравонлик хулқ-атворини ўзгартириш бўйича тузатиш дастурларидан ўтиш.

Мазкур Қонунга асосан ва хотин-қизларнинг ҳукуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатлари тазийқ ва зўравонликдан ишончли ҳимоя қилинишини таъминлаш борасидаги ишлар самарадорлигини ошириш мақсадида **Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 4 январдаги З-сон қарори** билан «Тазийқ ва зўравонликдан жабрланган хотин-қизларга ҳимоя ордерини бериш, ижросини таъминлаш ва мониторинг олиб бориш тўғрисида низом» тасдиқланди.

Низомга кўра **ҳимоя ордери 24 соат** ичида зўравонликка учраган фуқарога ички ишлар органларининг таянч пункти профилактика (катта) инспектори томонидан берилади. Жабр кўрган аёл ёки бу ҳақида хабардор бўлган учинчи шахс (қўшни, қариндош ва бошқалар) яшаш ҳудудидаги ҳукуқ-тартибот органларига ариза билан мурожаат қиласи.

Профилактика инспекторлари жабрдийданинг яшаш шароитини ўрганиб чиқиб, 24 соат муддатда ордер бериш масаласи ҳал қилинади. Ҳимоя ордери ўттиз кун муддатгача берилади ва ушбу ордер расмийлаштирилган пайтдан эътиборан кучга киради. 30 кунлик муддат учун бериладиган ҳужжат З нусхада бўлади, яъни аризачи, зўравонлик содир қилган шахс ва профилактика инспекторида сақланади. 30 кун муддатда жабр кўрган аёлга зўравонлик содир қилган шахс томонидан яна тан жароҳати етказса, фуқарога нисбатан жиноят иши очилади. Хавф-хатар ҳали бартараф қилинмагани **аниқланса, ҳимоя ордери муддати узайтирилиши мумкин**.

**Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда** зўравонликка нисбатан, яъни тухмат, ҳақорат қилиш, фуқарога маънавий ёки моддий зарар етказиши мумкин бўлган маълумотларни ошкор этиш, шахсий ҳаёт дахлсизлигини бузиш, вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсларни моддий таъминлашдан бўйин товлаш, ота-онани моддий таъминлашдан бўйин товлаш, енгил тан жароҳати етказиш ҳамда майда безорилик содир этганлик учун энг кам иш ҳақининг бир бараваридан олтмиш бараваригача миқдорда маъмурий жарималар солишга ва ўн беш сутка муддатга маъмурий қамоқقا олиш жазолари кўзда тутилган.

### **7.3. Ички ишлар органларининг майший турмуш соҳасида**

## **зўравонлик билан боғлиқ ҳолда содир этиладиган хуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича ҳамкорлиги**

Ички ишлар органлари томонидан майший турмуш соҳасида зўравонлик билан боғлиқ хуқуқбузарликлар профилактикасини, ҳар бир маҳалла, оила ва шахс кесимида уларни ўрганиш, турмуш шароитларини яхши билиш ҳамда уларнинг хуқуки, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳурмат қилиш, одоб-ахлоқ қоидаларига, Конституцияси ва қонунларга риоя этиш руҳида тарбиялаш, майший турмуш шароитидаги ижтимоий, маънавий, иқтисодий ҳамда тиббий муаммоларни жойида ҳал этиш, спорт соғломлаштириш тадбирларини ташкил этиш, уларда ғайриижтимоий хулқ-автор ва хуқуқбузарлик содир этишга, ёхуд унинг жабрланувчиси бўлиб қолишининг олдини олишга қаратилган профилактик тадбирларни кенг жамоатчилик вакиллари ва давлат ташкилот идораларининг масъулларини жалб этган ҳолда амалга оширишни тақоза этади.

Хукукий адабиётларда қайд этилганидек, профилактика хизматлари ўзларига бириктирилган маъмурий ҳудудда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликда вояга етмаганлар назоратсизлигини олдини олиш, носоғлом майший турмуш соҳасидаги турли зўравонлиқдан жабрланганларни аниқлаш ва уларга биринчи тиббий ва маънавий, хукукий ёрдам кўрсатишдан бошланади.

Шунингдек, майший турмуш соҳасида содир этилган хукуқбузарликларнинг сабаб ва шароитларини аниқлаш ҳамда уларни бартараф этишга доир тадбирларни амалга оширади<sup>82</sup>. Жамоат хавфсизлиги департаменти ва жойлардаги секторлар раҳбарлари ва уларнинг масъул ходимлари томонидан аҳоли билан мулоқоти йўлга қўйилмаганлиги, фуқаролар билан муомала маданияти пастлигича қолаётганлиги, аҳолининг энг муҳим муаммоларини ҳал этиш борасида маҳалла раислари ва Секторларга маълумотлар бериб келмаётган профилактика инспекторларини аниқлайди ва бу борада ўрнатилган тартибда чора-тадбирлар белгилайди.

Тадқиқотлар натижаларида қайд этилганидек, майший турмуш соҳасида зўравонлик оқибатида вужудга келадиган низоли вазиятлар, жумладан, зўрлиқдан жабр чеккан шахслар ўз жонига қасд қилиш кайфиятини кўзғатадиган омилларни ўрганиш ҳамда уларни бартараф этиш чораларини кўриш<sup>83</sup> борасида ички ишлар органлари билан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан

<sup>82</sup> Мухторов Ж.С. Ички ишлар идоралари профилактика хизматлари томонидан жиноятларнинг олдини олишни таъминлаш: – Т., 2009. – Б. 16.

<sup>83</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ижтимоий реабилитация қилиш ва мослаштириш, шунингдек, оилавий-маиший зўрлик ишлатишнинг олдини олиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3827-сонли Қарори.

тизимли ва манзилли ҳамкорликни таъминлаш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бўлиб қолмоқда.

Ички ишлар органларининг майший турмуш соҳасидаги зўравонлик ва у билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга оширишда жамоат тузилмалари билан ҳамкорлиги Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 32, 56, 58, 121-моддалари талабларидан келиб чиқсан ҳолда амалга оширилади. Конституциянинг қонунийлик ва ҳуқуқий тартиботни, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга жамоат ташкилотлари ва фуқаролар ёрдам кўрсатишлари мумкин (121-модда) деган қоидаси талаблари асосида қонунларда **ички ишлар органларининг жамоатчилик билан ҳамкорлигини тартибга соловчи нормалар шакллантирилган. Ушбу нормаларни шартли равиша қўйидаги уч гурухга ажратиш мумкин:**

- ички ишлар органлари фаолиятини тартибга соловчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда уларнинг ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда жамоат тузилмалари билан ҳамкорлигини тартибга соловчи;
- жамоат тузилмалари фаолиятини тартибга соловчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда уларнинг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида ички ишлар органлари билан ҳамкорлигини тартибга соловчи;
- ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида ички ишлар органлари билан жамоат тузилмалари ҳамкорлигини тартибга соловчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардаги нормалар.

**Биринчи гурухга кирувчи** Ўзбекистон Республикасининг “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги қонуниининг 11-моддасига асосан давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа ташкилотлар фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда, жамоат тартибини сақлаш, жамоат хавфсизлигини таъминлашда, жиноятлар ва Ўзбекистон Республикасининг маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар содир этилишини олдини олиш, уларни аниқлаш, уларга чек қўйиш, уларни фош этишда, жиноят ишларини тергов қилишда, жиноятчilarни қидиришда, бедарак йўқолганларнинг турган жойини аниқлашда, шунингдек, ҳуқуқбузарликлар профилактикасида ички ишлар органларига ўз ваколатлари доирасида қўмаклашиши шарт.

**Иккинчи гурухга кирувчи** Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги қонуниининг талаблари асосида: фуқаролар йиғини ички ишлар органлари таянч пунктлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича инспекторларининг ҳисботларини белгиланган тартибда эшитади (11-м.) ҳамда фуқаролар йиғини кенгashi хотин-қизларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя

қилишга, уларнинг жамият ҳаётидаги, ҳар бир оиланинг маънавий-ахлоқий мухитни шакллантиришдаги, ёш авлодни тарбиялашдаги ролини оширишга қаратилган чора-тадбирларни кўради, рўйхатдан ўтмаган диний ташкилотлар фаолият қўрсатишининг олдини олиш, фуқароларнинг диний эътиқод эркинлиги ҳуқуқига риоя этилишини таъминлаш, диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўймаслик юзасидан чора-тадбирларни кўради, виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши билан боғлиқ бошқа масалаларни кўриб чиқади, тегишли ҳудудда жамоат тартибини ва жамоат хавфсизлигини таъминлашда, шу жумладан фуқароларнинг келиши ва кетишини ҳисобга олишни ташкил этишда, вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ҳамда ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир ишларда ва уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга кўмаклашади (12-м.).

Ҳуқуқий адабиётларда таъкидланганидек, бугунги кунда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ижтимоий соҳадаги ваколатлари манзилли ижтимоий ҳимояни амалга ошириш, кўмакка муҳтоҷ майший турмуш шароитидан хабардор бўлиш ва моддий ёрдам бериш, ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш билан боғлиқ кўмаклар ўзининг ижобий натижаларини бермоқда<sup>84</sup>.

**Учинчи гурӯҳга кирувчи Ўзбекистон Республикасининг “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ти қонунининг 10-моддасида ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги ваколатларидан бири сифтида уларнинг ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи бошқа органлар ҳамда муассасалар билан ўзаро ҳамкорлик қилиши белгиланган.**

Шунингдек, ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар, хусусан, майший турмуш соҳасидаги зўравонлик ва унинг билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси соҳасида жамоат тузилмалари билан ҳамкорлиги Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 25 сентябрдаги “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ти қонуни талаблари асосида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 апрелдаги ПФ-5005-сон фармонида халқ билан аниқ мақсадни кўзлаб ўтказиладиган тизимли мулоқотни таъминлаш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан яқин ҳамкорликни ривожлантириш, аҳолининг энг муҳим муаммолари ҳал этилишига ҳар томонлама кўмаклашиш Ўзбекистон Республикаси ички ишлар

<sup>84</sup> Рўзиев З.Р. Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ваколатлари (конституциявий-ҳуқуқий таҳлил): – Т., 2016. – Б. 17.

органлари тизимини ислоҳ қилишнинг энг муҳим йўналишларидан бири сифатида белгиланди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартағи “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга қўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳукуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашишнинг яхлит тизимини шакллантиришнинг устувор йўналишларини илгари суриши билан бирга, ички ишлар органлари тизимидағи ислоҳотларнинг янги даврини бошлаб берди.



Хусусан, унда илгари сурилган ҳар бир маҳалла, **оила ва шахс кесимида** жиноятчиликнинг сабабларини аниқлаш ва уларни бартараф этиш орқали ҳукуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашишга оид муаммоларни бевосита жойларнинг ўзида ҳал этиш, худудларда жиноятчилик аҳволидан келиб чиқиб, ҳар бир туман, шаҳар ва маҳаллаларни тоифаларга ажратиш ҳамда ҳокимликлар, секторлар ва жамоатчилик билан ҳамкорликда «жиноят ўчоқлари»ни бартараф этиш учун барча зарур куч ва воситаларни жалб қилиш бугунги кундаги энг долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Дарҳақиқат, жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳукуқбузарликларнинг олдини олиш борасида умумий тартиб-қоидалар асосида ёндашишга нисбатан, ҳар бир худуднинг ўзига хослигидан келиб чиқиб, ишни ташкил қилишнинг афзаллигини даврнинг ўзи исботлаб турибди. Боиси, жаннатмакон юртимизнинг ҳар бир худуди: ахолисининг таркиби, машғулоти, худудий-географик жойлашуви, урф-одатлари, иқтисодиёти, ижтимоий қадриятлари, криминоген вазият, ҳукуқбузарликларнинг сифат ва миқдор кўрсаткичлари ҳамда динамикаси ҳамда бошқа хусусиятларига кўра бир-биридан фарқ қиласди.

Бу борада, шубҳасиз, Президент Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сўрилаётган ҳукуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича ҳар бир худуднинг ўз тажрибалари бўлиши тўғрисидаги раҳбарий ғоялари асос бўлиб хизмат қилмоқда. Жумладан, маъruzalаридан бирида бу борада, «Одамлар тинч яшashi учун бутун мамлакатимизда жиноятдан ҳоли муҳит яратишимиш шарт.

Ҳар бир жиноят ёки ҳукуқбузарликнинг барвақт олдини олиш ва унга

қарши курашиш бўйича ҳар қайси ҳудуд ўз тажрибасини яратиши керак»<sup>85</sup>, дея таъкидлаган эди.

Шу асосда, 2021 йил 26 март куни Ички ишлар вазири раислигига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг ўринbosари иштирокидаги “Ички ишлар органлари фаолиятига янги тизим жорий этиш, ҳудудларда жиноятчиликни жиловлаш ва аҳоли билан манзилли ишлашга қаратилган “Хавфсиз ҳовли” тизимини йўлга қўйиш” мавзусидаги йиғилишда давлатимиз раҳбарининг маҳаллаларда жиноятчиликни жиловлаш, жамоат хавфсизлиги ва фуқаролар осойишталигини таъминлаш, жиноятчиликни олдини олишда “маҳаллабай” ва “фуқаробай” иш ташкил этиш билан бирга келгусида “хавфсиз ҳовли” тизимини яратиш борасида қатор вазифалар белгиланди.

Ушбу қарор талабларидан келиб чиқкан ҳолда ички ишлар органларининг майший турмуш соҳасидаги зўравонлик ва унинг билан боғлиқ бўлган ҳукуқбузарликларнинг барвақт профилактикасини самарали таъминлаш, шунингдек, мазкур қилмишлардан **жабрланганларни ижтимоий реабилитация қилиш ва мослаштириш тизимини такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари этиб қўйидагиларни белгилаш мумкин:**

❖ майший турмуш соҳасидаги зўравонлик ва ундан жабрланувчига айланишга мойил хулқ-атворни ҳамда маънавий-ахлоқий мухитга салбий таъсир кўрсатувчи бошқа ҳолатларни қўзгата оладиган майший турмуш низоларнинг, депрессив вазиятларнинг эрта олдини олиш, шунингдек, ушбу жараёнга кенг жамоатчилик иштирок этишини таъминлаш;

❖ майший турмуш соҳасидаги зўравонлик ва унинг билан боғлиқ бўлган ҳукуқбузарликлардан жабрланганларни ижтимоий реабилитация қилиш ва мослаштириш тизимини йўлга қўйишда, оиласда вужудга келадиган оиласий низоли вазиятларни ўз вақтида аниқлаш, уларни ҳал қилишда ҳукуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи давлат органлари ҳамда фуқаролик жамияти институтлари билан самарали ҳамкорлик механизмини шакллантириш;

❖ майший турмуш шароитидаги турли низоли вазиятлар вужудга келишининг сабаб ва шароитларини барвақт аниқлаш ҳамда олдини олишга, энг аввало, «зўравонликка» ва «зўравонликдан жабрланишга» мойил бўлган оиласий аъзолари билан мақсадли якка тартибдаги профилактик чораларни қўллашга, шунингдек, уларни ижтимоий реабилитация қилиш ва мослаштириш жараёнига фуқаролик жамияти институтларини тизимли ва манзилли жалб қилиш;

<sup>85</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // <https://uza.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliy-25-01-2020>.

❖ майший турмуш соҳасидаги низоли вазиятларни, зўравонлик ва унинг билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларни содир этилиши сабабларини ҳамда уларга имкон берадиган шарт-шароитларни, шунингдек, зўравонликка ва ундан жабарланишга мойилликни шакллантирувчи омилларни аниқлаш ҳамда ўрганиш, уларни бартараф этиш чораларини кўришда ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи давлат органлари ҳамда фуқаролик жамияти институтлари билан самарали ҳамкорликни таъминлаш;

❖ турмуш жараёнида зўравонликнинг ҳар қандай кўринишига нисбатан оиланинг бошқа аъзолари ва яқин қариндошлари томонидан муросасиз муносабат муҳитини қарор топтириш, шунингдек, ҳар қандай кўринишдаги ҳуқуқбузарлик учун жавобгарлик муқаррарлигини таъминлаш ва жабрланганларни қўллаб-қувватлашга қаратилган кенг жамоатчиликнинг иштирокини таъминлаш;

❖ майший турмуш соҳасида ҳуқуқбузарлик содир этувчи ҳар бир шахсларнинг оила аъзосида ҳуқуқий билим, онг ва маданиятни шакллантириш ҳамда юксалтириш, оила турмуш муносабатларини тартибга солишини такомиллаштириш ва ундан жабрланганларни ижтимоий реабилитация қилиш ҳамда мослаштириш жараёнларида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда фуқаролик жамияти институтлари билан мунтазам ҳамкорликни таъминди.

**Биринчи муаммо**, ҳокимликлар томонидан ҳудуддаги ижтимоий-иқтисодий, демографик ҳолатни, у ердаги аҳолининг ҳаёт тарзи, урф-одатлари, анъаналари ва удумларини ҳисобга олган ҳолда «майший турмуш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича дастур»ларни қабул қилиш, жамоатчилик тузилмаси аъзоларини билим, кўникма, малака ва тажрибасини ошириш бўйича машғулотлар ташкил этиш, маҳалла раиси, ва унинг таркибий тузилмаси ва ҳуқуқ-тартибот маскани ходимлари (профилактика инспектори)нинг майший турмуш соҳаси билан боғлиқ зўравонликнинг олдини олиш борасидаги масъулиятини кучайтириш лозимлигини таъкидлашади.

**Иккинчи муаммо**, бугунги кунда профилактика хизматлари томонидан майший турмуш ва унинг билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларни барваҳт профилактикасини таъминлашда маҳалла раислари ва унинг таркибий тузилмаси билан биргаликда халқимизга хос ноёб усул бўлган маҳалла ва жамоатчилик назорати имкониятларидан унумли фойдаланилмаяпти.

Бизнинг халқимизда ор-номус, андиша, ҳаё ва ибо деган тушунчалар ниҳоятда кучли. Бу эса уйдаги оддий оиласий низоларни, майший турмуш соҳасидаги ўзаро келишмовчиликларни маҳалла доирасида, кўпни кўрган кексалар ва фаоллар, имом-хатиблар, отинойилар ёрдамида, ҳар бир фуқаро сири ва қадриятини сақлаб, кўпчиликка овоза қилмай, ортиқча расмиятчиликка

йўл қўймасдан ижобий ҳал этишда ота-боболаримизнинг амал қилиб келган азалий урф-одатларидан фойдаланишда маҳалла, унинг фаоллари имкониятлари эътибордан четда қолмоқда.

Никоҳдан ажралиш ҳолати бўйича кўриб чиқилган масалалар 2016 йилда 16588 тадан 16085 таси, 2017 йилда эса 19131 тадан 16095 таси яраштириш комиссияларида ижобий ҳал қилиниб, оиласларнинг ажрашиб кетишидан сақлаб қолинган. Ушбу кўрсаткич 2018 йилга нисбатан 2573 тага кўпайганлиги 2020 йилда 80000 тага етганлиги ташвишли ҳолдир.

**Учинчи муаммо**, майший турмуш ва унинг билан боғлиқ хуқуқбузарликлар профилактикасини барвақт ташкил этиш, шу жумладан мазкур соҳадаги ҳамкорлик устидан жамоатчилик назоратининг етарли эмаслиги, ички ишлар органлари мансабдор шахсларининг аҳоли олдида ҳисбот бериб боришининг таъсирчан тизими, уларнинг фаолияти устидан жамоатчилик, парламент ва депутатлик назоратининг самарали механизмлари жорий этилмаганлиги, бу эса ходимларнинг зиммасига юклатилган вазифаларни, хусусан, профилактика хизматларининг майший турмуш ва унинг билан боғлиқ хуқуқбузарликларнинг барвақт профилактикасини самарали амалга оширишлари учун масъулиятини ошириш имконини бермаяпти<sup>86</sup>.

Муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев «Яна бир нохуши ҳолатни бугун афсус билан айтмоқчиман, оиласдаги носоғлом муносабатлар, қайнона-келин, эр-хотин ўртасидаги жсанжаллар, хотин-қизларимиз ва маҳалладаги фуқаролар орасида ўз жонига қасд қилиши ҳолатлари борлиги шахсан мени қаттиқ изтиробга солмоқда»<sup>87</sup> деб таъкидладилар. Шунингдек, зеро, ҳар бир оиласдаги ижтимоий-маънавий муҳитни барқарорлаштириш, ота-оналарда фарзандлар олдидағи, фарзандларнинг эса ота-оналар ва жамият олдидағи бурч ҳамда масъулият туйғусини кучайтириш бугунги кундаги долзарб масалалардан бири ҳисобланади<sup>88</sup>.

Жамоат ташкилотлари билан биргаликда майший турмуш соҳасидаги нотинч ва муаммоли масалаларни аниқлаш ва уларнинг манзилли рўйхатларини тузиш, маънавий-ахлоқий муҳитни соғломлаштириш, низоли ҳолатларнинг олдини олиш, майший турмуш муносабатларини мустаҳкамлаш ва миллий

<sup>86</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 апрелдаги ПФ-5005-сонли “Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар хуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони.

<sup>87</sup> Мирзиёев Ш.М. Ватанимиз тақдирни ва келажаги йўлида янада ҳамжиҳат бўлиб, қатъият билан ҳаракат қиласайлик. // Ҳалқ сўзи. – Т., 2017 йил. 16 июнь.

<sup>88</sup> Турсунова О.А. оиласий фаровонлиги – миллат ва давлат фаровонлигининг асосидир // Хусусий айблов ва ярушув институтларини такомиллаштириш чоралари: Республика илмий-амалий конференция материаллари. – Т., 2015. – Б. 197.

менталитетта ёт хавф-хатарларга қарши туриш мақсадида улар билан тўғридан-тўғри алоқа ўрнатиш уларнинг асосий вазифаларидан бири сифатида белгиланган.

**Тўртинчи муаммо**, ички ишлар органлари, хусусан, профилактика инспекторлари томонидан майший турмуш соҳасидаги зўравонликка оид мурожаатларни кўриб чиқишида, имом-хатиблар, отинойилар, маҳалла раислари ва хотин-қизлар билан ишлаш ҳамда уларнинг маънавий-ахлоқий қадриятларини мустаҳкамлаш бўйича мутахассислар имкониятларидан самарали фойдаланилмаётганлиги, уларни жалб этиш механизмларининг етарли ишлаб чиқилмаганлиги, шунингдек, бу соҳада очиқлик ва шаффофликнинг таъминланмаётганлиги. Жисмоний ва юридик шахсларнинг майший турмуш соҳасидаги мурожаатлари юзаки кўриб чиқилаётганлиги, уларда кўтарилаётган масалалар ҳар томонлама чукур таҳлил қилинмаётганлиги, мурожаатларга расмиятчилик учунгина жавоб берилаётганлиги фуқароларнинг норозилигини келтириб чиқармоқда, уларни Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналарига ва бошқа ташкилотларга шикоят билан мурожаат этишга мажбур қилмоқда<sup>89</sup>.

Мазкур маълумотлар таҳлили ҳам ички ишлар органлари, хусусан, профилактика инспекторларининг майший турмуш соҳасидаги зўравонлик билан боғлиқ хуқуқбузарликларга оид мурожаатлар билан ишлашда маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг масъул ходимлари билан самарали ҳамкорликнинг йўлга қўйилмаганлигидан далолат бериб турибди.

**Бешинчи муаммо**,<sup>90</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил

18 февралда ПФ-5938-сон “Жамиятда ижтимоий-маънавий мухитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиши чоратадбирлари тўғрисида”ги фармонининг асосий мақсади хотин-қизлар билан ишлаш мутахассис лавозимлари ташкил этилган бўлиб, улар томонидан, ўз навбатида, хуқуқбузарликлар оқибатида жабрланганларга биринчи ёрдам кўрсатиши билан боғлиқ вазифалар юклатилган. Бироқ, бу борада айрим ҳудудларда фаолият олиб бораётган хотин-қизлар бўйича мутахассислар томонидан ўз вазифаларини тўлақонли равишда бажармаётганликлари натижасида хотин-қизлар жабр чекиб келмоқдалар.

Жумладан, маънавий-ахлоқий қадриятларни мустаҳкамлаш бўйича масъул бўлган (янгидан 2019 йилда ИИОФМБ ва маҳаллада ташкил этилган),

<sup>89</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 апрелдаги ПФ-5005-сон фармони

<sup>90</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-5938-сонли фармони 18.02.2020 йил.

хотин-қизлар бўйича мутахассислар ҳар бир оиладаги аёллар билан ишлаш, уларнинг турмуш тарзини чукур ўрганиб, аниқланган муаммоларни ўз вақтида секторлар кесимида ҳал этиш лозим бўлса ҳам талаб даражасида эътибор қаратилмайди.

Гуёки, улар ўз фаолиятини содир этилган хукуқбузарликлардан сўнг воқеа жойига бориш ва шу асосдан келиб чиқсан ҳолда ишларни ташкил қилиш деб ўйлайдилар, бу эса ўз навбатида, жабрланувчига нисбатан оғир жиноий қилмишлар содир этилишига ва жабрланувчилар томонидан ўз жонига қасд қилиш билан боғлиқ ҳодисалар содир этилишига олиб келмоқда.

### **Юқоридаги амалиёт билан боғлиқ муаммоларни ижобий ҳал этиш мақсадида қўйидагиларни амалга ошириш лозим:**

а) ички ишлар органлари профилактика хизматларининг майший турмуш соҳасидаги зўравонлик ва унинг билан боғлиқ хукуқбузарликларни **барвақт аниқлашда**, авваламбор, маҳалла фаоллари, уй, кўча бошилари, хотин-қизлар билан ишлаш бўйича мутахассислар, соғлиқни сақлаш идораларининг ҳудудий бўлимлари ҳамда отинойилар ва имом-хатиблар билан ҳамкорликда амалга оширган ишлар мониторингини яратиш;

б) ички ишлар органларининг майший турмуш соҳасидаги зўравонлик ва унинг билан боғлиқ хукуқбузарликларнинг **барвақт олдини олишда** маҳалла, оила ва шахс кесимидағи муаммоларни аниқлаш ҳамда ҳар бир ҳолатни маҳаллалар ҳамда фуқаролар кесимида ҳал этилишини маҳаллий каналлар орқали ёритилиб борилишини таъминлаш;

в) ҳар бир маҳаллаларда 5 та ташабbus бўйича олиб борилаётган ишларни ҳисоботини юритиш, шунингдек, **аҳолини хукуқий маданиятини янада ошириш мақсадида** «давра сухбати», театр, китобхонлик, имом-хатиблар, отинойилар иштирокида учрашув ва бошқа илмий-амалий ҳамда спорт тадбирларини ўтказиши стендларини ишлаб чиқиб амалиётини жорий этиш;

г) миллий, маданий-маърифий, оиласиий, хукуқий қадриятларни, шарқона одоб-ахлоқ, халқимизнинг **бой маънавиятига асосланган ҳолда ташкил этишга** хизмат қиладиган ўқув-амалий қўлланма ва услубий тавсиялар, плакатлар ишлаб чиқиши ҳамда ўқув тўгараклар ташкил этиш;

д) хотин-қизлар билан ишлаш ва уларда **маънавий-ахлоқий қадриятларни мустаҳкамлаш бўйича** (психолог) мутахассис ваколатлари доирасига эътибор қаратиш ва маҳалла психолиги лавозимини жорий этиш;

е) маҳалла, кўча ва уй бошилари хизмат олиб бораётган маъмурий ҳудудда оиласиий ажримлар, майший турмуш соҳасидаги турли хукуқбузарликлар содир этилмаётганлигига эътибор қаратиш ва шу асосда уларни **маҳалла фонди орқали рағбатлантириб** бориш амалиётини жорий этиш.

Маҳаллада юз берадиган ўзгаришлар профилактика хизматларининг

жамоатчилик билан ўзаро ҳамкорлигини янги шакл ва усулларини излаб топишга мажбур этмоқда. Бирок, ўтмиш тажрибасини ҳам унутмаслик лозим, чунки тўпланган қўпгина тажрибалар ҳамон ўз қийматини йўқотмаган. Ана шу меросдан амалиётда моҳирлик билан фойдаланиш ҳамда устоз мураббий анъаналарига қулоқ солиш улар имкониятида самарали фойдаланиш лозим.

## **ХІІІ-БОБ. ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ**

### **8.1. Хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича ҳалқаро ҳуқуқ нормалари.**

Ҳозирги даврда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш янада долзарб аҳамият касб этмоқда. Айниқса, аёлларнинг ижтимоий-иктисодий ва сиёсий-ҳуқуқий фаоллигини ошириш давр талабига айланмоқда.

Дунёдаги барча давлатларнинг миллий қонунчилигига инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш, хусусан шахснинг ҳаёти, соғлиғи, шаъни ва қадрқимматини турли жиноий тажовузлардан ҳимоя қилишга алоҳида аҳамият бўлиб, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида “инсоният оиласининг ҳамма аъзоларига хос қадр қиммат ва уларнинг тенг, ажralмас ҳуқуқларини тан олиш эркинлик, адолат ва ялпи тинчлик асоси эканлиги” эътироф этилган. Ҳозирги кунда аксарият ҳолларда жамият турли соҳалари ишда, ўқишида, оилада аёл ва эркак ўртасидаги муносабатларда аёлга нисбатан тайзиқ зўравонлик ва куч ишлатиш ҳолатлари кузатилмоқда. Бу ҳолатда кўпинча оилавий можаролар қўринишида бўлиб аёл узоқ вақт давомидаги камситиш тайзиқ куч ишлатишни оддий турмуш тарзи деб ўйлаши долзарб муаммога айланиб бормоқда. Мазкур муаммо дунё миқиёсдаги аҳамиятга эгалиги шундаки, жабрланувчилар ўзларига етказилган заарни оддий ҳаёт деб тушуниши, оиласининг сири овоза бўлиб кетмаслиги ёки оила бузилиб кетмаслиги, ота-онаси ёхуд турмуш ўртоғининг обрўсини тўқмаслик учун ҳеч қаерга мурожаат қилмаслиги охир оқибат аянчли оқибатларга олиб келишидадир. Бугунги кунда жамият ижтимоий муносабатларда кенг фойдаланилаётган сўз “Зўравонлик нима ўзи?” Зўравонлик тушунчаси - хотинқизларга нисбатан жисмоний, руҳий, жинсий ёки иқтисодий таъсир ўтказиш ёки бундай таъсир ўтказиш чораларини кўллаш билан таҳдид қилиш орқали уларнинг ҳаёти, соғлиғи, жинсий дахлсизлиги, шаъни, қадр-қиммати ва қонун билан ҳимоя қилинадиган бошқа ҳуқуқлари ҳамда эркинликларига тажовуз қиладиган гайрихуқуқий ҳаракат (ҳаракатсизлик) тушунилади.



Табиатнинг нозик хилқати саналмиш аёллар ҳуқуқларига халқаро миқёсда эътибор Иккинчи жаҳон урушининг сўнгги йилларда бошланган бўлиб, 1948 йил 10 декабрда БМТ томонидан Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг қабул қилиниши ва унинг иккинчи моддасида Декларацияда баён қилинган ҳуқуқлар эркакларга ҳам аёлларга ҳам ҳеч қанақа чеклашларсиз

бирдек таалуқли эканлиги мустаҳкамлаб қўйилди. Шундан кейин БМТ томонидан 1967 йилда “Аёлларга нисбатан Дискриминацияни бартараф этиш декларацияси” ҳамда “Аёлларга нисбатан дискриминациянинг барча шаклларни бартараф этиш ҳақидаги конвенция”нинг қабул қилиниши ҳам аёллар ҳуқуқларига эътиборнинг кучайиб борганидан далолат беради. 1975 йил БМТ Бош Ассамблеяси томонидан Халқаро аёллар йили деб эълон қилиниши, 1976-1985 йиллар Аёллар ўн йиллиги деб эълон қилиниши бутун дунёда аёлар ҳуқуқларининг принципиал масала сифатида қўйилишига асос бўлган.

1985 йилда Аёллар аҳволи юзасидан Найроби (Кения)да ўтказилган халқаро Конференцияда “гендер тенглик” тушунчаси янгича мазмун бағищлаган. 1993 йилда Венада ўтказилган Инсон ҳуқуқлари бўйича Халқаро конференция кун тартибида Аёлларнинг инсон сифатидаги ҳуқуқлари умуминсоний ҳақхуқуқларнинг ажralmas қисми эканлиги ҳақидаги масала қўйилган, 1993 йилда Аёлларга нисбатан зўравонликка қарши кураш тўғрисида Декларация қабул қилинган. Халқаро миқёсида ва миллий қонунчилигимизда ҳам инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, унинг ҳаёти, соғлиғи, қадр-қиммати ва бошқа қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш масалалари устуворлик касб этади.

Хотин-қизларни камситишининг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисида Конвенция (CEDAW) — 1979 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган халқаро шартнома ҳисобланади. Мазкур конвенция аёллар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро қонун сифатида таърифланган бўлиб, 1981 йил 3 сентябрда тузилган ва 189 давлат томонидан ратификация қилинган. (Ўзбекистон 18.08.1995)

### **Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Низоми инсоннинг асосий ҳуқуқларига:**

инсон шахсиятининг қадр-қиммати ва қадриятига, эркак ва аёлларнинг teng ҳуқуқлигига ишончни қайта тасдиқлаганлигини ҳисобга олиб,

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси камситилишга йўл қўймаслик принципини тасдиқлаб, барча одамлар ўзининг қадр-қимматлари ва ҳуқуқларида эркин ва teng бўлиб туғилишини, унда эълон қилинганидек, ҳар бир инсон ҳеч қандай фарқларсиз, шу жумладан, жинсга нисбатан фарқларсиз барча ҳуқуқлар ва барча эркинликларга эга бўлиши кераклигини

эълон қилғанлигини ҳисобга олиб,

■ Инсон ҳуқуқлари түгрисидаги халқаро пактларнинг иштирокчи-давлатларига эркак ва аёллар учун барча иқтисодий, ижтимоий, маданий, фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлардан тенг фойдаланиш ҳуқуқини таъминлаш вазифалари юқлатилғанлигини ҳисобга олиб,

■ эркак ва аёлларнинг тенг ҳуқуқли бўлишига ёрдам бериш мақсадида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва ихтисослаштирилган муассасалар шафелигида тузилган халқаро конвенцияларни эътиборга олиб,

■ шунингдек, эркак ва аёлларнинг тенг ҳуқуқли бўлишига ёрдам бериш мақсадида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва ихтисослаштирилган муассасалар томонидан қабул қилинган резолюциялар, декларациялар ва тавсияномаларни ҳисобга олиб,

■ бироқ, мана шу турли ҳужжатларга қарамай, хотин-қизларга нисбатан жиддий камситилиш ҳоллари ҳали ҳам мавжудлигидан ташвишланиб,

■ хотин-қизларнинг камситилиши инсон қадр-қимматига бўлган тенг ҳуқуқлилик ва ҳурмат қилиш сабабларининг бузилишига, аёлларнинг эркаклар билан бир қаторда ўз мамлакатининг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаётида иштирок этишига тўсқинлик қилишини, жамият ва оила фаровонлигининг ўсишига ҳалақит беришини ҳамда хотин-қизларнинг ўз мамлакатлари ва инсониятнинг манфаатлари йўлида имкониятларини тўлиқ намоён қилишини янада қийинлаштиришини эслатиб,

■ қашшоқлик шароитларида хотин-қизларнинг озиқ-овқат, соғлиқни сақлаш, таълим, касб тайёргарлик ва ишга жойлашиш имкониятлари, шунингдек бошқа эҳтиёжлардан фойдаланиш имконияти жуда кам эканлигидан ташвишланиб,

■ тенглик ва адолатга асосланган янги халқаро иқтисодий тартибининг ўрнатилиши эркаклар ва аёллар ўртасидаги тенгликни таъминлашда анчагина ёрдам беришига қатъий ишониб,

■ ирқий айирмачилик, барча турдаги ирқчилик, ирқий камситиш, эски ва янги мустамлакачилик, агрессия, хорижий босиб олиниш ва ҳукмронлик ҳамда давлатларнинг ички ишларига аралashiшга барҳам бериш эркаклар ва хотин-қизлар ҳуқуқларини тўла амалга ошириш учун зарур эканлигини таъкидлаб,

■ халқаро тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш, халқаро кескинликни юмшатиш, уларнинг ижтимоий ва иқтисодий тизимларидан қатъи назар, барча давлатлар ўртасида ўзаро ҳамкорлик, қатъий ва самарали халқаро назорат остида оммавий ва батамом қуролсизланиш, айниқса, ядрорий қуролсизланиш, мамлакатлар ўртасидаги муносабатларда адолат, тенглик ва ўзаро манфаатдорлик тамойилларини қарор топтириш ҳамда чет эл ва мустамлака ҳукмронлиги ва бошқа давлатлар оккупацияси остида бўлган халқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ва мустақиллик ҳуқуқини амалга ошириш, шунингдек давлатларнинг миллий мустақиллиги ва ҳудудий яхлитлигини ҳурмат қилиш ижтимоий тараққиёт ва ривожланишга кўмаклашишини ҳамда бунинг оқибати ўлароқ эркаклар билан аёллар



ўртасида тўла тенгликка эришиш имконини беришини тасдиқлаб, мамлакатнинг тўлиқ ривожланиши, бутун дунёда фаровонлик ва тинчлик иши барча соҳаларда аёлларнинг эркаклар билан баравар мумкин қадар кўпроқ иштирок этишларини талаб қилишига қатъий ишониб, хотин-қизларнинг оила фаровонлиги ва жамият ривожига қўшаётган хозиргача тўла тан олинмаган ҳиссасининг

аҳамиятини, оналижни ижтимоий аҳамиятини ҳамда оилада ва бола тарбиясида ота-онанинг тутган ўрнини ҳисобга олган ҳолда аёлнинг насл давомчиси сифатидаги ўрни аёл хуқуқларининг камситилишига сабаб бўлмаслигини, чунки болаларнинг тарбияси эркак ва аёлларнинг ва умуман жамиятнинг биргаликдаги жавобгарлигини талаб қилишини англаб, эркак ва аёл ўртасида тўла тенгликка эришиш учун ҳам эркак, ҳам аёлнинг жамият ва оилада тутган анъанавий ўрнини ўзгартириш зарурлигини тан олиб, хотин-қизлар хуқуқларининг камситилишини бартараф этиш тўғисидаги Декларацияда эълон қилинган принципларни амалга ошириш ва шу мақсадда бундай хуқуқлар камситилишининг барча шакллари ва кўринишларини бартараф этиш учун зарур чораларни кўришга қатъий қарор қилиб, «хотин-қизларнинг камситилиши» тушунчаси, ҳар қандай фарқ жинсий белгиларига кўра истисно қилиш, чеклаш, тан олмаслик, йўққа чиқариш ёки бўшаштиришга йўналтирилган, аёллар фойдаланаётган ёки амалга ошираётган ҳар қандай сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий, фуқаровий ва бошқа соҳада оилавий шароитидан қатыи назар **эркак ва аёлларга тенглик** асосида инсон хуқуqlари ва асосий эркинликлар берилшини англатади ва иштирокчи давлатларга бир қанча мажбуриятлар юкланди.

- эркаклар билан аёллар ўртасидаги тенглик тамоийлини, агарда бу хозиргача қилинган бўлмаса, миллий Конституцияга ва бошқа тегишли қонунларга киритиш ҳамда қонун ва бошқа тегишли воситалар ёрдамида ушбу тамоийлни амалиётга жорий этишни таъминлаш;
- хотин-қизларнинг ҳар қандай камситилишини таъқиқловчи тегишли қонунчилик ва бошқа чораларни кўриш, зарур бўлганда санкцияларни кўллаш;
- эркаклар билан тенглик асосида аёлларнинг хуқуқлари юридик жиҳатдан ҳимояланиши ўрнатиш, ваколатли миллий судлар ва давлат муассасаларининг ёрдамида хотин-қизларнинг ҳар қандай камситилишига қарши уларнинг самарали ҳимоя қилинишини таъминлаш;
- хотин-қизларнинг камситадиган бирон-бир хатти-харакатларни амалга оширишдан тийилиш, давлат органлари ва муассасалари ушбу мажбуриятга мувофиқ фаолият кўрсатишларига кафолат бериш;
- бирон-бир шахс, ташкилот ёки корхона томонидан хотин-қизлар

камситилишини бартараф этиш учун барча тегишли чораларни кўриш;

- хотин-қизларни камситувчи мавжуд қонунлар, қарорлар, урфодатлар ва амалиётни ўзгартириш ёки бекор қилиш учун барча тегишли чораларни, шу жумладан қонунчилик чораларини кўриш;
- хотин-қизларни камситишдан иборат бўлган ўзиниг жиноятчиликка оид қонунларининг барча моддаларини бекор қилиш.

Иштирокчи-давлатлар хотин-қизларнинг эркаклар билан тенглик асосида ва ҳеч қандай камситишсиз халқаро миқиёсда ўз ҳукуматлари номидан вакиллик қилиш ва халқаро ташкилотлар ишида қатнашиш имкониятларини таъминлаш мақсадида барча тегишли чораларни кўрадилар.

Иштирокчи-давлатлар хотин-қизларга эркаклар билан бир хил фуқаролик ҳуқуқларини ва уларни амалга оширишнинг бир хил имкониятларини берадилар, жумладан, улар мулкни бошқариш ва шартномаларни тузиш вақтида хотин-қизларнинг тенг ҳуқуқларини, шунингдек, трибунал ва суд муҳокамасининг барча босқичларида уларга нисбатан тенг муносабатни таъминлайдилар.

## **8.2. Миллий қонунчилигимизда белгиланган хотин-қизларнинг ҳуқуқий кафолатлари.**

Аёллар ҳақида кўп улуғ сўзлар айтилган ва айтилади. Аммо ҳаётда опасингилларимиз шу улуғ сўзлардаги каби эъзоз кўрмоқдами? Конституциямизни синчилаб ўқисангиз, аёллар қадр-қиммати, ҳуқуқлари ҳимояси бўйича жуда инсоний меъёрлар белгиланган. Бугун турмушда улар рўёбга чиқмоқдами.

Мамлакатимиз аҳолисининг қарийб 50 фоизини хотин-қизлар ташкил этади. Аёлларнинг барча соҳалардаги самарали меҳнати, айниқса, фарзандлар тарбияси, оила ҳаётидаги улкан хизматларини ҳеч нарса билан ўлчаб, қиёслаб бўлмайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 46-моддасида хотин-қизлар ва эркаклар тенг ҳуқуқли эканликлари мустаҳкамлаб қўйилган. Ушбу концититуцион норманинг ижросини тамиллаш мақсадида давлатимиз Хотин-қизларни камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги, Хотин-қизларнинг сиёсий ҳуқуқлари тўғрисидаги, Бир хил қийматга эга бўлган меҳнат учун эркаклар ва хотин-қизларни тенг рағбатлантириш тўғрисидаги конвенцияларга қўшилган.

Ўтган йиларда юртимизда аёллар ҳуқуқлари ҳимоясини тубдан кучайтиришга доир 15 дан ортиқ меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинган ва ижрога қаратилган. Хусусан, – «Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида»ги ҳамда «Хотин-қизларни тазийқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунлар қабул қилинди.

Президентимиз қабул қилган бир қатор фармон ва қарорлар давлат ташкилотларига аёллар ҳуқуқлари билан боғлиқ вазифаларни белгилаб,

уларнинг масъулиятини оширди. «Хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-кувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарор ана шундай муҳим хужжатлардан бири.

Олий Мажлис Сенатида Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси ташкил этилди. Алоҳида Гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича комиссия ташкил этилиб, у хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш соҳасидаги ишларнинг ҳолати тўғрисида ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига ахборот тақдим этиши белгилаб қўйилди.

Эндиликда давлат органларида хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш масалалари бўйича ваколатли мансабдор шахс белгиланади. Ваколатли шахснинг мажбуриятларини бажариш давлат органи раҳбарининг ўринбосарларидан бири зиммасига юклатилади.

Қонун ижодкорлигига «норматив-ҳуқуқий хужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини гендер-ҳуқуқий экспертизаси», деган янги институт кириб келди.

**«Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида»ги** қонунда давлат хотин-қизлар ва эркакларга шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларни амалга ошириш чоғида тенг ҳуқуқлиликни, жамият ҳамда давлат ишларини бошқаришда, сайлов жараёнида тенг иштирок этишни кафолатлаши мустаҳкамлаб қўйилди.

Вазирлар Маҳкамасининг «2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорида Ўзбекистон Барқарор ривожланишнинг Бешинчи мақсади гендер тенгликни таъминлаш, барча хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш белгиланган. Унга кўра, 2030 йилга бориб барча хотин-қизларга нисбатан камситишларнинг ҳар қандай шаклига барҳам бериш, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳаётда қарорлар қабул қилишнинг барча даражаларида аёлларнинг тўлиқ ва самарали иштирокини, етакчилик қилиш учун тенг имкониятларни таъминлаш зарур.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясининг Шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар ҳақидаги VII бобининг 24-моддасида “Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир. Инсон ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноятдир”, 27-моддасида “Ҳар ким эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга. Ҳеч ким қонунга асосланмаган ҳолда ҳибсга олиниши ёки қамоқда сақланиши мумкин эмас”, 28-моддасида “Жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахснинг иши судда қонуний тартибда, ошкора кўриб чиқилиб, унинг айби аниқланмагунча у айбдор ҳисобланмайди. Судда айбланаётган шахсга ўзини ҳимоя қилиш учун барча шароитлар таъминлаб берилади. Ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, шафқатсиз ёки инсон қадр-қимматини камситувчи

**бошқа тарздаги тазийққа дучор этилиши мумкин эмас. Ҳеч кимда унинг розилигисиз тиббий ёки илмий тажрибалар ўтказилиши мумкин эмас”, 31-моддасида “Ҳар ким ўз шаъни ва обрўсига қилинган тажовузлардан, шахсий ҳаётига аралашибдан ҳимояланиш ва турар жойи дахлсизлиги хукуқига эга. Ҳеч ким қонун назарда тутган ҳоллардан ва тартибдан ташқари бироннинг турар жойига кириши, тинтув ўтказиши ёки уни кўздан кечириши, ёзишмалар ва телефонда сўзлашувлар сирини ошкор қилиши мумкин эмас” деган нормалар қатъий белгилаб қўйилган.**

Мамалакатимизда сўнгти йилларда қабул қилинган 2 та қонунни хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг хукуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасида олиб борилган энг катта ислоҳот ва бу тизимга яратилган хукуқий асос сифатида эътироф этиш мумкин.

**2019 йил 2 сентябрдаги “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг хукуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг ЎРҚ-562-сонли Қонуни хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг хукуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишга имкон берди.**

*(Маълумот учун: Ўзбекистон тарихида илк маротаба парламентда хотин-қизлар сони БМТ томонидан белгиланган тавсияларга мос даражага этиб, парламентдаги хотин-қизлар сони қарийб 32 фоизга етди ва дунёдаги 190 та парламент орасида 37-ўринга кўтарилди. Бошқарув лавозимидаги хотин-қизлар улуши 27 фоизга, партияларда 44 фоизга, олий таълимда 40 фоизга, тадбиркорликда 35 фоизга етди)*

**2019 йил 2 сентябрдаги “Хотин-қизларни тазийқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ти** Ўзбекистон Республикасининг ЎРҚ-561-сонли Қонуни қабул қилиниб хотин-қизларни тазийқ ва зўравонликнинг барча шаклларидан ҳимоя қилиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишга хукуқий асос бўлди.

Шунингдек, Тазийқ ва зўравонликдан жабрланувчининг хукуқлари, Хотин-қизларни тазийқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг, Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг, Ички ишлар органларининг, Мехнат органларининг, Таълимни давлат томонидан бошқариш органларининг, Давлат соғлиқни сақлаш тизимини бошқариш органларининг, Ўзбекистон Республикаси оила ва хотин-қизлар давлат қўмитасининг хотин-қизларни тазийқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш соҳасидаги ваколатлари аниқ белгиланди.

Фуқаролар ўзини-ўзи бошқариш органларининг, нодавлат нотижорат ташкилотларининг ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг хотин-қизларни тазийқ ва зўравонликдан ҳимоя қилишда иштирок этиши бўйича нормалар ўз аксини топди.

Ушбу Қонун билан 23-модда. Ҳимоя ордерини бериш ва унинг муддатини узайтириш шартлари мустаҳкамлаб қўйилди.

Бундан ташқари Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексининг 56-модда. Жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар сифатида ҳомиладорлиги айбордога аён бўлган аёлга нисбатан каби нормалар киритилган, V боб.

Жинсий эркинликка қарши жиноятлар 118-моддаси (Номусга тегиш), 121-моддаси (Аёлни жинсий алоқа қилишга мажбур этиш), 128-моддаси (Үн олти ёшга тўлмаган шахс билан жинсий алоқа қилиш), 1281-моддаси (Үн олти ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган шахс билан моддий қимматликлар бериш ёхуд мулкий манфаатдор этиш орқали жинсий алоқа қилиш), 129-моддаси (Үн олти ёшга тўлмаган шахсга нисбатан уятсиз-бузук ҳаракатлар қилиш), 130<sup>1</sup>-моддаси (Зўравонликни ёки шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотни тайёрлаш, олиб кириш, тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш) каби жиноятларга жавобгарликни белгиловчи нормалар акс этган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 189<sup>1</sup>-моддасида Зўравонликни ёки шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотни тайёрлаш, олиб кириш, тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш, 206<sup>1</sup>-моддасида тазийқ ўтказган ва (ёки) зўравонлик содир этган ёхуд уларни содир этишга мойил бўлган шахс томонидан ҳимоя ордери талабарини бажармаслик каби маъмурий ҳукуқбузарликларга жавобгарликни белгиловчи нормалар акс этган.

Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексида 80-моддасида (Ота-оналиқ ҳукуқидан маҳрум қилиш тартиби) Агар суд ота-оналиқ ҳукуқидан маҳрум қилиш ҳақидаги ишларни кўришда ота-она (улардан бири)нинг ҳаракатида жиноят аломатлари мавжудлигини аниqlаса, бу ҳақда прокурорга хабар бериши шартлиги акс этган.

Мазкур соҳада учраётган муаммолар, Жиноят кодексида атамаларнинг ҳукуқий маъноси “оила аъзолари” тушунчаси билан тўлдирилмаганилиги, 118, 119-моддаларига тегишли қўшимчалар киритиш орқали мазкур жиноятларни оила аъзоларига нисбатан содир этишни жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолати сифатида белгиланмаганилиги, аксарият ҳолларда номусга тегиш ёки жинсий эҳтиёжни зўрлик ишлатиб ғайритабиий усулда қондириш оила аъзоларига нисбатан содир этилиши ҳолатлари (ўгай қиз ва ота, эр ва қайнин сингиллар, жиянларга нисбатан) учраб турибди. Бундай қилмишлар мамлакатимизда асрлар давомида шаклланиб келган миллий қадриятларимизга мос равища қораланиб, ўзбек ҳалқи учун оила ва никоҳ муносабатларининг бузилишига олиб келади, шунингдек тиббий, диний ҳамда ижтимоий-маънавий қадриятларга таҳдидларни кучайтиради.

Қолаверса қонунчиликда оиласда зўравонлик яъни бир оила аъзоси томонидан бошқа оила аъзосига нисбатан қасдан содир этилган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик намоён бўлганда жавобгарлик нормалари аниқ белгиланмаган.

Инсоният тарихида ҳамма учун оғир келган **COVID-19** вирусини тарқалишини олдини олиш учун инсонлар ўртасида ўзини ўзи яккалаш принсиби орқали бу касалликни олдини олиш чоралари ишлаб чиқилди. Бу даврда ер юзидаги барча одамлар вақтинчалик ишсиз қолди ва ўз фаолиятларини чеклашга мажбур бўлишди. Статистик маълумотларга қараганда **карантин даврида** 3 млр.дан ортиқ аҳоли “ўзини яккалаш” тарзида ҳаёт кечирди.

Таъкидлаш жоизки, статистик маълумотларга кўра 82 тадан ортиқ давлатларда карантин жорий этилиши натижасида аксарият мамлакатларда



иқтисодий муаммолар юзага кела бошладики, бу ўз навбатида ахолининг ўрта ва қуий қатламига сезиларли даражада салбий таъсир кўрсатди, яъни кунлик даромад манбайнинг йўқолди ёки тушиб кетди, режалаштирилган лойиҳалар вақтинча қолдирилди, мавсумий ишлар орқали топиш мумкин бўлган даромаддан айрилди ва бошқа кўплаб иқтисодий муаммолар юзага келди.

Бунинг оқибатида оилаларда ҳам қалтис вазият юзага кела бошлади.

2020 йилнинг 1-чорагида оилавий зўравонлик ҳақида келиб тушган мурожаатлар ўтган йилнинг шу даврига нисбатан бир неча бараварга ошган.



**Хитойда  
оилавий зўравонлик  
ҳақида  
келиб тушган  
мурожаатлар  
3 бараварга ошган**



**Францияда  
оилавий зўравонлик  
ҳақида  
келиб тушган  
мурожаатлар  
30%га ошгани**



**Россияда ҳам  
оилавий зўравонлик  
ҳақида  
келиб тушган  
мурожаатлар ошган**



**Буюк Британияда  
оилавий зўравонлик  
ҳақида келиб тушган  
мурожаатлар  
4 баравар ошган**

Буюк Британияда “Counting Dead Women” лойиҳаси асосчиси И.Смитнинг таъкидлашича сўнгги икки ҳафтада оилавий зўравонлик оқибатида 8 нафар аёл вафот этган, яна 4 та ҳолат бўйича тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда, бу эса аввалги кўрсаткичларга нисбатан 4 баравар кўп хотин-қизлар ҳуқуқларига қанчалик эътибор қаратилган бўлишига қарамасдан, аёлларга нисбатан майший зўравонлик, тажовузкорлик, руҳий зўравонлик, иш ҳақларидаги номутаносибликлар каби муаммолар ҳали ҳам учраб келаётгани тўғрисида маълумот берилган. Ҳозирги кунда мамлакатимизда ҳам аёлларга қарши зўравонлик ва тайзиқ ҳолатларини олдини олиш, уларни аниқлаш, уларга чек қўйишнинг ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқиши бўйича қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Республикамизда оилавий зўравонликка қарши кураш ва уни олдини олиш мақсадида 2019 йил 3 сентябрдан “Хотин-қизларни тазиик ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида” Қонуни кучга кирди.

Мазкур Қонунга асосан ва хотин-қизларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатлари тайзиқ ва зўравонликдан ишончли ҳимоя қилинишини таъминлаш борасидаги ишлар самарадорлигини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 4 январдаги 3-сон қарори билан Тайзиқ ва зўравонликдан жабрланган хотин-қизларга ҳимоя ордерини бериш, ижросини таъминлаш ва мониторинг олиб бориш тўғрисида низом тасдиқланди. Низомга кўра жабр кўрган аёл ёки бу ҳақида хабардор бўлган



учинчи шахс (қўшни, қариндош ва бошқалар) яшаш ҳудудидаги ҳуқуқтарнибот органларига ариза билан мурожаат қиласди. Профилактика инспекторлари жабрдийданинг яшаш шароитини ўрганиб чиқиб, **24 соат муддатда** ордер бериш масаласи ҳал қилинади. Ҳимоя ордери ўттиз кун муддатгача берилади ва ушбу ордер расмийлаштирилган пайтдан эътиборан кучга киради. **30 кунлик муддат учун** бериладиган ҳужжат **3 нусхада**

бўлади, яъни аризачи, зўравонлик содир қилган шахс ва профилактика инспекторида сақланади. **30 кун муддатда** жабр кўрган аёлга зўравонлик содир қилган шахс томонидан яна тан жароҳати етказса, фуқарога нисбатан жиноят иши очилади. Хавф-хатар ҳали бартараф қилинмагани аниқланса, ҳимоя ордери муддати узайтирилиши мумкин. Бугунги кунда маълумотларга кўра, 197 та “Зўрлик ишлатишдан жабр кўрган шахсларни реабилитация қилиш ва мослаштириш ҳамда ўз жонига қасд қилишнинг олдини олиш Марказлари” ишламоқда.

Марказларга ўтган йили 22 минг 383 нафар хотин-қизлар мурожаат қилган. 7 минг 423 нафарига психологик ёдамлар кўрсатилган Шу жиҳатларни инобатга олган ҳолда, “**Ҳимоя ордери**” деган тушунчанинг кириб келиши, унинг амалиётга жорий этилганлиги хотин –қизлар ҳуқуқлари таъминланишини янги босқичга олиб чиқади, албатта. Бунинг учун нафақат хотин-қизларимиз орасида балки кенг жамоатчилик орасида “ҳимоя ордери” ва унинг қўлланилиши ҳақида тушунтириш ишларини олиб боришимиз лозим. Умуман олганда, қабул қилинган ушбу қонун ҳамда давлатимиз томонидан амалга оширилаётган бу каби тадбирлар жамиятда, турмушда, иш жойларида, таълим муассасаларида ҳамда бошқа жойларда хотин-қизларга бўлган хурматни ошириш, тайзиқ ва зўравонлик ҳолларининг олдини олишга, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга хизмат қиласди. Ушбу йўналишда дастлабки қадамлар қўйилди, аммо олдинда узоқ ва мashaқатли ишлар турибди. Бу курашда ҳар биримизнинг иштирокимиз муҳим. Биз биргаликдаги саъй-ҳаракатларимиз билан мамлакатимизнинг энг чекка ҳудудларида ҳам ҳар бир аёл ва қизнинг сифатли тиббий хизмат ва таълим олиши, муносиб иш билан таъминланиши, зарур ҳолларда, ижтимоий ҳимояланишига ишонаман. Энг муҳими, уларнинг ҳуқуқлари давлат томонидан кафолатланганлиги, ҳаётлари ҳавф остида эмаслигига ишончни шакллантиришдан иборат.”деб ўз нутқини якунлади.

### **8.3. Аёлларга нисбатан зўравонлик турлари ва унга қарши курашиб бўйича хорижий давлатлар тажрибаси.**

2021 йилнинг 15 апрелига қадар **Омбудсман** номига хотин-қизлар томонидан 20 га яқин жинсий ва жисмоний зўравонлик, руҳий тазиик ўтказиш билан боғлиқ ҳолатлар бўйича мурожаат келиб тушган. Уларнинг аксарияти Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларига тўғри келади.

Уларга нисбатан зўравонлик акс этган рақамлар аслида бундан ҳам кўп бўлиши мумкин. Бунга сабаб эса ўзбек аёлларининг андиша қилиб кўп ҳолда зўравонликларга кўз юмишидир», дейилади хабарда.

Ўтказилган сўровнома натижасига қаралса, унда иштирок этган аёлларнинг 42 фоизи ўзи ва фарзандларини боқа олмаслигидан қўрқиб зўравонликка чидаса, яна 38 фоизи бошқалар томонидан муҳокама (гап-сўз) бўлишдан қўрқиб зўравонликка кўз юмади.

Зўравонлик – тазиик ва таҳқирлашлар орқали шахс устидан назорат қилишидир. Яъни зўравонлик жабрланувчи ва унинг ҳаёти устидан назорат қилишни онгли равишда ўрнатишdir.

**Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра,** 15 ва 49 ёшидаги хотин-қизларнинг 25 фоизидан кўпроғи ҳаёти давомида жисмоний ёки жинсий зўравонликка дуч келишади. Ушбу зўравонликларнинг 33 фоизи Жануби-Шарқий Осиё худудига тўғри келмоқда. Бош прокуратура берган маълумотга кўра, Ўзбекистонда 2020 йилда номусга тегиш ҳолатлари 27,7 фоизга ошган.

Ўтган уч ой мобайнида хуқуқ-тартибот идораларига зўравонликка учраган аёллар томонидан 11 мингдан ортиқ мурожаат бўлган

ИИВ Хуқуқбузарликлар профилактикаси бош бошқармаси хабар беришича, 2021 йилнинг январь-март ойларида зўравонлик ҳолатлари қайд этилиши ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ортган<sup>91</sup>.

Ўтган уч ой давомида республикадаги хуқуқ-тартибот идораларига хотин-қизларга нисбатан зўравонлик ва тазиик ўтказиш ҳолатлари бўйича жами **11 070 та мурожаат** келиб тушган.

Ушбу мурожаатларнинг 2 772 таси 18-30 ёш оралиғидаги, 93 таси эса вояга етмаган шахслар томонидан бўлган. Содир этилган зўравонлик ҳолатларининг энг катта қисми - 9 973таси оиласда юз берган. Мурожаат қилган шахсларнинг 5 209 нафари руҳий, 3 813 нафари жисмоний, 166 нафари иқтисодий, 44 нафари жинсий зўравонлик ҳамда 1 838 нафари зулм ва тазиик ўтказишларга учраганини айтишган.



<sup>91</sup> Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЖХД Хуқуқбузарликлар профилактикаси хизматидан 2021 йил учун олинган маълумот

**Жисмоний зўравонлик билан боғлиқ мурожаатларнинг** энг кўпи, Қашқадарё (548та), Сирдарё (540та) ва Фарғона (412та) вилоятлари ҳиссасига тўғри келади.

**Руҳий зўравонлик бўйича мурожаатлар** Қорақалпоғистон Республикаси (959та), Қашқадарё (668та), Андижон (566та) вилоятига тўғри келмоқда.

**Иқтисодий зўравонлик бўйича мурожаатларда** Самарқанд вилояти энг етакчи ўринда – 100та. Тошкент ва Навоий (хар бирида 13тадан), Сурхондарё (12 та) вилоятлари кейинги ўринларни эгаллаган бўлса, Сирдарё, Жizzах, Фарғона вилоятларида бу турдаги зўравонлик ҳодисаси юз бермаган.

**Жинсий зўравонлик ҳодисалари ҳақидаги мурожаатлар** бўйича Тошкент шаҳри биринчи (10та), Навоий вилояти иккинчи (9та), Сурхондарё вилояти учинчи (6та) бўлишган. Шунингдек, жинсий зўравонлик фактлари Самарқанд, Сирдарё, Андижон вилоятларида 4тадан, Жizzах вилоятига – 3та, Қашқадарё вилоятига – 2та, Хоразм вилоятига – 1тадан рўйхатга олинган бўлса, Тошкент, Фарғона, Наманган вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида бундай ҳолатлар қайд этилмаган.



Зулм ва тазийқ ўтказиш ҳолатлари бўйича Фарғона вилоятига (587та), Наманган вилоятига (391та), Ҳоразм вилоятига (260та) ҳолат аниқланган.

Ички ишлар вазирлиги ҳамда Гендер тенгликни таъминлаш комиссияси томонидан 8 158та ҳолатда эри томонидан хотинига, 322таси қайнона томонидан келинига, 229таси келини томонидан қайнонасига тазийқ ўтказиш ҳолатлари бўйича, ҳамда қолган 2 361таси бошқаларга «Ҳимоя ордери» расмийлаштириб берилган.

Ўзбекистон БМТнинг «Хотин-қизлар хукуқлари камситилишининг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисида»ги Конвенциясига қўшилганига 26 йил бўлишига қарамай ҳамон аёллар хукуқларини топташ ҳолатлари

учрайди.

«Хотин-қизларни тазийк ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунда ҳам хотин-қизларни тазийк ва зўравонликдан ҳимоя қилиш давлат сиёсатининг асосий йўналиши қилиб белгиланган.

Ҳар бир хотин-қиз зўравонликсиз ҳаётда хавфсиз ва фаровон яшашга ҳақли. Унинг бу ҳуқуқларини поймол қилиш, тазийк ўтказиш қонун билан ҳимояланади.



Дунёning **60** та мамлакатида оила ва ички муносабатлар соҳасида зўравонликнинг олдини олиш тўғрисида қонунлар мавжуд эмас, оилавий зўрлаш дунёning **50** га яқин мамлакатларида **жиноят ҳисобланади** ва фақат **16** та мамлакатда мавжуд ҳуқуқий ва меъёрий ҳужжатлар мавжуд.

Ҳужжатларда жинсий тажовуз билан боғлиқ жиноятлар алоҳида таснифланиб, фақат учтасида (Америка Кўшма Штатлари, Швеция ва Бангладеш) аёлларга нисбатан зўравонлик ҳаракатлари алоҳида жиноятлар тоифасига ажратилган. Руминия, Боливия, Камерун, Коста-Рика, Перу, Уругвай, Венесуела, Ливан ва Эфиопияда зўравон жабрланувчига уйланишни таклиф қилса ва унинг розилигини олса, жазодан қочиши мумкин.

2006 йил май ойида **Грузияда** қабул қилинган “Аёлларга нисбатан зўравонликни бостириш ёки (ва) оиладаги зўравонлик, зўравонлик курбонларини ҳимоя қилиш ва уларга ёрдам бериш тўғрисида”ги қонун ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари ва биринчи инстансия судларига вақтинча ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида қарорлар чиқариш ҳуқуқини беради.

Агар айбдор ҳимоя чоралари тўғрисидаги қарорда кўрсатилган шартларни бузса, у жиноий жавобгарликка тортилади. Ҳимоя чоралари тўғрисидаги қарорни бузганлик учун жиноий жавобгарликнинг бошланиши тегишли чора ҳисобланади, чунки бу ҳолда шахс нафақат ижтимоий ётоқхона нормалари ва қонун нормаларини бузади, балки ушбу қарорни чиқарган давлат органига нисбатан аниқ ҳурматсизликни ҳам билдиради.

**Қирғизистон Республикасида** 2017 йилда “Оила зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида” ички зўравонликнинг олдини олиш учун чора-тадбирлар амалга оширишди, бироқ Қирғизистон халқларининг маданий анъаналарини бу жиноий санкциялар, мураккаб ҳаётий вазиятларни маъмурий ва фуқаролик ҳимоя воситалари, шунингдек бошқа ижтимоий усуслар билан ҳал қилишга ҳаракат қилганлиги кузатилган.

Ушбу қонун оиладаги зўравонликнинг олдини олиш учун субъектлар доирасини яъни оилани сақлашга қаратилган. Оилавий ва оилавий муносабатлар асосида зўравонлик ҳаракатларидан ҳимоя қилишнинг асосий шакли - бу оилавий зўравонлик курбонига давлат ҳимоясини таъминлайдиган ва оилавий зўравонлик содир этган шахсга қонун ҳужжатларида белгиланган таъсир чораларини қўллашга олиб келадиган ҳимоя буйруғини беришdir.

**Туркияда** 1998 йилда қабул қилинган оилани ҳимоя қилиш түғрисидаги қонун қабул қилинган бироқ, Туркия қонунчилиги факат расман турмуш қурган ва эри билан бирга яшайдиган аёлларни ҳимоя қилади.

Кўпгина инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ташкилотлари бир неча бор расмийларни эркаклар билан бошқа муносабатларда бўлган аёлларни, масалан, ажрашган аёлларни, шунингдек норасмий диний никоҳдаги аёлларни ҳимоя қилиши таъминлайдиган қонунчиликка ўзгартиришлар киритишга чақиришган, аммо Туркия ҳукумати бундай аёлларни ҳимоя қилиш учун етарли механизмларни яратмаган. Ижобий ҳодиса сифатида шуни таъкидлаш керакки, 2003 йилдан бери Туркия оилавий судларни яратиш жараёнида бўлиб, уларнинг вазифалари аёллар ва болалар учун адолат механизмларидан эркин фойдаланишини таъминлашни ўз ичига олади.

Мазкур судларнинг ваколатига оилавий-ҳуқуқий муносабатларда юзага келадиган масалаларни ҳал этиш киради.

Оила судлари шахсий ҳимоя, таълим ва бошқа ижтимоий масалалар, ҳам вояга етмаганлар, ҳам катталар билан боғлиқ ишларни, шу жумладан оилани молиявий ҳимоя қилиш масалаларини кўриб чиқиши керак. Ушбу судлар аҳолиси юз минг кишидан ошадиган барча шаҳарларда ташкил этилган.

**Германияда** 2002 йилда ички зўравонликдан ҳимоя қилиш түғрисидаги қонун қабул қилинган. Қонунга мувофиқ зўравонлик содир этган шахс уйни тарқ этади. Ички муносабатлар соҳасида зўравонлик бўлса, жабрланувчи зудлик билан хабардор қилиши керак бўлади.

Ушбу қонун тажовузкорни нафақат жиноят учун, балки унинг озодлиги жабрланувчининг соғлиғи ёки ҳаётига таҳдид соладиган ҳолатларда ҳам ҳибсга олишга имкон беради. Қонунга кўра, озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган ҳолларда оилавий зўравонлик содир этилганлиги учун қамоқда сақлаш муддати 6 ойдан 3 йилгача бўлиб, пул жарималари назарда тутилмаган.

**Россияда** оилавий зўравонлик билан боғлиқ барча ишларни кўриб чиқишини ўз ичига олган ихтисослашган оилавий судларни яратиш таклиф этилади: жиноий, маъмурий ва фуқаролик, шунингдек, оилавий зўравонлик содир этган шахсга муайян ҳаракатларни амалга оширишни тақиқловчи ҳимоя тартибини қўллаш ёки аксинча, ундан муайян ҳаракатларни бажаришни талаб қилиш. Мазкур судларнинг ташкил этилиши судяларнинг ваколати масаласини ҳал этишга, адолатли ва мувозанатли қарорлар қабул қилинишини таъминлашга хизмат қилади.

**Италияда** 1522 кўп тилли қўнғироқ маркази мавжуд. Қўшимча, камбағал, чет элликлар, шу жумладан, фуқаролик ва маъмурий судларда ҳимоя кафолатланади - жабрланувчи томонидан танланган адвокат тўлиқ давлат томонидан тўланади, шунингдек ишнинг ўтказиш билан боғлиқ барча ҳуқуқий харажатларини давлат ўз зиммасига олади.

Германия қонунларига кўра, оиладаги зўравонлик қурбонлари уч ой ичida ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларига хабар беришлари мумкин.

Агар ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари тўғридан – тўғри

жиноят жойига чақирилган бўлса, унда ариза ёзишнинг ҳожати йўқ - иш жабрланувчининг талабисиз бошланади. Шунингдек, жойида ҳукуқни муҳофаза қилувчи органлари алоқаларни тақиқлаш даври тайинлаши мумкин, бузилиши аллақачон жиноят ҳисбланади. Оиладаги зўравонликка қарши курашнинг айниқса самарали усули бу ҳукуқни муҳофаза қилиш органларининг оиладаги зўравонлик фактини ўз-ўзидан кўриб чиқиш тизимли йўлга қўлганлиги билан алоҳида ажralиб туради.

**Швецияда** оиладаги зўравонлик билан боғлиқ жиноятлар давлат айлови ҳолатлари сифатида ҳам таснифланади.

Ҳукуқни муҳофаза қилувчи органлари прокурор бошчилигидаги дастлабки терговни ўтказишга мажбурдир ва жабрланувчи ишнинг ривожланишига тўсқинлик қила олмайди (масалан, аризани қайтариб ололмайди). Дастлабки терговни бошлаш учун жамоат айлови жинояти содир этилган деб тахмин қилиш учун асос бўлиши керак. Яъни, терговни бошлаш учун жиноят аломатлари борлиги ҳақида маълумотга эга бўлиш



кифоя. Масалан, ишни бошлашнинг сабаби яқин кишидан олинган кўкаришлар, яралар ёки бошқа жароҳатлар бўлиши мумкин. Швеция ҳукуқни муҳофаза қилувчи органларисиз, шунингдек, жабрланувчининг ҳимояга муҳтожлигини тушуниш учун таҳдид ва хавф даражасини баҳолайди. Таҳдидлар даражасига қараб ҳукуқни муҳофаза қилувчи органлари ҳимоя қилиш учун маслаҳат ва турли техник воситаларни тақдим этиши мумкин.

Судга боргандан кейин оиладаги зўравонлик қурбонини ҳимоя қилишнинг ижобий тажрибаси мавжуд. Масалан, Францияда, агар иш материалларини текшириш ва иккала томоннинг қўрсатмалари пайтида оилавий судья зўравонлик содир бўлмоқда деб ҳисобласа, у ҳимоя буйругини беради (аёлга яқинлашишни тақиқлайди) ва вақтингчалик чораларни белгилайди: у болалар ким билан қолишини аниқлайди. Уй-жойдан фойдаланади ва қандай молиявий мажбуриятлар эркак зиммасига юкланишини белгилайди. **Франция қонунчилигига кўра**, маълум бир оила аъзосига нисбатан оиладаги зўравонлик оғирлаштирувчи ҳолат ҳисобланади ва содир этилган жиноятга қараб қамоқ муддатини жиддий равишда ошириши мумкин. Шундай қилиб, хотини ўлдирилганда, эр умрбод қамоқ жазосига ҳукм қилинади.

**Британияда** оиладаги зўравонлик қурбонлари ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларидан ҳимоя излаш имкониятига эга - улар бир қатор чоралар кўришлари мумкин. Масалан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари жиноятчини 48 соат давомида оилавий уйдан олиб кетиши мумкин. Шунингдек, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари жиноят судига ҳимоя буйруғи билан мурожаат қилиши мумкин, унинг ҳузурига у 28 кун давомида уйига қайтолмайди.

Зўравонлик қурбонлари, шунингдек, сусистеъмолчининг жабрланувчи билан алоқа қилиш қобилиятини чеклаш тўғрисида илтимос билан фуқаролик судига мурожаат қилишлари мумкин.

Тўйдан олдин ёки биргаликда яшаш бошланишидан олдин турмуш қурган ҳаёт хавфсизлигини таъминлаш учун британияликлар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларига мурожаат қилишлари ва келажакдаги шерикларини оиладаги зўравонлик ҳолатларини текширишлари мумкин. Аммо ишончли маълумотлар фақат ўтмишдаги зўравонлик ҳолатлари ҳақида хабар берилган ва улар ҳуқуқбузарликларнинг умумий реестрига киритилган тақдирдагина мавжуд бўлади.

**Аёлларга нисбатан зўравонлик турлари ва унга қарши қурашиш бўйича ўзбекистон тажрибаси ва миллий қонунчилик**

Ўзбекистон Республикасида хотин-қизларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, қонуний манфаатлари Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган.

2019 йил 2 сентябрда “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинди. Қонунда “жинс бўйича бевосита камситиш” ва “жинс бўйича билвосита камситиш” тушунчаларига таъриф берилди, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда уларнинг лойиҳаларини мажбурий ҳуқуқий экспертизаси, гендер статистикаси юритилиши жорий этилди. Олий Мажлис Сенати раиси раҳбарлигига Гендер тенглигини таъминлаш масалалари бўйича Комиссия тузилди. Парламентнинг юқори палатасида Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари Кўмитаси, кўйи палатасида Оила ва аёллар масалалари Комиссияси фаолияти йўлга қўйилди. 2030 йилгача бўлган даврда Барқарор ривожланиш соҳасидаги Миллий мақсад ва вазифаларнинг ижросини назорат

қилиш бўйича Парламент комиссиясининг тизимли фаолияти ташкил этилди, БРМнинг бешинчи мақсади гендер тенглигига эришиш масаласига бағищланган. Олий Мажлис Сенати раиси бошчилигида Республика хотин-қизлар жамоатчилик Кенгаши тузилиб, унинг асосий вазифаларидан бири хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш билан бир қаторда Конвенсия ва Пекин ҳаракатлар платформасининг қоидаларини амалга ошириш масалаларини мувофиқлаштиришдан иборатdir.

2022 йил Ўзбекистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси ва унинг ҳудудий бўлинмалари ташкил этилди ва унинг устувор йўналишларидан бири хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, гендер тенглигини таъминлашдан иборатdir. Хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг оиласиий ва хусусий тадбиркорлик, ҳунармандчиликни ташкил этишда фаол иштирок этиши, бугунги кунда меҳнат бозорида талаб қилинадиган касблар бўйича билим ва қўникмаларни эгаллашига кўмаклашиш мақсадида хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли Жамғармаси ташкил этилди. Хотин-қизларнинг муаммоларини тизимли ҳал этиш ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича Республика комиссияси тузилиб, унинг асосий вазифаси ҳудудларда хотин-қизларнинг муаммоларини ўрганиш, тизимли ҳал этиш, қашшоқликни камайтириш ва аҳоли фаровонлигини ошириш бўйича ишларни ташкил этишдан иборатdir.

2019 йил 25 июнда Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодекси қабул қилинди. Унда фуқаролар жинси, ирқий ва миллий келиб чиқиши, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеи, маълумоти, жинси ва машғулот хусусиятидан қатъи назар, тенг сайлов ҳукуқига эга бўлиш мустаҳкамланган. **Аёлларни зўравонлиқдан ҳимоя қилиш соҳасида:** 2019 йил 2 сентябрда «Хотин-қизларни тазиик ва зўравонлиқдан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонун қабул қилинди, у аёлларни уйда, иш жойида, таълим муассасаларида зўравонлиқдан ҳимоя қилиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солади. Қонунда бир қатор тушунчалар, «жинсий зўравонлик», «жисмоний зўравонлик», «иқтисодий зўравонлик», «рухий зўравонлик» «зўравонлик», «тазиик» каби тушунчаларга кенг таъриф берилган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 19 майдаги «Зўрлик ишлатишдан жабр кўрган хотин-қизларни реабилитатсия қилишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-5116 сонли қарори билан 1 нафар аёлни реабилитатсия қилиш ва мослаштириш бўйича Республика маркази, 14 та ҳудудий марказлар ва 14 та намунали туманлараро марказлари ҳамда зўравонлик қурбонлари мурожаат қилиши мумкин бўлган 1146 қисқа рақамли «Call-senter» ташкил этилди. Тазиик ва зўравонлиқдан жабрланган хотин-қизларга ҳимоя ордерини бериш, тазиик ва зўравонлик содир этган шахсларни тузатиш дастурлари тўғрисида Низом тасдиқланди. Ички ишлар вазирлиги томонидан ҳукуқий ва ижтимоий ёрдамга муҳтоҷ хотин-қизлар билан ишлаш бўйича 360 нафар инспекторлар штат бирлиги жорий этилди. **Оналар саломатлиги соҳасида:** Оналар ва болалар саломатлигини ҳар томонлама мустаҳкамлашни таъминлаш, соғлом авлод туғилиши ва тарбияси

учун зарур шарт-шароитларни яратиш мақсадида 2017 йил 25 декабря Үзбекистон Республикаси Президентининг "Болаларда туғма ва ирсий касалликларни эрта аниқлаш бўйича 2018-2022 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида" ги қарори қабул қилинди.

Мазкур Қарорда, ҳомиладор аёллар ва янги туғилган чақалоқларда патологияни эрта аниқлаш бўйича давлат тизимини янада ривожлантириш, болаларда ногиронликни камайтиришга доир вазифалар белгиланган. 2019 йил 11 марта "Фуқароларнинг репродуктив саломатлиги тўғрисида"ти қонун қабул қилинди. Қонун билан аёллар ва эркакларга репродуктив хуқуқларини амалга оширишда teng хуқуқ ва имкониятлар, фарзандларининг туғилиши билан боғлиқ мустақил қарорлар қабул қилиш хуқуқи белгиланди, хавфсиз ва самарали технологиялардан фойдаланиш кафолатланди.

2019 йил 23 октябрда "Она сути билан озиқлантиришни қўллаб-кувватлаш ҳамда гўдаклар ва кичик ёшдаги болалар озиқ-овқат маҳсулотларига доир талаблар тўғрисида"ти Үзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинди. Қонунда кўкрак сути билан боқиши қўллаб-кувватлаш, гўдаклар ва ёш болаларнинг овқатланишини таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари, давлат органларининг ваколатлари белгиланди. Аёлларнинг меҳнат ва бандлик соҳасидаги хуқуқларини таъминлаш соҳасида: Үзбекистон Республикаси Меҳнат кодексига ўзгартиришларга мувофиқ хотин-қизларни айрим соҳалар ёки касбларга жалб қилиш тақиқлари бекор қилинди, шунингдек, аёллар соғлиғига салбий таъсир кўрсатадиган соҳалар ёки касбларнинг тавсия этиладиган янги рўйҳати тасдиқланди.



Аёллар 60 ёшга тўлгунга қадар пенсия ёшига етган ёки қонун бўйича кекса ёшдаги пенсия олиш хуқуқини яратганлиги сабабли номаълум муддатга тузилган меҳнат шартномасини, шунингдек, муддати тугагунга қадар муддатли меҳнат шартномасини бекор қилиш тақиқланади. Аёллар ва оиласарни қўллаб-кувватлаш жамоат фонди маблағлари ҳисобидан бизнес-

инкубатор шаклида "Аёллар тадбиркорлик марказлари" ташкил этилди, уларнинг асосий вазифалари туғруқ таътилида бўлган ва оғир иқтисодий вазиятга тушиб қолган аёлларни тадбиркорлик фаолиятига қайта тайёрлашдан иборат. Махсус ўқув дастурини муваффақиятли ўзлаштирган аёллар учун Жамғарма ва халқаро ташкилотларнинг маблағлари ҳисобига тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун камида 3 йил, 6 ойлик имтиёзли давр ва йиллик 8 фоиз ставкаси билан имтиёзли кредитлар берилади.

## **Аёлларга нисбатан зўравонлик турлари ва унга қарши курашиш бўйича таклифлар.**

1. Таълим соҳасида рецидивистик ҳаракатларнинг олдини олиш учун зўрловчилар ўтиши керак бўлган мажбурий психотерапия концепциясини ишлаб чиқиш.

2. Аёлларга нисбатан зўравонлик ҳолатларини текшириш учун хуқуқни муҳофаза қилувчи органлари ходимлари учун тренинглар ўтказиши. Ушбу тренинглар қурбонлар билан инсон хуқуқлари бўйича халқаро стандартларга мувофиқ ишлашни ўргатиши керак, шунда терговлар жабрланувчига янада катта шикаст етказмайди ва хуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ишларни муддатидан олдин ёпмайди.

3. Болаларга шаъни ва қадр-қиммати дахлсизлигининг асосий хуқуқлари ўргатиладиган биринчи синфдан бошлаб мактабларда инсон хуқуқлари бўйича мажбурий фан ёки мажбурий соатлар жорий этиши.

4. Оммавий ахборот воситаларида зўравонлик, шу жумладан жабрланувчининг тилини тан олиш (жавобгарликни жабрланувчига топшириш) мавзусида материалларни нашр этиш этикасини ўргатиш мақсадида журналистлар учун тренинглар ва семинарлар ўтказиши.

5. Хукуқбузарларни жазолаш тўғрисидаги ишларни трансляция қилиш, янги фильмлар яратиш ва мавжуд фильмлар, ижтимоий видеолар, подкастларни телевизорда, ижтимоий тармоқларда жинсга асосланган зўравонликнинг олдини олиш бўйича трансляция қилиш.

6. Мамлакатда бошпаналар сонини кўпайтириш ва яъни аёл зўравонликка учраганда сақланадиган жой. Бу борада Корзинкаларида йирик савдо дўйонлари билан келишувлар ўтказиб зўравонликка учраган аёлни ҳимояялаб ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларига хабар бериш тизимини жорий қилиш.

7. Меҳнат жамоалари ходимлари ўртасида зўравонликка қарши курашиш борасида иш ва мотивацияни баҳолаш тизимини жорий этиши ва хотин-қизлар учун зўравонлик қурбонининг ҳуқуқлари ва уларни ҳимоя қилиш имкониятлари тўғрисида маълумотни ўз ичига олган маъсус маълумот карталарини ишлаб чиқиш ва у ёрдам сўраши мумкин бўлган алоқа телефон рақамларини кўрсатиш.

## Х У Л О С А

Жамиятда тинчлик ва осойишталикни таъминлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига сўзсиз риоя этилишини, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан янада ривожлантириш, аҳоли фаровонлигини юксалтириш, аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш, халқ фаровонлиги учун хизмат қилиш, Янги Ўзбекистон давлатини қуриш бўйича амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлардан қўзланган мақсадларга эришиш бугунги кундаги энг муҳим талаблардан бири ҳисобланади.

Хусусан, жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳукуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашишнинг яхлит тизимини

шакллантириш, ички ишлар органларининг энг қуий бўғинидан республика даражасигача самарали фаолиятини йўлга қўйиш ва замонавий иш услубларини жорий этиш орқали мамлакатимизда ҳукуқ-тартибот ҳамда қонунийликни мустаҳкамлаш, аҳолининг тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 марта “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6196-сон Фармони қабул қилинганлиги жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва ҳукуқбузарликларнинг олдини олиш ҳамда жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада самарали ташкил этиш имконини кенгайтириш имкониятлари ёритилган.

Мазкур меъёрий-ҳукуқий хужжатлар талаблари асосида профилактик тадбирларни амалга оширишда аҳоли, фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан яқин ҳамкорликда ташкил этиш, жамиятда ҳукуқий маданиятни юксалтириш, фуқароларга қонунга хурмат ҳамда ҳукуқбузарликларни аниқлаш ва уларнинг содир этилиш сабаблари ҳамда уларга имкон берувчи шарт-шароитларни маҳаллаларда бартараф этиш, хотин-қизларга нисбатан тазийк ва зўравонликнинг турли кўринишларини барвақт олдини олиш ва чек қўйиш бўйича маҳсус профилактик чора-тадбирларни амалга ошириш механизми яратилган.

Дарслик маҳалла ҳукуқ-тартибот маскани ва таянч пункти ходимлари ва хотин-қизлар билан ишлаш катта инспекторлари томонидан нотинч оиласлар, илгари судланганлар, спиртли ичимлик ва гиёхвандликка ружу қўйган, иш билан банд бўлмаган, майший турмуш тарзини мунтазам бузувчи ва зўравонлик билан боғлиқ ҳукуқбузарлик содир этувчи шахслар билан маҳалла, кенг жамоатчилик, соғлиқни саклаш, бандликка кўмаклашиш бўйлимлари, Республика оила маркази билан ҳамкорликда ҳукуқбузарликларнинг келиб чиқиши сабаблари, уларга имконият бераётган омилларни аниқлашнинг илмий таҳлили ва ҳар бир муаммони маҳалла ҳамда шахс кесимида ҳал этиш билан боғлиқ профилактик чора-тадбирларни амалга ошириш тартиблари баён этилган.



Ички ишлар вазирлигининг фармойиши талаблари асосида республикамиздаги хизмат олиб бораётган барча хотин-қизлар масалалари бўйича катта инспекторлари ўқитилди ва алоҳида сертификатлар берилди ва тажрибалари оширилди.

Шунингдек, майший турмуш доирасидаги ҳукуқбузарликларни хужжатлашириш ва суд идораларига юбориш амалиёти билан боғлиқ тартиби, маҳалла тизимида турли оиласлар муносабатларни “фуқаробай” ўрганишни янада такомиллашириш ва миллий урф-одатлар негизидан келиб

чиқиб, кенг жамоатчилик, имом-хатиблар, отинойилар ва психологлар ҳамда бошқа соҳа мутахассислари билан ҳамкорликда сектор ва маҳалла кесимида амалга оширилиши лозим бўлган профилактик тадбирлар келтирилган.

## **Глоссарий**

**Жинсий зўравонлик** — хотин-қизларга нисбатан уларнинг розилигисиз шаҳвоний хусусиятга эга ҳаракатларни содир этиш орқали жинсий дахлсизликка ва жинсий эркинликка тажовуз қиласиган зўравонлик шакли, шунингдек зўрлик ишлатиш ёки зўрлик ишлатиш билан таҳдид қилиш ёхуд аёл жинсидаги вояга етмаган шахсларга нисбатан ахлоқсиз ҳаракатлар содир этиш орқали учинчи шахс билан жинсий алоқа қилишга мажбураш;

**Жисмоний зўравонлик** — хотин-қизларга нисбатан оғирлиги турли даражада бўлган тан жароҳатлари етказиш, хавф остида қолдириш, ҳаёти хавф остида қолган шахсга ёрдам кўрсатмаслик, зўравонлик хусусиятига эга бошқа ҳукуқбузарликлар содир этиш, жисмоний таъсир ўтказиш ёки бундай таъсир ўтказишнинг ўзга чораларини қўллаш билан таҳдид қилиш орқали хотин-қизларнинг ҳаёти, соғлиғи, эркинлиги ҳамда қонун билан ҳимоя қилинадиган бошқа ҳукуқлари ва эркинликларига тажовуз қиласиган зўравонлик шакли;

**Зўравонлик** — хотин-қизларга нисбатан жисмоний, руҳий, жинсий ёки иқтисодий таъсир ўтказиш ёки бундай таъсир ўтказиш чораларини қўллаш билан таҳдид қилиш орқали уларнинг ҳаёти, соғлиғи, жинсий дахлсизлиги, шаъни, қадр-қиммати ва қонун билан ҳимоя қилинадиган бошқа ҳукуқлари ҳамда эркинликларига тажовуз қиласиган ғайриҳуқуқий ҳаракат (ҳаракатсизлик);

**Иқтисодий зўравонлик** — хотин-қизларга нисбатан турмушда, иш жойларида ва бошқа жойларда амалга оширилган зўравонлик шакли, хотин-қизларнинг нормал яшаш ва камол топиш учун озиқ-овқат, уй-жой ҳамда бошқа зарур шарт-шароитлар билан таъминланишга бўлган ҳукуқини, мулк ҳукуқини, таълим олиш ҳамда меҳнатга оид ҳукуқини амалга оширишни чеклашга олиб келадиган ҳаракат (ҳаракатсизлик);

**Иш жойи** — ўзи билан тузилган шартномага мувофиқ меҳнат мажбуриятларини амалга ошириш ёки хизмат вазифаларини бажариш учун бўлиши ёки бориши лозим бўлган, иш берувчи томонидан бевосита ёки билвосита назорат қилинадиган жой;

**Руҳий зўравонлик** — хотин-қизларни ҳақоратлаш, уларга тухмат қилиш, таҳдид қилиш, уларнинг шаънини, қадр-қимматини камситиш, шунингдек уларнинг хоҳиш-иродасини чеклашга қаратилган бошқа ҳаракатларда ифодаланадиган зўравонлик шакли, шу жумладан репродуктив соҳада назорат қилиш, тазийк ва зўравонликдан жабрланувчидан ўз ҳавфсизлиги учун хавотир уйғотган, ўзини ҳимоя қила олмасликка олиб

келган ёки рухий соғлиғига зарап етказған ҳаракат (ҳаракатсизлик);

**Тазиқ** — содир этилғанлиғи учун маъмурий ёки жиноий жавобгарлик назарда тутилмаган, хотин-қизларнинг шаъни ва қадр-қимматини камситадиган ҳаракат (ҳаракатсизлик), шилқимлик;

**Тазиқ ва зўравонликдан жабрланувчи** — ўзига нисбатан тазиқ ва зўравонлик содир этилиши таҳди迪 остида бўлган ёки тазиқ ва зўравонлик натижасида жабрланган аёл жинсидаги шахс;

**Тазиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш** — хотин-қизларнинг ҳаёти, соғлиғи учун пайдо бўлган хавфни бартараф этиш, тезкор чора-тадбирларни талаб қиласидиган ҳаётий вазиятлар юз берганда хотин-қизларнинг хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек жабрланувчига нисбатан тазиқ ўтказған ва зўравонлик содир этган шахснинг такроран ғайриқонуний хатти-ҳаракатларига йўл қўймаслик мақсадидаги иқтисодий, ижтимоий, хуқуқий, ташкилий, психологик ва бошқа тусдаги кечикириб бўлмайдиган тадбирлар тизими;

**Тазиқ ва зўравонликнинг олдини олиш** — хотин-қизларга нисбатан тазиқ ва зўравонлик содир этишга олиб келадиган сабаблар ҳамда шарт-шароитларни аниқлаш ва бартараф этишга, жамиятда хотин-қизларнинг зўравонликдан холи бўлиш хуқуқларидан хабардорлигини оширишга қаратилган иқтисодий, ижтимоий, хуқуқий, тиббий ва бошқа чора-тадбирлар тизими;

**Ҳимоя ордери** — тазиқ ва зўравонликдан жабрланувчига давлат ҳимоясини тақдим этувчи, хотин-қизларга тазиқ ўтказаётган ёки уларга нисбатан зўравонлик содир этган шахсга ёхуд бир гуруҳ шахсларга нисбатан ушбу Қонунда белгиланган таъсир кўрсатиш чоралари қўлланилишига сабаб бўладиган ҳужжат.

---

## **АСОСИЙ АДАБИЁТЛАР:**

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:**

#### **I. Раҳбарий адабиётлар:**

1.1. *Мирзиёев Ш.М.* Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Т., 2017. – 488 б.

1.2. *Мирзиёев Ш.М.* Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. – Т., 2017. – 104 б.

1.3. *Мирзиёев Ш.М.* Ватанимиз тақдири ва келажаги йўлида янада ҳамжиҳат бўлиб, қатъият билан ҳаракат қиласи. // Халқ сўзи. – Т., 2017 йил. 16 июнь.

1.4. *Мирзиёев Ш.М.* Тартиб-интизом ва масъулиятни кучайтириш, жиноятчиликнинг олдини олиш муҳитини мустаҳкамлаш – ҳуқуқбузарлик профилактикаси самарадорлигининг асосий омилидир. // Халқ сўзи. 2017 йил 16 ноябрь.

#### **II. Қонун ва қонуности ҳужжатлар:**

2.1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т. Ўзбекистон, 2021.

2.2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. – Т., 2021.

2.3. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси. – Т., 2021

2.4. Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси. – Т. 2021

2.5. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. – Т., 2021.

2.6. Хотин-қизларга нисбатан зўравонликка барҳам бериш тўғрисидаги Декларация БМТ Бош Ассамблеясининг Резолюцияси билан 1994 йил 23 февралда қабул қилинган.

2.7. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси.

2.8. 1984 йил 10 декабрдаги “Кийноқ ҳамда муомала ва жазолашнинг қаттиқ шафқатсиз, инсонийликка зид ёки қадр-қимматни камситувчи турларига қарши Конвенция” 1-модда, 1-қисм (Ўзбекистон Республикаси ушбу Конвенцияга 1995 йил 31 декабрда қўшилган).

2.9. Ўзбекистон Республикасининг «Наркологик касалликлар профилактикаси ва уларни даволаш тўғрисида»ги 2020 йил 27 октябрь, ЎРҚ-644-сон Қонуни.

2.10. Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» 2017 йил 11 сентябрдаги қонуни // URL: <http://www.lex.uz>.

2.11. Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги 2014 йил 14 майдаги қонуни // URL:

2.12. Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЖХД Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизматидан олинган 2019-2020 йилги статистик маълумотлар.

2.13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартағи ПФ-6196-сон “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони тасдиқланиб, унда Ички ишлар органларининг таянч пунктлари негизида маҳалла ҳуқуқтартибот масканлари босқичма-босқич ташкил этилиши белгиланди.

2.14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2 апрелдаги ПҚ-5050-сон “Ички ишлар органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори тасдиқланди.

2.15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 15 апрелдаги “Ички ишлар органлари учун профессионал кадрларни тайёрлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5076-сон қарори.

2.16. Ўзбекистон Республикасининг хотин-қизларни тазиик ва зўравонлиқдан ҳимоя қилиш тўғрисида 2019 йил 2 сентябрь, ЎРҚ-561-сонли қонуни.

2.17. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 сентябрь Ўзбекистон Республикасининг “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги ЎРҚ-562-сон қонуни.

2.18. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Хотин-қизларни тазиик ва зўравонлиқдан ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида 2020 йил 4 январдаги 3-сон қарори.

2.19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 ноябрдаги ПФ-27-сон Фармони.

2.20. “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси” дарслиги Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси бошлиғи, генерал-лейтенант Б.А. Матлюбов 2020 йилдаги дарслик.

2.21. Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2017 йил 12 июнданаги «Ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлим ва бўлинмалар фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги 151-сонли буйруғи.

2.22. Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2017 йил 25 августдаги «Ички ишлар органлари томонидан ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги 191-сонли буйруғи.

2.23. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг 2019 йил 11 июлдаги “Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги 181-сонли буйруғи.

2.24. Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2020 йил 3 февралдаги «Ички ишлар органлари томонидан тазийк ва (ёки) зўравонликдан жабрланган хотин-қизларга бериладиган ҳимоя ордерларини қайд этиш ҳамда ахборот алмасиш борасида иш юритиш тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги

51-сонли буйруғи.

2.25. Бошқа журналлар ва норматив ҳуқуқий хужжатлар ўрганилди.

### **Қўшимча адабиётлар:**

1. Ички ишлар идораларида бошқарувни ташкил этиш: Маъruzalар курси / И.У.Исмоилов, Д.С.Мухамадалиев, Ж.С.Мухторов, Б.А.Сайдов ва бошқ. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2013. – 259 б.

2. Ички ишлар органларида мурожаатлар ва ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги хабарларни қабул қилиш, қайд этиш ва ҳал этиш тартиби: Ўқувамалий қўлланма / Ш.Т.Икрамов, М.З.Зиёдуллаев, И.А.Соттиев. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015. – 70 б.

### **Электрон таълим ресурслари:**

<http://mvd.uz> (Ўзбекистон Республикаси ИИВ)

<http://akadmvd.uz> (Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси)

<http://lex.uz> (Ўзбекистон Республикаси Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси)

<http://www.tsil.uz> (Тошкент давлат юридик университети)

<http://www.connect.uz> (Ўзбекистон умумтаълим портали)

## МУНДАРИЖА

<b>Кириш.....</b>	<b>3</b>
<b>I-боб. Тазийқ ва зўравонлиқдан жабрланган хотин-қизлар билан манзилли ишларни ташкил этишнинг назарий ва ҳуқуқий асослари</b>	
<b>1.1.</b> Профилактика инспекторларининг фуқароларни тазийқ ва зўравонлиқдан ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асослари.....	6
<b>1.2.</b> Тазийқ ва зўравонлиқдан жабрланган хотин-қизлар тоифалари ...	18
<b>1.3.</b> Тазийқ ва зўравонлиқдан жабрланган хотин-қизлар билан манзилли ишларни ташкил этиш фаолияти.....	25
<b>1.4.</b> Маиший турмуш соҳасида зўравонлик билан боғлиқ ҳолда содир этиладиган ҳуқуқбузарликлар профилактикасини ташкил этиш тартиби.....	31
<b>II-боб. Оилавий зўравонлиқка қарши курашиш тартиби ва уни келиб чиқиши сабаблари ва уларни олдини олиш фаолияти.</b>	
<b>2.1.</b> Оилавий зўравонлик тушунчаси, унинг келиб чиқиши сабаблари...	37
<b>2.2.</b> Зўравонлиқка қарши кураш ва ундан ҳимоя қилиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш фаолияти.....	43
<b>2.3.</b> Оилавий зўравонлиқни олдини олишда Ички ишлар органлари хамда ўзини-ўзини бошқариш органлари томонидан ҳамкорликда амалга оширилаётган чора-тадбирлар.....	50
<b>III-боб. Профилактика инспекторининг тазийқ ва зўравонлиқдан жабрланган шахсларга ҳимоя ордерини бериш ва унинг ижросини таъминлаш фаолияти</b>	
<b>3.1.</b> Профилактика инспекторининг тазийқ ва зўравонлиқдан жабрланган шахсларга ҳимоя ордерини бериш фаолияти .....	55
<b>3.2.</b> Профилактика инспекторининг ҳимоя ордерида назарда тутилган чекловларнинг ижросини таъминлаш фаолияти.....	57
<b>IV-боб Хотин-қизларнинг ўз жонига қасд қилиш ва ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказишнинг олдини олиш ва улар орасида соғлом турмуш тарзини тадбиқ этиш профилактикасини ташкил этиш</b>	
<b>4.1.</b> Хотин-қизларни ўз жонига қасд қилиш ва ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказишнинг сабаблари ва унга имкон берган шарот-шароитлар таҳлили.....	62
<b>4.2.</b> Хотин-қизларнинг ўз жонига қасд қилиш ва ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказишни олдини олишда ҳамкорлик қулувчи субъектлар.....	75
<b>4.3.</b> Хотин-қизлар ўртасида «Соғлом турмуш тарзини кенг ёритиш ва оммавий спортни янада ривожлантириш тартиби.....	78
<b>V-боб. Ички ишлар органларининг тазийқ ва зўравонлиқнинг</b>	

<b>умумий ва махсус профилактикасини ташкил этиш фаолияти</b>	
<b>5.1.</b> Ички ишлар органларининг тазийқ ва зўравонликнинг умумий профилактикасини ташкил этиш фаолияти.....	82
<b>5.2.</b> Ички ишлар органларининг тазийқ ва зўравонликнинг махсус профилактикасини ташкил этиш фаолияти.....	86
<b>5.3.</b> Ички ишлар органларининг тазийқ ва зўравонликнинг якка тартибдаги профилактик чора-тадбирлари .....	88
<b>5.4.</b> Ички ишлар органларининг тазийқ ва зўравонликнинг виктимологик профилактик чора-тадбирлари.....	93
 <b>VI-боб. Ички ишлар органларининг тазийқ ва зўравонликнинг профилактикасида жамоат тузилмалари билан ҳамкорликни ташкил этиши</b>	
<b>6.1.</b> Ички ишлар органларининг тазийқ ва зўравонликнинг профилактикасида жамоат тузилмалари билан ҳамкорлигининг аҳамияти.....	96
<b>6.2.</b> Ички ишлар органларининг тазийқ ва зўравонликнинг профилактикасида жамоат тузилмалари билан ҳамкорликни ташкил этиш фаолияти .....	99
 <b>VII-бобо. Оиладаги зўравонлик ва унинг келиб чиқиш сабаблари.</b>	
<b>7.1.</b> Оилавий зўравонлик тушунчаси, унинг келиб чиқиш сабаблари..	106
<b>7.2.</b> Зўравонликка қарши кураш ва ундан ҳимоя қилиш билан боғлиқ норматив ҳуқуқий хужжатлар.....	112
<b>7.3.</b> Ички ишлар органларининг майший турмуш соҳасида зўравонлик билан боғлиқ ҳолда содир этиладиган ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича ҳамкорлиги.....	114
 <b>XIII-БОБ. Хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари</b>	
<b>8.1.</b> Хотин-қизлар ҳуқуқларнини ҳимоя қилиш бўйича халқаро ҳуқуқ нормалари.....	123
<b>8.2.</b> Миллий қонунчилигимизда белгиланган хотин-қизларнинг ҳуқуқий кафолатлари.....	127
<b>8.3.</b> Аёлларга нисбатан зўравонлик турлари ва унга қарши курашиш бўйича хорижий давлатлар тажрибаси.....	133
 Хулоса.....	141
 <b>Глоссарий.....</b>	<b>143</b>
 Фойдаланилган адабиётлар.....	145

ИИВ Малака ошириш институт Махсус касбий фанлар кафедраси бошлиғи с.ф.д., доцент Хатамов Фарход Фахриддинович ва катта ўқитиувчи Кенжав Жасур Омон ўғли;  
Оила ва хотин-қизлар қўмитаси филология фанлари доктори Боймирзаева Соадат Тўлқиновна;  
ИИВ Малака ошириш институт Юридик кафедраси доценти ю.ф.н. Хусан Абдусаломович Тураббаев  
ИИВ Малака ошириш институт Махсус касбий фанлар кафедраси катта ўқитувчилари Гозибеков Тўлқин Ҳабибуллаевич ва Ачилов Муртаза Хатамович;  
ИИВ Малака ошириш институт Махсус касбий фанлар кафедраси катта ўқитувчиси Ахмедов Ислом Баҳтиёр ўғли ва Хасилов Хайрулла Ҳабибуллаевич;  
ИИВ Малака ошириш институт Махсус касбий фанлар кафедраси катта ўқитувчиси Юлдашев Құдрат Абдувахатович  
ИИВ Малака ошириш институт катта ўқитувчиси Алиева Зухра Маматқуловна;  
ИИВ Тибиёт бошқармаси ходими Ҳабибуллаева Манзура Тўлқин Қизи  
ИИВ Малака ошириш институт Махсус касбий фанлар кафедраси катта ўқитувчиси Хидиров Фурқат Шукуруллаевич  
ИИВ Малака ошириш институт Юридик фанлари кафедраси катта ўқитувчиси Субанов Олимжон Суяркул ўғли.

**ТАЗИЙҚ ВА ЗЎРАВОНЛИКДАН ЖАБРЛАНГАН ХОТИН-ҚИЗЛАР  
БИЛАН ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИНИ АМАЛГА  
ОШИРИШ ФАОЛИЯТИ НОМЛИ**

**ДАРСЛИК**

Мұхаррір Ф.Б.Матяқубова

---

Босишга рухсат этилди \_\_\_\_\_ 2023 й. Нашриёт-ҳисоб табағи 7,4.

---

Адади \_\_\_\_\_ нусха. Буюртма № \_\_\_\_\_. Баҳоси шартнома асосида

---

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака Ошириш институти,  
100077. Тошкент шаҳар Ҳусайн Байқаро кўчаси, 27а-уй.